


ОРИФ ФАРМОН

**ДЕТЕКТИВ
РОМАН**



**АДВОКАЛАР
ФОШ ҚИЛАДИ**

Ориф ФАРМОН

АДВОКАТЛАР ФОШ ҚИЛАДИ

(детектив роман)



ТОШКЕНТ – 2013

УДК: 821.512.133-312.4

КБК: 84(5У)6

Ф24

Ф25

Ўзбек ас-ти

Фармон, Ориф

Адвокатлар фош қилади : (детектив роман) /
-Т.: DIZAYN-PRESS, 2013. - 320 б.

УДК: 821.512.133-3

КБК: 84(5У)6

"Адвокатлар фош қилади" детектив романининг ҳар бир боби тугалланган алоҳида воқеадан иборат. Уларда турли нопок кимсалар ҳаром, қинғир йўллар билан оч нафсини қондириш учун нималарга қўл уришдан тап тортмаслиги мумкинлиги тасвирланади. Асар қаҳрамонлари — уч адвокат эса ўз касбининг усталари бўлганликлари туфайли уларни фош эта оладилар. Шубҳа, туҳмат остида қолган беғуноҳ одамлар оқланади, уришганлар ярашади. Воқеалар шу йўсинда боғланиб, яхлитликни ташкил этади.


Ҳамма биладикки, шўролар даврида адвокатлар судда қуруқ савлат — "чойнак" бўлиб ўтирардилар. Адвокат айбланувчига бирор ёрдам бера олишига кўпчилик ишонмасди. Мазкур асарда эса ҳақиқий адвокатлар қонун устуворлигини ҳимоя қилишда қандай куч ва имкониятга эга экани кўрсатилади.

Китобдаги воқеалар фавқулодда қизиқарли, кутилмаган бурилиш ва ечимларга бой.

Тақризчи: Набижон ҲОШИМОВ – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, адиб.

ISBN 978-9943-20-115-6

4P



© "DIZAYN-PRESS" МЧЖ нашриёти, 2013

МАНТИҚ УСТУНЛИГИ

Маълумки, ҳуқуқ, тартибот идоралари ходимларининг вазифаси жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноятчиларни қидириб топиб жазолашдир. Ҳақиқий жиноятчини аниқлаш эса кўпинча бамисоли тиббиётда касалга ташхис қўйиш ва нозик жарроҳлик каби мураккаб иш.

Мазкур "Адвокатлар фош қилади" асари ҳуқуқшуносларнинг бир тоифаси – адвокатлар ҳақида. Асар қаҳрамонлари ўз касбининг фидойилари, билимдонларидир. Улар бор маҳоратларини инсон қуруқ тухматга қолмаслиги, ноҳақ жазоланмаслиги йўлида сарфлайдилар. Адвокатларнинг мақсади фақат айбланувчини оқлаш эмас, балки ҳақиқат, адолатни юзага чиқаришдир.

Улар, айниқса Шавкат Шарипов жиноят ва жиноятчи "мана, мен" деб турганда ҳам осонгина кўниб қўяқолмайди. Масалан, бир воқеада дўкон хўжайини ўлдирилади. Шубҳа керак бўлганда дўконга мол ташиб юрадиган шофёрга тушади. Чунки шофёр уйланаётган амакиваччасининг тўйига бир неча яшик ичимлик совға қилмоқчи, дўкончи эса уларни насияга бериб турмоқчи экан. Аммо жиноят арафасида дўкон хўжайини ваъдасининг устидан чиқмай, насияга ичимлик бермабди. Натижада, икковлари жанжаллашиб, мушт ҳам отишган экан.

Адвокат Шарипов бунга ишонмайди ва шофёрни айблаш учун етарли эмас, деб ҳисоблайди. У ёрдамчилари билан текширувни бошлайди. Адвокатларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли жиноятчи бошқа одам экани ойдинлашади.

Аниқланишича, дўкон хўжайинининг хотини автоҳалокатга учраб шол бўлиб қолган, мутлақо юролмас экан. Дўкон хўжайини уни шаҳар четидаги бир квартирага олиб бориб қўйиб, ҳаётдан четлаштирган, ўзи эса бошқа аёл топиб олган экан. Жиноятчи ана шу шол аёл бўлиб чиқади.

Асарда бундай мисоллар кўп. Уларда жиноятчини қидириш ва жиноят сабабларини аниқлашда фақат ҳаракатга эмас, мантиққа ҳам суяниш зарурлиги исботини топади.

Воқеалар билан танишаркансиз, беихтиёр "Агар адвокатлар бўлмаганда, туҳматга қолган кишиларнинг аҳволи нима бўларди?" дея ўйланиб қоласиз.

Асардаги воқеалар ниҳоятда қизиқарли, кутилмаган бурилиш ва "портлаш"ларга бой. Одамлар тасвирида турли-туман қиёфалар кўз олдингизга келади. Китобхон ҳар гал адолат тантанасидан қувонади, адвокатларга хайрихоҳлик бўлади.

Асосийси эса муаллиф қонун устуворлиги сари бораётган юртимизда ўз қаҳрамонларидай ҳақиқий адвокатлар авлоди дунёга келишини орзу қилади.

Набижон Ҳошимов,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмасининг аъзоси.

Кампирнинг хира кўзлари чақнагандай бўлди, газаб билан олдинга отилди ва ҳирқираб бақирди:

— Ҳой, исқоти! Энди мени емоқчимисан? Дадангнинг бошига етдинг! Худонинг балоси! Шумқадам, ифлос! "Пул беринг" эмиш! Сен менга пул беришинг керак. Институтдан ҳайдалибсан-ку, исқоти! Бобонг қанча югурганди! Сени деб иссиқ ўтиб ётиб қолди. Ҳов, бадбахт, одам қариганда болалари, неваралари боқади. Етмишга кириб сени боқаманми, мол? Қайси замонда кўрилган бу? Сенга уйни ҳам қолдирмайман. Сотиб ейсан! Йўқол, яна бир қадамингни боссанг... — кампир ҳассасини кўтарди, кейин уни чап кўлига олиб, томирлари бўртган ўнг кўли бармоғини осмонга ниқтади. — Ўлдириб қўяқоламан. Йўқол, бадбахт!

Шодиёр кулоқларини беркитганча турган жойидан сакраб кетди ва эшикни пешонаси билан очиб ташқарига отилди. Кампир ингичка ўткир иягини қалтиратиб алланималар деганича қолди.

Шодиёр Шакар момонинг невараси эди. У отаси билан кетаётиб қаттиқ автоҳалокатга учрадилар. Дадаси касалхонада уч кун ётиб ўлди.

Онаси қайнонасининг феълига чидай олмади. У хонадонда ҳар қадам босганда пешонасини бирор булоққа уриб олаётгандай сезарди ўзини. Ҳар қандай юмушга қўл уришдан аввал кампирдан дакки эшитишни ўйлаб чўчиб турарди. Охири, қишлоқдаги ота уйига кетдию қайтиб келмади-кўйди. Уларнинг икки хонали уйи бор эди, ўша ҳам, ўғли ҳам кўзига кўринмади. Уйда Шодиёрнинг ёлғиз ўзи қолди. Бобоси елиб-югуриб уни ўқишга олиб кириб қўйганди. Шодиёр бирмунча вақт бобоси ва бувиси билан яшаб юрди. Лекин бобоси вафот этди. Хотинининг бетиним миясига санчилаверган захарли сўзлари чолни охири инсультга олиб борди.

Шундан кейин Шодиёр бобосиникидан бутунлай чиқиб кетиб, ўз уйларида ёлғиз яшай бошлади. Бироқ ёлғиз яшашнинг улдасидан чиқа олмади. У кўпинча оч-наҳор қолиб кетар,

пуддан ниҳоятда қийналарди. Энг ёмони, сув, электр пулини тўлай олмас, қулоғига қарзга ботганди. Ҳайлай-ҳайлай иккита бадавлатроқ талабани ижарага қўйди. Турмуши сал изга тушгандай бўлди.

Аммо Шодиёр бирор мақсад йўлида қаттиқ курашадиган болалардан эмасди. Илгари бобоси, ота-онаси йўл кўрсатарди. Энди эса гангиб қолганди. Институтни битириши қандайдир мақсадига етказиши мумкинлигига кўзи етмасди. Чунки мақсаднинг ўзи йўқ эди. Ўқишга беихтиёр бориб юрди, лекин охири барибир ташлаб юборди.

Шакар момо ёлғиз қолди. Шундоқ ҳам озгина қариндошлари аллақачон узилишиб кетган, ҳеч ким хабар олмасди. Сабаби унинг қилдан қийиқ ахтариш одати касаллик даражасига етганида эди. Эри уни даволатмоқчи бўлиб ҳам кўрди, аммо у докторларни шунчалик шошириб қўйдикки, қўл силтаб кутулдилар.

Кампир ўзининг кузда зўрға илиниб турган якка япроққа ўхшаб қолганини дастлаб тан олгиси келмади. Бир куни гавдасини кўтаришга мадори етмай ичи шилиниб ётгач, хаёли алғов-далғов бўлиб кетди. Нима қиларини ҳайлай бошлади. Невараси ярамайди, пенсиясини ҳам гумдон қилади, уйдаги нарсаларни ҳам сотиб ейди.

Икки йилдан бери чол-кампирнинг ҳолидан она-бола ҳамширалар хабар олар эди. Шакар момонинг эсига ана ўшалар тушди. Тўғри, уйга келиб яшашга уларнинг ҳам чидаши қийин эди. Буни кампир биларди. Битта йўли уларга уйни қолдириб кетишни ваъда қилиш эди.

Шундай қилиб, кампир ҳамшира Севара билан шартнома тузди. Она-бола ҳамширалар кампирникида яшай бошладилар.

Невараси чопиб чиқиб кетгач, Шакар момо эшикни қаттиқ тарақлатиб ёпганда ҳамшира Севаранинг қизи Моҳирўй бир сапчиб тушди, алаmidан тирноғини тишлади. Унинг онаси Севара касалхонада тунги навбатчилигида бир бемор билан

Адвокатлар фош қилади

ётганда эри ушлаб олган ва уйдан ҳайдаб юборганди. Шундан бери она-бола ижарама-ижара яшаб юрардилар.

Шакар момо қўл ювгани ошхонага ўтди. Қўлювгичда беш-олтита ликоп тахлоғлиқ эди. Кампирнинг жон-пони чиқиб кетди ва худди сўйилаётгандай ҳирқираб қичқирди:

– Ҳа, қўлинг сингурлар! Қўлларинг акашак бўлсин! Шуларни ювиб ўлиб қоладиган бўлсанг, менга айтмайсанми, ўзим ювардим! Миянг чириб қолганми, кўзинг оқиб тушгур! Мен қўлимни қандай юваман энди?

Моҳирўй чопиб келиб ликопларни олди ва кампир қўлларини чайиб бўлгунча кутиб турди. Кампир кетаркан жағи тинмасди:

– Сенларга уй-жой керак, идиш-товоқ керакмидики!.. Дайди бўлиб туғилгансан, шундай ўлиб кетасан. Мен уй берганим билан буни ҳам сотиб ейсан ёки битта-яримта лакаловни судраб келиволасан! Сендан гадойлик иси келиб турибди!..

Моҳирўй шоша-пиша ликопларни ювиб жойлади-да, подъездга чиқиб кетди. Зинада тиззаларини кучоқлаб ўтирди, кўзларига ёш келди.

Шу пайт эшик очилиб, кампирнинг қуруқшиган юзи кўринди.

– Нима ўтириш бу эри ўлган хотиндай? Кириб уколингни қилмайсанми? Ё тезроқ ўлиб кетишимни хоҳлаяпсанми? Олиб келиб едираётганларингни ит ҳам емайди! Тўғри, сенлар бундан тузукроқ нарсани тотиб кўрибсанларми! Тузукроқ овқат қилишни билармидинг! Гўшт ўрнига суяк, суякнинг ўрнига калла-поча!..

Қиз ўрнидан туриб ичкарига кирди. Кампир ўрнига ётди. Моҳирўй энгашиб дори олаётганида кампирнинг кўзи унинг бўлиқ кўкракларига тушди ва оғзи қийшайиб тамшанди, энсаси қотиб деди:

– Кўчада ҳам шунақа юрасанми? Қиз боланинг ёқаси шунақа очиқ бўладими! Вой, тавба, эркакларни айблашади, қамашади. Қиз боланинг ўзи кўз-кўзлаб тургандан кейин...

Моҳирўй кампир узоқроқ жағини юмиб ётсин, деган ўйда дорини кўпроқ дозада укол қилди. Дориларни йиғиштириб ўз

иши билан овора бўлди. Кампир тўнғиллаб "тутай-тутай" ухлаб қолди. Моҳирўй озиқ-овқат олиб келиш учун эшикни секин ёпиб кўчага чиқди ва дўкон томонга юрди.

Қизнинг онаси Ангреннинг устидаги тоғ қишлоғилик опасининг тўйига кетганди. Қиз кампирга қараб уч кун уйдан чиқмади. Шунинг учун очиқлик шунча ёқдики, қафасдан бўшаган қушдай енгил тортиб ариқ бўйида анча айланиб юрди. Кейин дўкондан керакли нарсаларни харид қилиб уйга қайтди. Халталарни ошхонага қўйиб, кампир ётган хонага кирдию кўрқиб кетди. Кампирнинг туси бошқача кўринди — назарида одатдагидан оқроқ туюлди. Қиз шоша-пиша кампирнинг томирини ушлаб кўрди. Томири урмаётганга ўхшарди. Қиз қотиб қолди, кейин нима қиларини билмай каловланди-да, "тез ёрдам"га кўнғироқ қилди.

Врач кампирнинг вафот этганини айтди. Марҳумни ўликхонага олиб кетдилар. Моҳирўй қўшни подъездда яшайдиган Эргаш амакиникига югурди. У чол касал ётганда хабар олгани кириб турарди. Эргаш амаки уйида экан, қиз момонинг вафот этганини, онаси йўқлигини, нима қиларини билмаётганини айтиб йиғлади.

— Мен чолнинг битта қариндошига хабар бераман, — деб юпатди Эргаш амаки. — Телефон номери бор эди. Тоғамга бирор нарса бўлса кўнғироқ қиларсиз, деб берганди. Сен, қизим, неварасини қидириб топ...

Марҳумни дафн этиш ими-жимида ўтди. Унча кўп одам ҳам келмади. Чол ва кампирнинг қариндошлари ҳам узоқ туролмадилар, кеч кира бошлаши билан дув тарқаб кетишди. Кампир уйи бўйича ҳамшира билан шартнома тузганини эшитган айрим қариндошлар ўша заҳоти қўл силтаб жўнаб қолишди.

Хувиллаган хонадонда Моҳирўйнинг ёлғиз ўзи қолганди. Онаси ҳануз қайтмаган, Шодиёрдан ҳам дарак йўқ эди. Қиз ютиб юборай деб турган кимсасиз уйда қунишиб ўтираркан,

ҳар томондан тушуниб бўлмас товушлар эшитилар, қандайдир шарпалар юргандай туюларди.

Эрталаб эсон-омон турганига шукр қилган қиз юзини юваркан, телефон жиринглади. Моҳирўй гўшакни кўтарди.

— Ало, бу Шакархон Қобилованинг уйими? — сўради телефонда бир эркак овози.

— Ҳа, — жавоб берди қиз.

— Сиз кими бўласиз?

Қиз нима деярини билмай бирпас жим қолгач:

— Неварасиман, — деди.

— Сиздан бошқа ким бор яна?

— Ҳеч ким йўқ.

— Кампирга ким қарарди? — сўради овоз.

— Мен.

— Охирги марта кампирга ким укол қилганди?

— Мен...

— Унда тез моргга келиб кетинг. Мен патологоанатом Содиқовман. Моргни биласизми?

— Ҳа... Нимага боришим керак? — сўради қиз ҳайрон.

— Келганингизда гаплашамиз.

Қиз минг хил хаёлга борди, у нима қиларини билмас, ёнида суянадиган ҳеч кими йўқ эди. Охири патологоанатомга учрашмаса кўнгли тинчимаслигини тушунди — номаълумликдан кўра оғирроқ азоб йўқ.

Моҳирўй ҳар қадам босганда юраги шувиллаб, оёқлари титраганча ўликхонага кириб борди. Столда минус саккизмитўққизми шишали, думалоқ кўзойнак таққан, боши ярмигача ялтироқ киши ўтирарди. Айниқса, унинг қизғиш-сарғиш заҳил юзи одамда ғалати тасаввур қолдирарди.

— Ассалому алайкум, — деди қиз столдан икки қадам берида тўхтаб.

— Ҳа, келинг, телефонда сиз билан гаплашувдимми? Ўтиринг... Отингиз нима?

— Моҳирўй.

— Қобиловами?

— Йўқ, — деди қиз ҳайрон бўлиб.

- Эрингизнинг фамилиясидамисиз?
- Турмушга чиқмаганман.
- Марҳумнинг неварасимисиз?
- Йўқ, – деди қиз ва бор гапни айтиб беришга мажбур бўлди.

Патологоанатом бир нималарни минғирлаганча қоғозларини титкилаб ўтирди. Кейин бошини кўтариб, қизга қараб иягини силади.

- Хў-ўш, Моҳирўй, – деди кейин кўзойнагини йилтиллади.
- Уйга эга бўлганларинг яхши, яна текинга. Лекин, опоқ қиз, озгина сабр қилсангиз бўлмасмиди?

- Нима қилибман?! – қиз кўрқиб кетди.
- Катта дозада дори бериб ўлдиргансиз кампирни. Шунақа, – патологоанатом бош чайқади. – Бу жинойий иш. Жуда катта срок оласиз. Мана, менинг анализ хулосам. Прокуратурага топширишга мажбурман.

Моҳирўй безгак тутгандай қалтирай бошлади, ҳатто тишлари тараклаб кетди.

- Вой, амаки, энди нима қиламан?! – фарёд чекди у.

Патологоанатом хотиржам эди. Термосдан бамайлихотир қаҳва қуйиб ичди, рўмолчаси билан босиб-босиб лабларини артди. Қиз катта очилган кўзларини унга тикиб бетоқат жавоб кутарди.

- Қамаласиз, – деди патологоанатом маза қилаётган оҳангда.
- Одатда одам саксонга кирадими, юзгами, дайдами, ўғрими, тириклигида ҳеч кимга керакмас. Аммо биров уни ўлдириб қўйса, қадри шунчалик ошиб кетадики... Ҳа, квартирадан ҳам ажрайсиз.

- Нима қилиш керак? Ёрдам беринг, амакижон! – деди қиз қақшаб.

- Ўн миллион сўм топа оласизми? Ўйлаб кўрса бўлади, – патологоанатом столга секин шапатилади.

- Вой, умримда бунақа пулни кўрмасам керак! Зўрға яшаб юрибмизу...

- Уйни сотинг. Бошқа арзонроғини оласиз! Сиз турмушга чиқиб кетсангиз, битта онангизнинг ўзига бўлади-да, – ўз кўнгида осонгина йўл кўрсатди патологоанатом.

— У уй ҳали бизники бўладими, йўқми, — деди қиз хўрсиниб.
— Хўп, нима ҳам дердим. Демак, келишолмадик. Қонун бўйича йўл тутамиз-да энди. Бўлган гапларни эсдан чиқаринг. Хайр.

— Амакижон, — ялинди Моҳирўй, — ойм келсинлар!

Қиз шалвираганча беҳол чиқиб кетди. У уйга келиб пешонасини деворга тираб ўтираркан, осмондан нажот овози эшитилгандай бўлди. Моҳирўй сапчиб ўрнидан туриб кетди. "Кампирнинг тақинчоқлари қолгандир?" деган фикр айланди миясида. У юраги қаттиқ уриб ҳовлиққанича уйни тинтий бошлади. Қиз тўққизта қадимий тилла тақинчоқ топди ва ҳаммасини рўмолчага туғиб маҳкам гижимлаганча ўликхонага югурди. Чунки ҳужжат прокуратурага ўтиб кетишидан кўрқар эди. Онаси келгунча патологоанатомни алдаб туради-ку. Қани энди онасига билдирмай тинчитиб юборса!

Патологоанатом тақинчоқларни айлантириб томоша қилди, баҳосини чамалади.

— Бўпти, қамалганингиздан менга нима фойда, — деди кейин. — Уч миллионга баҳолайман. Қолгани қачон энди?

— Билмадим, — деди Моҳирўй шалвираб.

— Уйни сотинглар. Балки ўзим сотиб оларман.

Ҳали-вери қутулмаслигини билган қиз хайр ҳам демай чиқиб кетди. Ҳувиллаган уйга боргиси келмай, мақсадсиз тентиб юрди. Қоронғу туша бошлагач, барибир кўнгли қола бошлаган уйига қайтишга мажбур бўлди. Унинг миясида бир савол айланарди. Газетада ўқиганди. Бир патологоанатомни ишдан бўшатишибди. Ўрнига бошқа одам ишга олинди. Янги одам мундоқ ўликхонани очиб қараса, тўртта ўлик карта ўйнаб ўтирган эмиш. У шунақанги қочибдики, иккинчи қорасини кўрсатмабди. Ишдан бўшатишган эса қайта жойини эгаллабди.

Кейинги пайтда қиз овқат еёлмай қолганди. Айниқса, гўшти кўрса қайт қилиб юборай дерди. Лекин ошқозони шилинаётганга ўхшагани боис бирор нарса тамадди қилмоқчи бўлди. Чайнаганини ютолмай қийналди. Шундай кунда қайтмаётган онасидан ҳам хафа бўлиб кетди.

Бир пайт телефон жириглаб қолди. Патологоанатом экан.
– Сизга ёрдам бермоқчиман, – деди у. – Битта миллиардер одам бор. Ўшани хурсанд қилиб юрсангиз, қарзингизни тўлаб юбормоқчи.

– Бу нима деганингиз? – Моҳирўй кутилмаган таклифдан чўчиб кетди. – Кейин умрбод бахтсиз бўламан-ку!

– Ҳозир бахтлимисиз? – патологоанатом ҳингилаб кулди.
– Ўйлаб кўринг. Фақат тез, мен ҳужжатни бирёқли қилишим керак, – у гўшакни қўйди.

Моҳирўй бошини чангаллаганча ўтириб қолди. Даҳшатли тузоққа тушганини англади. Қиз ўйлай-ўйлай Шодиёрни топмоқчи бўлди. Шошилиб кийинди-да, қоронғу кечалигига қарамай кўчага чиқиб кетди. Бахтига Шодиёр уйида эди. У қизни кўриб шошиб қолди, ўтқизгани жой тополмай ҳовлиқди.

– Шодиёр, аввал гапимни эшитинг, – деди Моҳирўй унинг қўлидан ушлаб. Шодиёрнинг бадани титраб кетди ва қизга галати тикилди. – Мен жуда ёмон аҳволга тушиб қолдим. Ёрдамингиз керак.

– Нима бўлди? Кампирдан қутулдингиз...

Моҳирўй воқеани гапириб бера бошлади. Шодиёрнинг эшитишга сабри чидamay сапчиб-сапчиб тушарди.

– Бўлди, кетдик! – хитоб қилди у. – Ўлдираман ифлосни, ўликлари қаторига ётқизаман! – У ижарачиларидан пул олиб чиқди. – Моҳирўй, кетдик! – дея қизнинг қўлидан судради.

Таксида бирпасда ўликхонага етиб боришди. Моҳирўй ташқарида қолди, Шодиёр югурганча кириб кетди. Патологоанатом диванда оёғини кўтарганча телевизор томоша қилиб ётарди. У бирор ўлик олиб келишди, деб ўйлади шекилли, эринибгина туриб ўтирди. Шодиёр эса шартта ёқасига ёпишди.

– Ифлос, ҳаромхўр! Ўлик ейишдан ҳам тап тортмайсан, чўчқа! – бақирди у патологоанатомнинг бошини деворга ураркан.

– Кимсан? Нима керак?! – ҳирқиради патологоанатом.

– Тақинчоқларни қайтар, ифлос! Бўлмаса ҳозир ўликларингнинг орасига тиквораман!

– Қ... қанақа тақинчоқ?

– Қиздан олганларинг!

Патологоанатом Шодиёрнинг қўлидан қутулди ва унга мушт туширди. Кейин қўлига ўлик ёрадиган наштарни олди-да, у ёқдан бу ёққа силтаб Шодиёрнинг устига бостириб кела бошлади. Шодиёр орқага тисарилди. Патологоанатом маст эди, у наштарни Шодиёрнинг бўйнига санчмоқчи бўлди. Шодиёр ўзини четга отди ва аланглаб пасттақкина курсини кўрди. Уни кўтариб патологоанатомнинг қўлига зарб билан урди. Наштар учиб кетиб кафелга жаранглаб тушди. Иккинчи зарба патологоанатомнинг елкасига тегди. Қизишиб кетган Шодиёр патологоанатомнинг жағига мушт урди. Патологоанатом буралиб, қийшайиб йиқилди. Шодиёр у бармоқларига таққан иккита узукни суғуриб олди, қолган тақинчоқларни стол тортмасидан топди. Уларни чўнтагига солиб ташқарига отилди. Чопиб Моҳирўй қолган жойга борди. Қиз кўринмади. "Кўрқиб қочиб кетган" деб ўйлади Шодиёр. У марҳум бувисиникига жўнади, қиз у ерда ҳам йўқ эди...

Жиноят сўнгги мурдага тегишли бўлиши мумкин, деб ўйлаган терговчи Шодиёрни ҳибсга олди ва адашмади. Шодиёрнинг тирноқлари орасидан патологоанатомга тегишли тер-ёғ массаси топилди.

* * *

Адвокат Шавкат Шарипов ўрганиб чиққан юқоридаги воқеаларни хаёлидан ўтказаркан, турли саволлар пайдо бўлди.

"Шодиёр патологоанатомни уриб тақинчоқларни қайтиб олди. Нима учун ўлдириши керак эди? Марҳум жағига эмас, бошига урилган қаттиқ тўмтоқ жисм зарбидан ўлган. Жиноят қуроли топилмаган.

Ўша пайтда қиз нима учун йўқолиб қолди?"

Адвокат хаёллар билан ўликхона ёнига бориб қолганини сезмади. У тўхтаб атрофни синчиклаб кузатди. Олд томони ўликхонага қараган биргина бино бор эди – дорихона. "Унинг қоровули бормикин, бўлса нималарни кўрган бўлиши мумкин?" деб ўйлади адвокат ва ўша томонга юрди.

У дорихона эшигидан кириши билан нозиккина сотувчи қиз салом берди. Шавкат алик олгач, сўради:

— Соат нечигача ишлайсизлар?

— Ўнгача, — деди қиз. — Нарироқда кечаси билан ишлайдиган дорихона ҳам бор, — қўшимча қилди у.

— Ҳа, майли, мен бошқа иш билан кирувдим. Қоровулларинг борми?

— Бор. Энди кетмоқчи бўлиб турувдилар. Чақирайми?..
Ғофур ака, Ғофур ака!

Ичкаридан кексароқ киши чиқиб келди ва Шавкат билан қўл бериб кўришди. Шавкат уни ташқарига бошлади ҳамда ўзини таништирди.

— Амаки, бундан тўрт кун аввал ўликхонада бўлган воқеадан хабарингиз борми? — сўради кейин.

— Ҳа, докторни ўлдириб кетишган, — қоровул юзига фотиҳа тортди.

— Ўша кунни кимларнидир кўрмадингизми?

— Ҳм, кечаси бир йигит билан қиз келиб ўликхонага кириб кетди. "Бирор киши вафот этган бўлса, суриштиргани келгандир" деб эътибор бермадим. Орадан сал вақт ўтиб қиз қайтиб чиқди. Кейин йигит чиқиб теваракка аланглаб турди-да, шошилиб жўнаб қолди.

Мени ҳайрон қолдирган нарса шуки, бирпасдан кейин қиз кўринди. "Юракни қара-я" деб ўйладим. У ичкарига кирди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас чопиб чиқди. Қўлида аллақандай таёқ бормиди-ей? Уни ҳув анавуёққа — буталар орасига отиб юбориб ғойиб бўлди.

Шавкат жонланиб қоровул кўрсатган томонга қаради.

— Эртаси кунни милиционерлар сиздан суриштиришмадими? — сўради кейин.

— Мен ишда эмасдим. Икки киши смена билан ишлаймиз, — деди қоровул.

— Шеригингиздан ҳам сўрашмабдими?

— Сўрашса сўрашгандир. Менга ҳеч нарса дегани йўқ.

— Хўп, раҳмат. Хайр, — деди Шавкат ва қоровул кўрсатган жойга борди. Буталар орасида синган швабра сопи ётарди...

"Қиз агар патологоанатом тирик қолса, ўзини кампирни ўлдиришда айблашидан кўрққан. Лекин мурдани қайта текширилиши, қилган жинояти фош бўлиши мумкинлигига ақли етмай хато қилган, — деб ўйлади адвокат ачиниб. — Шодиёрнинг жинояти енгиллашди, аммо қизга қийин бўлди-да... Бироқ суд қабиҳликни марҳумнинг ўзи бошлаганини ҳисобга олса, жазо ҳам шунга яраша енгилроқ тайинланиши аниқ"...

Шавкат уйи кўнғироғини босганди, эшикни қизи Дилдора очди.

— Дадам келдилар, — қичқирди у чапак чалганча ирғишлаб.

— Қани, келинг-чи, асал қизим, — Шавкат қизчасини кучоқлади. — Ойингиз уйдаими?

— Кўшнимизникига чиқдилар, — қиз дадасининг кўлидан тортиб ичкарига бошлади.

Шавкат кийимларини алмаштириб, чой қўйди. Телевизорни ёқиб, диванга ёнбошлади. Қизчаси ёнига ўтириб биқинига тикилди.

— Мактабга бордингизми? — сўради Шавкат.

— Ҳм, бордим, ўқишдан "беш" олдим, — мақтанди қизча.

— Яшанг!

Эшик очилиб, ёпилиб хотини Зебохон ичкарига кирди.

— Келдингизми? — деди у нимчасини ечаркан. — Вой, Худо кўрсатмасин-ей!

— Ҳа, тинчликми? — хавотирланиб сўради Шавкат.

— Анаву Гулбаҳор ўзини ўлдирмоқчи бўлибди!

— Ие, нимага?

— Уйланмоқчи бўлган йигити ташлаб кетибди.

— Ие, шунга шунчами?

— Сиз — эркаклар қиз боланинг кўнгли қанчалик нозиклигини тушунмайсизлар-да. Ожиза аламини кимдан олади, ўзидан-да, — Зебохоннинг жаҳли чиқди. — Сизларга осон. Гулбаҳор дугоналари, таниш-билишлари олдида нима деган одам бўлди энди? Яхшиси, чиқиб у билан гаплашинг, қўлингиздан келса ёрдам беринг. Кимсан, адвокатсиз-ку. У бечора ёлғиз.



Хонага кирган Шавкатга Гулчеҳра билан Холбой бараварига салом беришди.

– Аҳволлар яхшими? – деди Шавкат портфелини столга қўяркан.

– Ёмонмас, – деди гулларга сув қуяётган Гулчеҳра.

– Чидаса бўлади, – дея лабини бурди Холбой.

– "Сўнгги ахборот", оламда нима гап? – сўради Шавкат жойига ўтираётиб. У Холбойни ҳазиллашиб "Сўнгги ахборот" дерди. Чунки у янгиликлардан хабардор қилиб турарди.

Холбой жонланиб олдидаги газетани варақлади.

– Буни қаранг, Шавкат ака! – хитоб қилди сўнгра қўлини газетага ниқтаб. – Олимлар Мадагаскардаги бир қабилани ўргангани боришибди. Нимагадир қабилада бирорта ҳам қари одам йўқ эмиш. Қабиладигилар олимлар орасидаги кўзойнак тақиб, ҳасса ушлаган кекса профессорни кўриб роса ҳайрон қолишибди. Олимлар қанчалик текширишмасин қанча сўраб-суриштиришмасин бу сирнинг тагига етолмабди. Кейин экспедиция қайтиб кетган. Фақат бир фотограф қолиб, ўша ерда икки йил яшабди. Ана ўша ниҳоят сирни очибди. Қабила одамлари ўттиз беш ёшга кирганда ўрмонда ўсадиган бир дарахтнинг заҳарли баргини еб ўзини ўлдираркан... Шу яхшими?

Шавкат газетани олиб ундаги суратга тикилди. Суратда тишлари ярақлаган бир тўда навқирон кишилар кулиб турарди.

– Албатта ёмон, – деди Шавкат суратдан кўзини узмай. – Одам айни ўттиз беш ёшда етилади, оқ-қорани танийди, кўп ишга қодир бўлади. Одатда, қайси халқ қанчалик қолоқ бўлса, бемаъни урф-одатлари шунчалик кўп. Телевизорда қатор-қатор мис ҳалқа тақиб бўйнини икки қарич узайтирадиган, пастки лабини тилиб ликопча ўрнатадиган африкалик аёлларни кўрсатади-ку. Агар ҳалқаларни олиб қўйилса, боши эгилиб ўларкан. Шу ҳам ишми энди?

Адвокатлар фош қилади

– Лабига ликопча таққан аёллар қандай овқат ейди? – сўради Гулчеҳра.

– Қошиқ ё коса билан тўғри оғзига қуйса керак-да, – деди Холбой. – Нима учун шундай қилишади?

– Чиройли кўриниш учун эмиш! – кесатди Шавкат. – Гулчеҳра, сизга ўта муҳим жанговар топшириқ бор. Шу иш билан шуғуллансангиз. Ёрдамингиз тегса, бир қиз умрбод миннатдор бўлади.

Гулчеҳра ишга шайланиб ўрнидан турди.

– Хўп бўлади, беринг аризасини.

– Ёзма аризаси йўқ, – деди Шавкат, – оғзаки. – Бир кўшнимиз бор. Исми Гулбаҳор. Лекин ҳаётини қиш деса ҳам бўлади. Ўша уйку дори ичиб ўзини ўлдиришига сал қолибди. Яхшиямки эшиги очиқлигини кўрган кўшниси кириб қолибди тасодифан...

– Севги жафосими? – сўради Гулчеҳра.

– Шундай. Яхши кўрган йигити ташлаб кетибди. Яқинда тўй бўлиши керак экан.

– Ҳозир тузукми? – қизиқсинди Холбой.

– Ҳа, дўхтирлар асраб қолибди.

Гулчеҳра сумкасини елкасига илди ва:

– Манзилини айтинг, Шавкат ака, – деди шошиб.

– Бизнинг домда, етмиш иккинчи хона. Охириги подъезд.

Холбой ҳазиллашиб сўради:

– Охириги подъезд домнинг қайси томонида бўлади?

– Билмадим...


– Домга юзма-юз турсангиз, ўнг томонда, – дея кулди Холбой. – Э, сизга ўхшаган адвокатдан ўргилдим.

– Бўпти, кетдим, – деди Гулчеҳра.

У Шавкатнинг уйини яхши билгани учун қийналмай топиб борди. Унга эшик очган Гулбаҳорнинг аҳволи оғир эди. Ранги синиқиб сарғайган, кўзларининг ости кўкариб кетганди.

– Келинг, – деди қиз ингроқ овозда. – Ассалому алайкум.

– Ваалайкум ассалом. Соғлигингиз яхшими? Мен Шавкат ака билан бирга ишлайман. Хабар олинб келинг, деб юбордилар, – деди Гулчеҳра.



— Вой, раҳмат, барака топсинлар. Киринг, киринг. Улар жуда яхши одамлар. Келинойим доим хабар олиб турадилар. Ойим билан қалин дугона бўлишган. — Гулбаҳор шошиб қолди ва ошхонадан залдаги хонтахтага турли егуликлар таший бошлади. Гулчеҳранинг "қўйинг, керакмас" дейишлари кор қилмади. — Ёлғизлик ёмон, опа, — деди у ниҳоят ўтираркан. — Сизга кўшилиб чой-пой ичиб оламан.

— Нима бўлди, Гулбаҳор? — сўради Гулчеҳра бирпас тин олгандан кейин.

Гулбаҳор дастурхон четини ўйнаганча сукут сақларди.

— Сира кутмовдим, — деди у бошини кўтармай. — Битта дугонам билан ўтиргандик. — "Ҳозир у билан айлангани борамиз. Балки ресторанга кирармиз. Янги кўйлак сотиб олдим. Кўрсатайми?" дедим унга мақтаниб. Шу пайт кўнғироқ жиринглади. "Вой, келди!" дедим ҳовлиқиб. "Табриклайман" деди дугонам ҳавас билан. Унинг қаршисига югурдим. У эса ёғочдай қотиб турарди. "Нима қилиб турибсиз? Бирор нарса бўлдими?" деб сўрадим унинг совуққонлигини кўриб ҳайрон қолганимча. "Гулбаҳор, хайрлашгани келдим. Биз ажрашишимиз керак, — деди у, — Ишончингизни оқлай олмадим". "Вой, шошманг!" дедим мен титраб. "Ҳаммаси ёлғон эди. Кечиринг, кетишим керак" — деди у. Орқасидан эшик шарақлаб ёпилди.

— Ҳа, оғир зарба, — деди Гулчеҳра пешонаси тиришиб.

— Мен тўй ҳақида гаплашса керак деб юрагимни ҳовучлаб ўтирувдим, — қизнинг кўзларида ёш ҳалқаланди. — Саккиз ой учрашиб юрдик. Ҳаммаси ажойиб эди, ҳамма ҳавас қиларди. Бутун дунё остин-устун бўлиб кетди. Кейин нима қилганимни ўзим билмайман.

— Ўзингизни қўлга олинг, ўзингизни кучлиман деб ҳис қилинг, — Гулчеҳра унга меҳр билан тикилди. — Ҳаммасини вақт кўрсатади.

Гулбаҳор чарос кўзларидаги ёшни артди ва чуқур хўрсинди.

— Тушунаман, сиз жиддий ишлар билан шуғулланасиз, — деди кейин ғамгин. — Меники эса...

Гулчеҳра унинг гапини бўлди:

Адвокатлар фош қилади

– Биз ҳар қандай ҳолатда ҳам одамларга ёрдам беришимиз керак. Сиқилманг, сабабини аниқлаймиз. Балки бирортаси сиздан совутгандир. Тухмат қилиб тортиб олмоқчи бўлгандир. Бундақа пасткашлар оз деб ўйлайсизми? У ҳақида ҳамма нарсани гапириб беринг-чи.

– Нимани гапираман? – деди қиз маъюс.

– Ҳаммасини. Бир қарашда арзимагандай туюлган нарса ҳам жиддий ёрдам бериши мумкин.

Гулбаҳор бирпас каловланди. Гапни нимадан бошлашни билмай қошларини чимирди.

– Олим ака йигирма етти ёшдалар. Саккиз ой учрашиб юрдик. Орамизда ҳақиқий севги пайдо бўлди, деб ўйлагандим. Жуда саҳий эдилар. Қимматли совғалар берар, гулларга кўмиб ташлардилар. Баъзан тинмай гаплашардик, баъзан икковимиз ҳам жим қолардик.

– Нима, боймиди? – сўради Гулчеҳра мийиғида кулумсиб.

Гулбаҳорнинг маъюс кўзлари чақнагандай бўлди.

– Ҳа, бой. Қандайдир автомобилларга боғлиқ фирма хўжайинига шерик эканлар. Қаранг, жиддийроқ қизиқмабман ҳам. Ҳар ҳафта бошқача машина миниб келардилар. Мен уни чин эркак, ҳақиқий инсон деб билардим. Аёл шундай одам билан ўзини бахтли, тош девор ортидагидай ҳимояланган деб ҳисоблайди. Менга унинг ҳеч қандай муаммоси йўқдай туюларди...

Гулчеҳра унинг гапини бўлди ва ўсмоқчилаб сўради:

– Сира уйига таклиф қилганми?

Гулбаҳор ҳушёр тортиб Гулчеҳрага қаради.

– Йўқ, таклиф қилмаганлар, – деди кейин секин.

– Бу нарса сизга галати туюлмадими? Нимага таклиф қилмаган, деб ўйлайсиз?

– Ўзининг айтишича, янги олган квартирасини таъмирлашаётган экан. Ўзи вақтинча оғайнисиникида яшаётган экан.

Гулчеҳра ажабланиб елка қисди.

– Саккиз ой ҳам таъмирлайдими? – сўради кесатиб у.

– Бой одам шунча вақт бировникида яшайдими? Ижарага бўлса ҳам уй топмайдими?

Гулбаҳорнинг кўзлари аланг-жаланг бўлиб қолди, пешонаси тиришди.

– Билмадим. Буёқларини сира ўйлаб кўрмагандим... Мени роса аҳмоқ деб ўйлаяпсиз, а, опа?

– Э, йўқ. Севги одамни кўр қилиб қўяди. Шунинг учун кўпчилик тўйидан сал ўтмай ажрашаманга тушиб қолади.

– Тўғри, опа, менга ундан бошқа ҳеч нарса кўзимга кўринмасди. Алдаб кетиши ҳам мумкин-ку, деган фикр хаёлимга келмаган. – Қиз ҳовучи билан юзини тўсганча йиғлаб юборди. – Ҳа, у нималарнидир яширган, – деди ҳиқиллаб. – Дугонам бошқа оиласи бўлса керак, деди. Болалари ҳам бордир. Шунинг учун уйига олиб бормаган. Мени шунчаки эрмак қилиб ўйнаб юрган!...

– Бўпти, Гулбаҳор, олдиндан хулоса чиқарманг. Бардошли бўлинг, мен текшириб кўраман.

Гулчеҳра хонага разм солди. Полга бутун хонани эгаллаган чиройли гилам тўшалган, девор гулқоғозлари дид билан танланган, диван, креслоларга юпқа гиламчалар қопланган, шипда катта қандил осиглиқ. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, озода эди.

– Гулбаҳор, ота-онангиз қаерда? – деб сўради у қиздан.

– Дадам Россияга ишлагани кетгандилар. Олдинлари катта-катта пул юбориб турдилар. Кейин тўсатдан дом-дараксиз кетдилар. Ойим саратон касалига чалиниб... Мен ёлғиз қолдим. Лекин ишим ёмон эмас, врачман... Опа, анаву нарсаларни қаранг, – Гулбаҳор сервантни кўрсатди. – Ўша совға қилган нарсалар. Уларни ҳар кўрганимда ичимдан нимадир узилиб кетгандай бўляпти.

– Уни қаердан топса бўлади? – сўради Гулчеҳра сервантдаги совғаларга назар ташларкан. – Иш жойини биласизми?

– Биламан, бир марта кўрсатгандилар. Манзилини берайми? "Мотор" деган ишхона.

Гулчеҳра "Мотор"га кўнғироқ қилиб, у ерда Олим деган одам ишламаслигини аниқлади. Буни Гулбаҳорга айтганди, у худди

Адвокатлар фош қилади

безгак тутаётгандай қалтирай бошлади. Ранги қув оқарди. Гулчеҳра унга газли сув тутқазди.

— Олим ака сира алдамагандилар. Тўғри, биқиқ одамга ўхшарди. Аввал бундан хафа ҳам бўлдим. Кейин ўрганиб кетдим шекилли. Жуда мулойим, меҳрибон эдилар.

"Ажрашамиз" деб келганларида менга ўзи буни истамаётгандай туюлди.

— Демак, нимадир мажбур қияпти.

— "Кечиринг, бу менинг хатоим, менинг хатоим" дедилар.

Нимага хатосини саккиз ойдан кейин тушундилар?

Гулчеҳра бирпас ўйланиб қатъий қарорга келди ва:

— Ҳозир уни буёққа чақиринг, — деди.

— Адвокат чақиряпти, дейинми?

— Йўқ, унақа деманг. Охирги илтимосим бор, денг. Уёғини ўзингиз биласиз.

Қиз Олимнинг телефон номерини терди.

— Олим ака, сизга охирги илтимосим бор эди. Шунча бирга ўтказган вақтимиз ҳаққи сўнгги марта учрашишимиз керак. Беш дақиқага, илтимос, келинг! Агар уйга киришни истамасангиз, эшик тагида гаплашамиз. Ярим соат кутайми? Яхши. Сиз ҳақиқий эркаксиз!

Гулчеҳранинг чеҳраси бир оз ёришиб, кулумсиради.

— Жуда тўғри айтдингиз "Ҳақиқий эркаксиз" деб. Бу яхши усул. Балки у муттаҳам эмасдир, ростдан ҳам хато қилаётгандир?

Орадан бирмунча вақт ўтиб, эшик кўнғироғи жиринглади. Гулбаҳор сапчиб туриб кетди.

— Салом, Олим ака! — хитоб қилди у эшикни очиб.

— Салом, — деди Олим димоғидан.

— Ичкарига кирасизми?

— Йўқ, тез гаплашамиз, деб келишдик-ку. Нима демоқчи эдингиз?

— Мен айтмоқчийдимки, — деди қиз бўғилиб. — Мен... Жуда эзилиб кетдим. Ажрашишимизга бирор сабаб борми? Агар бўлса, ёрдам беришади.

— Тушунмадим, — Олим елкасини қисди.

Уларнинг гапини эшитиб турган Гулчеҳра чиқиб келди.

— Салом, яхшимисиз? Мен адвокатман. Агар қарши бўлмасангиз, сизларга ёрдам беришга уриниб кўрмоқчиман. Гулбаҳор сизни деб ўлиб кетишига сал қолди.

Олим гуноҳкорона бош эгди.

— Бунинг ҳеч қандай ечими йўқ... Гулбаҳор, сизга айтдим-ку, "Ҳаммаси тугади" деб. Тушунинг, мен фақат сизни ўйлаяпман, сизга яхши бўлсин, деяпман.

— Гулбаҳор, Олимжон билан ёлғиз гаплашсам майлими?

— Албатта, — деди қиз ва ичкарига кирди.

Гулчеҳра Олимнинг бошдан оёғигача назар соларкан, деди:

— Остонадан ўтинг, остона икки томонни ажратиб туради.

— Мен билан нима ҳақида гаплашмоқчи эканингизни билмайман. Сизни нима учун чақирди ўзи?

— Чақиргани йўқ, ўзим келдим. Бизнинг ишимиз одамларга ёрдам бериш. Гулбаҳор чиндан ҳам сизни севади. Унинг нияти ширин оила қуриш, фарзандлар кўриш.

Олим чуқур "уф" тортиб бошини эгди ва:

— Сиз билмайсиз-да, — деди секин.

— Нимани билмайман? — сўради Гулчеҳра.

— Гулбаҳор мени севмайди.

Гулчеҳра ҳайрон қолиб қўлларини ёйди. Кейин куюниб сўради.

— Севмайди? Нега бундай деяпсиз? Сиздан ажрагандан кўра ўлимни афзал билган қиз-а?

— Э, бу узоқ тарих, — деди Олим чўзиб. — Умуман, ажрашганимиз яхши. Айниқса, Гулбаҳор учун. Бу тўғри бўлади. Хўп, мен кетишим керак.

Гулчеҳра шошиб қолди. Агар Олим ташқарида бўлмаганда шартта йўлини тўсган ҳам бўларди.

— Тўхтанг! — деди у астойдил. — Менга ишонинг. Сир сақлашни биламан. Икковларингга ёрдам бермоқчиман.

— Э, тушунмайсиз-да, опа! — Олим сочини чангаллади. — Мен ёмон одамман. Сиз билмайсиз. Билмаганингиз яхши, айниқса Гулбаҳор.

— Жумбоқ қилиб гапирманг! — Гулчеҳранинг жаҳли чиқди.

Адвокатлар фош қилади

— Мен уни алдаганман. Шунча лақиллатиб келдим. Аҳвол бу даражага етишини сира ўйламагандим.

Гулчеҳра афтини буруштириб унга тикилди ва нафратланиб сўради:

— Севгингиз ҳам ёлғонмиди?

— Йўқ, аммо унга менга ўхшаган одам керак эмас.

— Ҳар қандай одам хато қилади.

— Хўп, хайр! — Олим чопиб зинадан тушиб кетди.

Гулчеҳра ҳам унинг ортидан югурди. Олим телефонда гаплашиб борарди. Гулчеҳра кулоқ солди.

— Айтдим-ку бунча пул йўқ деб. Лекин қайтараман, — дерди у баланд овозда. — Бугун фақат бир қисмини, қолганини кейин. Дўқ уриш керак эмас, ҳаммасини тушундим.

Олим эгилганча бекат томон юрди ва у ерда тўхтаб кимнидир кута бошлади. Гулчеҳра унга яқинлашгач, ўзини панага олиб турди. Орадан сал ўтмай Олимнинг ёнида бир қора машина тўхтади, ичидан новча, мўйловли одам тушди ва Олимга яқинлашди. Гулчеҳранинг бутун вужуди кулоққа айланди.

— Хўш, обкелдингми? — сўради машинадан тушган новча.

— Ҳа, мана, — Олим чўнтагидан целлофанга ўралган пул чиқарди.

— Бу ерда қанча?

— Ярми. Тўппа-тўғри ярми.

— Ярми? Қолганини қачон кутишимизни буюрасан? — сўради новча истеҳзоли.

— Айтдим-ку бераман деб! Менга фақат вақт керак, — дея куюниб гапирди Олим. — Уч жойда ишляяпман ахир!

— Илғор ишчи! — масхаралади новча. — Ўз қўлим билан қарз бериб оёғим билан югуриб оламан, деган ўй сира миямга келмаганди. Хўп, пулни буёққа бер! Сенга бир ҳафта муддат. Аксинча...

Олим хомуш бошини эгди.

— Ҳаракат қиламан.

— Менга қара, ҳов, кўнғироқ қил.

Олим ҳозирча қутулганидан суюниб зипиллаганча жўнаб

қолди. Гулчеҳра пана жойидан чиқиб қарз берган новча йигитнинг йўлини тўсди.

– Кечирасиз, – деди у, – бир нарса сўрамоқчи эдим.

– Менга айтяпсизми? – сўради ҳайрон бўлиб новча.

– Ҳа. Мен адвокатман. Ҳозир сиз учрашган одам ҳақида гаплашмоқчи эдим.

– Нима, яна бирорта "хол" кўйдими? Йўқми? Агар қарз берганим ҳақида сўрамоқчи бўлсангиз, процентсиз берганман. Кўрқитганим йўқ, фақат қарзни сўраяпман, холос. Олгандан кейин қайтариши керакми ахир? Яхшилик қиламан деб балога ҳам қолдимми ҳали? – Йигит лабини буриб, елкасини қисди.

– Кўп қарз олганмиди?

Йигит чаккасини қашлаб бир оз сукут сақлади ва деди:

– Оз ҳам, кўп ҳам эмас-ку, аммо вақтида қайтармаяпти. У фақат мендан эмас, танишларимдан, танишларимнинг танишларидан ҳам қарздор. Айб ўзида.

– Шунча пул нимага керак бўлди экан? – дея ажабланди Гулчеҳра.

– Мен билмадим. Ундан сўрасам, айтмади.

Гулчеҳранинг ҳайрати баттар ошди.

– Машинасини сотиб тўласин қарзини.

– Қанақа машина? – сўради новча йигит.

– Ҳар ҳафта ҳар хил машина минаркан-ку?

– Ҳеч қанақа машинаси йўқ унинг. Ҳатто, уй-жойи ҳам.

– Нима, ҳеч нарса билмайсизми? Машинага келсак, у автосервисда ишлайди. Тузатишга олиб борилган машиналарни гўё синаб кўраётган бўлиб миниб юради.

Гулчеҳра Гулбаҳорга кўнғироқ қилиб тушунтирди. Эртаси куни автосервис ёнида учрашадиган бўлдилар. Ичкарига кириб борганларида уларга кўзи тушган Олимнинг қочиб кетишига сал қолди. Гулчеҳра уни олдидан тўсиб бир чеккага бошлади.

– Олим, кўрқманг, – деди Гулчеҳра бамайлихотир, – ҳаммасини биламан. Сиз Гулбаҳор ҳақиқатни билса, ташлаб кетади, деб ўйлагансиз, шундайми?

Адвокатлар фош қилади

– Уларга фақат севишингиз керак эмас. Қимматбаҳо совғалар, иномаркаларда юришингиз, данғиллама уйларингиз керак. Менда эса ҳеч нарса йўқ, – тўнғиллади Олим.

Гапга Гулбаҳор қўшилди:

– Менга қилган совғаларингиз, Туркияга сафар, ҳаммаси...

– Гулбаҳор, ана шулар учун қарзга ботган бу киши, – деди Гулчеҳра.

Гулбаҳорнинг жаҳли чиқиб кетди.

– Менга совғалар қилинг, сафарларга олиб боринг деганмидим ҳеч? Нега бундай қилдингиз?

– Чунки мен ҳеч кимга керак эмасман, – дея Олим кўзларини ерга тикди. – Бойликнинг олдида одам бир чақага ҳам қиммат.

– Илгари қизлар билан шундай муаммо бўлганми? – сўради Гулчеҳра.

– Ҳа, мактабда ҳам, техникумда ҳам. Менга ёққанларини ҳар доим бойлар илиб кетган.

Гулбаҳор йиғламоқдан бери роқ аҳволда эди.

– Бундай гапларни эшитиш мен учун жуда оғриқли! – деди у куюниб. – Наҳотки менга нарсаларингиз эмас, ўзингиз кераклигини тушунмадингиз? Наҳотки ҳамма қизлар ҳам бир гўр, деб ўйладингиз?!

– Тўғрисини айтгани кўрққансиз-да, а? – сўради Гулчеҳра.

– Ҳа, кўрқдим, – деди Олим маъюс. – Муносабатимиз бунчалик жиддийлашиб кетишини ўйламовдим. Ўзимни ўзим охири бурчакка тиқиб қўйдим. Гулбаҳор яхши одамга муносиб. Қанча маош олишимни эшитса, устимдан кулади, деб кўрқдим.

– Мен сизни чин дилдан севаман-ку!

Олим қўл силтаб, деди:

– Сиз мен бошқача қилиб кўрсатган одамни севардингиз.

– Ҳозир бор ҳақиқатни билганимдан кейин ҳам севаман.

Пул деб бунча ташвиш тортманг. Менга қилган совғаларингизни сотамиз. Менга сиздан бошқа ҳеч нарса керак эмас...



Адвокат Шавкат Шарипов шуғуллана бошлаган навбатдаги иш жуда мураккаб чиқиб қолди. У воқеанинг моҳиятига қанчалик чуқурроқ кириб бораркан, масала тобора чигаллашиб борарди. Жиноятда иштирок этган кишилар ҳам кўп эди. Лекин бу адвокатни янада қизиқтирди, холос. Мияси кечаю кундуз жиноятнинг қандай уюштирилганлиги ҳақидаги тахминлар билан банд эди.

Курувчи кўчасида жойлашган "Улфат" кафесида ички ишлар идорасининг профилактика нозири Али Сафоев ўлдирилганди. Жалилов Асад кафе ҳожатхонасида унинг қорнига бир марта пичоқ урган. Нозирнинг қораталоқ ва бошқа ҳаётий муҳим аъзоларига қаттиқ жароҳат етказган. Қотилликнинг сабаби Жалилов Асад аввалдан А.Сафоев билан келишолмай юрган. Нозир Жалилов Асаднинг йўлка четида турли буюмлар сотиб ўтиришига қаршилик қилган. Милицияга кафе эгаси Лутфулла Ганиев қўнғироқ қилган. Тергов гуруҳи етиб келганда нозир ҳожатхонада қонга беланиб ётган, жиноятчи А.Жалилов қўлида пичоқ ушлаганча унинг ёнида ўтирган бўлган. А.Жалилов ҳибсга олинган пайтда наркотик таъсирида бўлган.

Суд-тиббиёт экспертизаси А.Жалиловнинг ақли жойида ва қилмишига жавоб бера олади, деб хулоса чиқарган.

Адвокат ишни айбланувчи билан учрашувдан бошлади. Бир қарашда Асад сира жиноятчига ўхшамасди. У адвокат қаршисида кўзларини столга қўйилган муштига тикканча индамай ўтирарди. Шавкат ўзини таништирди.

– Мен адвокатингиз бўлишимга розимисиз? – сўради кейин.

– Албатта! – хитоб қилди у бошини илкис кўтариб. – Мени йўқлар кишим борму сиздан бошқа, – деди Асад.

Шавкат чарм папкасини очди ва сўради:

– Олтинчи сентябрь куни соат кеч ўнга яқин "Улфат" кафесига бордингизми?

– "Улфат" эмас, "Кулфат" кафесига бордим. Овқатланмоқчи эдим. Ўтириб бир чашка кофе ичдим. Бошқа ҳеч нарсани эслай олмайман, менга ишонинг, ака! Кофега нимадир

Адвокатлар фош қилади

қўшилган, бўлмаса нега хушимдан кетдим? Бир вақт қарасам, ҳожатхонада кўлимда пичоқ билан ўтирибман, ёнимда қонга беланган Али ака ётибди! Тахтадай қотиб қолдим! Йўқ, ака, ўзингиз тасаввур қилинг!

— Ҳа, ҳар қандай одам ўзини йўқотиб қўяди, — деди Шавкат ачиниб. — Демак, сиз ўлдирмагансиз?

Асад ўрнидан сапчиб туриб кетди, тош теккан илондай гавдасини биланглатди.

— Э, йўқ деганим билан биров ишонармиди, — деди у афти бужмайиб. — Балки ўлдиргандирману ўзим билмасман.

— Наркотик истеъмол қиласизми?

— Умримда тотиб ҳам кўрмаганман, қизиқмаганман ҳам! "Наркотик, бу абадий бахт эшигидир. Аммо бу эшик ҳар биримизнинг ичимизда. Эшикни эса наркотиксиз очишга ўрганиш керак". Буюк файласуфнинг бу гапи менинг принципим.

— Текширувда қонингиздан наркотик топилган-ку?

— Кофега аралаштириб беришган. Менда бошқа ҳеч қандай жавоб йўқ, ака.

— Хўп, бошқа саволга жавоб беринг. Участка нозири билан чиқишмасмидингиз?

— Ҳа, келишмас эдик, — деди Асад бўшашиб. — Яширмайман. Лекин душманлигимиз одам ўлдиришга сира-сира арзимасди. Унинг мендан бошқа душманлари тиқилиб ётганди. Чунки Али ака ҳалол одам эди, пора олмасди. Мана, кимгадир халақит берган. Ўзингиз ўйланг, ака, уни ўлдириб нимага эришаман, а? Бу ўзимни ўлдиришдай нарса эмасми?

— Наркотик таъсирида ҳар нима бўлиши мумкин... Пичоқда бармоғингиз излари, кийимингиздаги қон доғлари қотиллигингизни мана мен деб исботлаб турибди ахир! — деди Шавкат қизишиб.

— Уюштирилган, тухмат! — дея тўнғиллади Асад.

— Хўп, унда мана бу саволга жавоб беринг: уюштирган одам кафега деярли бир вақтда сизнинг ва нозир Сафоевнинг келишини қаердан билган?

— Буниси менга қоронғи. Мен овқатланишга киргандим.

Кимнингдир жиноятини менинг устимга ағдаришди. Яна нима дейишим мумкин... Барибир ҳеч ким ишонмайди. Менга шуниси алам қилади!

Шавкат ҳибсхонадан чиқиб кафега йўл олди. Кафе эгаси Лутфулла буфет пештахтаси орқасида турарди. Уни кўрган Лутфулланинг юзи ўзгарди. Юзининг ифодасидан унинг ишшайётганини ҳам, тиржаяётганини ҳам билиб бўлмасди. У питирлаганча елкасига сочиқ ташлади.

— Келинг, келинг! — деди Лутфулла худди эски танишини учратгандай. — Кофедан қуяйми ёки аввал...

Шавкат уни эртақлардаги сакраб-сакраб юрадиган шайтонга ўхшатди ва бирпас индамай токчалардаги турли-туман шишаларни кўздан кечирди. Лутфулланинг тоқати тоқ бўлиб питирларди.

— Мен Жалилов Асаднинг адвокатиман, — деди ниҳоят қўрқиб ранги оқарган Лутфуллага.

— Э, келинг, келинг, ака, — дея бидирлади Лутфулла. — Сизларга ҳам қийинда, а? Одам ўлдирган қотилни ҳам ҳимоя қилишга мажбурсизлар-да. Яна ҳукумат одамини, милиционерни!

— Буни ҳали исботлаш керак, — деди Шавкат энсаси қотиб. — Сизга саволларим бор.

— Бемалол, ака, бемалол, агар фойдам тегса хурсанд бўламан... Аввал бир чашка кофе ичиб олинг. Хўрозидан бор!

— Додасидан-чи? — кулди Шавкат.

— Унисидан ҳам бор... Бўлмаса, ичкарига кирақолайлик. — Марҳабо! — дея чақирди у хизматчи қизлардан бирини. — Буфетга қараб тур.

Улар буфет ортидаги кичкина хонага кириб ўтирганларидан кейин адвокат сўради:

— Жиноят ҳақида сиз милицияга хабар бергансиз, шундайми? Марҳум билан айбланувчини қандай кўриб қолдингиз?

Лутфулла пешонасини тириштирганча гап бошлади:

— Ярим кеча эди. Кафени ёпа бошладим. Ҳожатхонага кирдим. Кирсам, даҳшат — ҳаммаёқ қон! Али ака қонга беланиб

Адвокатлар фош қилади

ётибдилар. Ёнида Асад пичоқ ушлаб ўтирибди. Дарров милицияга қўнғироқ қилдим.

Асаднинг кўзлари очиқ, лекин ҳеч нарсани кўрмасди. Деворга тикилганча қимирламай ўтирарди, гаранг эди, — деди Лутфулла. — Шунда ҳам унинг юзидан ишшайишми, жилвами, кетмаганди.

— Асад кафега ўнлар атрофида кирган, а? У қанча ўтирди? — сўради адвокат.

— Бир соат ўтирди. Кофе буюрди, холос. Мен ундан "Бировни кутяпсанми?" деб сўрадим. У "Шунчаки дам оляпман" деди.

— Милиционер қачон келди?

— Соат ўн бирда. Асад уни кўриб чиқиб кетди.

— Нимага чиқиб кетгани сизни ажаблантирмадими?

— Йўқ. Улар душманлигини билардим. Асад кафенинг тўғрисида, кўчанинг нариги томонидаги тротуарда майда-чуйда сотади. Бу мумкин эмас-ку. Милиционер уни ҳар куни ҳайдайди. Асад эртасига ёки милиционер кетиши билан яна нарсаларини ёяверади.

— Милиционер нимага кирган экан?

— Али ака тез-тез кириб турардилар. Кофе ичиб уйқуларини қочиришга.

— Асад чиқиб кетишидан аввал қандай аҳволда эди?

Лутфулла ажинларини чуқурлаштириб яна ишшайди. Пича ўйлангандай бўлди.

— Ҳм, менга ғалати туюлди. Маст десам, ичгани йўқ. Ҳуши жойида эмасди-да.

— Ўша куни кафедра бир ўзингиз эдингизми?

— Ҳа, кўриб турибсиз, кафе кичкинагина. Ишларга иккита қиз ёрдамлашади. Ўша куни кеч бўлгани учун уларга руҳсат бергандим.

Шавкат кетишга чоғланди. У муғомбир шайтонбашарадан қармоқ билан ҳам бирорта жўяли гапни тортиб олиб бўлмаслигини сизди. "Ичи тўла итбалиқ" деган халқ ибораси тушиди адвокатнинг ёдига.

— Бўпти, яна кўришамиз, — деди у ўрнидан туриб.

– Хайр, келиб туринг, – дея ишшайди Лутфулла.
– Бетингни тескари қилсин, – деди кейин пичирлаб.

Шавкат Асад савдо қиладиган жойга ўтди. У ерда газета дўкончаси бор эди. Шавкат газета сотиб оларкан, сотувчи қиздан сўради:

– Ёнингизда бир йигит майда-чуйда сотарди, а?

– Ҳа, Асад ака, – жавоб берди қиз қайтим узатаркан. – Ҳозир қамоқда. Милиционерни ўлдириб қўйибди! Шунақа деб эшитдим.

– Шунақа гап бор. Ўзи қанақа одам эди у?

– Яхши одам эди. Сира ақлимга сиғмайди шу одамнинг бировни ўлдириши. Жуда қувноқ одам эди, менга шеърлар ўқиб берарди.

– Яқинлари, ўртоқлари бормиди, ёнига ким кўпроқ келиб турарди?

– Ҳа, – деди қиз жилмайиб. – Сайёра деган қиз келиб турарди. Ҳув, анаву озиқ-овқат дўконида ишлайди...

Шавкат ўзини жуда ҳорғин сизди. Кейинги пайтларда яхши ухлолмайдиган бўлиб қолганди. Тунда, албатта, икки-уч марта безовта бўлиб уйғонарди, ўрнида қийналиб тўлғониб ётарди. Сайёра билан учрашишга боришга оёғи тортмади ва ишхонаси томон йўл олди.

Хонага кириб ҳамкасблари билан саломлашди-да, ўзини стулга ташлади.

– Аҳволингиз яхшими, Шавкат ака? – сўради Холбой. – Ишлар битай деб қолдимиз?

Шавкат "уф" тортди.

– Э, ишга чуқурроқ киришганим сари тобора чигаллашиб кетяпти, суриштириш керак бўлган одамлар кўпаяпти. Хўп, Асад кафега кириб кофе ичди, кейин ҳеч нарсани эслай олмайди. Кафе хўжайини кофега бирор нарса қўшиб берганми? Асад шундай деб таъкидлаяпти. Кимдир милиционерни ўлдиргану айбни Асадга ағдарган. Ким ва нима учун, деган савол туғилади.

Холбой столга шапатилади ва кескин деди:

– Кафечи ўлдирган, ким бўларди? У наркотик сотади.

Кафега жуда кам одам кираркан. Унда қаердан фойда кўради? Ана, сизга версия!

— Гапингизда жон бор, — деди Шавкат пешонаси тиришиб. — лекин унда милиционерни ўзининг кафесида ўлдирадими? Бирор панароқ жой қуриб кетганми? Милиционер кечаси юрадиган одам бўлса... терговда мана шу гумонлар текширилмаган.

— Унда бизга иш қолмасди-да, — деди Гулчеҳра. — Бордию Асад наркотик таъсирида ўлдирган бўлса-чи? Одамни роботга айлантириб қўядиган дорилар ҳам бор-ку? Асад наркоман эмасмикин?

— Буни аниқлаш керак... Гулчеҳра, сизга бир топшириқ бор. Асад Сайёра исмли қиз билан учрашиб юраркан. У кафедан икки юз метрлар узоқдаги озиқ-овқат дўконидида ишларкан. Ана шу қиз билан учрашсангиз.

Гулчеҳра ҳозирлик билан ўрнидан турди.

— Бўпти, Шавкат ака. Кетаверайми? — сўради сумкачасини елкасига иларкан.

— Омад сизга.

Шавкат айтган дўкон кичкинароқ бўлса-да, ниҳоятда шинам, турли егулик, ичкиликларга лиқ тўлдирилган, ичида бемалол юриш қийин эди. Гулчеҳрани бир соҳибжамол аёл очиқ юз билан кутиб олди.

— Чой қуйиб берайми, опа? — сўради у чаққон ҳаракат қилиб. — Олий навидан, ёқса, оласиз.

— Раҳмат, йўқ демайман.

— Мана, чойингиз. Буни тўғридан-тўғри Ҳиндистондан оламиз. Бирор нарса керакми ёки кўриб чиқасизми?

— Ҳалиги... Дўконингиз чиройли экан.

Қиз хурсанд бўлиб кетди.

— Шунинг учун ишляяпман-да. Фақат пул учун эмас. Меҳнат роҳат бўлиши керак... менинг исмим Сайёра. Сайр қилишни яхши кўраман.

– Исмингизни биламан, – деди Гулчеҳра қизнинг қувноқлигига ҳаваси келиб. – Мен адвокатман.

– Асад акани ҳимоя қиляпсизми? – сўради қиз кўзларини катта-катта очиб. – Вой, ҳайрият-ей, у кишининг ёнини оладиган одам бор экан. Асад акага нима бўлди? Аҳволлари яхшими?

– Аҳволи ёмонлиги учун келдим. Унга тухмат қилган бўлишлари мумкин... Айтинг-чи, Асаднинг душманлари бормиди? – сўради Гулчеҳра жиддийлашиб.

– Аниқ биттаси бор, – деди Сайёра қўлини силтаб. – Зафар деган. Ҳар куни липиллаб олдимга келаверарди. У билан учрашиб юрдик. Кейин Асад ака билан танишиб қолдим у яхши одам қанақалигини билдим.

– Наркоман эмасми?

– Э, йўғ-е! Унга қасд қилганларнинг гапи бу!.. Аниқ Зафар тарқатган.

– Асад билан қандай танишдингиз?

– У сотиб ўтирган бир ҳайкалча менга жудаям ёқиб қолди. Кичкина, жажжигина олмахон ҳайкалчаси. Ўшанинг баҳосини савдолашдик. Охири эса у ҳайкалчани совға қилиб юборди.

– Зафар билан ажрашганингиз учун Асадга қарши бўлиб қолган-да?

– Ҳа, у бир куни келди. "Нимага хомушсан?" деб сўради. "Баъзида хомуш бўлиб ҳам туриш керак" дедим. Ҳадеб кулаверсангиз ҳам ажин кўпайиб кетади. "Юр, кетдик, бир жойга олиб бораман" деди. "Дўконни ёпишимга ҳали эрта. Бир соатдан кейин ўша жойимизда учрашамиз" дедим. Уни бирданига қаттиқ хафа қилиб қўя олмадим. У кетиши билан Асад ака келиб қолдилар. Мен Зафар билан учрашишга бормадим. Асад ака икковимиз гаплашиб ўтиргандик, ранги бўзарган Зафар қайтиб келди. "Нима бўлди? Нега бормадинг?!" деб бақирди у. "Хўжайин иш буюрдилар" дедим. "Ичкарида ким бор?" деб сўради Зафар ва ичкарига суқилди. Асад акани кўриб қутуриб кетди. "Ие, Асад – Хасад-ку! Ана сенга қиёмат!" деб Асад акага мушт урди. Икковлари муштлашиб кетишди.

Адвокатлар фoш қилади

Мен милиция чақирдим. Участкавой Али ака икковларини олиб кетдилар.

Милицияхонада Зафарнинг ёнидан наркотик топилган. Буни менга кейин Асад ака айтдилар. Зафарни бир бизнесмен таниши қутқариб олибди. Бўлмаса, у қамаларди.

Гулчеҳра янги маълумотлар билан Шавкатни хурсанд қилишини ўйлаб мамнун эди. Бу маълумотлар ишни тезроқ силжитиб юборса ажаб эмас.

— Сайёра, менга жуда муҳим маълумотлар беряпсиз. Раҳмат, — дея мақтади қизга пишанг бериш учун... — Зафар наркотик истеъмол қиладими?

— Ҳеч қачон! У сотарди... У "Ҳеч кимга ҳеч нарса демайсан. Бўлмаса, сирингни очиб ташлайман!" деб роса кўрқитди.

— Қанақа сирингизни очади?

— Зафар менинг телефонимдан Асад акага СМС юборганди. Ана шундан кейин Асад ака кафега борган.

— Шунақами?! — Гулчеҳра ҳушёр тортди, хаёлидан турли фикрлар ўтди. — Сайёра, Зафар милиционерни ўлдириб, жинойтини Асадга ағдариши мумкинми?

— Албатта! — деди қиз қизишиб. — Шу йўл билан Асад акадан қутулади-ку!

— Унда нимага Асаднинг ўзини ўлдирмади?

Сайёра бармоғини тишлаганча ўйланиб қолди ва секингина деди:

— Бу ёгига ақлим етмайди, опа... Асад акага ачинганимдан айтиб юбордим-да.

— Сайёра, агар Асадга ёрдам берай десангиз, ҳеч нарсани биздан яширманг, — Гулчеҳра ташриф карточкасини узатди.

— Бирор нарса аниқланса, дарров менга қўнғироқ қилинг.

Гулчеҳра ишхонасига шошилди.

* * *

Бу пайтда Холбой Сафаров бизнесмен Тожиёв Миржалол билан учрашди. Бизнесмен хонасини ҳашаматли қилиб жиҳозлаган, катта гавдаси улкан стол ортида муштдеккина кўринарди. У эшик очилганда бошини кўтариб Холбойга

мағрурона боқди. "Илгари кўрмаган, тушдан кейин бойиганларга" ўхшайди, деб хаёлидан ўтказган Холбой унга яқинлашди.

— Сиз Тожиев Миржалолсиз, а? — деди Холбой.

— Худди ўзи! Нима, танимасмидингиз? — сўради Тожиев ўтирган жойида сал қимирлаб.

— Милиция бошқармасида эшитдим, — кесатди Холбой "Саломга яраша алик" тарзида. — Мен адвокат Холбой Сафаровман.

— Адвокатга тушадиган ишимиз йўқ эди-ку? Э-ҳа, сиз жинойатчи қотил Асадни ҳимоя қилаяпсиз? Топдимми?

— Ҳа, жуда топқир экансиз...

— Ҳайронман, қотилни, бунинг устига, ҳукумат одамани ўлдирган жинойатчини қандай ҳимоя қилиш мумкин-а? Бу ҳам жинойат эмасми?

— Ҳали унинг қотиллигини исботлаш керак. Сизнинг айбисизлигингизни ҳам.

Бизнесменнинг кўзлари бузоқникидай ола-кула бўлиб кетди. Сапчиб ўрнидан турди, олдида ётган журнални олиб столга қарсиллатиб урди. Ҳарсиллаганча бўйнидаги бўйинбоғини бўшатди.

— Менинг айбим?! — дея бақирди кейин бўғилиб.

Бу адвокатнинг шубҳасини оширди, холос. Лекин у ўзини бамайлихотир тутди ва салмоқлаб деди:

— Худди шундай. Ишчингизни ўзингиз калтаклаб, нозир Сафоев урди, деб милицияга ариза кўтариб борган сизми? Нимага бунақа қилдингиз? Сафоев сизга қандай ёмонлик қилганди? — адвокат бизнесменнинг бўзариб кетган юзига қаттиқ тикилди.

— Бас қилинг, валдираманг!! — бақирди Тожиев қўлларини мушт қилиб.

Собиқ милиция капитани Холбой тап тортмади, ўз тахминларини шартга Тожиевнинг юзига солди. Бу усул кўпинча ёрдам бериб қоларди.

— Милицияхонада ёнидан героин топилган Тоҳиров Зафарни

нима учун қутқариб олдингиз? У сизнинг героин сотадиган югурдагингиз эмасми?

Тожиёв стол ортидан чиқиб Холбойнинг ёқасидан олмоқчи бўлди. Лекин Холбой уни усталлик билан деворга суяб қўйди.

— Сиз устимга бўҳтон ағдаряпсиз! — деди Тожиёв ҳириллаб.
— Жоним омон қолсин десангиз, даф бўлинг! Мен билан ўйнашманг! Адвокат ким бўлибди ўзи?!

— Кимлигини кейинроқ билиб оласиз! — деди Холбой чиқиб кетаркан.

Хамкасблар Шавкатнинг столи атрофига тўпландилар. Ниҳоят, тахмин, далил, исботларни жамлаб бирор фикрга келишлари зарур эди.

— Хўш, нимадан бошлаймиз? — сўради Шавкат турли маълумотлар ёзилган қоғозларни алоҳида-алоҳида ажратаркан.

— Героин сотувчи Зафар билан учрашмадик-ку? — деди Холбой.

Гулчеҳра эътироз билдирди:

— Ундан бирор керакли гап олиш қийин, деб ўйлайман. Ким ҳам ўзини-ўзи сотарди?

— Унга тегишли маълумотлар етарли. Бизнесмен Тожиёв героиннинг эгаси эканлигини ўлса ҳам айтмайди, — Гулчеҳранинг гапини қувватлади Шавкат.

— Айтса, ўлади ҳам-да, — деди Холбой. — Биз Тожиёвнинг героин билан шуғулланишини текшира олмаймиз ҳам.

Уларнинг мушкулини Гулчеҳрага бўлган қўнғироқ осон қилди. Қўнғироқ қилаётган Сайёра қаттиқ кўрқув, ҳаяжонда эди. Гулчеҳра телефон овозини баландлатиб қўйди.

— Опа, опа! — дерди Сайёра ҳовлиқиб. — Зафар мени кечқурун соат ўнга "Улфат" кафесига боришимни буюрди. Бормасам, қаердан бўлса ҳам топади. У нимадандир жуда кўрқаётганга ўхшайди. Мен ҳам кўрқиб кетяпман, опажон! Нима қилай, а?!

Гулчеҳра Шавкатга қаради. Шавкат қўли билан "Борсин" ишорасини қилди.

– Боринг, – деди Гулчеҳра. – Биз сизни кузатиб турамиз, керак бўлса, ёрдам берамиз. Бардам бўлинг, биз бормиз. Хонамиздаги телефон номерини ҳам ёзиб олинг, ҳар эҳтимолга қарши. Хўп, кўрқманг, ўзингизни ҳеч нарсани билмайдигандай тутинг...

Ҳаммалари жимгина ўйланиб қолдилар. Улар ўзларича бизнесмен Тожиев қандай йўл тутиши мумкинлигини тахмин қилардилар.

– Менимча, – деди Холбой, – Тожиев Сайёрадан қутулиши керак, Зафардан ҳам. Бошқа қанақа йўли бор? Милиция нозири Сафоев унинг жиноятини билиб қолган. Мен унинг жон жойига текканимда қанчалар қутурганини бир кўрганингизда эди. Муштлашмоқчи бўлди. Айбсиз одам бунақа жазавага тушмайди.

Гулчеҳра ҳам унинг фикрига қўшилди:

– Демак, Сайёрага ҳам дори қўшилган кофе беради. Қиз ҳушидан кетгач эса...

– Ие, унда қизни тайёрлаш керак-ку, – деди Шавкат шошиб.

– Мен тайёрлайман, Шавкат ака, – деди Холбой қўлларини бир-бирига ишқаб. – Сизлар кафега борманглар. Шавкат ака, кафечи сизни танийди. Ишни ўзим бажараман.

– Милициядаги ишингизни қўмсадингизми? – деди Шавкат кулумсираб. – Лекин, Холбой, агар Тожиев наркобарон бўлса, ҳазилакам жиноятчи эмас. Қуроллари, одамлари бўлади. Милицияга хабар бериш керак.

– Тўғри-ку-я, аммо Тожиевнинг жиноятини очиш қийинлашиши мумкин.

Сайёра айтилган вақтда кафега кириб борди. Қизга кўзи тушган кафечи Лутфулла кўзлари ўйнаб ишшайди.

– Келинг, яхши қиз, – деди худди таъзим қилаётганга ўхшаб.

– Бир танишим билан шу ерда учрашмоқчи эдик. Кутиб ўтирсам майлими? – сўради қиз чўчинқираганча.

Адвокатлар фош қилади

- Бемалол. Сиз Сайёрасиз-а?
- Ҳа. Сиз қаердан биласиз мени?
- Зафар айтди бир қиз келади деб. Яқинда қаёққадир чиқди.

Келиб қолади. Нима ичасиз?

- Кофе, — деди қиз секин.

Лутфулла қаҳва кўтариб келди ва қизнинг олдига қўйди. Сайёра у ортига бурилиши билан қаҳвани салфетка солинган идишга тўкди ва чашка тубида қолган ярим хўплам қаҳвани гўё ичаётгандай бўлиб ўтирди. Бирпасдан кейин эса гўё хушидан кетгандай бошини столга қўйди. "Буёққа келинг" деган овозни эшитди у. Бизнесмен Тожиев Миржалол қизга яқинлашаркан, "Наригиси тамом!" деди ва Сайёранинг бошини кўтарди.

Шу пайт ичкарига бостириб кирган икки оператив ходим бадаварига қичқирди:

- Ётинлар! Қўллар бош орқасига!!

Лутфулла ўзини полга таппа ташлади. Миржалол эса қўлларини бўйнининг орқасига қилганча хунук тўнқайиб туриб қолди. Холбой аввал ишлаган жойидан иккита ўртоғини чақирган эди.

Ранги қув оқариб кетган Сайёра Холбойнинг ёнига чопиб келди.

– Амаки, манаву телефонга уларнинг гаплари ёзилган, — деди телефонни узатаркан. У стол устида ётган телефонининг тугмачасини билдирмай босиб қўйган эди.

Оператив ходимлар Лутфулла ва Миржалолни орқаларини бир-бирига суяб ўтқазиб қўйишгач, ичкари хоналарни кўздан кечиргани кирдилар.

– Вой, Холбой ака, бу ерда бутун бошли наркотик омбори бор экан-ку! Қандай қилиб билмай қолибмиз, а?! — деди бошини чайқаганча.

Иккинчи милиция ходими эса юзи қип-қизил гўштга айланган Зафарни суяб олиб чиқди...



Жимгина алланималар билан машғул бўлиб ўтирган Гулчеҳра ўз-ўзидан кулиб юборганди, Холбой чўчиб кетди ва ажабланиб сўради:

— Нима бало, шайтон қитиқладими? Жаҳон айвонида тинчликми?

— Бир нарса эсимга тушиб кетди. Подъездимизда битта рус кампир яшайди. Ёлғиз ўзи, фақат мушукдан сал каттароқ кучуги бор. Ўша кучукнинг шунақанги жағи очиқ эдики, акиллаши бутун подъездни тутиб кетарди. Кўшнилари роса безор бўлишди.

Кейин яқинда кучукнинг овози эшитилмай қолди. Ҳайрон бўлиб юрувдим, бир кўшнидан эшитдим: шум болалар кучукни куйиб қўйгандай бошқасига алмаштиришган экан.

Холбой маза қилиб хохолади. Кейин кўзларини артаркан, деди:

— Қишлоғимизда бир кўшни кампир бор эди — Анор хола. У ҳам ёлғиз яшар эдию ўн бешта товуғи бор эди. Биз билан ўртада девор йўқ, шох-шабба билан тўсилган. Қачон экин эксак, кампирнинг товуқлари титиб ташлайди. Жиянларим товуқларни ҳайдайвериб безор эдилар. Кампир "ўзингнинг товуғинг чўқиган" деб сира ўзига сув юқтирмасди.

Бир куни кампир товуқларини катакка қамаб меҳмонга кетган экан, жияним ўртоқлари билан ҳамма товуқларни ҳар хил рангга бўяб қўйишибди. Шўрлик кампир келиб шундоқ катакни очса, худди тўтиқушлардай ранго-ранг товуқлар чиқиб келаётганмиш! Шўрлик Анор хола "шилқ" этиб ўтириб қолибди.

Эшик очилиб папка қўлтиқлаган Шавкат кириб келди ва саломлашиб жойига ўтираркан, деди:

— Хўш, оғиз, кулоқ гимнастикаси тугадими? Унда ишга ўтамиз..! Тожибоев Аҳмад деган одам ўз квартирасида ўлдирилган. Кўшниси Тамара ҳар куни ишга кетаётиб уни учратаркан. Воқеа содир бўлган куни уйдан чиқса, Тожибоевнинг эшиги қия очиқ экан. Лекин ҳеч қандай товуш

Адвокатлар фош қилади

эшитилмас эмиш. Тамара ичкарига мўралабдию йўлакда қонига беланиб ётган Тожибоевни кўриб додлаб юборибди.

Воқеа содир бўлиш арафасида уйига бир аёлни олиб келган экан. Терговчи аёлнинг кимлигини Тожибоевнинг автомобиль эҳтиёт қисмлари сотадиган шериги Темировдан суриштириб аниқлабди. Мана, савол-жавоб баённомаси:

— Шеригингиз Тожибоев учрашиб юрадиган аёлни танирмидингиз?

— Ҳа, у гўзаллик салонида ишлайдиган Гулноза.

— Ўлимидан бир кун аввал дўконга ўша аёл билан кирдими?

— Ҳа.

— У сизга нималар деди?

— Ёнидаги аёлни таништирди, унга уйланмоқчилигини айтди. Йиғиб юрган кассадаги пулларининг ҳаммасини олибди. Бир хонали квартирасини сотиб, икки хонали олмоқчи эди. Кечқурун пулларини кўрсатиб нияти жиддийлигини исботламоқчи экан".

Марҳум Тожибоевнинг уйи тинтув қилинганда пул топилмаган. Пул яширилган жой атрофида Гулнозанинг бармоқ излари бор экан. Лекин аёлникидан ҳам пул топилмаган.

Тожибоев Аҳмад бундан ўн йил муқаддам бошқа шаҳарда кўплаб аёлларни зўрлаган экан. Аммо милиция қўлга ололмаган. Жабрланган бир неча аёл унинг қўлида аждарҳо тасвирланган татуировкаси борлигини айтган. Зўрланган аёллар орасида Гулноза ҳам бўлган. Шунинг учун терговда Гулноза Тожибоев Аҳмаддан ўчини олган, деган қарорга келинган.

Аммо Гулноза Раҳматова жиноят қилганини қатъий рад этяпти. У Тожибоевнинг уйига биринчи марта бориши экан. "Мени зўрлаган пайтда Тожибоевнинг татуировкасини кўрмаганман" деди. Тожибоевнинг уйида иккови вино ичишган. Кейин Гулноза қаттиқ ухлаб қолган. Уйғонса, Тожибоев қонига беланиб ўлиб ётибди. Жонҳолатда уйдан чиқиб қочиб кетган. "Пул яширилган жой атрофида қандай қилиб бармоқ изларингиз тушиб қолди?" деган саволимга,

"Ҳайронман, мен пул турган жойни билмасдим" деди. Аёл "Шунақа тасодиф ҳам бўладими?" деб ҳайрон.

— Ҳа, галати воқеа экан, — деди Холбой пешонасини уқалаб.

— Хўш, яна, — давом этди Шавкат. — Жиноят қуроли — пичоқ топилмаган. Аёлнинг кўйлагига қон доғлари бор экан.

— Бир жойда ётгандан кейин қон тегади-да, — деди Гулчеҳра.

— Сиз, Шавкат ака, Тожибоевни Гулноза ўлдирганига ишонасизми?

— Ишонмаганим учун бу иш билан шуғулланмоқчи бўлдим-да, — деди Шавкат.

— Аёл у эркак билан қанча вақт учрашиб юрган экан? — сўради Холбой.

— Ярим йил.

— Унда нима учун бошқа бирор кўзлардан нарироқ жойда ўлдирмади? Албатта, уйига бориб ўлдирishi керакмиди? — сўради Холбой.

— Ўлдирмоқчи эмасдиру пул жинни қилиб қўйган бўлсачи? — саволга савол билан жавоб қайтарди Гулчеҳра.

— Агар аёл Тожибоевни татуировкасидан таниб қолган бўлса, ярим йил индамай юраверадими? Дарров алоқани узарди ёки милицияга хабар берарди, — деди Шавкат. — Бўпти, энди "ов"га отланинглар. Сиз, Холбой...

— Мен марҳум ишлаган дўконга бораман, — деди Холбой.

— Мен эса аёл ишлаган салонга, — деди Гулчеҳра.

Холбой машина эҳтиёт қисмлари дўконига бориб сотувчи Темировни суриштирди. У ишдан бўшаб кетибди.

— У квартира сотиб олмоқчи бўлиб юрарди. Квартирани ижарага қўйиб, ўшанинг пулига ялло қилиб яшамоқчи эди. Мана, ниятига етди, — деди дўкон эгаси.

Холбой ташқарига чиқиб бирпас ўйланиб турди-да, Шавкатга қўнғироқ қилди:

— Шавкат ака, Темиров ишдан бўшаб кетибди. Янги квартира сотиб олган эмиш. Энди ўша квартирани ижарага қўйиб, ўшанинг пулига яшамоқчи экан. Пулни қаердан олган экан?

Адвокатлар фош қилади

– Шунақами? Ҳа, буни суриштириш керак. Майли, у билан шуғулланаман. Сиз нима қилмоқчисиз? – сўради Шавкат.

– Мен марҳумнинг қўшниси Тамара билан гаплашиб курсамми, деб ўйлаяпман.

– Майли. Фақат ўзингизни марҳумнинг ўртоғи деб таништирсангиз яхши бўлармикин? Бўлмаса, терговчига айтган гапларини тўтидай такрорлайди-да.

– Маъкул...

Холбой Тамаранинг эшигини анча вақт жиринглатиб турди. Ниҳоят, паҳмоқ халат кийиб, бошига сочиқ ўраган аёл кўринди. Ювиниб чиққан, шекилли.

– Салом, яхшимисиз? – деди Холбой аёлни кузатаркан. – Вой, синфдошимнинг хотини шунчалик чиройли деб сира ўйламагандим. Уйланганини менга билдирмабди ҳам, ярамас. Мана, сабабини билдим. Хотинини асрамоқчи.

Тамара бошини бир томонга қийшайтирганча ҳайрон бўлиб турарди. У сочиқ тагидан чиқиб қолган бир тутам сочини орқага ҳимараркан, сўради:

– Сиз кимсиз?

– Валижонман.

– Синфдошингиз ким ўзи?

– Ким бўларди, Аҳмад-да! – дея кулди Холбой.

Аёлнинг юзини гамгинлик қоплади, лаблари пирпиради.

– Ҳа-а, ҳеч нарсадан хабарингиз йўқми?

– Йўқ. Нима бўлди, тинчликми?

Аёл Холбойга йўл бўшатди.

– Ичкарига кириш.

– Бир неча марта кўнғироқ қилди, "Кел, кел" деб. Мен – галварс... – деди Холбой остонадан ўтаркан, ачиниш оҳангида.

Аёл "ялг" этиб унга қаради.

– Уни ўлдиришди. Ўлдиришди!

Холбой таққа тўхтади ва такрорлади:

– Ўлдиришди? Ўлдиришди?.. Сиз унинг бевасимисиз?

– Йўқ, қўшнисиман. Жуда қалин эдик. Мана, йўқлиги жуда билиняпти.

Холбой стулга ўтираркан, чуқур хўрсинди.

– Ҳм-м, ўлдиришди! Қандай ўлдиришди?

Тамара дастурхондаги нон ушоқларини кафти билан сидириб тўплаганча бирпас жим ўтирди ва секин деди:

– Ўша кунни ухлолмай ётувдим. Бир пайт Аҳмаднинг эшиги очилди. Ўрнимдан туриб, эшик "кўзча"сидан қарасам, Аҳмад, ёнида битта аёл. Уйқу дори ичдим-да, қайтиб ётдим. Ухлабман...

Бир пайт уйғонсам, эшигимиз тагида олағовур. Деразадан қарасам пастда милиция, "Тез ёрдам" машиналари, даҳлизга чиқдим. Милицияга кўрган, билганларимни гапириб бердим... Аҳмадни ўша аёл ўлдирган, деб тахмин қилишди.

Холбой афсусланиб бош чайқади.

– Аёлни танирмидингиз? – деб сўради Тамарадан.

Тамара лабини бурди.

– Йўқ, биринчи кўришим. Аҳмад ҳеч қачон уйига аёл билан келмасди... Ҳм, бир нарса сўрасам майлими? Аҳмад билан кўришмаган пайтларингиздаги ҳаётини билмайсизми?

– Биладан десам, билмаган бўлиб чиқишим мумкин.

Шу пайт эшик қўнғироғи чалинди. Холбой Тамарага саволомуз қаради.

– Бировни кутаётгандингизми?

– Йўқ, – дея бош чайқади аёл ва ўрнидан турди. У эшикни очиши билан бир маст одам ёпирилиб кирди. У Холбойни кўриб кўзлари ва оғзи катта очилди.

– Ўҳ-ҳў, қиёмат-ку! – дея бақирди кейин. – Жировни бўшатворибсанми?! Э, қойил!

– Бу Аҳмаднинг синфдош ўртоғи! – деди Тамара шоша-пиша.

– Аҳмаднинг ўрнига топдингми, ифлос! – маст Холбойга ташланди.

Тамара унинг олдини тўсди.

– Бақирманг! – дея чинқирди у. – Бориб хотинингизга дўқ урасиз!

Маст одам "Ҳозир ўлдираман!" дея бақириб Холбойнинг устига бостириб келди. Тамара уни тутолмай қолди. Холбой мастнинг ўнг қўлидан ушлаб айлантириб юборганди, у

гупиллаб полга ўтирди. Холбой унинг иягидан ушлаб юзини ўзига қаратди.

— Ким бўласан, гапир!

— Ўзинг кимсан? Ҳа, эсладим бозорда мени суриштириб юргандинг!

— Демак, сен Аҳмад билан ишлаган Темировсан, шундайми? Мен бўлсам, сенинг виждонингман! Мана, ўз оёғинг билан келиб қўлга тушдинг, қотил! Аҳмаднинг пулига квартира сотиб олиб, ижарага қўйдингми?

— Лекин Аҳмадни ўлдирганим йўқ, — дея хириллади Темиров.

Гапга Тамара аралашди:

— Темиров ўлдиргани йўқ! Ўша куни меникида эди. Биз анчадан бери учрашиб юрамиз.

— Мен адвокатман... Тамара, тўғриси айтинг. Шундоққина деворингиз орқасида бир одамни сўйиб қиймалайдию сиз ҳеч нарсани эшитмайсизми?

Тамара бошини эгиб хўрсинди.

— Ўша куни қатиқ ухлабман. Асад ишга уйғонганда воқеани билдик. У ҳовлиқиб қайтиб кирди. Қўлида халта тўла пул бор эди. Аҳмаднинг квартира учун йиққан пули экан. Асад мени ўликка пул керак эмаслигига ишонтирди. Тўғри-да, пул кимнингдир қўлига тушарди-да. Аҳмаднинг бу ерда ҳеч кими бўлмаса!

— Балки шундайдир. Лекин Аҳмадни ким ўлдирган? Темиров Асад ўлдирмаганига ким ҳам ишонарди?..

* * *

Гулчеҳра югурганча ҳансираб кириб келди ва:

— Ҳеч қандай янгилик йўқ, — деди мажолсиз стулга ўтираркан. — Гулнорнинг ҳамкасблари ҳеч нарсани билишмас экан. "Жуда биқик аёл эди" дейишди улар.

Шавкат столга мамнун шапатилади ва уни юпатди:

— Э, хафа бўлманг, қизим! Қотилни топиб қўйдим. Милиция бошқармасида Аҳмаддан жабр кўрганларнинг қариндош-уруғлари ҳаёти билан танишиб чиқдим. Улар

орасидан биттаси худди узукка қўйилган кўздай мос келяпти. Ҳозир уникига борамиз.

– Мен эса, – дея мақтанди Холбой ҳазиллашиб кўкрагига уриб, – Аҳмаднинг пулини ўғирлаганни топдим.

– Қандай қилиб? – сўради Гулчеҳра.

– Кейин айтиб бераман.

Гумондор Розик Рафиқов деган кекса киши эди. Ҳимоячилар чолнинг ортидан хонадонга кириб борарканлар, столга териб қўйилган турли шиша идишларга кўзлари тушди.

– Амаки, нима, уйда вино тайёрлайсизми? – деб сўради Холбой.

Чол гурурланиб кетди ва тўхтаб уларни стол томон бошлади.

– Бу жуда асл мусаллас. Подшоҳлар ичган! Қани, тотиб кўринглар, – чол жажжи пиёлачаларга мусаллас куйди. – Бунақасини умрингизда ичмагансиз. Фақат мазали эмас, фойданинг кони ҳам. Қадимдан қолган рецептни топиб олдим. Кейин уни синаб кўрдим.

– Ёмон эмас, – деди Холбой пиёлачани бўшатиб лабларини артаркан.

– Э, зўр демайсизми! – чол ранжигандай бўлди.

– Жуда зўр экан, – деди Шавкат. – Кўшнингиз Аҳмадга шу мусалласдан берганмидингиз?

Чол Шавкатнинг кўзларига тик қараб деди:

– Ҳа, берганман. Нима бўпти?

– Неварангиз ҳам Аҳмаддан жабрланган, а?

Чол бўшашиб қолди ва бориб стулга беҳол ўтирди. Кейин бошини илкис кўтарди. Унинг кўзлари хира тортиб, озғин кўллари қалтирай бошлаганди.

– Айтаман! Ҳаммасини айтаман! – деди у ҳимоячиларга бир-бир қараб. – Ҳа, ҳаммасини айтаман! Чунки яширин ўч – ўч эмас! Сизларда эса исбот йўқ, бўлмайди ҳам! Жиноят жойида изларим қолмаган, пичоқни сувга ташлаб юборганман, оқиб кетган, сопи ёғоч эди.

Шавкат чолнинг қаршисига ўтирди ва деди:

– Унда бошидан бошланг.

Чол нурсиз кўзларини бир нуқтага тикканча гап бошлади:

Адвокатлар фош қилади

— Ўғлим билан келиним автоҳалокатда ўлганларидан кейин неварам билан ёлғиз қолдик. Неварам Муниса ниҳоятда чиройли, ақли қиз бўлиб ўсаётганди. Мактабда яхши ўқирди. Орзуларимиз кўп эди.

Бир куни у қақшаб йиғлаб келдию ўзини каравотга отди. Шундай йиғлардики, уввало уринмай сира юпата олмадим. Фақат йиғлаб ётгани-ётган эди. Доктор чақирдим. Маълум бўлишича, қандайдир маълун уни зўрлаган экан. Ўша пайтда шаҳарда қандайдир жиноятчи пайдо бўлган, аёлу қизлар кўчага чиққани кўрқиб қолганди. Милиция, жабрдийдаларнинг қариндош-уруғлари кўп қидиришди. Жиноятчи ғойиб бўлди. Лекин ундан қаттиқ азобу аламлар қолди.

Бир куни мен ишдалигимда неварам шўрлик номусига чидаёлмай ўзини сувга ташлабди. Мурдаси шох-шаббалар тутиб қолинадиган жойдан чиқибди. Кўзимга дунё зимистон бўлиб кетди. Бошимни қайси тошга уришни билмасдим. Ишимни ташлаб юбордим, чунки нима қилмоқчи бўлсам, қўлимдан тушиб кетаверарди. Аламимни ичкиликдан ола бошладим. Ҳаёт фақат азобдай туюларди.

Бутунлай ҳароб бўлган кунларимнинг бирида синфдош ўртоғим буёққа ишга чақириб қолди. Яраларим сал битгандай эди. Келиб ишга жойлашдим. Ишхона мана шу уйни берди.

Ҳаётим изга туша бошлагандай эди. Аммо маълун Аҳмадни кўриб қолдим у эгим жимирлаб кетди. У милицияхонада менга кўрсатишган фотороботга ўхшарди. Кўзларимга ишонмасдим. Бутун фикру зикрим унинг кимлигини аниқлашда эди. Ниҳоят, унинг мен яшаган шаҳардан эканини аниқладим. У билан яқин бўлиб олдим.

Кўшнимиз Тамаранинг туғилган куни бўлди. Мени ҳам таклиф қилди. Мусалласдан кўтариб кириб бордим. Яхши кутиб олишди. "Бу менинг фирменний вином" деб мақтаниб мусалласни бердим. Ҳамма роса хурсанд бўлди. Мусалласни мақтаб-мақтаб ичишди.

Хона жуда иссиқ эди. Ҳамма бир-бир ечина бошлади. Шунда Аҳмаднинг қўлидаги аждар суратига кўзим тушди. Ўтирган жойимда қотиб қолдим. Жабрдийдаларнинг эсида

жиноятчининг қўлида аждар тасвири борлиги қолганди...
Тасодифларни қаранг!

Ҳимоячилар чолнинг ҳикоясини қимир этмай тинглардилар.
Чол жим бўлиб қолди.

— Ҳа, кейин-чи, амаки? — деди Шавкат уни ҳушёр
торттириб.

— Дарвоқе, бир куни ахлат ташлагани чиқдим. Қайтиб
келсам, эшик қулфланиб қолибди. Роса уннадим, сира
очишнинг иложи йўқ эди. Аҳмад келиб қолди. У аҳволимни
кўриб ёрдамга киришди. Уйдан асбоблар олиб чиқиб эшикни
очди. Ўзидан ўзи ёпилиб қолмайдиган қулф ўрнатиб берди.
Кейинчалик менинг қулфимни ўзиникига ўрнатиб олибди.

Ўша воқеа содир бўлган куни эшик қўнғироғи жиринглади.
Эшикни очсам, Аҳмад.

— Салом, виночи амаки, — деди у кулиб. — Бугун меҳмон
келадиган эди. Фирменний винонгиздан берсангиз. Меҳмонга
маъқул бўларди, — деди.

Уни қарангки, тасодиф менга йўл очиб бераётганди. Ўч
олиш вақти "Мана, мен!" деб турарди.

Мусалласга кучли уйқу дори кўшиб олиб чиқиб бердим.
Пул тутқазганди, олмадим. У мусалласни уйига қўйиб чиқиб
кетди. Кейин кечқурун бир аёлни бошлаб келди... Мен ярим
кечаси кириб...

Ҳаммалари ташқарига чиқдилар. Ҳаво хира, ёмғир озгина
томчилаган, аммо ёғолмаётганди. Атрофини тўртта кўп қаватли
уйлар ўраган майдонда томчи тушган тупроқдан ёқимли ҳид
таралмоқда эди. Одатда, бу ҳид узоқ ёшлик хотираларини эста
солади. Лекин ҳозир ўз ўйлари билан банд одамларнинг
диллари ҳам ҳавога мос — хира. Айниқса, чолнинг юзини гоҳ
аламли илжайишга ўхшаб кетадиган ифода қоплаб ажинлари
кўпаяр, гоҳ тундлик эгаллаб оларди.

— Хўш, нима қилиб турибмиз? — деди чол бетоқатланиб. —
Тақдирим тезроқ ҳал бўлгани яхши. Кутиш, номаълумликдан
ёмони йўқ...

Шанба куни эди. Розик уйқудан туриб, ювиниб артинди-да, сочиқни илгач, бирпас ўйланиб қолди. Ишга бормайди, дам олиш куни. У нима қиларини билмасди. Фақат телевизор томоша қилиб кун ўтказиш оғир. Кўчада айланиб, бирор нарсаларни эрмак қилиб юриш учун эса пул керак. Яна ёлғизлиги билинди. Ёлғизлик қанчалар азоб.

Шу пайт уяли телефони сигнал чалаб қолди. Армияда бирга хизмат қилиб, яқин бўлиб кетган ўртоғи Нурилло йўқлаётган экан.

— Э, бормисан, қадрдон? — деди у шошилиб. — Келишга эринсанг, томга чиқиб бақириб кўйсанг ҳам бўларди.

— Дўстим, шундай вақтида кўнғироқ қилдингки... Нима қилишимни билмай сиқилиб тургандим, — деди Розик кувониб. — Ўзинг ҳам йўқламадинг.

— Юрибман-да, қорасини кўрсам, қорним тўқ дегандай... Розик, эртага туғилган куним. Сен бугун келсанг. Икковимиз бир отамлашамиз.

— Албатта, бораман.

Розик дўстининг дарвозасини тақиллатди. Аввал ичкарида ит вовуллади, кейин дўсти чиқиб келди.

— О-о, қадрдон! — Нурилло кучоқ очиб келаркан хитоб қилди.

— Яхши юрибсанми? Келин яхшими? — сўради Розик кучоқлашаркан.

Ичкарига кирдилар. Дастурхон тузоғлиқ эди. Нуриллонинг хотини Фарида чиқиб саломлашди. Нурилло зўрға турган эканми, хонтахта атрофига ўтиришлари билан ароқни очди. Суҳбат бошланиб икки ўртоқ яқин хизматдошларини бирма-бир эсладилар.

— Ҳа, сенга яхши, — деди Розик навбатдаги пиёлани бўшатгач, ҳавас билан. — Хотининг бор, рўзғоринг бут, ёлғиз эмассан. Мен ёлғизликдан ёмон қийналиб кетдим, дўстим. Бир ўзимга овқат пиширгим келмайди. Ҳар куни еганим нон билан колбаса. Баъзида ўшалар ҳам бўлмай қолади.

Сира менбоп хотин учрамаяпти. Учраганда ҳам энди иш пишай деганда бирор ишкали чиқяпти.

Нурилло дўстига қараб афсусланиб бош чайқади. Раҳмини ейдиган ҳеч кими йўқ.

— Ёлғиз яшаб кўрганман, азобини биламан, — деди кейин. — Бир йўлинг боғланса, оғзингдаги луқмани ҳам ютолмайсан. Хотиним иккаламиз сенга қиз қидириб кўрамиз. Зора бахтинг очилиб кетса. Лекин қишлоғимизда бир фолбин бор. Жуда кучли. Фол очириб кўрмайсанми?

Розиқнинг кўзлари чақнади.

— Қаерда яшайди? — сўради шошиб.

— Юр, тушунтириб бераман.

Улар кўчага чиқдилар. Нурилло фолбинникига қандай боришни кўрсатди. Розиқ фолбинникини осонгина топиб борди. Катта эски дарвозасининг эшикчаси очиқ эди. Розиқ ичкарига мўраллади. У мункиллаган бир кампирнинг эгилганича хонага кириб кетаётганини кўрди. "Хола, хў, хола!" деб чақирди Розиқ ва жавоб кутмай эшикдан ўтди. Розиқ кампир ўтирган ним қоронғи хонага кириб борди.

— Кел, болам, — деди алланималар билан машғул кампир. — Тақдирингни билмоқчимисан? Ўтир. — Кампир чўян келичага бир сиқим ўт солди ва оғир келисопни Розиққа тутқазди. — Буни туй. Ўзингга дамлаб бераман... Нимадан шикоятинг бор?

— Ёшим ўттизда. Лекин ҳалигача уйлана олмаяпман. Менбоп қиз учрамаяпти. Мен тенгиларнинг..., — деди Розиқ синиқ овозда.

Кампир бирпас тасбеҳ ўгириб ўтирди. Кейин бошини кўтариб Розиққа қаради.

— Авлодингга қарғиш теккан. Кўп азоб тортишингга тўғри келади... Ҳм-м... — Кампир гапида тутилиб жим бўлди. Ўрнидан туриб Розиқ туйган ўтни пиёлага солиб, устидан термосдаги қайноқ сувдан қуйди. Фолбин пиёлани Розиққа берди. — Секин, секин хўплаб ич. Руҳингни кўтаради. Буёғини айтмайман.

Розиқ қистаб туриб олди.

Адвокатлар фош қилади

— Айтаверинг, хола! Нима бўлса ҳам айтинг, жон хола. Бошга тушганини кўраман-да, начора!

— Мен суд кўряпман. Сени қотил деб судлашади.

— Кимни ўлдирибман?!

— Мени... — фолбин кўзларини юмди.

Хонадан қандай отилиб чиққанини Розикнинг ўзи ҳам билмади. У дўстиникига қараб бораркан, қаршисидаги кўча гоҳ кўтарилар, гоҳ пасаяр, атроф хиралашгандай эди. У дўстининг хавотирланиб сўраган саволларига жавоб бермади, индамай ароқ ичиб ўтираверди. Нурилло қистайвериб сира қўймагач, "ёрилиш"га мажбур бўлди.

Нурилло анча вақт ўйланиб ўтирди-да, дўстини юпатиш учун деди:

— Менинг эшитишимча, Розик, башорат айтган одам ўлгандан кейин ўша башорат йўққа чиқаркан...

Икки дўст ниҳоят чарчаб ухлаб қолдилар. Фарида кириб устларига кўрпа ёпиб қўйди.

Ярим тун эди. Қўшни хонада чироқ ёнди ва инграш эшитилди. Ўнг кўлини биқинига қўйганча инграб Фарида чиқиб келди. Уни тўлғоқ тута бошлаганди. У оғриққа чидаёлмай хонада уёқдан буёққа юрди. Эри уйғонмаганидан кейин уни туртди.

— Нурилло ака, туринг! Туринг деяпман!

Эр кўзини очди ва гарангсиб сўради:

— Ҳа, нима бўлди?

— Тўлғоқ тутяпти! Вақти бўлди шекилли!

— Ҳозир "Тез ёрдам" чақираман! — Нурилло кўнғироқ қилди.

— Тезроқ етиб келолармикин ишқилиб?

— Билмадим, — деди Нурилло ўйланиб. — Йўл ёмон, қор босган... Ие, Хайриниса холани чақириб келиш керак.

Розик безовталаниб уйғонди ва таҳликадаги эр-хотинни кўриб ҳайрон бўлди.

— Ҳа, Нурилло, нима бўлди? — сўради у ўтириб оларкан.

— Фаридани тўлғоқ тутяпти! Фолбинни чақириб келиш керак. У табиб ҳам. "Тез ёрдам" келгунча қараб турарди... Розик, дўстим, сен бориб келоласанми? — деди Нурилло.

– Албатта! – Розик шошиб ўрнидан турди.

– Йўлни биласанми?

– Ҳа. – Розик чиқиб кетди.

– Мана бу фонарни ол.

Фолбиннинг эшиги ярим тунда ҳам очиқ эди. Розик дарвозани тақиллатди-да, жим-жит ҳовлига кирди "Тиқ" этган овоз эшитилмасди. Розик кундузи кирган хона эшигини итарди. У ичкаридан беркитилганди. Розик бир неча марта "Хола, хола!" деб чақирди. Жавоб бўлмади. Розик нима қиларини билмай ҳовлини айланиб юрди. Томоғи қақраган эди. Сув ичмоқчи бўлиб пақирни кўтарди. Қудуқ ёнига борди, суви йўқ эди. Фонар билан қудуқ ичини ёритиб сув жуда чуқурроқда ялтиллаб кўринди. Розик пақирни тушириб, сув олиб ичди. Кейин нима қиларини билмай анча вақт қаққайиб турди ва дарвоза томон юрди. Розик дарвозадан чиқаркан, қандайдир одамнинг шу томон келаётганини кўрди. Унинг ёнидан индамай ўтиб кетди.

Эрталаб эса қудуқдан фолбин кампирнинг ўлиги топилди. Кимдир аввал бошига уриб қаттиқ жароҳатлаган, сўнгра қудуққа ташлаган.

Ўша тунда кампирнинг шаҳарда яшовчи қизи келган экан. У уйга кирса, онаси йўқ экан, бирор одам касал кўришга олиб кетган, келиб қолар, деб ўйлабди қизи. У сув келтириб чой қайнатмоқчи бўлибди. Пақирни қудуққа ташласа у сувга ботмабди. Қудуқ ичини телефон чироғи билан ёритиб қарабдию мурдани кўрибди ва милицияга қўнғироқ қилибди, қўшнилари чақирибди.

– Исм, фамилиянгиз Зебинисо Фозилова, а? Онангиз ўлимига нима сабаб деб ўйлайсиз? У ҳаммага ёрдамлашадиган, ҳурматли аёл бўлган-ку? – деб сўради терговчи.

– Тўғри, онамнинг бирорта ҳам душмани бўлиши мумкин эмас. Аммо шундай ирим борки, агар кимгадир ёмон башорат қилса, фолбин ўлгандан кейин ўша башорат амалга ошмайдиган бўларкан, – жавоб берди қиз. – Демак, фол очиришга келганлардан бири...

Адвокатлар фош қилади

– Онангизнинг хонасидан ташриф буюрганлар рўйхати ёзилган дафтар топилди. Нима учун бу дафтарни тутган?

– Намоз пайти уларнинг номига дуо ўқир эди.

– Рўйхатнинг энг охирида Розик Давроновнинг исми ёзилган... Хўш, бошқа саволга ўтамиз. Онангиз билан тез-тез кўришиб турармидингиз?

– Уч йил олдин кўришганман, – жавоб берди Зебинисо.

– Кам кўришишингизга сабаб нима?

– Онам ҳеч кимдан хизмат ҳақи олмасди. Менга онамнинг қобилияти ўтган. Фол кўраман. Хизматимга ҳақ оламан. Бу онамга сира ёқмас эди.

Терговчи Зебинисога қаттиқ тикилиб сўради:

– Шунча йил кўришмай, нимага айни ўша кеча онангизникига келдингиз?

– Ахир у онам!.. Балки ўлимини сезиб, хаёлан мени чақиргандир. Нимага ўз онамни ўлдиришим керак? – Зебинисонинг жиғи-бийрони чиқди.

Терговчи чуқур "уф" тортди.

– Уйни сизга эмас, бошқа бировга мерос қилиб бергани учун...

– Мен буни билмасдим. Мерос олган одам "Шўрванинг шўрвасининг шўрваси" деганча ўхшаш қариндош.

Розикнинг фолбинниқидан чиқиб кетаётганини кўрган одам меросга эга бўлган Усмон Толипов эди.

– Ўша тунда бировни учратаман деб ўйламовдим. Соат ўн иккидан ошганди-да, – деди меросхўр. – Айбланувчи менга бир қаради-да, индамай жўнаб қолди. Мен хавотирланиб бирпас орқасидан сездирмай юрдим. У Нуриллониқига кириб кетди.

Мен ортимга қайтиб холамникига кирдим. Холам ётадиган хонанинг эшиги ичкаридан берк эди. "Ухлаб қолгандир" деб ўйлаб, ҳовлидан чиқиб кетдим.

– Фолбин уйини сизга мерос қолдириши ҳақида васият ёзган. Нимага уйни сизга мерос қилиб қолдирмоқчи бўлди, кизига эмас? – деб сўради терговчи.

– Уйни қизига қолдирса, у албатта сотиб юборарди, – жавоб

берди Усмон Толипов. — Қизи жуда пулга ўч хотин. Кейин холамнинг излари ўчиб кетарди.

— Хўп, майли... Нима учун ўша тунда фолбинникига бердингиз?

— Холам қўнғироқ қилиб, эртаси барвақт шаҳардаги қизиникига бориши кераклигини, автобекатга олиб бориб қўйишни сўради.

— Тонгда борсангиз бўларди-ку?

— Холамдан хавотирландим, чунки у "Ажал изимдан қувлаб юрибди!" деди. "Мерос учун холасини ўлдирган" деган гап ақлга сиғмайди. Ўзимнинг дардим етиб ортади. Ёлғиз яшайман, хотиним икки йил аввал туғолмай ўлган. Агар "Тез ёрдам" вақтида етиб келолмаса, ёрдамлашиш учун фолбин холамини чақиргандим. Чақалоқ кўндаланг келди. "Тез ёрдам" улгурмади. Туман марказимиз узоқда. Хотинимни туғуруқхонага олиб борганимда тирик қолармиди?

Терговчи жонланиб деди:

— Ана, сизга фолбинни ўлдиришга сабаб! Ўч олгансиз, шундай эмасми?

— Нима учун ўша телбанамо бўлиб юрган пайтимда ўлдирмадим? — саволга савол билан жавоб берди Усмон Толипов.

Терговчи елка қисди.

Розиқнинг қилмишини жиноят қуроли — келисоптаги бармоқ излари, қудуқ тубидан топилган уяли телефони тасдиқлар эди. Айбланувчи уларни "келичада доривор ўт туйганман" ва "Телефоним қудуқдан сув олаётганимда тушиб кетган бўлса керак" деб изоҳлади.

Шавкат Шарипов ёрдамчи ҳамкасбларини воқеа билан қисқача таништиргач, истеҳзо билан деди:

— Айбланувчи фолбинникига "Хотин тополмаяпман" деб борганмишу фолбин ёмон башорат қилгани учун уни ўлдирганмиш! Ўлдиришга топилган баҳонани қаранг!

Адвокатлар фош қилади

Айбланувчи Розик Давронов башоратчи ўлса, башорат амалга ошмайди, деган иримни билганмикин?

— Қизи онасини уч йил кўрмабдию айнаи ўша куни келиб қолибди. Фолбинлик онасидан ўтганмиш. Онаси ўзидаги Худо инъомини қизига ихтиёрий бермаган бўлса, онасидан зўрлик билан олмаганмикин? — тахмин қилди Холбой.

— Мерос олган узоқ қариндоши-чи, уйга тезроқ эгалик қилмоқчи бўлмаганмикин? — фикр билдирди Гулчеҳра.

— Яна битта эътироз, — деди Шавкат тергов материалларини қайта-қайта варақларкан. — Экспертизанинг кўрсатишича, фолбин кудуққа ташлангандан кейин ўлган. Айбланувчи Розик эса маст бўлган. Маст ҳолда бир одамни кўтариб кудуққа ташлашни эплай олармиди?

— Яна битта гап, — деди Холбой қўлини кўтариб. — Мерос олган жияни фолбиннинг қизи борлиги, у билан чиқишмай юрганини билган. Бордию она-бола ярашиб кетса, уйдан маҳрум бўлармиди?

— Тўппа-тўғри! — хитоб қилди Гулчеҳра. — Фолбин қизиникига бормоқчи бўлганми? Борса, ярашиб кетиши мумкинмиди?

— Хўш, нима қилдик? — сўради Шавкат.

— Мени фолбиннинг қизи билан учрашгим келяпти, — деди Холбой бетоқат.

— Эҳтиёт бўлинг, Холбой ака, — ҳазиллашди Гулчеҳра. — Тагин оғзингизни қийшайтириб қўймасин.

— Оғзимни юмиб гапираман.

— Бўпти, — деди Гулчеҳра, — мен айбланувчининг дўстиникига бораман.

— Яхши. Унда мен айбланувчи билан гаплашаман. — Шавкат ўрнидан турди.

Марҳум фолбиннинг қизи Зебинисо Холбойни яхши кутиб олди. Хонани хонтахта устида ёниб турган иккита шам ғира-шира ёритар, деворларга тушиб турган турли соялар аллақандай сеҳрлилик бағишлар эди. Зебинисо пичирлаб

аллақандай дуони ўқиди ва юзига фотиҳа тортди. Кейин у кўлига катта шиша шарни олди. Шардан ранг-баранг чиройли нурлар таралди.

– Мана, қанақа экансиз, – деди Холбой аёлга разм соларкан. Зебинисо кулди ва ҳазиллашиб сўради:

– Оғзида бирор тиши йўқ, ўрадай ялмоғизни кўраман, деб ўйловдингизми?

– Йўқ. Бунақа жойга биринчи келганим учун ғалати туюляпти, – деди Холбой.

– Ҳм, майли. Ўзингизни босиб, ҳал бўлмаётган муаммонгизга диққатингизни жамланг. Сизни қалб иши бошлаб келганини кўряпман. Фолга битта қорача, битта оқ-сариқ аёл тушяпти.

– Қорачадан келгани қанақа аёл экан?

– Нозиқкина. Ёши йигирма беш – ўттиз ёшларда. Ораларингда қандайдир низо бўлган. Ички низо.

Холбой ўйланиб, пешонасини тириштирди.

– Шунақами? Мен бўлсам нимага кечалари ухлолмаяпман деб юрибман.

– Энди хаёлан иккала аёлга диққатингизни жамланг-да, биттасини танланг, – деди фолбин шиша шарга тикилганча уни айлантираркан.

Холбой хушнуд куларкан, деди:

– Бирданига икковини ҳам иситиб беринг, илтимос.

– Икковини? Бу қимматга тушади.

Холбой ниҳоят ишга ўтди.

– Мен бошқа иш билан келганман. Адвокат ёрдамчисиман. Онангизнинг қотили деб гумон қилинаётган Розик Давроновнинг ишини ўрганияпмиз.

Зебинисо кўлидаги шарни беҳафсала хонтахта четига қўйди.

– Ҳаммаси тушунарли, – деди кейин маъюсланиб. – Ҳа-а!.. Тушимга раҳматли онам кирди. "Ойи!" деб қичқириб юборибман. Худди тирикдай эди. – "Менинг қотилимни топ!" – деди онам. – "Қандай?" деб сўрадим. – "Фолингга тушиши керак!" – деди онам. Алахсираганча туриб кетдим.

Мен "Бегуноҳ одамни айблашяпти" деган фикрга келдим.

Адвокатлар фош қилади

Биласизми, фолбинлик бизнинг авлодга тушган оғир юк. Бошқаларнинг азобини тортишга тўғри келади. Лекин онам менинг хизмат ҳақи олишимдан қаттиқ норози эди. Мен ҳар қандай меҳнатга ҳақ тўланиши керак, деб ҳисоблайман.

Шу пайт хонага бир киши кириб саломлашди.

- Бўпти, банд экансан, – деди кейин у ортига қайтаётиб.
- Бошқа пайт келаман. – У чиқиб кетди.
- Ажрашган эрим, – деди Зебинисо эшик ёпилгач.
- Энди мен қайтаман, – Холбой ўрнидан қўзғолди.

* * *

Гулчеҳра Қумтепа қишлоғини қидириб бораркан, машинаси бир-икки силкиндию ўчди. У стартёрни қанча босмасин, мотор ишламасди. Гулчеҳра пастга тушди ва аланглади. Бийдай даланинг ўртасида турганини кўриб, кўрқиб кетди. Ерни юпқа қор босган, шудгорланган пайкаллардаги тупроқ уюмлари қорайиб чиқиб турарди. Гулчеҳра довдиради, моторни тушунмас эди. Капотни очишдан фойда йўқ. Совуқ ўтмасин деб оёқларини ерга тап-тап ураркан, тўсатдан севиниб кетди. Орқа томондан бир кўк машина секин ўрмалаб келарди.

Гулчеҳра қўлини кўтарди. Машина тўхтаб, шофёр пастга тушди ва сўради:

- Нима бўлди?
- Билмадим, ўчиб қолди, – деди Гулчеҳра.
- Машинага ўтириб, капотни очинг. Стартёрни босинг-чи. Гулчеҳра унинг айтганини қилди. Шофёр текшириб кўрди ва бош чайқади.
- Моторда ишқал борга ўхшаяпти. Қаерга бораётувдингиз?
- Қумтепага, – деди Гулчеҳра хафа бўлиб.
- Мен ҳам ўша ёққа, – деди шофёр жилмайиб. – Кимникига боряпсиз?

– Нурилло Кабиров деган одамникига.

Шофёр қарсақ чалиб юборди ва хитоб қилди:

– Ўша одам менман-ку!

Гулчеҳра ҳам қувонди.

– Мен адвокат ёрдамчисиман – Гулчеҳра. Дўстингизни ҳимоя қиляпмиз.

– О, жуда савобли иш-да! Биласизми, Розик дўстим мусичага ҳам озор беролмайдиган одам. Бу аҳволга тушишига ўзимни айбдор деб ҳисобляяпман. Ҳаловатим йўқолган. Ахир уни мен чақиргандим-да. Бунинг устига, фолбинникига юборганимга ўлайми?! Худди атайин қилгандай, а! Шунақа ҳам расво тасодиф бўладими?! – Нурилло алам билан пешонасига шапатилади ва машинаси томон юрди. Машина юкхонасидан капрон арқон олди. – Меҳмон, машинангизни судраб кетамиз. Рулга ўтиринг.

Улар машинани устахонага топширдилар ва Нурилло Гулчеҳрани уйига бошлаб кетди. Ҳовлига киришгач, Нурилло хотинини чақирди. Қўлида чақалоқ кўтарган Фарида чиқиб келди-да, саломлашди.

– Меҳмон – Гулчеҳра, – дея таништирди Нурилло. – Розикни ҳимоя қилишяпти.

– Ҳуш келибсиз, – деди Фарида Гулчеҳранинг елкасига қўлини қўйиб кўришаркан. – Розик ака бечорага қийин бўлди-да... Қани, ичкарига!

– Чақалоқ яхши ўсяптими? – сўради Гулчеҳра.

– Яхши. Кўз тегмасин, илоҳим.

Улар ўтириб "Омин" қилишгач, Фарида боласини беланчакка ётқизиб, дастурхон тузашга киришди.

– Қани, дастурхонга қаранг, – деди Нурилло. – Одамнинг бир омади юришмаса қийин экан-да. – У чуқур "уф" тортди.

– Ҳа. Ўша куни бўлган воқеаларни гапириб беринг-чи, – илтимос қилди Гулчеҳра.

Нурилло Гулчеҳра эшитган гапларни такрорлади, холос...

Адвокат Шавкат айбланувчи Розикқа тикилганча навбатдаги саволни берди:

– Сиз қудуқдан сув олишдан аввал фонар билан ичини ёритдингизми?

– Ёритдим, – тасдиқлади Розик бошини силкитиб.

Адвокатлар фош қилади

— Мурдани кўрмадингиз? Демак, у пайтда мурда бўлмаган. Аксинча, пақир унинг устида туриб қолиб, сувга тушмасди... Яна нималарни эслай оласиз? Яхшилаб эсланг!

Розиқ бирпас пешонасини силаб ўтирди-да, деди:

— Дарвозадан чиққананда битта қорами ё тўқ кўкми "Жип" машинаси турганди. Маст эдим, яхши эътибор бермадим.

— Мана бу бошқа гап! — хитоб қилди Шавкат. — Аниқ, фолбиннинг уйида кимдир бўлган!.. Нега шуни аввалроқ айтмадингиз? — адвокат шартта ўрнидан турди.

— Мен бунинг фойдаси йўқ деб ўйлабман, — минғирлади Розиқ.

Ниҳоят, ҳамкасблар хонага жам бўлдилар.

— Хўш, қаерларда бўлдингиз, нималарни кўрддингиз? — сўради Шавкат эртақларда подшоҳлар жаҳонгашта саёҳатчиларга берадиган савол оҳангига монанд.

— Фолбиннинг қизи "Бегуноҳ одам айбланияпти" деган фикрда, — жавоб берди Холбой:

— Буни қандай изоҳлади?

— Ҳозирча изоҳи йўқ.

— Менда ҳам янгилик йўқ, — деди Гулчехра айбдорларча. — Бекорга бориб келдим. Бунинг устига, даланинг қоқ ўртасида машинам бузилиб қолса, денг. Яхши ҳам бир машина келиб қолди. Тасодифни қарангки, машина ҳайдовчиси мен қидириб кетаётган Нурилла ака бўлиб чиқса-я! Машинамни устахонага судраб борди.

— Девонанинг ишини Худо ўнглайди, — деб кулди Холбой.

— Ҳали девона бўлдимми?

— Нима, "девона" ёмон сўзми? "Девнинг онаси" ёки "Девларча" дегани.

— Э, қойил! — деди Шавкат завқланиб. — Бунинг мазмунига эътибор бермаган эканман.

— Дарвоқе, Шавкат ака, гаплашиб ўтирганимизда Зебинисонинг эри кириб қолди. Мени кўриб, қайтиб чиқиб кетди.

— Ҳа, эри ҳисобимизда йўқ эди, — деди Шавкат. — Уни ўрганиб кўриш керак... Хўш, менда эса янгилик бор. Розик фолбинникидан чиқаётиб кўчада "Жип" машинаси турганини кўрган. Мерос олган Усмон ҳам буни тасдиқлади.

Мен фолбиннинг қизини чақирганман. Ҳозир келиб қолиши керак.

Холбой ўрнидан туриб, деразадан кўчага қаради. Қайтиб келиб жойига ўтирди. Бироқ сабри чидамай, яна дераза ёнига борди.

— Ана, келди! — деди у ҳовлиқиб.

— Қора "Жип"дами? — сўради Шавкат табассум билан.

— Тўппа-тўғри!

Гулчеҳра ҳайрон бўлганча анграйиб ўтирарди. Хонага қора рўмол ўраган Зебинисо кирди ва:

— Нима гаплар? Қотил топилдими? — сўради дабдурустдан.

— Ассалому алайкум. Қани, ўтиринг, — таклиф қилди Шавкат. — Аввало, бир неча саволимиз бор.

— Қанақа? — сўради аёл стулга омонат ўтираркан.

— Масалан, пул масаласидаги қийинчиликларингиз. Кредитни тўлай олмагансиз. Банк сизни судга бермоқчи бўлган. Шундайми? — Шавкат аёлга синовчан разм солди.

Зебинисо қўл силтаб, лабини бурди ва такаббуруна жавоб берди:

— Бу қачонлар эди! Уни ҳал қилганман. Қарзни вақтида тўлаяпман.

— Сизда онангизни ўлдиришга мотив — сабаб бор. Чунки у уйини бировга мерос қилиб бермоқчи бўлган. Бу сизнинг ғазабингизни кўзгаган, деб ўйлаш мумкинми?

— Нималар деяпсиз?! — аёл туюқиб кетди ва юзи бўғриқди.

— Фожиа юз берган тунда онангизнинг уйи олдида сизнинг машинангизни кўришган.

— Қанақа машина?!

— Ҳозир сиз ҳайдаб келган машинани!

Аёл тиззаларига шапатилаб ўрнидан туриб кетаёзди.

— Унда машинам йўқ эди! — деди у бўғилиб. — Собиқ эрим

онам ўлгандан кейин совға қилди уни. Дафндан бир ой ўтганда... У соғлиғидан шикоят қилиб келди. Ёрдан беришимни сўради. Мен табиблик ҳам қиламан. Гонорарига олдиндан машинасини берди.

– Бошқа айтадиган гапингиз йўқми?

– Йўқ, – дея типирчилади Зебинисо. – Менга рухсатми!

– Рухсат, – деди Шавкат. – Унинг эсига айбланувчи ҳибсхонадан қўнғироқ қилиб айтган гапи тушган эди.

Зебинисо чиқиб кетди. Холбой билан Гулчеҳра Шавкат қандай фикрга келганини билишга қизиқиб ўтирардилар.

– Демак, Шавкат ака, қотил шу аёлнинг собиқ эри деб ҳисоблайсизми? – сўради Холбой бетоқат.

– Ҳа, – жавоб берди Шавкат. – Айбланувчи Розикнинг тушига фолбин кампир кириб, қотили кимлигини айтибди. "Тушга нималар кирмайди", деб унча эътибор бермагандим. Лекин у тасдиқланганга ўхшайди.

– Эри нима учун ўлдириши мумкин? – сўради Гулчеҳра.

– Сабабини кейинроқ биламиз. – Шавкат терговчига қўнғироқ қилди. – Собиржон, мен Шавкат акангизман. Қотил аниқланганга ўхшаяпти... Фолбин кампирнинг собиқ куёви. Фожа содир бўлган куни собиқ куёви Умиднинг машинаси фолбиннинг уйи яқинида турганини кўришган..

Шошманг, буёғини эшитинг. Мен Умид тўғрисида суриштирган эдим. "Бирор жиноий ишга аралашмаганмикин?" деб ўйладим. Бир йил аввал унинг бизнес шериги йўқолгани муносабати билан жиноий иш қўзғотилган экан. Лекин Умиднинг жиноятини исботлай олишмаган. Шеригининг мурдаси ҳам топилмаган... Улар жуда катта пул ишлаган бўлганлар. Мана, Умид қайси пулга қиммат машина сотиб олган.

Фолбинни ўлдиришими? Энди бунинг сабабини сиз аниқлайсиз-да... Хўп, омад тилайман, хайр, – Шавкат гўшакни жойига қўйди.

Эртаси куни Шавкат хонага кириб келиши билан тантанавор хитоб қилди:

– Жўралар, ҳақиқий жиноятчи қўлга олинди! Табриклайман!

– Бизга шон-шарафлар! – деди Холбой қувониб.

– Қандай қўлга олишибди? – сўради Гулчеҳра.

– Ҳозир, бирпас нафасимни ростлай... Кеча Зебинисонинг собиқ эри борган. – "Жуда вақтида келдингиз", – дебди аёл унга. "Нима бўлди?", – сўрабди собиқ эри. – "Онам тушимга кириб, ўзини ким, қандай ўлдирганини айтди", – "Ким экан?" – "Сиз!!!" – "Зеби, фолбинлик қиламан деб, бутунлай томинг кетибди!" – "Бизнес шеригингизни қандай ўлдирганингизни ҳам айтди! Сен, қотил, онамни ўлдирдинг!!!" – "Эҳ, Зеби, бекорга бу гапни кўзгадинг! Керак эмасди! Ҳали кўп яшашинг мумкин эди!" – дебди Умид ва аёлни бўға бошлабди. Худди шу пайт милиция ходимлари кириб боришган.

– Аёлнинг бахти бор экан! – деди Шавкатнинг гапини ҳаяжон билан тинглаётган Гулчеҳра қалтираб.

– Жиноятчи фолбинни нимага ўлдирганини айтибдими? – сўради Холбой.

– Ҳа. Эрталаб тўғри терговчининг олдига ўтдим. Терговчининг айтишича, Умид собиқ қайнонасиникига ҳам дардига даво қидириб борган. Руҳий азоблар ич-этини еб, мияси айний бошлаган, шекилли. Фолбин қайнонаси эса "Сен тузалмайсан. Ўртоғингни ўлдиргансан, қанча одамларни алдаб ҳаром пул топгансан. Сени даволаб бўлмайди. Энди ириб-чириб ўласан!" деб қаҳрини сочган. Васвас бўлиб қолган Умид бу гапнинг орган ходимларига етиб боришидан қаттиқ қўрқиб кетган-да, фолбиннинг бошига оғир келисоп билан урган. Кампир хушидан кетиб йиқилган. Ўзингиз ўйлагандай, худди шу пайт Розик ҳовлига кириб борган... Қотил то Розик чиқиб кетгунча хонада яшириниб ўтирган. Кейин кампирни кудуққа ташлаган.

Ҳамма жимиб қолди.



Туппа-тузук чопқиллаб юрган қизча тўсатдан ётиб қолди. Унинг ранги қув оқариб, лаблари кўкарди. Онаси Шарифа нима қиларини билмай типирчилаганча уёқдан буёққа югурарди. Охири "Тез ёрдам"ни чақирди. Қизчани касалхонага олиб кетдилар.

Турли мутахассис-врачлар текшируви натижасида қизчага туғма юрак хасталиги ташхиси қўйилди. Бу ниҳоятда қўрқинчли ташхис эди. Лекин ўн минг еврога чет элда даволаш мумкинлигини айтишди.

Энди пулни қаердан топишади? Шарифа умрида евро-ку нариёқда турсин, долларни ҳам ушлаб кўрмаган. У мактабда муаллима, эри эса коллежда дарс беради.

Кечқурун ишдан келиб шум хабарни эшитган эри ҳам мук тушганча бошини чангаллаб қолди. Аммо улар қандай қилиб бўлмасин, қизчани даволатамиз деган қарорга келдилар. Эр-хотиннинг бутун фикрини пул топиш илинжи қамраб олди. Улар куну тун хаёлнинг минг бир кўчасига кириб чиқардилар.

Шарифа узоқ йиллардан бери юз кўрмас бўлиб кетган опасидан ёрдам сўрамоқчи бўлди.

Опаси Ханифа ёшлигида жуда бебош бўлиб ўсди. У умуман ота-онасининг гапига кирмас, фақат ўз билганини қиларди. Қиз тўсатдан йўқолиб қолар, отаси ё онасининг "Қаерда эдинг?" деган саволига "Хоҳлаган жойимда" деб жавоб берарди пинагини бузмай.

Ханифа охири шаҳарга кетиб қолди. Кекса ота-онаси қаршилиқ кўрсатишга ожизлик қилдилар. Кейин эшитишларича, Ханифа савдо-сотиқ билан шуғуллана бошлабди, қандайдир эрга тегибди. Икки марта уйидагиларни кўришга келди, аммо маҳаллада номусга қолган ота-она, айниқса отаси кечирмади, "Бундай қизим йўқ!" деди.

Орадан вақт ўтиб Ханифа савдогарликнинг ҳадисини олди. Кўзлаган мақсади йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаслиги туфайлими ё омади чопдими, ишқилиб бойиб кетди. Данғиллама уй қурди, каттакон машина сотиб олди.

Мактабни битирган Шарифа ҳам шаҳарга келиб ўқишга кирди. У иккинчи босқичдалигида кетма-кет ота-онаси вафот этди. У туғилиб ўсган туман марказидаги ҳовлида ёлғиз укаси қолди. Шарифа бирга ўқиган йигитга турмушга чиқди. Эри Шодмонга ота-онасидан икки хонали квартира қолган эди. Ўша ерда яшай бошладилар. Қизчаси туғилди. Бинойидай кун кечираётган эдилар. Бироқ...

Шарифа опаси Ханифа билан уч-тўрт марта кўришди. Ханифа унча рўйхушлик бермади. У синглисини ота-онасининг пинжига кириб ўзини яккалаб қўйганликда айблар, Шарифа буни ҳис қилар, лекин ҳозир бўйин эгиб, ялиниб боришдан ўзга чораси йўқ эди.

Тўсатдан синглисини кўрган Ханифанинг кўзлари бир зум чарақлагандай бўлдию дарров тумшайиб олди. Чунки кейинги пайтларда ёрдам сўровчилар кўпайиб жонига текканди. Ўз вақтида уни ҳеч ким қувватламаганини эслаб, бировларга кўмаклашмасди.

— Ие, Шарифа, бормисан? Эсонмисан, омонмисан? — деди Ханифа синглисини кучоқлаб.

— Раҳмат. Ўзинг яхши юрибсанми? — сўради Шарифа шу пайтгача келмагани учун ҳижолатдан қунишиб.

— Қани, кир, — Ханифа синглисини ўрик тагидаги сўрига ўтказди. — Қаёқдан кун чиқди, эслаб қолибсан?

— Опа, бошимга мушкул иш тушиб қолди. Қизимнинг юраги туғма порог экан, — деди Шарифа йиғламсираб. — Шўрлик кундан кунга сўлиб боряпти. Ёрдам сўраб келдим.

Ханифанинг афти буришди, синглисига тикилди.

— Қандай ёрдам бераман, доктор бўлмасам? — деди кейин.

— Операция қиладиган жой бор экан, ўн минг еврога, — деди Шарифа мўлтираб.

— Ҳа, оғир аҳволда қолибсан. Эринг нима қилиб юрибди? Пул топмайдими?

— Қидиряпти, лекин ҳали пул топилмади. Шунга сени қора тортиб келдим.

— Шунча пул беролмайман. Бор пулимни савдога тикканман. У қачон қайтади, номаълум... Ҳа, синглим, "Меҳр кўзда"

Адвокатлар фош қилади

деганлари тўппа-тўғри экан. Кўрмасам, эсимга ҳам тушмайсан.

— Ёрдам бероласанми, опа? — яна бир марта сўради Шарифа.

— Ие, ҳозир сенга эртак айтдимми? Сен катта пул кўрмагансан-да, пул нималигини яхши билмайсан, — Ханифа ловуллаб кетди. — Уф, қон босимим ошди шекилли. — У хонага кириб чиқди ва синглисига пул узатди. — Ма, минг доллар, бошқа умид қилма. Бўпти, бор, қизинг йиғлаб қолади.

Шарифа ўрnidан туриб, дарвоза томон судралди. Опаси совуқ хайрлашди. Шарифа кўчага чиққач йиғлаб юборди. Кўзларини ёш хиралаштиргани учун бекатга зўрға етиб олди.

Шарифа кечқурун бутун захрию қаҳрини ишдан ҳориб келган эрига сочди. Оғзига келган аччиқ гапларни қайтармади, "латта", "хотиндан баттар", яна алламбалолар деди. Охири эр чидамай эшикни тарақлатиб ёпиб кўчага чиқиб кетди ва маст бўлиб қайтди. У уйқу дориси ичиб, одеялни бошига ўраб ётиб олди. Эр эрталаб нонушта қилмасдан индамай чиқиб кетди.

Шодмон одатдагидек барвақтроқ ишдан қайтди ва хотинига пул берди. Пулни армияда бирга хизмат қилган ўртоғи қарзга берган эмиш. Қизини докторга олиб бориш учун ишидан рухсат ҳам сўрабди.

Хуллас, қизни операция қилдириб келишди. Қиз ҳали нимжон бўлса-да, аҳволи аста-секин яхшилана бошлади. Аммо Шодмон кундан кунга сўлиб борарди. У камгап бўлиб қолган, кўпинча бир нуқтага тикилганча қимир этмай ўтирар, Шарифа бирор нарса деса чўчиб тушарди.

Шу тахлит орадан икки ой ўтди. Даҳшатли воқеа юз берди. Шаҳар четида эрининг дарахтга осилган ўлиги топилди. Чўнтагида "Мен ожизни кечир сизларни ташлаб кетаётганим учун" деган ёзув бор эди. Шарифанинг бутун дунёси қоронғулашиб, девонасифатга айланди.

Бир куни уйга киргиси келмай кўчада довдираб юраркан, юраги ёмон сиқилди ва аламли йиғлаганча туриб қолди. Шу пайт олдига бир машина келиб тўхтади. Ундан тушган бир эркак уни юпата бошлади. "Юринг, уйингизга элтиб қўяман"

деди. Шарифа роса ҳолдан тойгани учун рози бўлди. Икковлари бошқа гаплашмадилар.

Кечки пайт соат тўққизлар эди. Шарифа қизини ухлатмоқчи бўлди. — "Бугун дадам келадими? Ҳар куни ухлаб қолганимда келади. Мен бирга ўйнамоқчи эдим" дея гиншиди қиз. Шу пайт эшик очилиб, Шарифани машинасида олиб келган эркак пайдо бўлди. Шарифа қичқирмоқчи эди, у кафти билан огзини ёпди. Аёл у зўрламоқчими ё таламоқчими, тушунмади. Эркак Шарифани итариб юбориб қизча ётган хонага кирди. Қизча чинқирди. Шарифа ошхонадаги энг катта пичоқни олди-да, эркакка ташланди. "Ие, ҳали мен билан ўйнашмоқчимисан? Уролмайсан! Ур, қани! Энди мендан кўрасан!" Шарифа пичоқни эркакнинг қорнига санчди. Эркак букчайиб қолди. Шарифа пичоқни телбаларча аямай санчаверди, санчаверди. Кейинроқ эксперт эркакнинг йигирма етти жойига пичоқ кирганини санади.

Тили сал калимага келадиган бўлгач, Шарифанинг ўзи милиция чақирди.

Адвокат Гулчеҳра Пўлатовага фожиа жойига борган тезкор ходим қуйидагиларни гапириб берди.

— Биз чақирӣқ бўйича бордик. Сочлари тўзиб кетган аёл йиғлаб турар, саволларга тўлиқ жавоб беролмасди. Болалар хонасида ўлик ётарди. — "Хонага бостириб кирди", дедингиз. Эшик бузилмаган-ку? Эшикни сиз очдингизми?" — деб сўрадим. Аёлнинг гаплари чалкаш эди. Шунинг учун ҳибсга олдик.

— Айтинг-чи, йигирма етти марта пичоқ уриш атайин қилинганга ўхшайдими? — суриштирди Гулчеҳра.

— Йўқ, албатта, — жавоб берди милиционер. — Одам қаттиқ жазавага тушган бўлиши керак. Лекин жиноятчи ўзини аффект ҳолатида бўлганини кўрсатиш учун ҳам шундай қилиши мумкин...

Кўшни кампирнинг кўрсатмаси эса қуйидагича эди.

— Мен Шарифага қарама-қарши хонадонда яшайман, — деди

Адвокатлар фош қилади

у. — Деворларимиз юпқа, кўп нарса эшитилиб туради. Уйқусизликка учраганман. Аммо ўша пайт ухлаб ётганимда ҳам уйғониб кетган бўлардим, бунақа шовқиндан. Шарифа қаттиқ бақирди. Кейин қизи чинқирди. Эркак киши бақирди, оғриқдан бўлса керак. Нима воқеалигини аниқлаш қийин эди... Милиция келди.

— Ундан аввал кундузи бирор нимадан хабар топмадингизми?

— Ҳа, тўппа-тўғри, — дея қўлини кўтарди кампир шошиб. — Кундузи дугонам билан тоза ҳаво олгани ташқарига чиқувдик. — "Ие, қара, Шарифа қандайдир эркак билан турибдими?" — деб қолди дугонам. — "Ие, ҳа, — дедим мен. — Куни кечагина эрини кўмди-я!" — дедим жаҳлим чиқиб.

— Ўлган эркак ўшамиди? — сўради Гулчехра.

— Ўша, ўша! — деди кампир.

Шавкат Холбойни Шарифанинг марҳум эри ишлаган коллежга жўнатди. Чунки Шавкат икки ўлим орасида қандайдир боғлиқлик борлигига ишонарди. Коллежда марҳум Ҳайитов Шодмоннинг яқин одами деб Комил исмли муаллимни кўрсатишди.

— Сиз Шодмон билан яқин бўлгансиз, а? — сўради Холбой.

— Ҳа, — тасдиқлади Комил. — Юринг, анаву теракларнинг тагида ўриндиқ бор, — дея йўл бошлади у. — Яхши одам эди Худо раҳматига олгур. Бировга ёмон гапи йўқ, тўғрисиўз эди. Ёш боши увол кетди. Мен, ака, унинг ўзини ўзи осганига ишонмайман.

— Хўп, билганларингизни гапириб беринг, — деди Холбой ўриндиққа ўтираркан. — Менимча, ҳаммасига қарзи сабаб бўлса керак, а?

— Тўппа-тўғри! — Комил тиззасига шапатилади. — У хотинидан баъзи нарсаларни яширган. Э, яширмаганда ҳам нима бўларди? "Пулни бир ўртоғимдан олдим" деган. Бу ёлғон. Бор гапни менга айтиб берди. У қарз сўраб банкка борган. Лекин қарз беришмаган, маоши камлиги учун. Гаровга қўядиган

нарсаси йўқ. Шодмон роса ялинган. Фойдаси бўлмаган. Шодмон ноилож чиқиб кетган. Шу пайт орқасидан кимдир чақирган. Қараса, ўзи билан гаплашган банк хизматчиси. У Шодмонга телефон номери ёзилган қоғозча тутқазган-да, "Кўнғироқ қилинг, қарз беришади" деган. Шодмон хизматчи кимгадир кўнғироқ қилиб, "Яна биттасини жўнатдим" деганини эшитган.

— Демак, Шодмон қарз бериб, эвазига одамнинг бор-будини шилиб оладиган судхўр тузоғига тушган, демоқчисиз-да, а?

— Тўппа-тўғри, ака! Улар юз фоиз устама кўйишаркан. Қарз олган одам жонини жабборга бериб ишлаб топганини олиб бориб топшираверади. Аммо қарзи баттар кўпаяверади, охири шўрлик ўлиб қутулади. Шодмон бечора уч жойда ишлади. Кўзлари олайиб, бурнидан тортса йиқиладиган бўлиб қолганди.

Икковлари бирпас ўйланиб жим қолдилар. Холбой ўрнидан тураркан, сўради:

— Қарздан қутулишнинг сира иложи йўқмиди?

— Битта йўли квартирасини уларга бериш эди. Лекин Шодмон хотини билан қизини кўчада қолдиришни хоҳламаган.

— Комил чуқур "уф" тортди.

— Наҳотки, бошқа бирор йўл тополмаган?

— У ваҳшийлар бошқа йўл қолдирмаган бўлса керак-да.

— Бўлиши мумкин... — деди Холбой Комилга қўл узатиб. — Раҳмат сизга, анча кўзимни очдингиз.

— Шодмоннинг аҳволига тушган бир танишим ҳозир болачақаси билан ижарама-ижара юрибди. Топган пулини ижара ҳақига берадими, еб-ичадими, билолмай гаранг.

Холбой дарров ҳушёр тортди.

— Ўша танишингизни топсам бўладими?

— Ҳа. Ҳозир адресини ёзиб бераман. Ишқилиб, яна бошқа ижара квартирага кўчмаган бўлса бас, бечора.

Холбой муаллим билан хайрлашиб, Шавкатга кўнғироқ қилди ва аҳволни тушунтирди. Кейин қарз олиб уйдан айрилган Зоҳидов Бозорбой деган одамни қидириб кетди.

Хайриятки, қурилишда бетон қуядиган Бозорбой эндигина

ишдан келиб турган экан. "Уйида бўлмаса, ишхонасига қидириб бораманми?" деб хавфсираган Холбой хурсанд бўлди. Бозорбой Холбойни ичкарига киришга қанча қистамасин, ижарада яшайдиган одамнинг уйи қандай бўлишини кўз олдига келтирган Холбой унамади. Кўчага чиқдилар.

— Комил муаллим сизга салом айтди, — деди Холбой.

— Э, саломат бўлсин. Яхши юрибдими? Анчадан бери кўришмаймиз. Мактабда бирга ўқиганмиз, — деди Бозорбой юзи ёришиб. — Тирикчилик дегандай, югур-югурдан бўшамайман.

— Бозорбой, мен адвокатман. Бир масала бўйича келдим. Судхўрлар тўдасидан сиз ҳам қарз олган экансиз. Сизга ўхшаган бир одам қарзини узолмай, охири жонини узибди — ўзини осибди...

Бозорбой таққа тўхтаб муштларини тугди, тишларини қисди.

— Улар одам эмас, йиртқич ҳайвонлар! — деди кейин алам билан. — Уларнинг нияти фақат ҳамманинг бошига оғир-оғир кулфатлар ёғилаверсаю шундан фойдаланиб қолса.

— "Отнинг ўлими — итнинг байрами" дегандай, а? — ҳамсуҳбатининг гапини тасдиқлади Холбой.

— Бундан баттар! От ҳаром ўлиши керак. Кейин, ит одамга ёмонлик тиламайди... Хуллас, бултур хотинимни машина уриб кетди. Умуртқаси ёмон жароҳатланибди. Врачлар "Энди юролмайди" дейишди. Аммо астойдил ҳаракат қилинса, тузатиш ҳам мумкинлигини айтишди. Узоқ навбат кутиларкан, нархи жуда қиммат экан. Нархини эшитиб кўзим тепага битаёзди. Лекин мен "Нима қилиб бўлса ҳам пул топаман" дедим. Бормаган жойим, кирмаган эшигим қолмади. Фойда чиқмади. Шунда бир киши газетада "қарз берамиз" деган эълонни ўқиганини айтиб қолди. Эълонни топдим. Таваккал қилиб унда кўрсатилган жойга бордим. Чорасизлигимдан улар қўйган шартлар қулоғимга кирмабди. Устама фоизи билан қайтаришга қарз олдим. Бир ярим йилда бўлиб-бўлиб қайтараман, деб ўйлагандим. Икки жойга ишга кирдим. Пулни тежаш учун ҳатто чекишни ташладим. Уч ой қарз тўлаб бордим. Ундан кейинги борганимда иккитаси менга ташланиб ура

кетишти. — "Бунақада икки дунёда ҳам тўлолмайсан! Яхшиси, квартирангни бизга ўтказиб берасан! Агар милицияга айтсанг, хотинингни бурдалаймиз!" — деди. — "Ахир унда биз кўчада қоламиз-ку!" — дедим. — "Кўчада қолмаслигинг учун сени осамиз! Қани, машинага олиб чиқ!" судради жаллодлардан бири.

Мен уёқдалигимда уйга ҳам одам келиб, хотинимни кўрқитибди. Хуллас, квартирани уларга арзонгаровга сотишдан ўзга чора қолмади. Шундай қилиб, уйдан ажралдик. Ҳозир ижарада яшаяпмиз. Хотиним тузалмади, юролмади.

"Одамнинг бошига қандай азоблар тушмайди-я, одам нималарга чидамайди-я!" деган фикр ўтди Холбойнинг хаёлидан Бозорбойни зимдан кузатаркан.

* * *

Шавкат чуқур ўйга толганча анча вақт жим ўтириб қолди ва ниҳоят бошини кўтариб, деди:

— Ҳа, тахминлар тўғри келяпти. Шарифанинг эри Шодмонни Холбой айтган ваҳший судхўрлар ўлдирган. Уни мажбурлаб хат ёздиришган. Шодмон хотини билан қизи кўчада қолмаслиги учун квартирани беришга кўнмаган. Гўё у ўлса судхўрлар қарзни қистамайдигандай.

— Тўғри! — хитоб қилди Холбой. — Шарифа ўлдирган Мансур Туропов квартирани олиш учун борган...

— Худди шундай. Терговчи уни Шарифанинг ўйнаши деб ўйлаб юрибди.

— Шавкат ака, мен ҳайронман. Шарифа нима учун тўғриси айтмади? — сўради Гулчеҳра.

— Тўғриси айтса, қарзни бермаслик учун ўлдирган бўлиб чиқарди-да... Бўпти, мен ҳибсхонага кетдим.

Шарифа энди ҳақиқатни яшириб бўлмаслигини тушунди.

— Ўша куни бир киши йўлимни тўсди. Гаплари ғалати эди. Менга қоғоз кўрсатди. У эримнинг йигирма минг евро қарз олгани ҳақидаги тилхати эди. "Шуни дарров тўлайсиз!" Мен бунақа пул тополмаслигимни айтдим. "Унда квартирангизни

менинг номимга ўтказиб берасиз. Хужжатларни тўғрилаб келаман, имзо чексангиз бас", — деди.

— Кейин кечаси келди, а?

— Ҳа. Эшикни калит билан очиб кирди. Кўрққанимдан жинни бўлиб қолаёздим. У айтиб турди, мен йиғлаганимча квартирани ҳада қилиш ҳақида ёза бошладим. — "Яхши, ақли хотин экансан. Бўлмаса, сен ҳам дарахтда осилиб турардинг. Қарзини тўламаганлар қандай аҳволга тушишини ҳаммага кўрсатиб қўямиз!" — деди у.

Мен қақшаб ўрнимдан туриб кетдим. "Демак, эримни шулар ўлдирган! Одамларни сира тап тортмай ўлдиришса, уйини тортиб олишса, жим қараб тураверамизми?!" деб ўйладим-да, катта пичоқни олиб, унинг дуч келган жойига тикиб ташладим.

Шавкат уни юпата бошлади:

— Сизни қутқариб оламиз. Пичоқни аффект, жазава ҳолатида ургансиз. Нима қилаётганингизни билмагансиз. Аммо бошқаларни бир ашаддий жиноятчидан қутқаргансиз.



Бирин-кетин хонага кириб келган Шавкат билан Холбой чой ичиладиган столдаги мева-чеваларни кўриб ҳайрон бўлдилар. Стол қанд-қурс, олма, ўрикқоқи, майиз, турли пишириқларга тўлдирилганди. Гулчеҳра гурурланиб кулди ва тавозе билан:

— Қани, меҳмонлар, ўтиринглар, — дея таклиф қилди икковларини. — Ҳозир чой қайнайди.

— Тинчликми, Гулчеҳра? — сўради Холбой қўлларини ишқаб.

— Кимни эрга беряпмиз?

— Эрга бериб бўлганмиз, — деди Гулчеҳра чой дамларкан.

— Бу бешик тўйимники.

— Э, қиёмат, — деди Шавкат стулга ўтираётиб. — Табаррук экан.

— Бизда тўйлар кўп-да, — деди Холбой битта олмани қўлига олиб. — Энди беланчак тўйини ҳам ташкил қилиш керак.

— Яхши бўларди, — дея илжайди Гулчеҳра. — Айрим хотинлар тақинчоқларини яна бир марта кўз-кўзлаб олишарди. Бешиктўйида бечоралар тақинчоқларини кўрсатиш учун қанақанги ҳаракатлар қилишмади... Охири бир аёлнинг жаҳди чиқиб кетди-да, уларга теккизиб ўзи кўрган воқеани гапириб берди. Бир тўп танноз хотинлар автобусни тўлдириб, кимошдига ясан-тусанни жойига қўйиб бешиктўйига боришибди. Тўйда роса бир-бирларига зимдан баҳо беришган. Қайтаётганларида эса безорилар автобусни тўсиб хотинларни шип-шийдам қилишибди. Уларнинг орасидаги энг кўп ясанган аёлнинг дод-войи бошқаларникидан ўтиб тушибди. Чунки у кўшнисининг тақинчоқларини олиб турган экан.

Холбой куламан деб нақ тиқилиб қолаёзди.

— Мақтанчоқлик одамни охири хор қилади, — деди Шавкат.
— Мақтанчоқлик очкўзликка олиб боради, очкўзлик — жиноятга...

Чой ичиб бўлингач, Гулчеҳра стол устини тартибга сола бошлади. Холбой жойига ўтиб ўтирди-да, сўради:

— Шавкат ака, кечаги ишни нима қиламиз?

— Гулчеҳра шуғуллангани яхшироқми, деб ўйлаяпман, — жавоб берди Шавкат. — Қатнашчиларнинг ҳаммаси қиз, аёллар экан.

— Нима иш? — сўради Гулчеҳра.

— Бир аёл кечқурун тайёрлаб қўйган котлетларни эрталаб пишириб қўйиб, ишига кетибди. Иккита қизи ҳам улардан еб мактабга жўнашибди. Ўша куни эри дам олишда бўлгани учун чошгоҳда туриб котлет ебдию захарланиб ўлибди. Котлетга каламушга қарши захар қўшилган экан. Терговчи қизлардан шубҳаланган. Чунки улар ўғай отаси билан чиқишмас экан. Мана, тергов материалларининг нусхаси, — Холбой қоғозжилд устига шапатилади.

— Бўпти, шуғулланаман, — деди Гулчеҳра унинг ёнига келиб.
— Материалларни беринг.

— Гулчеҳра, биласизми, нималарга эътибор бериш керак. Айблов хулосаси умумий — ким, қачон, қандай қилиб котлетга

Адвокатлар фош қилади

дори қўшгани аниқланмаган. Онаси котлетни пишириб кетган, қизлар еган. Нимага улар заҳарланмади?

— Хўп, мен кетдим. Ҳозир қизлар мактабдан қайтган бўлишлари керак, — деди Гулчеҳра ўрнидан туриб.

У борганда ҳақиқатан ҳам қизлар уйда эдилар. Улар адвокатга кўзларини катта очиб, кўрқув билан қараб туришарди.

— Энди бизни қамашадими? — сўради кичиги Камола.

— Сизларда айб бўлмаса, нимага қамашаркан, — далда берди адвокат. — Фақат ҳеч нарсани яширмай гапириб беришларинг керак. Ўтиринглар, — деди қотиб турган қизларга.

— Бизнинг айбимиз йўқ, — деди Мунира овози титраб.

— Нега энди? Айбимиз бор-ку, — эътироз билдирди Камола.

— Қанақа айб? — қизиқсинди адвокат.

Камола опасига кўрқув билан қараб олди-да, деди:

— Шодиевнинг қўғирчоғини ясадик. Унга тўғнағичнинг нинасини тикдик. Мен керакмас, кўрқаман десам, опам кўнмади. Нина тикқандик, Шодиев додлаб юборди. Биз уйдан қочиб кетдик...

— Ўлдирмоқчи эмасдик. Уйдан кеткизмоқчи эдик, холос, — ўзини оқлади Мунира.

— Нимага ёқтирмас эдиларинг?

— Ойимизни тортиб олаётган эди-да... Кейин, бола кўришса...

— Хўп, бўпти, — деди Гулчеҳра тушуниб. — Бир бошдан гапиринглар. Шодиев ўлган куни нималар бўлди?

— Кечқурун ойим котлетнинг хомини тайёрлаб қўйди. Эрталаб пишириб ишга кетди. Биз туриб котлет едик-да, мактабга кетдик, — деди Мунира.

— Мактабдан чиқиб ўйнаб юрдик, — давом эттирди Камола. — Уйга келиб яна қўғирчоққа тўғнағич тикқандик, Шодиев додлаб юборди.

— Котлетлар қаерда турганди? — сўради адвокат.

— Товада, — деди Камола. — Ойим солиб, устига тоғорача ёпиб қўйганди.

Гулчеҳра қоғозларини варақлади-да сўради:

– Уйдан каламуш дориси солинган банка топилган. Унда бармоқ изларингиз бор. Уни ушлагансизлар, тўғрими?

– Ҳа, – тасдиқлади Мунира. – Курткамга доғ текканди, доғ тозалайдиганни топаман деб банкани тушириб юбордим. Дорининг озгинаси тўкилиб кетди. Уни артиб олдик.

– Уни ойим ишхонасидан олиб келганди, – қўшимча қилди Камола. – Қўшнимиз подвалда каламуш кўрган экан... Мен айбдорман. Шодиев биз билан дўстлашмоқчи эди. Ёмонлик қилмаганди. Биз бўлсак кўғирчоғини ясаб, юрагига нина тикдик. "У ўлмайдими?" деб сўрасам, опам "Йўқ, фақат қочиб кетади" деди.

Мунира сингисининг елкасига туртиб, деди:

– Ойим биздан кўра уни яхши кўрарди. У эса севмасди.

– Хўп, бўпти, – деди Гулчеҳра савол-жавобга яқун ясаб. – Ойингиз каламушларга қарши дори сепади, а? Ишдан қачон қайтади?

– Кечқурун соат еттида, – жавоб берди Камола.

– Унда кечқурун келаман, – Гулчеҳра қизлар билан хайрлашиб чиқиб кетди.

Терговчининг аниқлашича, қўшни кампир Доно хола воқеанинг айрим жойларидан воқиф экан. Гулчеҳра унинг эшиги қўнғироғини босди. Кампир дарров эшикни очди ва Гулчеҳрага бошдан-оёқ разм солиб, деди:

– Квартирага одам қўймайман... Сизга манаву семечкафуруш хотин айтдими? Унга гапнинг учини чиқармай мен ўлай!..

– Ассалому алайкум, хола, – деди Гулчеҳра. – Мен адвокатман.

– Ие, узр, болам... Келиб-келиб анаву семечкафурушга "Уйимга одам қўйсаммикин?" деб оғзимдан гуллаб қўйибманда, болам. Учраганни юборавериб жонимга тегди... Сиз Анварнинг иши бўйича келдингизми? Киринг ичкарига.

Кампир балконга бошлади. У ерда тахтадан сўри қилинган, ўртасига хонтахта ўрнатилганди. Газ плитаси ҳам балконга чиқарилган экан. Гулчеҳра сўри четига оёқларини осилтириб ўтирди.

Адвокатлар фош қилади

— Яхши жой қилиб олибсиз, хола, — деди Гулчеҳра атрофини кузатаркан. — Диванда одам омонат ўтиргандай сезади.

— Тўппа-тўғри, қизим. Ота-боболаримиз балониям билган. Кўрпачада ёнбошлаб дам олганга нима етсин. Ҳам ёруққина... Кўшним Анваржон яхши одам эди — муаллим. Болалар шўхликни оширворса, тергаб турарди. Хотини ҳам ёмон аёл эмас. У эрини заҳарламаган. Қизлари билмасдан қилган бўлмаса... Ёлғиз Худога аён.

— Хола, ўша куни кўрганларингизни гапириб беринг-чи, — деди Гулчеҳра жойлашиброқ ўтириб оларкан. — Анвар Шодиевнинг ўлиб ётганини биринчи сиз кўрдингизми?

— Ҳа, Худо раҳмат қилсин, — кампир юзига фотиҳа тортди. — Кечқурун телевизор кўриб ўтирувдим, Анвар шунақанги кичқирдики, деворлар зириллаб кетгандай бўлди. Кейин у деворни муштлади. Қизлар пастга қочиб кетди. Ўпкамни қўлтиқлаб уларникига кирдим. Анвар юзубан ётибди. "Тез ёрдам" чақирдим.

Мен унинг хотини Нафисага "Қизларни асраб олма, кийналасан" деб минг марта айтдим. Қулоқ солмади.

— Қизларни асраб олганми?

— Ҳа. Ўлган опасининг қизлари у, — жавоб берди Доно хола ва Гулчеҳрага илиқ чой қуйиб узатди. — Қизлар қобил, мўмингина бўлса ҳам майли эди. Шўх, ерга урсанг кўкка сапчийди. Мактабдан қочиб юради.

— Марҳум ўлган куни кечқурун "Котлет ҳидини сездим" дебсиз терговчига... Қизлар котлет пишираётганини кўрмадингизми?

— Ҳидини сездим, лекин кўрганим йўқ.

— Ўша пайтда, умуман, қизлар уйдаими? — сўради адвокат ўсмоқчилаб, кампирга жиддий тикилганча.

— Мен сизга айтдим-ку, қизим, улар чопиб тушиб кетди, деб. Анвар шунақанги бақирдики, нақ юрагим ёрилиб кетаёзди! — деди кампир астойдил.

Гулчеҳра кампирдан ҳам бирор янгилик ололмагандан хафа бўлиб деди:

— Ҳа, хола. Каламуш дори ошқозонга киргандан кейин ичдан қон кетаркан. Одам икки соат қаттиқ қийналиб ўларкан... Майли, хайр, хола.

Гулчеҳра кўчага чиққач, ўйлаб кўриб, марҳум ҳақида маълумот олиш учун мактабдагилар билан учрашишни маъқул топди. Мактаб директори йўқ экан, у ўқув ишлари бўйича ўринбосарини топди. Гулчеҳра ўзини таништиргач, кабинетга киришди.

— Шодиев институтда ўқиган шаҳрида қолиб уйланганди, — гап бошлади директор ўринбосари имо билан Гулчеҳрани ўтиришга таклиф этаркан. — Хотини жуда чиройли эди. Лекин турмушлари узоққа бормади. Анвар хотини билан ажрашиб қайтиб қелди.

— Ўзи қанақа эди? Душмани йўқмиди мабодо? — сўради адвокат.

— Яхши ўқитувчи эди, билими кучли. Бошқа ишларидан хабарим йўқ.

— Ҳозирги хотини билан қандай танишганди?

— Хотини Нафисанинг асраб олган қизлари жуда ўйинқароқ. Уларга кўп танбеҳ бергани учунми, ораларидаги муносабат жуда ёмон эди. Бир куни Шодиев шикоят қилиб қолди: қизлари туфлисига майда михча солиб қўйибди... Ҳа, "Қандай танишган эди?" деб сўрадингиз-а. Қизларнинг ахлоқини муҳокама қилиш учун Нафисани мактабга чақиртирган. Ана ўшанда танишган. Нафиса ҳам ёмон аёл эмас, жуда меҳнаткаш. Ўлган опасининг қизларини асраб олиши ҳам меҳрибонлигини кўрсатади.

Лекин, менимча, Шодиев хато қилди — қизларга гапи ўтмай қолди. Мен қизларни неча марта чақириб гаплашдим. Гап уқдириб бўладими уларга.

— Шодиев билан чиқишмайдиган бошқа ўқувчилар ҳам бормиди?

— У болаларга чекма, тўполон қилма, яхши ўқи деб кўп тергарди. Лекин бунинг учун ўлимини тилаш... Билмадим, билмадим, — деди директор ўринбосари ночор елкасини қисиб. — Тўғриси айтсам, Нафисанинг асранди қизларидан

жуда хафаман. Шу пайтгача мактабимизга терговчи ҳам, адвокат ҳам келмаганди. Уларнинг орқасидан мана... Бошқа ишларим тиқилиб ётибди... Ҳм, майли, айбдор топилар.

Гулчеҳра яна марҳумнинг уйига қайтди. Аммо Нафиса қизларининг гапига арзирли қўшимча қила олмади. У тинимсиз йиғлар, қовоқлари шишиб кетганди. "Зўрға топган эримни эчки тепиб ўлдирди" деганларидай, энди хувиллаган уйи тўла бошлаганда тўсатдан келган кулфат уни бутунлай гангитиб, эзиб ташлаганди.

Фақат Гулчеҳра чиқиб кетаётганда Мунира унинг енгидан тортиб тўхтатди ва шивирлаб деди:

— Бир нарса эсимга тушди. Биз уйга кирганимизда хонада кийиладиган шиппаклар тартибсиз ётганди. Бизда шиппаклар доим жой-жойида туради.

* * *

Гулчеҳра қандай фикрга келишини билмай қолганди. Маслаҳат сўрамоқчи бўлиб, Шавкатга кўп марта қўнғироқ қилди. Лекин ҳар доим "Бу телефонга вақтинча қўнғироқ қилиш мумкин эмас" деган жавобни эшитаверди. Шундан сўнг "Ҳалигача суд тугамабди-да" деб уйига йўл олди.

Чиндан ҳам Шавкат ва Холбой суд мажлисида эдилар. У судланувчи Аҳмедов Ризаматни ҳимоя қилиши керак эди. Суд тушдан кейин бошланди. Шавкат суд бошланишидан олдин ҳимоясидаги Ризаматга ўзини қандай тутишни ва саволларга қандай жавоб беришни яна бир марта тушунтирди.

Прокурор айблов хулосасини ўқиди:

— 2012 йил 16 июнь кuni Асқаров Аббор, унинг укаси Асқаров Дониёр, ўртоқлари Воҳидов Сардор ва Қодиров Файратлар судланувчи Асқаров Абборнинг туғилган кунини нишонлаш учун дала ҳовлига борадилар. Улар спиртли ичимлик таъсиридан қаттиқ қичқиришиб тўполон қиладилар. Мушак отадилар. Музыка овози бутун атрофни тутиб кетади. Бу дала ҳовлига қўшни уйда яшовчи Аҳмедов Ризаматнинг жонига тегади. У чиқиб болаларга танбеҳ беради. Болалар тўполонни тўхтатмагач, милиция чақиради. Лекин келган икки милиция

ходими болаларни олиб кетишга асос тополмайдилар. Улар кетганларидан кейин Аҳмедов Ризамат милтиқдан осмонга ўқ узади. Аҳвол кескинлашади. Болалар Аҳмедовни ҳақорат қиладилар. Аҳмедов болаларнинг олдига милтиқ кўтариб чиқади. Шунда Асқаров Аброр милтиққа ёпишади. Аҳмедов эса милтиқ тепкисини босади, Воҳидов оғир яраланади. Судланувчига Воҳидов Сардор ташланади ва у ҳам яраланади. Шу пайт дўконга кетган Асқаров Дониёр қайтиб келади. Судланувчи Аҳмедов Ризамат чиқиб кетади ва милицияга боради.

Орадан кўп ўтмай Асқаров Аброр ҳалок бўлади.

Судья ўлган Аброрнинг отаси Асқаров Қаюмни минбарга чақирди.

— Иш бўйича нималарни айта оласиз? — сўради прокурор ундан.

— Биз 16 июнь куни ўғилларимизнинг биттасидан айрилдик, — дея гап бошлади ота бўғиқ овозда. — Ўғлим Аброрнинг туғилган кунини дачада ўртоқлари билан нишонлайдиган бўлишди. Уларнинг тўполони қўшнига ёқмаган. Шунинг учун фожиа юз берган. Болаларнинг ҳам айби бор...

Шу пайт марҳумнинг онаси қичқириб луқма ташлади:

— Нима деяпсиз?! Улар ёш бола-ку, ўйнаши мумкин эмасми?!

Судья аёлни тартибга чақиргач, прокурор сўроқни давом эттирди.

— Ўғлингиз ўлганини қачон билдингиз?

— Дачага бораётиб дўкон олдида кичик ўғлим Дониёрни кўриб қолдим. У билан бирга дўкондан нон олдик. Дачага бориб шу воқеани кўрдик. Болаларнинг ёнида милтиқ ётарди. Воқеа қандай бўлганини Ғайрат гапириб берди.

— Мана шу судланувчи чол ўлдирган, ҳайвон! — деб қичқирди яна марҳумнинг онаси.

— Ўзингизни босинг! — деди судья аёлга, тўқмоқчасини тақиллатиб ураркан.

— Қандай босаман, қандай?! — бўш келмади аёл.

— Экспертиза хулосасига кўра, — деди прокурор қоғозларни

Адвокатлар фош қилади

варақларкан, — икки жабрланувчи ҳам битта милтиқдан отиб ўлдирилган. Милтиқда судланувчининг бармоқ излари бор.

Судья прокурорнинг жим қолганини кўриб деди:

— Бошқа саволларингиз йўқми?.. Унда марҳамат, ҳимоячи — Шавкат Шарипов.

— Жабрланувчи Асқаров, менинг ҳимоямдаги судланувчини қачондан бери танийсиз? — сўради адвокат.

— Кўп йиллардан бери танишимиз, — жавоб берди Асқаров.

— Сиз ҳовлига кирганингизда судланувчи болаларнинг тепасида турган, тўғрими?.. У қандай аҳволда эди?

— Жуда эзилган эди. Йиғлаб юборадигандай эди.

— Сизга бирор нарса дедими?

— "Милиция чақирин керак" деди.

— Ҳимоямдаги судланувчи айбини тан олган. Терговчи билан ҳамкорлик қилган.

Бошқа саволим йўқ, — деди адвокат.

— Гувоҳ Асқаров Дониёр, — деди судья. — Ўрнингиздан туринг. Саволларга жавоб беринг.

— Ўша кунги воқеа ҳақида гапириб беринг, — деди прокурор.

— Биз чивинларни ҳайдаш учун ўт ёқдик, — гап бошлади Дониёр. — Чол уйидан туриб бизга кесак отди. Мен нон олиб келиш учун дўконга кетдим. Дадам билан қайтиб келсак, шу иш бўлибди. Бошқа нарсани билмайман.

Адвокат сўради:

— Ўша пайтда судланувчининг невараси оғир касаллигини билармидинглар? Неваранинг умуртқаси тўртинчи даражали жароҳат олган бўлган. Сизлар тўполонни авжга чиқарган вақтда унинг иситмаси кўтарилиб кетган. Сизлар ёққан ўт тутуни эса боланинг аллергиясини кўзгаган.

Хўш, экспертнинг хулосаси бўйича, судланувчининг ҳам, акангиз Абборнинг ҳам баданида зарба излари бўлган. Демак, улар муштлашишган. Болалар маст бўлишган. Улар муштлашганда сиз қаерда эдингиз?

— Мен ҳам маст эдим, — минғирлади бола. — Эслолмайман. Дўконга кетган бўлсам керак.

— Ўқ овозини эшитмадингизми?

– Йўқ.

– Икки марта ўқ овозини кўпчилик эшитган-ку?

– Маст эдим. Балки ўшанда самолёт учиб ўтгандир.

Судланувчи Аҳмедов ўтирган жойида қўлини олдинга чўзганча баланд овозда деди:

– Эшитдими, эшитмадими қандай фарқи бор? Ўқни мен отганман. Кетма-кет иккала бола ҳам йиқилди. Милтиқни ерга ташладим. Бу бола отаси билан келганда "Милиция қақиринглар!" дедим. Буни ҳисобга олишингизни сўрайман.

– Хўп, Асқаров, ўтиринг, – деди судья. – Гувоҳ милиция сержанти Шаропов қақирилади.

Гувоҳ кириб келиб, шапкасини ечиб минбар ёнига борди.

– Кўрилаётган иш юзасидан нималарни айта оласиз?

– Бўлинмамизга кўнғироқ бўлди. Ёшлар мушак отиб тўполон кўтаришаётганини айтишди. Биз борганимизда болалар қаттиқ маст эмасди. Улар "энди тинчлик сақлаймиз" деб ваъда беришди. Биз борганда фожиа юз бермаганди.

Кўшни аёл ўрnidан туриб гап қўшди: – Милиционерлар кетгандан кейин тўполон авжига чиқди. Судланувчининг невараси жуда оғирлашиб қолди. Болалар Аҳмедов билан даҳанаки уришдилар. Аҳмедовнинг ўғли келиб, болани касалхонага олиб кетди.

Биз қўшнилари судланувчи Аҳмедовга ҳам жуда ачиндик. Хайрият, неварасини операция қилдириб, тузатишди.

Адвокат Шавкат ажабланиб сўради:

– Қанақа операция? Сиз қаердан биласиз?

Судья тўқмоқчасини тақиллатиб гапни бўлди ва деди:

– Қақирилган гувоҳ қолиб, бошқа томонга ўтиб кетдингиз?.. Гувоҳга саволлар йўқми? Унда ўтиринг, гувоҳ... Сиз судланувчига қўшнимисиз? Хўп, адвокатнинг саволига жавоб беринг.

– Буни ҳамма билади, – деди қўшни аёл. – Невараси зўрға юрарди. Доим уйда ўтирарди. Ҳозир чопқиллайдиган бўлган. Германияда операция қилишибди. Қандайдир темир ўрнатишибди умуртқасига, қийшайиб кетмаслиги учун.

— Мен судланувчининг ўғлини чақирришни сўрайман, хурматли суд раиси, — деди адвокат.

Залда ўтирганлар орасидан бир йигит ўрнидан турди ва:

— Судланувчининг ўғли менман, Аҳмедов Вали, — деди у.

— Унда минбарга келинг, — деди судья.

Прокурор шошиб эътироз билдирди:

— У қандай қилиб гувоҳ бўлсин! Бутун суд вақтида залда ўтирди-ку!

Судья эътирозни эътиборга олмади:

— Гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши маълум эмасди.

— Ростдан ҳам ўғлингизни Германияда операция қилдириб келдингизми? — сўради Шавкат судланувчининг ўғли минбар ёнига келиб тургач.

— Ҳа. Лекин бунинг ишга қандай алоқаси бор? — деди у.

— Аҳамияти бор... Пулни қаердан топдингиз?

Ўғил жавоб беришга қийналиб, бирпас жим турди, атрофга жовдираб аланглади.

— Саволга жавоб беринг, — дея қистади судья.

— Пул топдим-да, қарз олдим. Оз-оздан тўлаб узаман, — деди ўғил секин.

— Қарз олган одамларингизнинг исмларини айта оласизми?

Ўғил жавоб беришга ожизлик қилиб, индамай туравергач, ўлган Воҳидов Сардорнинг онаси қичқириб юборди:

— Мана, энди тушундим, Асқаров Қаюм ўғлини ўлдирган бўлса ҳам чолни нимага ҳимоя қилаётганини энди тушундим! — деди у қўлларини тепага кўтариб. — Пулни ўлган Аброрнинг отаси берган!

Зал ғала-ғовурга тўлди, раис зўрға тинчитди. Ниҳоят, воқеа ойдинлашди. Маълум бўлишича, Сардор чолдан милтиқни тортиб оламан деганда у отилиб кетиб Аброр ўлган. Шунда Асқаровнинг кичик ўғли Дониёр Сардори отган.

Дониёрни асраб қолиш учун отаси қўшни чол Аҳмедов Ризаматга операция учун пул берган.

Дониёр Сардор йиқилганини кўриб телбаларча кўчага қочган. Қўшни чол эса беҳуш ўтириб қолган...

Шавкат билан Холбой ташқарига чиққанларида дим залда

узоқ ўтирганлари учун ҳаво шундай ёқимли туюлдики, чуқур-чуқур нафас олиб тўймас эдилар.

— Вой, ёруғ дунё ҳам бор экан-ку! — хитоб қилди Холбой.
— Энди би-ир пивоҳўрлик қилсак, танларимиз яйраб раҳмат айтарди-да.

— Заказ сомса билан-а? — уни қувватлади телефонни кўздан кечираётган Шавкат. — Гулчеҳра бечора беш марта кўнғироқ қилибди ўзиям. Ҳозир, гаплашай-чи... Ҳа, Гулчеҳра, ишлар қалай? Суд тушдан кейинга кўчирилган эди... Шундайми? Майли, буларни ҳам барибир аниқлаш керак эди-да. Куйинманг... Энди, Гулчеҳра, Шодиев ўлган куни ёки бир кун олдин кимлар кўнғироқ қилганини аниқланг. Кимдандир катта қарздор, балки мерос талашгандир? Жуда бўлмаса, аввал яшаган жойидаги ишларини текшираамиз... Бўпти, яна эртага маслаҳатлашамиз. — Шавкат телефонни ўчирди.

Эртаси куни Гулчеҳра хонага кириши билан тик турганча ҳовлиқиб ҳисобот бера бошлади:

— Аниқладим, Шавкат ака, Шодиев ўлган куни соат бирдан ўн минут ўтганда опаси Замира кўнғироқ қилган экан. Шунда дарров сизнинг "мерос" деган сўзингиз эсимга тушди-да, нотариусга бордим. Ҳозир опаси яшаётган ҳовли отаси томонидан марҳум Анвар Шодиевга мерос қилиб қолдирилган экан...

— Ана сизга мотив! — деди Холбой столни шапатилаб. — Аммо-лекин мерос талашиб ёмон кўпайяпти-да.

— Бунинг сабаби одам ўзини текинхўрликка уриши, — деди Шавкат. — Ўзи меҳнат қилиб мулк топмаса, уй-жой қурмаса-да, текингинасини қўлга киритса... Бўпти, Холбой, ҳозир бирга марҳумнинг опаси билан майдалаб гаплашинглар. Қани, нима чиқаркин.

Адвокатлар Шодиевнинг опасини қидириб бордилар. Опасининг ҳовлиси шаҳарнинг четроғига жойлашган, жуда маҳобатли эди. Каттагина ҳовлини айланасига қатор хоналар ва узун равон ўраб турарди. Ўртада тарвақайлаган кекса тут,

Адвокатлар фош қилади

унинг соясига сўри қўйилганди. Уй бекаси Замира адвокатларни ана шу сўрига бошлади.

— Сизлар ўтириб туринглар, чой дамлаб келаман, — деди аёл.

Холбой кескин қаршилик кўрсатди:

— Йўқ, йўқ, сира овора бўлманг! Ишимиз жуда зарур!

— Биз укангизнинг иши бўйича келганмиз... Унинг бирор душмани йўқмиди мабодо? — сўради Гулчеҳра.

Замира беҳафсала қўл силтаганча сўри четига ўтираркан, лаб буриб жавоб берди:

— Бе, душман нима қилсин! Каттароқ бизнесмен бўлса экан, ҳасадчи кўпайса.

— Балки илгари яшаган жойида бирор ноҳўя иш қилгандир? — деди Холбой.

— Унисидан хабарим йўқ, — деди аёл. — Укам жуда омади чопган бола эди. Мактабда яхши ўқирди. Кейин университетга ҳам кирди. Яхши қизга уйланди. Нима бўлганини билмай қолдим, у билан ажрашиб уйга қайтди... Мактабга ишга кирди.

Мактабда иккита ўқувчининг асраб олган онаси билан танишиб қолибди. Унга уйланмоқчи бўлди. Бу, каламуш ўлдирувчи хотинни севиб қолган эмиш. Бир кўрганамдаёқ у хотин ёқмади менга. Кейинроқ укам ҳам пушаймон бўлди — асранди қизларга ёқмаётганидан шикоят қилди. Ёлғиз аёллар тиқилиб ётганди...

Холбой унинг гапини бўлиб, сўради:

— Шундай катта уйда ёлғиз яшайсизми? Отангиздан қолганми?

— Ҳа, — деди Замира, — укам билан шу ҳовлида ўсганмиз.

— Лекин отангиз ҳовлини фақат укангизга васият қилиб қолдирибди-да, — деди Гулчеҳра. — Бу адолатсизлик.

— Ота-онам фақат уни яхши кўрарди. Мен борлигимни гўё сезишмасди, — деди Замира маъюс.

— Сиз бу адолатсизликни тўғриламоқчи бўлгансиз, — деди Холбой. — шунинг учун укангизни заҳарлагансиз.

— Нима?! — Замира сапчиб кетди. — Тухмат қилгани уялмайсизми?!

Холбой пинагини бузмай, бамайлихотир ҳужумни давом эттирди.

— Укангиз ўлган куни соат ўн икки — бирларда қаерда эдингиз?

— Уйда, — титраб жавоб берди Замира.

— Буни тасдиқлайдиган ҳеч ким йўқ, а? Укангизникига борганингизга эса исботлар бор. Ошхонада, заҳар солинган қоғоз қутичада бармоқ изларингиз қолган, — деди Холбой таваккалига.

Аёлнинг ранги оқариб, оғзи қийшайганини кўрган Гулчеҳра шеригини қувватлади:

— Уй шиппагида оёгингизнинг ёғ-тер асорати қолган. — Унинг хаёлида Муниранинг "Уйга кирганимизда шиппақлар тартибсиз ётганди" деган гапи ҳамон айланиб юрарди. — Бўйингизга олмасдан бошқа иложингиз йўқ. Бундай оғир азобли юк билан узоқ яшай олмайсиз!

— Бир қўшни сизни кўрган, — деди Холбой.

Замира хунук хўнграб йиғлаб юборди, икки қўли билан бошини чангаллади.

— Ҳа, мен қабиҳ ишга қўл урдим, — гуноҳини тан олди ниҳоят Замира. — Укам мени уйдан ҳайдамоқчи бўлди. Эримнинг уйини сотганимни юзимга солиб сўқди. Урмоқчи ҳам бўлди. Шайтон йўл кўрсатди, бўлмаса шундоққина рўпарамда заҳар турармиди! Котлетларга заҳар сепганимдан кейин эсимни йиғиб уларни йўқотмоқчи бўлдим. Лекин укам ваннадан чиқибоқ котлетга ёпишди. Бирор нарса қилишга улгуролмадим. Нар и борса, "Уч-тўрт кун қайт қилиб ётар-да" деб ўйловдим...

Хотини Нафиса ўлдирган каламушлар ундан ўч олди...



Гулчеҳра қидирган Олимов Солининг хонадонини зўрға топди. Чунки кўплаб уйлар бир хил қолипда, ўша атрофда узоқ йиллар яшаган одамлар ҳам ёнидаги бино рақамини билмас, рақамлар эса бирида бор, бошқасида йўқ эди.

Адвокатлар фош қилади

Адвокатлик хизматига ёрдам сўраб борган Аминов Илҳомнинг айтишича, Олимов айёрлик йўли билан уларнинг уйини сотиб, қочиб юрган экан.

Аминов Илҳом онасини ёлғиз ташлаб пойтахтга ишлагани кетган. У телефон орқали онасидан тез-тез хабар олиб турган. Аммо кейинги пайтларда телефон гўшагини бир эркак кўтара бошлади. У ўзини "ижарачиман" деб таништиради. Ижарачи ҳар гал Илҳомнинг онаси Розия холани "ваннада", "дўконга чиқиб кетди" деб жавоб беради. Кейинги сафар "дачада яшаяпти, шаҳарнинг ҳавоси ёқмаяпти" деди. Илҳом хавотирга тушди. Ниҳоят Илҳом ишхонасидан рухсат олиб, уйига келди. Эшикни бир бегона аёл очди.

– Сиз кимсиз?! – сўради ҳайратдан қотиб қолаётган Илҳом.

– Уй эгасиман, – жавоб берди аёл ҳам ажабланиб. – Яқинда сотиб олдик.

– Ким сотди?

– Бир эркак билан аёл – эр-хотин шекилли. Мен ҳозир... – Аёл ичкарига кириб кетди ва ҳужжатлар солинган жилд кўтариб чиқди. – Мана, кўришингиз мумкин.

Илҳом қоғозларни бирма-бир варақлаб кўздан кечирди. Ҳужжатлар қонуний расмийлаштирилган, уйни ишончнома асосида Олимов Соли деган одам сотган эди.

Илҳом қўшнилардан суриштиради. Улар онаси анчадан бери дала ҳовлида яшаётганини айтдилар, холос. Бошқа воқеалардан беҳабар эдилар. Улар фақат ижарада бир одам яшагани, яна кейинги пайтда бир аёл келиб-кейтиб юрганини айтишди. Миясига "Бир балоси бўлмаса, кеч кузда дала ҳовлида яшармиди?" деган фикр келган Илҳомнинг эти жимирлаб кетди. У ташқарига югурди ва дуч келган машинани кира қилиб отасидан қолган дала ҳовлиси томон ошиқди.

Дала ҳовлилар қурилган қирликка яқинлашган сари кираётган киш нукси яққолроқ сезила бошлади. Дов-дарахтлар новдалари яланғоч, енгил шамолда титраб тебранарди. Баъзан-баъзан ер титкилаб юрган қора қарғалар кўзга ташланиб қоларди. Кўчада деярли одам йўқ. Бу манзарадан Илҳомнинг

юраги баттар увишиб, қадамини тезлаштирди ва охири чидамай чопиб кетди.

Кўча эшиги ичкаридан занжирланганди. Илҳом девордан ошиб ўтди-да, "Ойи, ойи!" деб чақирди овози титраб. Ҳовлида сукунат ҳукмрон эди. Хона эшиги очиқ эди, Илҳом шошилиб ичкарига кирди. Ҳеч ким йўқ, идиш-товоқ, газ плитасини босган чанг бу ерда анча вақтдан бери одам яшамаслигини кўрсатиб турарди. Илҳом гарангсиганча ташқарига чиқди. Ахлат ташланадиган чуқурча хас-хазонга тўлибди. Тўсатдан хазон орасидан чиқиб турган қизил матоҳ Илҳомнинг кўзига чўғдай ташланди. Илҳом чуқурга тушиб матоҳни тортди ва шунда онасининг мурдасини кўрдию даҳшат билан додлаб юборди!

Илҳом милиция чақирди. Милиция ходимлари ва "Тез ёрдам" машинаси етиб келди. Ана шундагина дала ҳовлида яшовчи беш-олтита одам тўпланди...

Судмедэксперт аёлнинг юрак нуқсони туфайли бир ой муқаддам ўлганини аниқлади. Аёл ёлғизликда хор бўлиб вафот этганди.

Илҳом нима қиларини билмай талмовсираб қолди. У милицияга арз қилиб боришни ўйлаб турганда тўсатдан собиқ мактабдоши адвокат Гулчеҳра ёдига тушди.

Гулчеҳра Илҳомни кўриб қувониб кетди, аммо воқеани эшитиб қаттиқ афсусланди.

— Онангни бекорга ёлғиз ташлаб кетибсан-да, — дея гина қилди у. — Касаллигини нимага ўйламадинг?

— Ўзим тузукроқ жойлашганимдан кейин олиб кетмоқчи эдим, — жавоб берди Илҳом бошини эгиб.

— Ҳали уйланмадинг-а?

— Йўқ. Аввал ишни йўлга қўйиб олишим керак эди-ку.

— Ҳа, ота-она шунақа экан — энди оғзи ошга етай деганда...

— Гулчеҳра "уф" тортди. — Бўпти, Илҳом, мен бу ишни ўрганаман. Хабар олиб тур, керак бўлиб қолишинг мумкин. Онангнинг сурати борми?

— Ҳа, — деди Илҳом ва ёнидан сурат чиқарди.

У Гулчеҳрага миннатдорларча тикилиб қолди. Кейин деди:

Адвокатлар фош қилади

— Мен бугун кетишим керак. Ишдан қолишим мумкин эмас. Ҳар куни кўнғироқ қиламан. Мана, менинг телефон номерим, — Илҳом қоғозча узатди. — Сеникини ёзиб олай...

Гулчеҳра Шавкатни воқеа билан таништиргач, ишга киришди. Керакли манзилга бориб, уй кўнғироғини босган эди, эшик очилиб, ўйноқи митти кўзлари одамда нохуш кайфият уйғотувчи, пакана киши кўринди. У Гулчеҳрага хавотирланиб тикилди, калта қошлари тепага кўтарилди. Гулчеҳра ўзини таништирди ва:

— Сизга саволларим бор эди, — деди. — Кирсам майлими?

— Кириш, — деди Соли Олимов хушламай. — Адвокатбоп ишимиз йўқ эди, шекилли?

— Терговчибоп ишингиз борми? — дея ачитди таъби хира бўлган Гулчеҳра плашини ечиб иларқан. — Сиз Аминова Розия деган аёлникида ижарада тургансиз, а?

— Ҳа, — деди Соли. — Лекин ижарачидан яқинроқ эдим. Орамизда муҳаббат пайдо бўлганди. Эр-хотин бўлиб яшардик.

— Уйни нима учун сотдингиз?

— Розия пойтахтдан уй олиб, ўғлининг ёнига бормоқчи эди. Кейин, юраги касаллиги учун "Дачада тоза ҳавода яшайман", деб туриб олди. Ўша ёққа олиб бориб қўйдим. Озиқ-овқат, ўгин гамлаб бердим. Розия шаҳардаги уйни сотиш учун менинг номимга ишончнома ёзди. Мен уйни сотиш билан овора бўлдим...

Гулчеҳра Солининг бамайлихотир гапиришига чидаёлмай, столни шапатилаб юборишига сал қолди.

— Сиз Розиянинг ўлганини биласизми?! — деб сўради алам билан.

— Ие, ўлди?! — ёлғондакам хитоб қилди Соли. — Йўғ-е!

— Уйни ўз номингиздан сотишга ҳаққингиз йўқ-ку?! Қандай эпладингиз?

— Розиянинг ўзи сотди. Мен ҳужжатларни тўғриладим, — дея минғирлади Соли довдираб.

— Нотариусга қачон бордиларинг?

— Ҳм-м, — Соли бирпас ўйланди, — олтинчи январда.

Гулчеҳра "Ахир Розия ундан деярли бир ой олдин

инфарктдан ўлган-ку?" деб савол беришдан ўзини аранг тутиб қолди ва ёлғондан йўталди. Бу саволни ҳал қилувчи пайтга асраб қўйиши лозим эди.

— Охирги марта қачон кўрдингиз? — деб сўради кейин.

— Саккиз-тўққиз кун бўлди, — жавоб берди Соли. — Энди бормоқчи бўлиб турувдим. Пойтахтдан уй қидириш билан роса овора бўлдим. Квартиранинг қавати тўғри келса, хонаси тўғри келмайди, маъқули қиммат...

— Розия холанинг ўглини топмадингизми?

Соли жавоб беришга қийналиб атрофига аланглади, кўзларини пирпиратди.

— Унга билдиргим келмади, — деди кейин. — У мени ёқтирмаслиги мумкин эди. Розиянинг пойтахтга интилишидан мақсад "У ерда яхши докторлар, профессорлар кўп, юрагимни даволатаман" деб умид қиларди доим.

— Ҳали уй тополмадингизми?

— Йўқ, — жавоб берди Соли томоқ қириб.

Гулчеҳра ўрнидан туриб плашини қўлига олди.

— Хўп, хайр, — деди чиқиб кетаркан.

У олди-сотди ҳужжатларида кўрсатилган нотариус идорасига борди. Шундоққина хонага кираверишда сочини малларангга бўяган қиз ўтирарди.

— Яхшимисиз? — деди Гулчеҳра унинг тепасига бориб. — Мен адвокатман. Баъзи нарсаларни аниқламоқчи эдим.

— Ассалому алайкум. Ўтиринг, ўтиринг, — дея жой кўрсатди қиз. — Мен котибаман.

Гулчеҳра хатжилдини очди ва сўради:

— Яқинда Аминова Розия квартирасини сотган экан. Ҳужжатларни сизларда расмийлаштирган...

Қиз рўйхатга оид китобини варақлай бошлади.

— Ҳозир, ҳозир... Мана, топдим. Ҳужжатларни мен тўлдирганман.

— Уларга Аминова Розиянинг ўзи имзо қўйдими? — сўради адвокат рўйхат китобига кўз ташлашга уриниб.

— Фақат имзо чеккани келди. Бошқа пайт Олимов Соли

Адвокатлар фош қилади

деган одам қатнади, ишончнома билан. Нима, бирор чатоқ жойи борми?

— Ҳа, шунақа. Келганда Аминованинг касал эканини сезмадингизми? — Гулчеҳра қизга синовчан тикилди. — Эслайсизми?

— Э, йўғ-е! — деди қиз шошиб. — Нима деярсиз! Кўриниши жуда тетик эди. Мен ҳайрон қолдим: паспортида олтмишда, кўриниши эса жуда ёш. "Қандай қилиб шунақа қариш мумкин?" деб ўйладим. Кейин, медицинага тан бердим. Қўллар сип-силлиқ эди, ажинлари йўқ.

Адвокат котибага сурат кўрсатди.

— Мана бу аёл эмасиди?

— Ҳм, ҳайронман. У катта қора кўзойнак таққанди. Бир нарса дейишим қийин. Сочи оқ эди. Лекин қомати, ўзини тутиши...

— Имзо чекаётганда ўзини қандай тутди?

— Биласизми, қандайдир ҳаяжонланарди, доим ясама ҳирингларди, қўлларини асабий бир-бирига ишқаларди. Бошлиғимизнинг олдида ишва қиларди. Бошлиғимиз шунақаларни яхши кўради. Ҳа, айтгандай! — хитоб қилди котиба қўлини кўтариб, чаккасини ушлади. — Ўша Олимов деган одам ҳар келганида бошлиғимиз мени сомса олиб келишга юборарди. Бир неча марта уларнинг пичирлашаётганини кўрдим. Демак...

"Демак, кимдир Илҳомнинг онаси ролини ўйнаган. У ким?" — хаёлидан ўтказди Гулчеҳра.

* * *

Шавкат билан Холбойнинг суҳбатини эшикнинг тақиллаши бўлди.

— Да, да, — дея овоз берди эшик яқинида ўтирадиган Холбой.

Шавкат силкиниб кулди ва ҳазиллашди:

— Дадангиз келдими, Холбой?

— Ие, ўрганиш-да, — деди у ҳам илжайиб.

Эшик очилиб катта гулдор рўмол ўраган аёл бош суқди.

– Мумкинми, ўғлим? – сўради у ийманиб.
– Кираверинг, хола, – деди Холбой ўрнидан тураркан.
– Анаву акамга учрашинг. – У Шавкатга ишора қилди.
– Эсон-омон юрибсизларми? – аҳвол сўради аёл ва Шавкатнинг ёнига борди.

– Келинг, хола. Нима бўлди? – сўради Шавкат.
Аёл чуқур "уф" тортди, серажин юзини ғам ифодаси қоплади.
– Э, болам, бошимга оғир ташвиш тушди, – дея гап бошлади аёл бир оз хириллаган овозда. – Қишлоғимиздаги дўкон хўжайинини кимдир ўлдириб, дўконига ўт қўйиб юборибди. Шунини энди менинг ёлғиз ўғлимдан кўришиб қамаб қўйишди. Ўғлимнинг қўлидан бунақа ёмон иш келмайди. Уни бир ўзим тарбиялаганман.

– Ўғлингиз нима иш қиларди? – сўради Шавкат.
– Ямин эди исми. Юк машинаси ҳайдарди. Бировларга ёрдам бериш учун ўзининг ишини кейинга қўярди, – аёл рўмолининг учи билан миждасидаги кўз ёшини шимдирди. – Ўғлимни қутқаринг, жоним болам! Умид билан келдим шунча узоқдан. Аёл мўлтираб қаради.

Шавкат жавоб бермоқчи эди, телефони жиринглаб қолди. Гулчеҳра қўнғироқ қилаётган эди. У аниқлаган маълумотларни гапириб берди ва энди нима қилишни сўради.

– Энди, – деди Шавкат бирпас ўйланиб, – Олимов Солининг ёнидаги аёл кимлигини аниқлаш керак. Олимов, албатта, буни айтмайди. Бўпти, энди Холбой билан бирга ҳаракат қилинлар. Ҳозир телефонни унга бераман, келишиб оласизлар... Манг, – Шавкат телефонни Холбойга тутқазди.

Холбой телефонни қулоғига тутганича хонадан чиқиб кетди.
– Ўғлимни бу йил уйлантирмоқчи эдим... – деди аёл ерга қараб.

– Ёрдам берамиз, хола, – деди Шавкат қатъий. – Бу ерда шунинг учун ўтирибмиз. Ҳужжатларни тайёрлайлик. Ҳозир... Холбой кириб келиб телефонни Шавкатга узатаркан, деди:
– Мен кетдим. Сиз ҳам жўнайсизми?
– Ҳа.

Далани ўқдай кесиб ўтган катта йўлга чиқишгач, кенглик, яланглик бағрида Шавкатнинг кўнгли яйради ва сиқилиб юрганини энди ҳис этди. Машина бир текис елар, унинг тезлигини фақат йўлнинг икки четидаги дарахтларнинг лип-лип ўтишидан билиш мумкин эди.

— Барака топинг, ўғлим, — аёлнинг гапи Шавкатнинг хаёлини бўлди. — Илтимосимга йўқ демай дарров йўлга тушдингиз-а! Мен минг истиҳола билан боргандим.

— Бизнинг асосий ишимиз одамларга ёрдам бериш, — деди Шавкат кўзгудан орқа ўриндиқда қимтиниб ўтирган аёлни кузатаркан. — Бегуноҳ киши ҳибсда икки баравар кўпроқ азоб чекади. Кексаларимиз тухмат балосини ўт, сув балоси билан тенглаштирадилар... Ўлган қанақа одам эди?

— Тўрт-беш йил аввал шаҳардан бир шериги билан келиб, дўкон қурди. Озиқ-овқат дўкони. Савдоси яхши юришди. Ўғлим кўпинча машинасида молларини ташиб берарди. Мана, ҳам хизмат қилди, ҳам балога қолди. Ўзингиз ўйланг, жоним болам, бир шофёр бола улар билан нимани талашиши мумкин, одам ўлдиришга арзийдиган?

— Олдиндан бир нарса дейиш қийин. Текширамиз, аниқлаймиз. Сиз тушкунликка тушманг, хола, — дея юпатди Шавкат.

Улар яна бир соатча юрганларидан сўнг яккам-дуккам чала ва битган уйлар, пойдеворлар пайдо бўлди, кейин анча гавжум кўчага кирдилар. Бу туман маркази эди.

— Ўғлингиз милицияхонада бўлса керак, а? — сўради Шавкат. — Унда сиз уйга бораверинг, — у машинани тўхтатди. — Бирор гап бўлса, хабар берамиз. Хўп, яхши боринг. Кўп сиқилманг, бегуноҳ бўлса, албатта қўйиб юборишади.

Аёл алқай-алқай тушиб кетди. Шавкат прокуратура томон жўнади. У ерда иш билан танишгач, милицияхонага йўл олди.

Милиционер Шавкат ўтирган хонага айбланувчи Толипов Яминни олиб кирди. Адвокат қаршисида ерга қараб ўтирган айбланувчига ўзини таништирди. Елкалари пастга осилиб,

қунишиб, қўлларини қаёққа қўйишни билмаётган Яминга сал жон киргандай бўлди.

— Ямин, фожиа юз берган кунда бўлган воқеаларни батафсил гапириб беринг, — деди адвокат айбланувчига разм соларкан.

— Ўша куни амакиваччамнинг тўйи бўлиши керак эди, — деди Ямин гапни нимадан бошлашини билмай бирпас жим ўтиргач. — Мен базмнинг ичкиликларини кўтармоқчи эдим. Буни Азим акага айтдим. У "хўп" деди. Биз уч юз минг сўмлик ичимликларни ажратиб бир бурчакка тахлаб қўйдик. Мен ишхонага жўнадим. Ўша куни маош, мукофот пули берилиши керак эди. Аксига олиб пул бўлмаса-да! Уч-тўрт кишидан қарз сўраб ҳам кўрдим. Ҳеч ким бермаса-да. — Ямин хўрсиниб юзини силади. — Ҳамма умидим Азим акадан эди. Лекин у "йўқ" деди. Мен титраб, қақшаб кетдим-да, Азим акага қандай мушт урганимни билмай қолдим... — Ямин жимиб бурнини тортди.

— Хўш, кейин нима бўлди? — қистади адвокат. — Барибир ичимликларни олиб кетдингиз, шундайми?

— Ҳа, — деди Ямин бошини кўтариб. — Мен қарзга пул сўраб юрувдим, Азим ака кўнғироқ қилиб қолди. — "Ямин, урганингни кечирдим, — деди у. — Ҳозир Амирнинг ёнига бор, бир яшик ароқ беради. Уни милицияхонага топширасан. Кейин келиб нарсаларингни олиб кетаверасан. Пулини кейинроқ ярмини берсанг ҳам майли", деди. Мен Амирнинг дўконига бордим. У ёпиқ эди. Кейин Азим акага учраб, ичимликларни кафега олиб кетдим.

Шавкат ҳайрон бўлиб сўради:

— Тушунмадим, Амир ким, нега унинг ароғини милицияга топширишингиз керак эди?

— Э-э! — Ямин қўлини силтади. — Амир Азим аканинг бизнес шериги. Дўконни иккови қурган. Кейинроқ Амир ўзига бошқа дўкон ҳам қуриб олди. Аммо Азим аканикида ҳам ҳаққи бор эди.

— Амир берган ароқни нима учун милицияга...

Адвокатлар фош қилади

— Бир тўйда йигирмата одам ундан олган ароқдан заҳарланиб касалхонага тушди. Лекин Амир жазодан қутулиб қолди.

— Азим билан оралари ёмонмиди?

— Ҳа, энди, "Иккита кўчқорнинг боши..." дегандай...

Адвокат қоғозларини варақлаб, кераклисини топгач, Яминга савол берди:

— Азим Маъруфовнинг бошига арматура бўлаги билан урилган. Арматурада бармоқ изларингиз бор. Бунга нима дейсиз?

— Борсам, Азим ака дўкон ёнидаги хонада экан. Эшикни тақиллатувдим, орқасидаги илгакка солиб қўйган арматурани олиб эшикни очди. Ичкарига қадам босгандим, деворга суялган ўша арматура оёғимнинг тагига йиқилди. Уни кўтариб жойига қўйдим. Ана шу... Азим акага Амирнинг дўкони ёпиқлигини айтиб, ичкиликларни машинага юклаб кетдим.

— Бўпти, текширамыз.

Шавкат ўрнидан турди, соқчи Яминни олиб чиқди.

Адвокат йўл-йўлакай хаёлан режа тузиб борарди: "Азимнинг ўлимида биринчи навбатда шериги Амир Фуломов айбдор. Лекин аввал дўкон сотувчиси — гувоҳ, Омина Остоновани сўроқ қилгани маъқул".

Шавкат сотувчи Оминани омборда ёнғиндан омон қолган озиқ-овқат молларини ташқарида столга қўйиб сотиб ўтирган пайтида учратди. У Шавкатни кўриб хизматга шай бўлиб ўрнидан турди.

— Келинг, ака, — деди нотаниш одамга тикилиб.

— Салом, ҳорманг, — деди адвокат унга яқинлашаркан.

— Мен Яминнинг адвокатиман. Сизга баъзи саволлар бермоқчи эдим.

— Бемалол, — деди сотувчи, — билганларимни айтиб бераман.

— Яхши. Хўжайинингиз билан Ямин орасидаги муносабатдан сиз яхшироқ хабардор бўлсангиз керак! Ўша куни қандай воқеалар бўлиб ўтди?

— Ўша куни, — дея гап бошлади сотувчи Омина ва шошиб бир яшикни стол тагидан тортиб чиқарди. — Мана бу ерга

ўтиринг, ака... Азим ака билан молларни санаб, ҳисоб-китоб қилдик. Кейин Ямин келиб қолди, юк машинасида у бизга юкимизни ташишда қарашиб юради. Икковлари бир нималарни гаплаша бошлаганди, мен чиқиб кетдим.

Орадан сал вақт ўтиб, мен бир харидор билан муомала қилиб турувдим, Азим ака чоғиб кирди. Орқасидан Ямин пайдо бўлди. У сўкинганча Азим акага мушт туширди. Яминга уч юз минг сўмлик ичимликлар ажратиб қўйгандик. Уларни тушдан кейин олиб кетиши керак эди. Ямин пулсиз келган экан, Азим ака бермабди. Ямин "Ўлдираман!" деб жаҳл билан чиқиб кетди.

Мен соат еттида дўконни ёпиб кетдим. Азим ака қолган эди.

— Ямин ичимликларни олиб, тўй бўлаётган кафега топширган. Олиб борилган ичимликлар сони ва тури дўконда тузилган рўйхатдагига мос...

— Рўйхатни мен тузгандим. Сейфда ёнмай қолган. Ичимликлар омборда, шундоқ эшик тагига тахлаб қўйилганди, — деди сотувчи. — Бошқа нарсалардан хабарим йўқ, ака...

Шавкат машинаси томон юраркан, "Демак, Ямин келиб, дўкон хўжайинини ўлдириб, ўт қўйиб, ичимликларни олиб кетган" деган фикр айланди миясида. "Албатта, ҳар ким худди шу ўйга боради-да. Лекин уч юз минг сўмлик ичимлик учун одам ўлдириш учун қотил ғирт тентак бўлиши керак-ку! Дўкон хўжайинининг бизнес шериги Амирнинг манфаатдорлиги бундан қанчалар катта".

Амир деганлари ўзини дунёнинг хўжайини ҳис қилиб, ўйлаб ўтирмай шартта дўқ қилиб гапирадиган, бир жойда тинч ўтиролмайдиганлар хилидан экан. У Шавкат ўзини таништириши билан дарров лўлиларча ҳужумга ўтди.

— Сурбет Ямин ҳар доим дўконга келиб, нарса сўрагани-сўраган эди. Ўша кун Азим унинг қўлини қайтаргани учун мушт урса бўладими! Вой, лаънати-ей! Сўраганга текин мол бераверса, у қанақа дўкончи бўлади? Бу зўравонликми?

— Урганини ўзингиз кўрдингизми? — сўради адвокат уни сал босишга уриниб.

— Нима, сизга видеолента олиб келиб беришим керакми?
— яна бўш келмади Амир.

— Мен "Урганини кўрдингизми?" деб сўраяпман, — деди Шавкат жаҳлини ичига ютиб.

— Менга айтиб беришди. Илгари ўзим кўрганман, неча марта нарса сўраганини. Яна, синглимга уйланмоқчи эмиш, гадой!

— Яминни айблаб милицияга ёзиб бергансиз, шундайми?

— Гражданлик бурчимни бажардим. Нима, ёзмаслигим керакмиди? Азимнинг роса жонига текканди, "Энди бошқа нарса бермайман" деганди.

— Тушунарли... — деди Шавкат ҳафсаласи пир бўлиб. Кейин бирдан ҳушёр тортди ва маслаҳатомуз сўради: — Амир, марҳум Азимнинг душманлари бормиди?

Амир ўйланиб осмонга боққанча пешонасини тириштирди.

— Шунисини эслолмаяпман, — деди у бош чайқаб.

— Ҳм, масалан, оиласи билан қандай эди?

— Биласизми, — дея жонланди Амир, — хотини аварияга учрагандан кейин уни бир четдаги уйга олиб бориб ташлаган. Хотини юролмай қолган. Аввалига хабарлашиб турдию бора-бора эсидан ҳам чиқариб юборганди-ёв. Бошқасини топиб олди-да.

— Хотини юролмай қолганми? — қайта сўради адвокат.

— Ҳа, иккала оёғи ҳам шол. Аравачада ўтиради. Озиқ-овқатига қўшни аёл қараб туради. — Амир "Биз кўп нарсани биламиз" дегандай мағрурланиб кўйди.

— Марҳум топган аёлнинг эри йўқми?

— Ажрашган, анча йил бўлган.

— Шундай бўлса ҳам Азимнинг шол хотини, ўйнашининг исм, фамилиялари, манзилларини айтиб юборинг. — Адвокат маълумотларни ёзиб олгач, ўрнидан турди. — Хўп, хайр.

— Шаҳарчанинг четида катта йўл бўйида бешта икки қаватли темир-бетон уй қад кўтарган. Марҳум Азимнинг мажруҳ хотини ана шу уйлардан бирида яшаркан. Адвокат сўраб-сўраб керакли хонадонни топди. Эшик кўнғироғини босди. Лекин ичкаридан "тиқ" этган овоз эшитилмасди. Анча вақт кўнғироқ чалгач,

эшикни тақиллата бошлади. Жавоб йўқ эди. Охири кўшни аёл кўринди.

— Ким керак эди? — сўради у томоқ қириб.

— Анора Аминова шу ерда турадимми?

— Ҳа. Эшикни очмаяптими? Ухлаб қолдимикин? — кўшни аёл ҳам кўнғироқ чалди, эшикни аямай тақиллатди. — Ие, нима бало? Тинчликмикин ишқилиб?! Худойим, ўзинг асра! Тағин!.. Ё милиция чақирамизми?! — аёл ҳовлиқиб типирчилади. — Телефонингиз борми? — Шавкат 02 рақамини териб, телефонни тутқазди. — Ало, милициями? Ёлғиз инвалид кўшним бор! Шу эшигини очмаяпти! Бирор ёмон нарса бўлмадимикин, деб хавотирланаяпман... — Аёл телефонни қайтариб берди ва бетон зинага ўтирди. — Шўрлик Анорадан ҳеч ким хабар олмасди. Бозорини мен қилиб берардим. Уйдан сира чиқмасди. Шунақа азоб ҳам бўладими? Қандай кунлар тушди-я бошига! Кейинги пайтда эри умуман келмай кўйди. Кўз тегди бу хотинга. Аввал худо фарзанддан қисди... Аёл боши билан тиллога беланиб, машина миниб юришига бало бормиди? Ҳа, кўз тегди.

Эри Азим бекорга ўлгани йўқ. Мажруҳ хотинини дўзах азобига ташлаб қўйгани учун бу дунёнинг азобида ёнди...

Милиция ходимлари етиб келдилар. Бир ходим амаллаб деразани очиб ичкарига кирди.

— Ҳеч ким йўқ-ку! — деди у деразадан бошини чиқариб. — Аравачаси турибди.

— Бирор қариндош олиб кетмадимикин? — тахмин қилди Шавкат.

Кўшни аёл қатъий эътироз билдирди:

— Э, йўқ! Олиб кетса эшик тагига машина келиши керак. Мен бугун кун бўйи чиқмадим. Деразадан ҳамма нарса кўриниб туради.

Кун кеч бўлаётганди. Шавкат милиционерларга мурожаат қилди:

— Йўқолган аёл ўлдирилган дўкончи Азим Аминовнинг хотини. Икки оёғи ишламай қолган. Бу ерда бирор сир бўлиши

Адвокатлар фош қилади

мумкин. Аёлни топиш керак. Мен терговчига ҳаммасини тушунтираман.

Шавкат машинасига ўтириб йўлга тушди.

Эртаси куни ишхонада Гулчеҳра билан Холбой бири олиб, бири қўйиб қилган ишларини айтиб мақтанардилар.

— Нотариуснинг котибаси ҳам бало экан. "Имзо чеккани келган аёл олтмишга кирганмишу қўллари силлиқ, ажини йўқ" дейди. Аёл Розия холанинг жияни экан — сингисининг қизи. Соли илинтириб олибди...

Холбой аламли қўл силтаб деди:

— Хотинларга ҳам ҳайронсан. У Соли деганнинг башарасини кўрсангиз, кўнглингиз айнийди. Ўшанинг ноғорасига ўйнаб юрибди. Розия хола бир куни докторга кетган экан, қайтганда икковининг маишати устидан чиқиб қолибди.

— Ҳа, — деди Шавкат кулиб, — эркакнинг маймундан бундайроғи чиройли ҳисобланаркан.

— Э, пулга учган у жиян, — деди Гулчеҳра. — Жияни имзо чеккани келганда Розия холанинг ўлганига ўн беш кундан ошган. Шуни ўйлаганимдаёқ шубҳага тушгандим.

— Барибир қинғир қилмишини мен тан олдирдимми? — деди Холбой. — Ичидан суғуриб олдим-да нақ!

— Милицияга топширдиларингми? — сўради Шавкат.

— Қўш қўллаб. Икковини ҳам диконглатиб судраб олиб бордик...

Шавкатнинг телефони жиринглади. Кеча у борган туман терговчиси кўнгироқ қилаётган экан.

— Шавкат ака, мен Нодирман — терговчи, — деди у шошилиб.

— Э, Нодир, аҳволлар яхшими? Ишлар қалай?

— Ишлар зўр! — деди терговчи. — Анорани қўлга олдик. Қаерда денг. Давлат мулк бўлимида. Эрининг мулкини ўз номига ўтказмоқчи экан.

— Ие, қандай қилиб борибди? — ажабланди Шавкат.

— Юрадиган бўлган экан. Буёғини эшитинг, ака! Бир кун

кўпроқ ичиб қўйиб аравачасидан йиқилибди. Эмаклаб ўрнидан турса, оёғининг оғриғига чидаса бўлармиш!

— Ана, сизга ароқнинг яна битта фойдаси, — деди Шавкат илжайиб.

— Ҳа, шуни айтинг... Кейин секин-аста бемалолроқ юрадиган бўлибди. Эрига роса қўнғироқ қилган, суюнчи олиш учун. Лекин эри телефон рақамини ўзгартирган экан. Охири хотин кечқурун эрининг дўконига борибди. Эри уни кўриб қотиб қолган, албатта. "Мана, тузалдим, энди юринг уйга" деган хотин анча ўпка-гиналардан кейин. Эри ундан воз кечганини айтиб, ҳайдаб чиқармоқчи бўлган. Шунда хотин эри тескари қараб турганда алами зўридан бошига арматура билан урган-да, дўконга ўт қўйиб чиқиб кетган. Ана шунақа гаплар, ака... Ямин омадли экан, сиз орага тушдингиз. Арматурада хотиннинг бармоқ излари борлиги учун айбини исботлаш қийин бўлмади...

Холбой билан Гулчеҳра қизиқарли гап кутиб телефонни столга қўйган Шавкатнинг оғзига тикилдилар.



Камера эшиги очилиб, айбланувчи Собиров Ҳолиқ кўринди. Соқчи уни қолдириб чиқиб кетди. Адвокат ўтиришга жой кўрсатаркан, ўзини таништирди:

— Сизни адвокатингизман — Шавкат Шарипов.

— Ассалому алайкум, — деди Ҳолиқ.

— Менга сиз айбланаётган воқеани шошилмай батафсил гапириб беринг. Ҳеч нарса эсингиздан чиқмасин. Арзимагандай туюлган деталь ҳам катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Ҳолиқ бирпас бошини эгиб ўтирди-да, кейин секин гап бошлади:

— Мактабда ўқиб юрганимизда Дилобар — ўлган қизни яхши кўрардим. Биз бир партада ўтириб ўқиганмиз. Мактаб битиб, ҳамма тарқалди. Тўй қилиб Дилобарга уйланиш учун пул

ишлаб келиш мақсадида Россияга жўнадим. Дилобар мени кутадиган бўлди.

Биз телефонда тез-тез гаплашиб турардик. Мен бир йил ишлаб қайтдим. Уйга ҳам кирмай аввал Дилобарларникига югурибман.

Чақирсам, унинг онаси чиқди. Дилобарни сўрагандим, "— Эрга тегиб кетди", — деса бўладими! Этим жунжикиб кетди, бўғзимга нимадир тиқилди. "— Кимга?!" — деб сўрадим аламдан қақшаб. "— Бир дўкончига" "— Мени кутмабди, алдабди, ўлдираман у ифлосни!" — деб бақирдим.

— Дўкончи Қосимов Насим билан муштлашгансиз. Бу қандай содир бўлди? — сўради адвокат ёзишдан тўхтаб.

— Айтиб беришгандир? — деди Ҳолиқ қизариб.

— Ҳа. Лекин сиздан ҳам эшитишим керак.

— Дўконга ул-бул нарса олишга кирувдим. Дилобарни кўриб қолсам бўладими! Нима қиларимни билмай қотиб қолдим. "— Ҳа, Ҳолиқ, келдингми?!" — деди у кўзларини олиб қочиб. "— Сенга роса қўнғироқ қилдим. Нимага жавоб бермаяпсан?" — деб сўрадим. "— Телефоним ҳозир бошқа. Ҳаётим ҳам. Мени ташлаб кетмаслик керак эди". "— Курортга бўлганим йўқ-ку ахир!"

Шу пайт Насим кириб қолди. Уни танимас эдим. Кейин билдим. "— Нима гап, — деб сўради у дағдага билан. — Бу ким? Йўқол бу ердан, э, носкаш!" "— Ўзингиз кимсиз, нега дўқ урасиз" — деб сўрадим. У устимга бостириб кела бошлади. Шунда бурнига урдим. Бурни қонаб кетди.

— Пичоқ ҳам чиқаргансиз, а?

Ҳолиқ иккиланиб каловланди. Кейин истамай жавоб берди:

— Чиқардим. Довдираганимдан нима қилаётганимни билганим йўқ.

— Пичоғингиз қандай қилиб Қосимов Насимнинг уйи ёнига бориб қолди? — сўради Шавкат Ҳолиққа тикилиб.

— Ҳайронман. Дўконда тушиб қолган бўлиши мумкин. Лекин Насимнинг уйи ёнига... Билмайман! — хитоб қилди Ҳолиқ афтини бужмайтириб.

— Пичоқда ҳам, кийимингизда ҳам Насимнинг қони юқи бор...

– "Муштлашганда бурни қонади" – дедим-ку!

– Хўп. Қосимов Насим билан хотини Дилобар пичоқлаб ўлдирилиб, уйи ёқиб юборилган тун соат ўн иккидан иккигача қаерда эдингиз?

– Дилобар қандай қилиб дўкончига турмушга чиққанини аниқроқ билиш учун синфдошимиз Фариданикига бораётгандим. Соат тунги ўн бирлар эди. Худди сезгандай Фаридани дарвозадан чиқиб қолса бўладими! Икковимиз ҳам суюниб кетдик. Бир бурчакка ўтиб олиб соат учгача гаплашдик. Аллақандай шовқин-сурон эшитилгандай бўлди. Биз эътибор бермадик, – Ҳолиқ чуқур "Уф" тортди.

– Синфдошингизни уйидагилари қидириб чиқишмадимиз?
– сўради адвокат.

– Фаридани ёлғиз кекса бувиси билан яшайди. Ота-онаси уни кекса бувисига қараб туриш учун беришган. Ўшанда бувиси ухлаб қолган экан.

Шавкат стол тагидаги целлофан халтани кўтариб, Ҳолиққа тутқазди.

– Мана бу Фаридадан, – деди Шавкат жилмайиб.

– Ҳолиқнинг кўзлари чарақлаб, қувониб кетди.

– Вой, раҳмат!

– Энди хайрлашамиз. Тушкунликка тушманг. Сизни кутқариб оламиз деган умиддаман.

Шавкат соқчини чақирди. Соқчи Ҳолиқни олиб чиқиб кетди.

Гумондорлардан яна бири Қосимов Насимнинг собиқ хотини Жамила эди. Шавкат уни топиб сўроққа тутди.

– Қосимовнинг уйи ёнаётгани ҳақида сиз хабар бергансиз, а? – сўради адвокат.

– Ҳа. Мен иш билан бораётгандим, – деб жавоб берди Жамила чаккасига тушган сочини химараркан – Қарасам, уй ёнапти. Кўрқиб кетиб, орқамга қайтдим-да, милицияхонага бордим.

– Нимага ўт ўчирувчиларга хабар бермадингиз?

– Телефонимни заряди тугаб қолганди. Ўт ўчирувчилар қаердалигини билмасдим.

– Ярим кечаси собиқ эрингизникига нима учун бораётгандингиз? – Шавкат бу чиройли аёлга зимдан разм солди.

Жамила пешонасини тириштириб жавоб берди:

– Дўконларимиздан биттасида сигнализация ишлаб қолди. Калит фақат Насим акада эди. Калитни олиб келишим керак эди.

– Нима учун қўнғироқ қилмадингиз?

– Қилдим. Телефонни ўчириб қўйган экан.

– Собиқ эрингиз икковингизни бир нечта дўконингиз бор, а? Энди улар фақат сизники бўлдимми?

– Ҳа, – деди аёл ерга тикилиб.

– Эрингизни уйига боришдан аввал қўнғироқ қилдим, дедингиз, а? Лекин оператордан аниқлашимизча, қўнғироқ қилмагансиз.

Жамила шошиб қолиб, кўзларини олиб қочди.

– Бошқа телефондан қўнғироқ қилганман, – дея минғирлади кейин.

– Қайси телефондан?

– Бир танишимникидан.

– Ким у, исм, фамилияси борми?

Аёл жавоб беролмай тураверди. Шавкат савол беришда давом этди:

– Дўконда сигнализация ишлабди. Қоровул нима қилди? Унда калит бўлиши керак-ку?

– Калити йўқ эди.

– Унда нимага милицияга қўнғироқ қилмадингиз? Сигнализация қайсидир пультага уланган бўлиши керак-ку?

Жамила яна жавоб бермади.

Шавкат ишхонага қайтаркан, савол-жавобларни бирма-бир хаёлидан ўтказиб таҳлил қиларди. "Жамиланинг жиноятга қўл уриши учун қандай сабаб бор? Ҳамма дўконлар ўзига қолди. Жиноят пайтида унинг қаерда бўлгани номаълум. Нима учун уйи ёнаётган ҳовлига кирмаган, у ерда ёрдам керак одамлар

бўлиши мумкин, деб ўйламаган. Бошқа телефондан кўнғироқ қилган эмиш! Қайси телефонданлигини айта олмади".

Терговчига уй ёнаётган пайтда Ҳолиқни ўша ерда кўрганман, деган Карим Неъматовни Холбой сўроққа тутди.

— Сиз фожела пайтида Ҳолиқ Собировни ёнаётган уй олдида кўрганман, дебсиз. Шу ростми?

Карим елкасини қисди ва:

— Ҳа, кўрганман, — деди. — Ўртоғимнинг уйдан қайтаётувдим. Қарасам, Қосимовнинг уйи ёняпти. Нима қиларимни билмай, бирпас тўхтаб турдим. Шу пайт Ҳолиқ кўриниб қолди.

— Ҳолиқ билан ораларингиз қандай?

— Э, гаплашмаймиз. Яхши одам эмас.

— Айнан Ҳолиқни кўрганингиз аниқми? Тўғриси айтинг. Ёлғон кўрсатма учун жавобгарлик борлигини биласиз-а?

— Биламан. Аниқ ўшани кўрдим, — деди Карим бошини лиқиллатиб.

— Тўхтатиб гаплашдингизми? Йўқ, а? Қоронғу тун бўлса. Нимага асосланиб аниқ Ҳолиқни кўрдим деяпсиз?

— Курткаси, юришидан билдим.

Каримнинг бақрайиб туриб ёлғон гапириши Холбойни жаҳлини чиқарди ва:

— Сира кўрқмасдан ёлғон гапиряпсиз! — деди гижиниб. — Ўша пайтда у синфдоши Фарида билан бўлган. — Ҳов, бола, гуноҳга ботма!

Карим бўшашиб қолди. Кўллари тиззасига осилтириб тебранди-да, гўлдиради:

— Шу, Ҳолиқ қайтиб келгандан бери Фарида ўзгариб қолди. Мендан ўзини олиб қочяпти, ёнига йўлатмаяпти. Унинг учун нималар қилмадим. Уйнинг ремонтга ёрдамлашдим, бир машина гишт келтириб бердим. Унга уйланмоқчи эдим.

— Ҳолиқдан ўч олиш учун тухмат қилдингми? Агар иш судга борса жазойингни оласан!

Карим кўрқиб кетди.

— Энди нима қилишим керак? — сўради у Холбойга умид билан тикилиб.

— Хў-ўш, ҳозир прокуратурага борамиз. Ёлгон кўрсатма берганингни тан олиб тушунтириш ёзиб берасан. Қани, чиқ машинага!

Одам йўқлигидан зерикиб, тирноғига оро бериб ўтирган сотувчи Орзу адвокат ёрдамчиси Гулчеҳрани кўриб ўрнидан турди.

— Сиз Орзухонмисиз, а? — сўради Гулчеҳра.

— Ҳа, менман, — деди сотувчи ҳайрон бўлиб.

— Мен адвокат ёрдамчисиман. Хўжайинингизни ўлдирилиши бўйича баъзи нарсаларни аниқлаб олмоқчиман.

— Э, анави Ҳолиқ деганни ҳимоя қиляпсизми? Анави столга ўтирақолинг, — деди Орзу адвокат ёрдамчиси папкасини очаётганини кўриб.

— Раҳмат, — деди Гулчеҳра.

— У шўрлик қаердан ҳам анави кузғунни севиб қолган экан?

— Дилобарними? У ёмон аёлмиди?

— Ҳа-да. Ўлиб ҳам кетдию!... Бизга сотувчи бўлиб ишга кириши билан хўжайин Насим акага ёпишиб олганди. Бир куни кириб қолди. Эгнида қимматбаҳо кийимлар, қулоқларию қўлларида тилла зирак, узуклар. "— Ие, Дилобар, бу ўзингмисан?" — дедим ҳайратланиб. "— Қалай, ярашибдими?" — сўради у айланиб. "— Қиёмат! Бунча пулни қаердан олдинг?" — дедим мен. "— Насим ака совға қилдилар". "— Ие, қишда қорни, саҳрода қумни қизғонадиган одам-а? Доимо бўйнингга жарима тўловини осиб юрарди-ку". "— Яқинда ҳамма нарсаси меники бўлади!" — деб чапак чалиб қийқирди у.

Орзу дўконда бўлган муштлашув ҳақида ҳам ҳовлиққанча гапириб берди.

— Ҳолиқ Насимга пичоқ ўқталдими? — сўради Гулчеҳра.

— Ҳа. Жуда ғалати пичоқ эди. Илонга ўхшаб кетармиди-ей!
— жавоб берди Орзу.

— Кейин Ҳолиқ пичоқни нима қилди?

– Полга нимадир тарақлаб тушди. У пичоқмиди, ё бошқа нарсами, билмадим. Насим акани ичкаридаги хонага олиб кириб, бурнидаги қонни ювдим. "Дилобар, уйга жўна!" – деб буюрди Насим ака. Мен "Дўконни ёпайми?" – деб сўрадим. "Йўқ, ёпмай кетавер. Шу ерда бир киши билан учрашишим керак," – деди хўжайин.

Дўконга хўжайиннинг собиқ хотини кирди ва Орзуга қаҳрини сочди.

– Нимага ишламаяпсан?

– Одам йўқ-ку, – деди Орзу тумтайиб.

– Мана шунақа қўлинг ишламай, тилинг ишлаб валақлашдан бўшамасанг, ҳеч қачон одам бўлмайди!

Гапга Гулчеҳра аралашди:

– Мен гапга солдим, – деди ўрнидан туриб. – Мен адвокат ёрдамчисиман. Сиз кимсиз?

– Дўконнинг хўжайиниман, – жавоб берди аёл.

– Марҳум Қосимовнинг собиқ хотини, шундайми, а? Унда сиз билан ҳам гаплашишим керак.

Жамила ичкаридаги хонага йўл бошлади.

– Эрингиз билан ажрашганингизга қанча бўлди? – сўради Гулчеҳра йўл-йўлакай.

– Икки йилча... Ўтиринг, ўтиринг, – таклиф қилди Жамила.

– Йигирма йил бирга яшадик. Биз узоқ вилоятданмиз. Бу ерга келиб бирин-кетин бешта дўкон сотиб олдик, уй қурдик. Яхшигина яшасак бўлардию... Аммо..

– Сиздан очиқчасига сўрамоқчиман, – деди Гулчеҳра. – Эрингиз бошқага уйланганда қаттиқ жаҳлингиз чиққандир, хафа бўлгандирсиз?

– Э, йўқ, унчаликмас. Уйланмасидан олдин ажрашиб бўлгандик, – деди Жамила "уф" тортиб.

– Нима сабабдан?

– Фарзанд кўрмадик. Эрим "Шунча нарсам кимга қолади?" деб зорлангани-зорланган эди. – Эр-хотинни бола боғлаб туради-да. Тинчгина ажрашдик. Бизнесимиз ўртада эди. – Аёл бирпас жим ўтиргач, "Бола асраб олгандик, лекин..."

Гулчеҳра ҳушёр тортиб сўради:

— Бола нима бўлди?

— У ўн уч ёшга кирганди. Хараактери яхши эмасди. Ўтиш даври ёшида эди-да. Бу эримга сира ёқмади. Тез-тез урарди. Айниқса, ичиб олганда қутуриб кетарди. "Етим бола асрасанг оғзи, бурнинг қон бўлур" дегани-деган эди. Жасур охири уйдан пул ўғирлаб қочиб кетди.

— Ҳозир у қаерда?

— Билмайман. Хат ёзиб қолдирибди, "Сизлар билан бирга яшай олмайман" дебди, — аёл маъюс хўрсинди.

Гулчеҳра аёл билан хайрлашди.

* * *

Холбой Шавкат столга қўйган иккита рангли халтачани қўлига олди.

— Нима экан, сичқондорими? — сўради у.

— Каламушга заҳар, — жавоб берди Шавкат. — Гаражда каламуш кўпайибди.

— Каламушни йўқотишнинг бир йўлини ўқигандим... Битта одам гаражидаги каламушни сира йўқота олмабди. Охири косага сут қуйиб, ароқ аралаштириб қўйибди. Эрталаб гаражни очса, ўнта каламуш маст бўлиб думалаб ётганмиш. Олиб чиқиб ҳаммасини ёқиб юборибди.

— Э, қойил! — ҳитоб қилди Шавкат. — Бу алкоголь қурғур нима экан ўзи? Ҳатто каламуш ҳам ўзини урса?

— Фақат каламуш эмас, — деди Холбой. — Телевизорда кўрдим. Африкада бир дарахт ўсаркан. Унинг меваси пишганда, еганга кайф бераркан. Қачон мева пишишини билган турли ҳайвонлар байрамга келишаркан. Вой, уларнинг мастлигини кўрсангиз, кулавериби ўлиб қоласиз. Бирёқда шерлар оёғини осмонга қилиб ётибди, бошқа томонда маймунлар юраман деб умбалоқ ошиб тушяпти. Бир-бири билан иши йўқ...

Эшик очилиб Гулчеҳра кириб келди.

— Салом, жаноблар, — деди у кулиб.

— Кайфиятингиз яхшилигига қараганда, муҳим янгилик бор шекилли, а? — сўради Шавкат.

– Яна битта гумондор топилди, – Эр-хотин Қосимовлар ўн учга кирган ўғил асраб олган эканлар. Насим уни ёқтирмай уравергани учун ўн саккиз ёшида уйдан пул ўғирлаб қочиб кетган экан. Ҳозир у йигирма иккида. Ўша бола отасидан ўч олган бўлса-чи?

– Яхши фикр! – деди Шавкат. – Жуда яхши фикр.

– Шофёр ёнаётган уй олдида балки ўша болани кўргандир? – тахмин қилди котиба.

– Бўлиши мумкин, – тасдиқлади Шавкат. – Сизга топшириқ. Адрес бюросидан Жасур Қосимовни қидиринг. Отасини фамилиясидадир? Шу вилоят ёки шаҳарда бўлса, ишингиз осон битади.

Холбой ўрнидан турди ва:

– Хўп, кетдим, – дея шошиб чиқиб кетди.



Холбой асранди ўғил яшайдиган уйни топиб борди. Уй тагидаги ўриндиқда иккита йигит гаплашиб чекиб ўтиришарди.

– Жасур Қосимов деган бола шу ерда яшайдими? Танийсизларми? – сўради Холбой улардан.

– Янглишмасам учинчи квартира.

Улардан бири шартта ўрнидан туриб қочмоқчи бўлди. Аммо Холбой болақайни маҳкам ушлаб қолди.

– Ҳа, нимага қочмоқчисан?

– Сиз кимсиз ўзи? – сўради бола силтаниб.

– Ҳозир биласан! Жасур Қосимовсан-а? Нимага қочмоқчи бўлдинг?

– Сизни дадам юбордими? Пулини ўғирлаганим учун?

– Пул қани?

– Аллақачон сарфлаб йўқотиб юборганман, – жавоб берди бола бурнини тортиб.

– Текширамыз, текширамыз, – деди Холбой. – Аввал ўн учинчи октябр кечаси қаерда бўлганингни айт!

– Дарров эслаш қийин, – мингиллади бола. Холбой унинг билагини маҳкамроқ қисиб яна сўради:

Адвокатлар фож қилади

— Эсла ўша машхур кунни! Эслашингга тўғри келади! Бўлмаса, милицияга борасан.

— Дадам пичоқланган кунми? — сўради бола.

— Ҳа-ҳа! Дадангни пичоқланганини қаёқдан биласан?

— Ҳамма эшитган-ку! Менга ойим айтди.

— Ойинг билан учрашиб турасанми?

— Бўлмасам-чи! У онам-ку! Анави ифлосга ўхшаган эмас! — Жасур қўллари мушт қилди.

— Отангни айтаяпсанми? — сўради Холбой.

— У отам эмас! У отам эмас, ҳеч қачон менинг қандай яшаётганим билан қизиқмаган. Фақат мени уришни биларди, холос. Итга ит ўлими!

— Хўш, ўша кеча қаерда эдинг? — қистади Холбой.

— Мен ўлдирмаган бўлсам ҳам ўша кечани яхши эслайман. Ойим кўнғироқ қилди, у қаттиқ ҳаяжонда эди. Воқеани айтиб берди. Милиция мендан кўриши мумкинлигини, эҳтиёт бўлишимни тайинлади. Ойим жуда кўрқиб кетганди, овози қалтирарди. Мендан хавотирланибди.

* * *

Адвокат қанчалик синчиклаб ковлаштирмасинлар, барибир шубҳа марҳумнинг собиқ хотини Жамилага бориб тақалаверди. Шунинг учун Гулчеҳра ва Холбой Жамила билан узил-кесил гаплашиш учун уникага қараб йўл олдилар.

Жамиланинг машинаси гаражнинг ёнида турарди.

— Жуда шошилибди шекилли, машинасини гаражга киритмабди ҳам, — деди Гулчеҳра.

— Сиз ўтиринг, — деди Холбой. — Мен кириб хабар олайчи...

Тўсатдан Холбойнинг телефони жиринглаб қолди. "Холбой, — деди Шавкат телефонда, — Мен Қосимовнинг ўғмишини суриштирдим. У ўзининг шаҳрида катта ўғирлик қилган экан. Шериги Шомуродов кўлга тушиб қамалиб кетибди. Қосимовни сотмабди. У билан қамоқдан чиқиб ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлган. Яқинда Шомуродов қамоқдан чиққан. Шеригини қидириб келган бўлиши мумкин. Эҳтиёт бўлинг".

— Раҳмат, Шавкат ака! — деди Холбой ҳаяжонланиб. — Эшитдингизми, Гулчеҳра? Агар тез чиқавермасам, милицияга кўнғироқ қилинг.

Жамиланинг дарвозаси очиқ эди. Холбой ҳовлига кириб кетди. Шавкатнинг тахмини тўғри эди. Шомуродов хонада Жамиланинг қўлларини боғлаб, оғзига скоч ёпиштирган ва қийнаб қистовга олмоқда эди.

— Ҳалиям жиммисан? Пулни топилмайди, деб ўйлайсанда. Топаман, ҳаммасини топаман! Нима, турмада ўлиб кетади деб ўйловдиларингми, — деди Шомуродов аёлга қараб беўхшов тиржайди. — Мана, ўлмадим... Хў-ўш, мана, топдим! Топдим! Бу ҳаммаси бўлмаса керак, а? Индамайсан! Биласанми, сен кимсан? Биласанми, сендан нима қолади?...

Холбой эшикни очганда у гийқиллаб кетди. Шомуродов хушёр тортиб, кулоқларини динг қилди.

— Бировни кутяпсанми? — у эшикни қия очиб ташқарига мўраламоқчи бўлди.

Холбой эса эшикни зарб билан очди. Бошига эшик қаттиқ урилган Шомуродов хушсиз йиқилди. Жамиланинг кўзлари олайиб кетди. Шу пайт Гулчеҳра югуриб кириб келди. У шошилиб Жамиланинг оғзидаги скочни кўчирди ва қўлларини бўшатди. Холбой Шомуродовнинг қўлларини боғлади.

— Эрим ўлимидан сал олдин дастлабки сармойани қаердан олганини айтганди, — деди Жамила йиғлаганча. Кейин, кимдир уни кузатаётганини айтди.

Хонага милиция ходимлари бостириб кирдилар. Холбой хурсанд бўлиб кетди...

— Бу ҳўкизни бир ўзим кўтараманми, деб кўрқиб тургандим, — деди у милиционерларга.

Ҳаммалари мамнун кўчага чиқдилар. Машинага ўтирарканлар, Гулчеҳра деди:

— Энди Ҳолиқнинг пичоғи қандай қилиб бу ерга келиб қолганини аниқлаш қолди.

— Жамила олиб келиб ташлаган-да, — деди Холбой. — Асранди ўглини шубҳадан асрамоқчи бўлган. Энди Жамила бунни яширмайди.

Адвокатлар фош қилади

– Тўппа-тўғри... Ҳозир мен Фаридага кўнғироқ қиламан. Севгани Ҳолиқни ҳибсдан чиқаришганда кутиб олсин, – деди Гулчеҳра қувноқлик билан.

Шомуродов терговда Насим ва Дилобарни ўлдириб, уйга ўт кўйганини тан олишга мажбур бўлди.



Гулчеҳра одатдагидай дераза тоқчасидаги гулларини бир-бир силаб чиқди. Баъзиларнинг эгилган шоҳини кўтариб чўп тиради. Очилганини ҳидлаб бўлиб жойига ўтираркан, сўради:

– Холбой ака, ўғлингиз мактабга боряптими? Кўрганимда жуда жиддий болага ўхшаганди.

– Э, ҳозир ерга урсангиз, кўкка сапчийди, – деди Холбой жилмайиб. – Биринчи синфни битирди. Сизнингчи? Иш бўлиб оилаларимиз билан қизиқмаймиз ҳам.

– Қизиқмаслигимиз рост. Меники энди бешга кирапти...

– Билиб бўладими, ҳозир ўн ёшда университетда ўқийдиган алломалар чиқяпти.

– Ҳаддан ташқари тез улғайиш ҳам яхшиликка олиб келмасов. Селитрага тўйиб ўсган экиндай... – Гулчеҳра уёғини ичига ютди.

– Ёки бройлер усулида семирган жўжадай, – давом эттирди Холбой. – Ким билади дейсиз.

– Кеча ўғлим эртак айтиб беринг, деб сира қўймади. Майли, деб бошладим. "Бир бор экан, бир йўқ экан, жуда кучли баҳодир йигит бор экан. Ўша баҳодир қоп-қоронғу ўрмонни кезиб кета бошлади. Атроф шунақанги қоронғу эканки..." десам, ўғлим "Қўл фонари йўқмиқан?" дейди. "У замонда қўл фонари бўлмаган... Хўп, эшит. Ўрмонда бўрилар, айиқлар, йўлбарслар изғиб юраркан. Улар баҳодирни емоқчи бўлибди..." десам, ўғлим "Баҳодир автомати билан отиб ташламабдими?" дейди. "Бир пайт баҳодирнинг олдидан бепоён денгиз чиқиб қолибди. Йигит денгиздан қандай ўтишни билмай ўйланиб ўтирибди..." дедим. Ўғлим бўлса "Э нимага ўйланади? Катер

тутиб ўтириб кетавермайдими?" дейди. Охири, "Э, бор-е, мультфильмингни кўр" дедим жаҳлим чиқиб.

Икковларининг кулгиси устига папка қўлтиқлаган Шавкат кириб келди ва саломлашиб жилмайди.

— Жа димоғлари чоғ-ку, а. Буниси яхши. Касал бўлмайсизлар. Айниқса, Холбойники чоғ, нақ ичидан чиқариб куляпти, — Шавкат Холбойга қўл бериб кўришиб ўрнига ўтди.

— Энди, ака, итларни "қотириб", "ялпайтириб" кўйганимиздан кейин, хўроздай керилиб қичқирамиз-да, — деди Холбой.

— Аммо бу гапингиз ҳақиқат. Қанча одамнинг азоби ариса керак. Милиция кеча ўша судхўрлар уясини босган.

— Жуда зўр иш бўлибди-да! — Гулчехра чапак чалди.

— Лекин яна белни маҳкам боғлайсизлар. Яна бир иш чиқиб қолди. Анча мураккабга ўхшайди. Мана, — Шавкат қоғоз жилдини очди. — Терговчининг хулосаси.

"20 август куни кеч соат олтида банк бўлими бошлиғи Ботир Раҳимов турмуш ўртоғи Жаҳноной Раҳимова билан шаҳар четида яшовчи дўстиникига меҳмонга кетади. Уларнинг ўғли тўрт ёшли Бахтиёр энага Соҳиба Тўраева билан уйда қолади.

Соат йигирма иккида энага Соҳибанинг ўн ёшли укаси кўнғироқ қилиб, иситмаси кўтарилиб кетганини, кўрқаётганини айтади. Уларнинг ота-онаси вафот этган, икковлари ижара уйда яшайдилар. Соҳиба хўжайиннинг шофёри Диёр Сафаровга кўнғироқ қилиб, укаси касал бўлиб қолганини, келиб Бахтиёрга қараб туришни сўрайди. Шофёр рози бўлади. Аммо у уйга келиб болани ҳам, энагани ҳам тополмайди.

Боланинг отасига эса "15 минг доллар тўласанг, болани оласан" деган СМС боради. Ботир Раҳимов уйига қайтади. Бола йўқ эди. У милицияга хабар беради...

Эрталаб соат бешда қишлоқ тумани милициясига бир аёл кўнғироқ қилиб, ҳеч ким яшамайдиган кўшни ҳовлидан бола йиғиси эшитилаётганини айтади. Милиция ходимлари бориб болани касалхонага топширадилар.

Бола йўқолган Бахтиёр Раҳимов эди.

Адвокатлар фош қилади

Милицияга кўнғироқ қилган Жамила Қорабоеванинг гувоҳлик беришича, ҳовли деворидан энага Соҳиба Тўраева ошиб қочган. Ҳовли Соҳиба Тўраевага қарашли.

Соҳиба Тўраева оғир жиноят содир этганликда айбланиб, ҳибсга олинди.

Ҳовли девори тагида С. Тўраеванинг телефони тушиб қолган. СМС ана шу телефондан юборилган. Унда С. Тўраевадан бошқанинг бармоқ изи йўқ.

Мотив: Айбланувчи Соҳиба Тўраева уч кун иш берувчи Ботир Раҳимовдан қаттиқ қасал укасини мураккаб операцияси учун 15 минг доллар кредит олишга ёрдам беришни сўраган. Лекин Тўраеванинг гаровга қўядиган мулки йўқлиги сабабли Раҳимов кредит олишнинг иложи бўлмаслигини айтган.

Хўш, бунга нима дейсизлар?

Гулчеҳра елкасини қисиб деди:

— Рад этиб бўлмайдиган далилларни қаторлаштириб ташлабди-ку! Бир қарашда нимага ёпишишни ҳам билмайсан.

— Ҳа, бир қарашда шундай. Лекин қаранг. Қўшни хотиннинг айтишича, энага Соҳиба девордан ошиб қочганмиш! Ўзи туғилиб ўсган уйда девордан ошадими? Сездирмай ўтадиган қанча тешик-туйнуги бордир? Қишлоқ ҳовлиси бўлса! — Шавкат қизишганидан юзи қизарди. — Телефонини келиб-келиб ўша ерда йўқотганмиш!

— Кўпчилик илғамайдиган далилларни дарров пайқашингиз билан буюксиз-да, ака! — деди Холбой.

Шавкат алам билан қўл силтади.

— Э, бунинг учун буюк бўлиш шарт эмас! Мантиқдан келиб чиқиш керак! Қаранг!

Иккинчидан, терговчи "алиби" деган нарсага эътибор бермаган? Энага укасини ёнида бўлган-ку? Укасини сўроқ қилишган. Кап-катта терговчи ўн ёшли болани дарров тилга киргизади, ичидаги гапни суғуриб олади.

— Балки энага укасини ухлатиб қўйгандан кейин... — тахмин қилди Холбой.

— Мутлақо иложи йўқ. Соҳибанинг кўрсатма беришича, шофёр хўжайиннинг уйига келгандан кейин болани топшириб

кетган, — деди Шавкат куйиниб. — Шофёр эса "мен келганимда бола ҳам, энагаси ҳам йўқ эди" дебди.

— Ҳа, энди етиб боряпти, — деди Гулчеҳра хаёлидан чалғиб.
— Ҳамма гап шофёрда.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — уни қувватлади Шавкат.
— Шофёрнинг шахси ўрганилмаган. Мен суриштираман, илгари у қиморбоз бўлган экан. Каттагина ютқазган бўлса...

Ҳа, яна, Ботир Раҳимовнинг уйи яқинида иккита қоровулхона бор экан. Қоровуллардан биттаси кечаси соат ўнда Ботир Раҳимовнинг хизмат машинаси ўтиб, қайтгани, энаганинг уйдан кетганини кўрган, иккинчиси кўрмаганмиш!

— Шавкат ака, энага девор ошди дейилган жойдаги турли излар қизниқига тўғри келибдими? — сўради Гулчеҳра.

Э, яшанг! — хитоб қилди Шавкат. — У ҳам ўрганилмаган.

— "Мана, мен" деб турган лўнда исботу далиллар терговчини доводиратиб қўйган, — деди Холбой.

— Ҳа, яна бир гап, — деди Шавкат ҳаяжонланиб.
— Машинада сунъий йўлдош орқали кузатиладиган маяк бор экан. Ўша тунда машина қаерларда бўлганини аниқлаш мумкин эди-да?

— Э, ака — деди Холбой салмоқлаб, — бизга ҳам иш қолсин эди-да.

— Бу гапингиз ҳам тўғри... Бўлмаса, сизлар энаганинг қишлоқдаги уйига борасизлар. — Шавкат Холбой ўзини уёқ-буёққа ташлаётганини кўриб сўради. — Ҳа, Холбой ёқмаяптими?

— Йўқ, нега энди. Чукча ўйляпти.

— Чукча тезроқ ўйласин, — деди Шавкат кулиб. — Излар босилмасдан...

— Чукча чуқур ўйлайди... Бир чукча олдига гишт уйиб олиб, битта-битта ҳовузга ташлаб, томоша қилиб ўтирган экан. Прораб келиб қолиб, нима қилаётганини сўрабди. — "Қара, — деди чукча, — сувга тўртбурчак гишт ташласам, сувда думалоқ айлана пайдо бўляпти, нега шунақа!" Хўш, нега шунақа?

— Билмадим, — деди Шавкат.

— Ростдан нега шунақа? — деди Гулчеҳра ҳам.

— Ана, чукча чуқур ўйлайди.

— Бўпти, тезроқ бориб би-ир чукчасига текширинглар, — деди Шавкат.

Шаҳардан ўн ярим километр юрилгач, йўл четида Садазор деб ёзилган кўрсаткич бор эди. У ердан ўнг томонда дарахтларга бурканган қишлоқ кўзга ташланарди. Холбой машинани тошлоқ йўлга бурди. Осмонга чанг, тупроқ кўтарилди.

— Сиз ҳам ёпинг ойнани, — деди Гулчеҳра қўли билан чангни ҳайдамоқчи бўлиб.

— Ўзимизнинг чанг, — деди Холбой парво қилмай. — Оҳ, хидини қаранг! — лекин у ҳам барибир ойнасини ёпди.

Қишлоққа етдилар. Тўғрига кетган бир кўчани кўриб жуда завқланишди. Кўчанинг икки четига экилган чинорларнинг тепа шохлари тутшиб чиройли гумбаз ҳосил қилган эди.

— Вой, тангадай офтоб тушмайди-я! — хитоб қилди Гулчеҳра. — Қишлоқнинг номи Садазору лекин чинор кўпроқ экан.

— Илгари сада кўп бўлгандир-да, — деди Холбой. — Анави аёлдан Соҳибаникини сўрайлик-чи.

Аёл Соҳибанинг уйини тушунтириб берди. Ўзлари ҳам яқинлашиб қолишган экан. Гулчеҳра машинадан тушиб бориб, эшикнинг темир ҳалқасини тақиллатди.

— Уйда ҳеч ким йўқ-ку! — деди Холбой унга яна яқинлашаркан.

— Ие, ростдан ҳам, — Гулчеҳра қўшни эшикни қия очиб чақира бошлади. Жавоб бўлмади.

— "Жамила хола-ю-юв!" деб чақиринг.

— "Жамила хола-ю-юв !" Ҳо, Жамила хола-а!

Ичкаридан "Ҳув-ув!" деган жавоб эшитилди ва уй орқасидан қора камзул кийиб, гулдор рўмол ўраган аёл чиқиб келди.

— Келинглар! Ким бўласизлар? — сўради аёл шошилиб яқинлашаркан.

— Ассалому алайкум. Биз адвокатмиз. Жиянингиз Соҳибани ҳимоя қиляпмиз, — деди Гулчеҳра.

— У энди жияним эмас, жиноятчи, — деди аёл бақириб. — Хотинларнинг олдида бошимни кўтаролмай қолдим.

— Аввал гуноҳи исботлансин, — деди Холбой аёлнинг қаршисига ўтиб. — Ўша кунги воқеани бизга ҳам гапириб беринг-чи. Фақат ростини! Ёлғон кўшсангиз, хафа бўламиз.

Аёл лабини ғалати буриб, қўл силтади-да, гап бошлади:

— Барвақт турдим ҳар доимгидай. Бир пайт!... — аёл ваҳима билан кўзларини катта-катта очди, — Соҳибаларникидан бола йиғиси эшитиляпти. Кўрқиб юрагим орқага тортиб кетди. Уйга кириб эшикни кулфлаб олдим! Кейин милицияга кўнғироқ қилдим. Телефоним бор, шаҳардаги ўғлим олиб берган, барака топгур! Милиция келиб тўхтади. Ана шунда ташқарига чиқдим. Ана шунда Соҳиба шартта девордан ошиб қочди.

— Соҳибалигини аниқ кўрдингизми? — сўради Холбой аёлга синовчан тикилиб.

— Ҳа, аниқ кўрдим. Ҳув анави томонга қочди.

— Милицияга айтдингизми?

— Албатта. Иккитаси қувиб етолмади.

— Эрталаб соат неччи эди? — сўради Гулчехра.

— Саҳар тўрт ярим эди. Телефоннинг соатига қараганман, — деди аёл телефонини кўз-кўзларкан.

— Жуда ғалатими? Ғалати, а? — деди Гулчехра жилмайиб.

— Нимаси ғалати? — аёл ҳайрон бўлди.

— Қоронғуда Соҳибани таниганингиз-да.

— Худога шукр, кўзимдан шикоятим йўқ.

— Хола, — деди Холбой салмоқлаб, — минг ўткир кўз ҳам қоронғида кўролмайди. Қаранг, симёғочларингизда лампочка ҳам йўқ.

— Ҳа, бизнинг одамлар шаҳардагиларга ўхшаб ярим кечаси ҳам санғиб юрмайди.

Холбой ҳафсаласи пир бўлган оҳангда деди:

— Хўп, майли, хола! Сизни барибир "ёлғон детектори"га олиб бормасак бўлмайди. Энг янги чиққанидан олганмиз. Импульсли. Миянгизда нима гап айланаётганини шартта ёзиб чиқариб беради. Додингизни ҳеч кимга айтолмайсиз!

Адвокатлар фош қилади

Гулчеҳра Холбойнинг енгидан тортиб, гўё шаштидан қайтармоқчи бўлди:

— Сал шошмаганимиз маъқулми? Холага жабр бўлмасин дейман-да.

— Э, йўқ. Қани, юринг! Машина тайёр.

Жамила хола кўрқа-писа шошиб оёқ тиради:

— Ҳеч қасёққа бермайман! Олиб кетишга ҳаққингиз йўқ!

— Жуда ҳаққимиз бор-да! — деди Холбой аёлни судрамоқчидай ҳаракат қилиб. — Ёлғон кўрсатма берганингиз аниқланиши билан прокуратурага топширворамиз.

Аёл довдираб қолиб бидирлади:

— Шошманглар, шошманглар! Соҳибанинг укасига мен қараяпман! У жуда кам учрайдиган касалга чалинган.

— Бу ишингиз жуда хайрли. Лекин ёлғон кўрсатма бериш — жиноят, — деди Гулчеҳра.

— Соҳиба билан укаси етим. Ота-онаси беш йил олдин аварияда ўлиб кетишган. Укасини докторга кўрсатиш керак...

— Тушунмаяпман, — деди Гулчеҳра.

— Мен ҳам тушунмаяпман, — унга қўшилди Холбой.

Жамила хола бирдан жўшиб кетди:

— У қиз бебошга ота-онасини кўмиб келишгандаёқ айтганман. "Болани менга бер, ўзинг ишингни қилавер" дедим. Кўнмади. Шаҳарга олиб кетди. Бир куни бола шаҳардан келганда кўрсам, озиб чўп бўлиб кетибди. Агар мен қараганимда, ўзи тузалиб кетарди.

— Ўзича тузалмайди, — деди Гулчеҳра. — Жиддий операция қилиш керак. Бунга катта пул керак.

— Бе-е, катта пул қани? — аёл қўл силтади. — Биз...

Холбой унинг гапини бўлди:

— Хўп, Соҳибанинг девордан ошиб қочганини аниқ кўрдингизми? Ростини айтинг! Бўлмаса "ёлғон детектори" кутяпти сизни. Одамни ҳар ёлғон гапирганда ток уради!

Аёл ўзини уёқ, буёққа ташлаб қийшанглади. Рўмолини тузатган бўлди.

— Терговчи миямга қуйди-да, — деди кейин. — Соҳибанинг

расмини тумшуғимга тутиб олиб, "шуми, шуми?" деяверди, деяверди. Ўзим ҳам ишониб қолдим-да...

* * *

Шавкат ҳибсхонадан чиқиб, жабрланувчи Ботир Раҳимовга кўнғироқ қилиб, "— Сиз билан гаплашмоқчиман", — деди. "— Сиз билан нимани гаплашардик. Ўғлимни ўлдиришига сал қолган энага тарафида бўлсангиз", — жавоб берди Раҳимов хафа ҳолда. "— Бу ўғлингизнинг хавфсизлиги учун керак", — деди адвокат. Шундан сўнг Раҳимов рози бўлди.

Адвокат унинг кабинетига кириб борганда эр-хотин қизариб-бўзариб жанжаллашиб ўтирган экан. Шавкат улар билан кўришгач, сўради:

— Шофёрингиз қани?

— Пастда ўтирибди, — норози тўнғиллади Ботир. — Умуман, нимага унга ёпишиб олдингиз ўзи?

— Ҳимоямдаги қиз...

— Э, у валдирайверади! — адвокатнинг гапини чўрт кесди банкир. — Гуноҳини бировга ағдармоқчи! Қиз иш жойидан рухсатсиз кетган. Агар у чиндан ҳам болага қараб туришни сўраган бўлса, шофёр бизга айтмасмиди? Мана, ўзингиз ўйланг!

Тўсатдан банкирнинг хотини жовуллаб кетди:

— Энагани укаси касал бўлса, унинг муаммоси! Нега бизга оғирлиги тушиши керак?

Адвокат унинг гапига эътибор бермай, банкирга юзланди:

— Машинангизга йўлдош орқали кузатиладиган сигнализация ўрнатилганми?

— Ҳа, машина жуда қиммат туради, — тасдиқлади Раҳимов.

— Биз, мана, йўлдош орқали кузатилган схемани олдик. Мана, томоша қилинг.

Банкир компьютерда схемани кузатаркан, ўтирган жойида сапчиб-сапчиб турар эди. Ниҳоят, телефон тугмаларини ғазаб билан боса бошлади. Бақариб шофёрини чақирди.

Шофёр кириши билан Ботир югуриб борди-да, унинг оғзи-бурнига мушт урди. Шофёр йиқилиб тушди, бурни қонади. Шавкат банкирни нари суриб, шофёрни турғизди.

Адвокатлар фош қилади

– Нима учун? – ингради шофёр.

– Тўғриси гапир, чўчқа! – ўшқирди Ботир.

– Тўғриси айтяпман, ўлай агар... – деди шофёр оғзи-бурнига кафтини босганча. – Мен энди уйга кетмоқчи бўлиб тургандим. Соҳиба қўнғироқ қилиб қолди. Бахтиёрга қараб туришимни илтимос қилди. "Бўшман. Хўп, бораман" дедим. Соҳибанинг укаси ёмон бўлиб қолган экан. Бордим. Энага кетди. "Укам тузалиши билан қўнғироқ қиламан" деди.

– Хўп, энага кетди, сиз ухлаётган боланинг ёнида қолдингиз. Кейин-чи? – сўради адвокат.

– Мен кириб текширдим. Бола ухлаб ётганди.

Банкирнинг хотини бобиллади:

– Ўғлимга нима бўлганини гапир, айлантирмай!

– Мени шайтон йўлдан урди, – минғирлади шофёр бошини кўтармай. – Телефон жиринглади. Ошнам Саттор экан." – Мени бир қизнинг олдига олиб бориб келсанг. Крутой машинада бормоқчиман, кўзини ўйнатиб", – деди. Яхшигина пул бермоқчи эди, кўндим. Қайтиб келсам, энага ҳали ҳам йўқ...

– Болани ёлғиз ташлаб кетдингми? – бақирди хотин.

– Ухлаётган эди-да... Болани хонасига кирсам, йўқ эди. "Энага бирор жойга олиб кетибди" деб ўйладим... Бирпас кутиб, уйга кетдим.

– Уй эшигини калит билан очдингизми? – сўради адвокат.

– Энага билан шофёрга калит бериб қўйганмиз, ҳар эҳтимолга қарши, – унинг ўрнига хотин жавоб берди.

– Икковидан бошқа одамда калит йўқми?

– Йўқ.

Банкир ўмганини стол қиррасига тираганча бўйнини олдинга чўзиб сўради:

– Нега бизга қўнғироқ қилмадинг? Қандайдир воқеа бўлганини тушунгандирсан?!

– Қўрқиб кетдим, – деди шофёр Диёр калласини елкасига қисганча. – Ишдан ажрашдан қўрқдим.

– Мен сенга ишонардим, ифлос! – банкир ўрнидан уни яна урмоққа қўзғалди.

Шофёр жон ҳолатда ўрнидан туриб қочиб кетди.

– Майли, – деди адвокат. – Терговчига айтаман, топтиради.

– Менга қаранг, Ботир, сиз энага пул сўраганини ҳеч кимга айтмовдингизми?

Ботир бирпас ўйланиб ўтирди-да, "йўқ" маъносида бош чайқади.

– Агар хотинимни демасам ... – деди кейин.

– Қандай айтганингизни эслай оласизми? Эсланг, – деди Шавкат.

– Машинага чиқдим. Хотиним билан шофёр ўтирувди...

Шундайми? – Ботир хотинига қаради. – Шофёр салом берди.

"– Соҳиба ўн беш минг доллар сўраяпти, укасининг операцияси учун. Кредитга, – дедим "– Ёрдам берасизми?"

– деди хотиним. "– Эсинг борми, у пулни қайтара оладими?" – дедим.

– У жим қолди-да, кейин бошини илкис кўтарди.

– Шофёрга нимага керак эди? Тушунмаяпман, жиноятга нима мажбур қилдийкин?

– Қўлга тушсин, аниқлаймиз.

Ботирнинг ҳашаматли ҳовлисига борадиган икки юз метрлар чамаси кўчанинг боши берк эди. У ҳовли дарвозаси олдидаги чоғроқ майдонда айланиб турди. "Айни муддао – кўчадан ҳар хил машина ўтавермайди" дея хаёлдан ўтқизди. Шавкат атрофни кўздан кечираркан, кўчанинг бир четида озиқ-овқат дўкони, иккинчи томонида қандайдир фирма борлигини кўрди. Адвокат уларнинг қоровуллари билан гаплашиш учун кечки пайт келди. Дўконнинг қоровули ҳали йўқ экан. Шавкат фирма томонга юрди. У эшик ойнасини тақиллатганди, бир аёл очиб "Нима керак" деб сўради. Шавкат гувоҳномасини очиб кўрсатганди, қоровул уни ичкарига таклиф қилди.

– Банкирнинг иши бўйичами? – сўради кўринишдан жанговар қоровул аёл. – Ўтиринг, ўтиринг.

– Шу иш билан, – деди Шавкат. – Жуда чалкашиб кетди.

Адвокатлар фох қилади

— Менинг олдимга келиб тўғри қилибсиз. Мана, чойдан ичинг.

— Нима, бирор нарса биласизми? — сўради Шавкат умид билан.

Аёл алам билан столга шапатилади ва куюниб гапирди:

— Буни қаранг-да, ука! Ўша кун кечаси соат ўнда банкирнинг машинаси уйга келди. Салдан кейин энага Соҳиба уйдан чиқиб кетди. Бирпас ўтиб машина ҳам кетди. У бир соатдан кейин қайтди, Шундоққина менинг ёнимдан ўтди. Уларни жуда яхши танийман. Энди қаранг! — Қоровул кўрсаткич бармоғини юқори кўтарди. — Нимага энди энага қизни қамашибди? Шофёр неча марта қатнади-ку?! Йўқ, сиз менга тушунтиринг-чи!

— Биз ҳам шунга ҳайронмиз, — деди адвокат худди гуноҳкордай бошини эгиб.

— Ана шунақа, ҳақни ҳаққа ажратиш керак!

— Жуда зарур маълумот бердингиз, опа. Ҳозир гапларингизни доим тасдиқлайсиз, а?! — Шавкат ўрнидан турди.

— Бўлмасам-чи! — хитоб қилди аёл. — Истаган жойингизга бориб айтаман.

Шавкат секин юриб озиқ-овқат дўконига қараб юрди. Ҳали дўкондан одам узилмаган эди. Демак, қоровул келмаган бўлиши ҳам мумкин. "Тагин ким билади, баъзи қоровуллар кундузи майда-чуйда ишларга қарашиб ҳам юради" деб ўйлади Шавкат ва дўконга кирди. Бир хизматчидан сўрагани, у қоровулнинг орқа томонда ўтирганини айтди.

Дўкон орқасидаги қоғоз қутилар таҳланган майдончага кичкина темир сўри қўйилган бўлиб, унда думалоқдан келган бир йигит сигарет тутатиб ўтирарди. У адвокатга ажабланиб қаради-да, беихтиёр ўрнидан турди.

— Қоровул сизми? — сўради Шавкат унга яқинлашаркан.

— Ҳа, менман, — деди йигит. — Нима эди?

— Мен адвокатман. Банкир Ботир Раҳимовнинг ишини ўрганяпман.

— Банкир қўлга тушдимми? — ҳовлиқиб сўради қоровул.

– Йўқ, ўғирлашган. Эшитмаганмидингиз? – Шавкат унга синовчан тикилди.

– Қаердан эшитаман, – деди қоровул бепарво.

– Хўп, майли... Йигирманчи август кечаси соат ўнда шу ерда – буткангизда эдингизми?

– Ҳа, бошқа қаерда бўлардим.

– Банкирнинг машинаси ўтганини кўрдингизми?

– Йўқ, кўрмадим.

– Бир неча марта ўтган-ку, нега кўрмадингиз? Машинасини танийсизми ўзи?

– Биладан у крутой машинани, – деди қоровул чўзиб. – Бу атрофда битта у.

– Нимага кўрмадингиз шундоққина бурнингизнинг тагидан ўтган машинани? – яна қистовга олди Шавкат.

– Ухлаб қолгандирман, ким билади...

– Менга қаранг, отингиз нима?

– Саттор...

– Саттор, иш вақтида ухлаганингизни хўжайинингиз билса, нима бўлади?

– Ухлаганим йўқ, бирор нарсага алаҳсирагандирман...

– Майли, ҳали яна учрашишимиз мумкин! – деди Шавкат қатъий ва тез-тез юриб чиқиб кетди.

Бу ерда инкор ҳам натижа эди. Шавкатнинг бутун хаёлини "Нима учун кўрганини тан олмаяпти?" деган савол эгаллаб олди.

* * *

Эртаси куни дўкон қоровули Саттор билан "бошқачасига" гаплашиб қўймоқчи бўлган Холбой қизариб-бўғриқиб хонага кириб келди.

– Шунақа ҳам баттол одам бўладими! – тўнғиллади у алам билан. – Нақ бетингга сапчийди-я, аблаҳ! Фижимлаб ташлардим у тарбиям йўл қўймайди-да.

– Э, Холбой ака, унақаларни биринчи кўришингизми? – дея Гулчеҳра уни ҳовуридан тушурмоқчи бўлди.

Адвокатлар фош қилади

Холбой сал юмшади ва мақтаниб деди:

— Аммо банкирнинг шофёрини танишини айтиб қўйганини билмай қолди. Устомонлик билан суғуриб олдим-да ўзиям. Лекин барибир ўша тунда кўрмаганман, деб туриб олди. Кейин умуман гапирмай қўйди.

— Гапирмасликка ҳаққи бор, — деди Шавкат. — Қонун шунақа.

— Хуллас, ҳамма масала айланиб келиб шофёрга тақалаяпти-да? — деди Холбой "уф" тортиб.

Шавкатнинг телефони сигнал чалди.

— Ало, ҳа... Ие, воҳ, лаънати-ей... Ҳм, ҳм... Қоровулни эртароқ ухлаши... Тўғри, асос йўқ эди. Шофёр ухламай қолармиди дейман-да. Бўпти, кўришгунча.

— Шофёр ўлибдими? — сўради Гулчеҳра ранги оқариб.

— Сўйиб кетишибди, — деди Шавкат бўшашиб.

Қоровул Сатторни тергов қилиш бошланиб кетди. Аммо Шавкатни қидириб бир қизнинг келиши жиноят ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлишда муҳим ёрдам берди. Қиз шофёр Диёрнинг яхши кўргани экан. Диёр жиноят кўчасига кириб қолиб, тобора унинг ботқоғига ботиб чиқолмай талпинаркан, қизга бўлган воқеаларни гапириб берибди. "Агар менга бирор нарса бўлса, адвокат Шавкат деган одамга етказасиз" дебди.

Хуллас, Диёр қоровул Саттор билан яқиндан таниш экан. Саттор доим "Диёр, пул доим бурнингни тагида юрибди-ку! Катта бир бўлагини ўмариб қолмайсанми? Боласини ўғирла! Оғзингга сиққанини беради!" деб сира қўймас экан. Диёр ака кўнмаса, "Сен қачон, қаерда, қандай қилиб ўғирлаш мумкинлигини айт! Ўзим эплайман. Болага зарар етмайди. Соғ-омон қайтарамиз" дегани-деган экан.

— У одам ким экан? — сўради Шавкат.

— Кимлигини айтмади, — деди қиз хўрсиниб. — Ўғри ўзини энага қилиб кўрсатмоқчи бўлган. Энаганинг уйини Диёр акадан билиб олган. Диёр ака ўша ерга олиб бориб берса,

ўғри бошқа жойга яширадиган бўлган. Диёр ака ўғри билан болани энаганинг қишлоқдаги уйига ташлаб келган.

Ўша куни энага кетиб, иш осонлашган. Аслида энагани ҳам беҳуш қилиб олиб қочиш керак экан.

— Шундай қилганда ҳам ҳамма ўғирликни шўрлик энагадан кўришарди, — деди Гулчеҳра бош чайқаб.

— Диёрни ўлдиришганидан хабарингиз борми? — сўради Шавкат қизга ачиниб қараганча.

— Ҳа, — деди қиз кўзларини артиб. — Милициядан қўнғироқ қилишди.

— Ҳозир прокуратурага борамиз. Ҳозирги гапларингизни айтиб берасиз, майлими?

— Ҳа, албатта, — деди қиз ўрнидан туриб.

— Хўп, биз прокуратурага кетдик, — Шавкат энди қоғозларини йиғиштира бошлаган эди ҳамки, эшик шарақлаб очилди.

Ҳовлиқиб шошганча кириб келган қиз энага Соҳиба эди. У чопиб бориб Шавкатга ёпишиб тинмай такрорлай бошлади:

— Вой, амакижон, қутулдим! Қутулдим, амакижон! Қандай раҳмат айтай? — Қиз хўнграб йиғлаб юборди.

Гулчеҳра келиб қизни елкасидан кучди.

— Ўзингизни босинг! Ҳаммаси орқада қолди, — дея юпатмоқчи бўлди. — Келинг, ўтиринг, ўтиринг — у пиёлага чой қуйиб келди. Ичинг, ичинг.

Қиз сув ичаётганда тишлари пиёла четига тегиб тақилларкан, энтикиб сўради:

— Укамга нима бўлдийкин-а?

— Укангиз жуда яхши. Санаторияга жойлаштириб қўйганмиз.

Соҳибанинг ёшли кўзлари чарақлади, ҳимоячиларига бир-бир миннатдорона боқди.

— Йиғламасангиз, бир гапни айтаман. Хўжайинингиз Ботир банкадиларни укангизнинг операцияси учун пул беришга кўндирибди... Ҳа, ҳозир тўғри ўша одамнинг ёнига боринг !

Жиноятчи Саттор гуноҳини бўйнига олди. Унинг айтишича, жаҳаннам азобига тушиб қолган Диёр ночорлиги туфайли Саттордан пул сўраб борган. Саттор пул бермай сўкиб ҳайдаган. Диёр эса воқеани милицияга айтмоқчи бўлган. Шунда Саттор унинг бўйнига пичоқ тортиб юборган.



Боғча ҳовлисини болаларнинг жарангли овозлари тутиб кетганди. Қайсидир бола ўртоғини чақириб қичқирарди, бошқаси ўртоғининг қилиғини боғча опасига айтиб шикоят қилар, яна бирлари қандайдир ўйин билан банд эдилар. Шу пайт пастак бетон девор ёнига бир одам келди. У болаларга қараб бирпас турди. Кейин ўзига кўзи тушган бир болани имлади. Бола чопқиллаб девор тағига борди. Бояги одам болани кўтариб девордан оширди ва шошганча жўнаб қолди.

Бир ўзи ҳамма болани кўздан қочирмасликни эплай олмаган тарбиячи хушидан айрилаёзди ва болани онасига қўнғироқ қилди. Онанинг "Нима бўлди?" деган саволига "Тинчлик" деб жавоб берди. Лекин овозининг қўрқинчли қалтираши онани хавотирга солди. У тезда боғчага етиб келдию беш ёшли ўғли Нодирнинг йўқолганини билди. Бутун боғча хизматчилари оёққа турганди. Она — Саодат эри Азаматга хабар берди. "Шунча ошна-оғайнингиз, югурдакларингиз бор! Қидиртиринг!" деди.

Бу орада кўкрагига пичоқ урилиб, қонга беланган бола касалхонага келтирилди. "— Ёрдам беринглар! Ким бор?!" — деб бақирарди уни келтирган одам. "— Кушеткага ётқизинг" — деди ҳамшира. "— Доктор қани?! Вақт кетяпти!!", "— Ҳозир келади, ҳозир". "— Бола ўляпти!! Илтимос!". Хирург югуриб чиқди ва буюрди:

— Тез операция хонасини тайёрланглар! Сиз боланинг кимисиз?

– Отасиман... Илтимос, доктор!!

Бола операция қилинаётганда отасини милиция олиб кетди. Докторлар боладан қон оқишини тўхтатдилар.

Ўғри Жавдат Муродов деган одам эди. Унинг устидан жиноий иш очилди. Жавдат йигирма миллион сўм ундириш учун гараз мақсадда болани ўғирлашда айбланарди. Боланинг ота-онаси талаб қилинган пулни бермагач, унга пичоқ урган. Врачларнинг маҳорати туфайлигина Нодирнинг ҳаёти асраб қолинган. Аммо у кома ҳолатига тушган.

Боғча деворининг Нодир ўғирланган жойидаги туфли изидан чанг қолипга олинган. Унинг ўлчами ва тағчармдаги протектор шакли Жавдатнинг туфлисидагига мос келади. Нодир олиб бориб яширилган Жавдатнинг дала ҳовлисида топилган пичоқ тигидаги қон юқи жабрланувчини, сопидаги бармоқ излари эса Ж. Муродовга тегишли.

Айбланувчи адвокат хизматидан воз кечмоқчи бўлган. Аммо жиноят ўта оғир бўлгани учун адвокат тайинланиши шарт.

– Хуллас, воқеанинг қисқачаси шу, – деб Шавкат ҳамкасбларига бир-бир қараб.

– Айбланувчи боланинг отаси бўлганми? – сўради Холбой.

– Расман отаси эмас... Ўрганиб чиққанмиз. Сиз – Гулчеҳра, боланинг онаси билан гаплашинг. Холбой айбланувчининг онасига учрашади.

Гулчеҳра боланинг онаси Саодатни касалхонадан топди. У озиб чўпдай бўлиб кетганди. Ким билади, балки азалдан озғинмиди? Саодат гарангсиб қолган, адвокатнинг саволларини тушунмагандай анграйиб турарди. Улар касалхона ҳовлисидаги ўриндиққа ўтирдилар.

– Ўғлим дарров бировга қўшилиб кетмасди. Кўчага олиб чиқсам, болалардан нарироқ бир чеккада тумтайиб тураверарди. Қўшниларим боғчага топширишни маслаҳат беришди.

— Жавдат нимага "боланинг отасиман" деган? — сўради Гулчеҳра.

— Ёшлигимизда, — жавоб берди Саодат хўрсиниб, — ҳозирги эрим билан Жавдат мени талашиб юарди. Нима ҳам бўлдию Жавдатга турмушга чиқдим. Кейин Жавдат аллақандай одамларга қўшилиб қолиб, қиморга берилиб кетди. Бу орада ҳозирги эрим Азамат ҳам уйланди, лекин тезда ажрашди. Ана, энди у чинакамига менга ёпишиб олди. Жавдатнинг кўзига эса қимордан бошқа нарса кўринмай қолганди. Қимор ёмон нарса бўларкан. "Ҳатто уй-жойи, хотинини ҳам тиквораркан" деб эшитдим у эсим оғаёзди. Ҳомиладорлигимни билганимдан кейин эса баттар кўрқдим. Хуллас, Азаматга турмушга чиқдим. Дарров у ердан кўчиб кетдик. Олти йил Жавдат билан кўришмадик.

Нодиримни ўғирлашидан бир кун олдин эшик кўнғироғи жиринглади. Эшикни очсам Жавдат турибди. Юрагим шувуллаб кетди. Қиморни ташлаб бинойидай одамга айланганини айтди. Ўғли борлигини билиб ўзини кўярга жой тополмай қолибди. "Уйга қайтинглар, бирга яшаймиз. Эринг сени барибир яхши кўрмайди" деди — Саодат кўз ёшларини артди. — Бунга журъат қилиш осон эканми?

— Ҳа, мушкул аҳвол, — унга қўшилди Гулчеҳра. — Эртасига ўғлингизни ўғирлаган. Пул талаб қилгани ростми?

— Менимча, ёлғон бўлса керак... Эримнинг гапи бу... Тагин ким билади, одамнинг оласи ичида... Қолган воқеаларни мендан яхшироқ биларсиз. — Саодат ўрнидан турди. — Боладан хабар олишим керак.

— Майли, хайр, — деди Гулчеҳра ҳам кўзғалиб. — Тезроқ тузалиб кетсин.

Гулчеҳра бир нарсани тушунмади. Жавдат ўғлини олиб қочиб нимага эришиши мумкин эди? Агар пул ундириш мақсадида бўлса, ўғри кимлигини дарҳол фаҳмлашади-ку? Балки қиморни ташламагану катта ютқизиб, жон аччиғида ўйламай шу йўлни тутдимикин?

Холбой суҳбатлашган Жавдатнинг онаси ўғли болани олиб

келганини тан олди, лекин пул талаб қилиши, пичоқ уриши мумкинлигини ақлига сиғдиролмасди.

— Ўғлим болани яширган. Ўз фарзандини... Ўғлим икковимиз яшаймиз. Бир кун жуда ғамгин кириб келди. "— Ўғлим, сенга нима бўлди? Жуда ташвишли кўринасан. Ҳеч нарса емаяпсан. Тинчликми? Ё яна қиморга ютқаздингми?" — деб сўрадим. "— Йўқ, ойи, қиморни бутунлай ташлаганман-ку! Бугун менинг ўғлим борлигини билдим. Беш ёшга кирибди" — деди у. "— Қанақасига, қаердан пайдо бўлибди?". "— Эсингизда-ку, олти йил аввал Саодат мендан ажрашганда. У ҳомиладорлигини билгандан кейин менинг қиморбоз, ёмон ота бўлишимни ўйлаб қолган. Ҳозирги эри пулдор, яхши одамга ўхшагану уни сизнинг болангиз деб ишонтирган. Эрининг аблаҳ одамлигини кеч билган", — деди.

Келиним ўғлимни энг оғир аҳволда ташлаб кетди. Ўғлим баттар қиморга берилди. Энди одам қаторига кирганда баттарроқ кулфатга учради.

Ука, ўзингиз ўйланг, ўғлим оталик меҳри уйғонгани учун шу ишни қилган. Наҳотки, фарзанди учун пул ундирмоқчи бўлса, унга пичоқ урса?!

— Тушунарли, хола, — деди Холбой. Аммо бу гуноҳларда ўғлингизни айби йўқлигини исботлаш керак.

Шавкат ҳамкасбларининг маълумотларини диққат билан эшитгач, ўйланиб қолди.

— Айбланувчи бир сирни яширяпти, — деди ниҳоят бошини кўтариб. — Биринчидан, йигирма миллион пул талаб қилгани исботланмаган. Жавдатнинг эски рақиби Азамат истаганча тўхмат қилиши мумкин. Жиноят қуроли пичоқ сопида айбланувчининг бармоқ излари бўлиши табиий. Чунки у айбланувчининг дала ҳовлиси ошхонасида турган пичоқ. Аксинча, айбланувчининг бармоқ излари бўлмаганда шубҳали туюларди.

— Бундай маънисиз жиноятни қилиш учун одамнинг ақли калта бўлиши керак, — деди Гулчеҳра.

— Битта йўли Жавдат яшираётган сирни аниқлаш. Ҳозир бориб у билан бошқача гаплашаман, — Шавкат ўрнидан туриб кетишга чоғланди.

— Арқондай эшинг уни! — далда берди Холбой. Ҳамма гап ўшандалигини ўпкам сезиб турибди.

Қўлини орқага қилганча Шавкат ўтирган хонага кириб келган Жавдат "Яна сизми?" дегандай афтини буруштириб қаради. У чуқур "уф" тортганча стулга ўтираркан, адвокат қатъий деди:

— Жавдат, сизга ёқадими, йўқми, ҳақиқатни аниқламасдан қўймаймиз! Ниманидир яширяпсиз! Ким кўрқитди? Шунчалик кўрқоқмисиз?

Бу гап Жавдатнинг нафсониятига тегди ва қўлларини мушт қилди.

— Кўрқоқ эмасман! — деди тишларини қисиб.

— Ким ёлғон гапиради? Кўрқоқ одам одамми ахир? Мард одам бор гапни айтади-қўяди... Менга қаранг, агар ҳақиқатни айтсангиз, сизга зарар етадиган бўлса, мен ҳам уни яшираман. Ёки, албатта, уни сизнинг фойдангизга ҳал қиламан. Мени ягона ишонган одамингиз деб билинг. Ҳар қандай сирни айтишингиз мумкин. Аксинча, сизни жуда қаттиқ жазо кутяпти! Вақтни эса бекорга ўтказяпсиз! Вақт ҳозир сизнинг зарарингизга ишляпти.

Жавдат иккиланиб атрофига аланглади, муштирага йўталди. Бирпас жим ўтиргандан сўнг бўғилиб сўради:

— Бошидан бошлайми?

— Албатта. Балки бирор нарсалар эсингизга тушар.

— Қандай қилиб қиморга берилиб кетганимни ўзим ҳам билмайман. Олдин эрмакка майда-чуйда пулларга карта ўйнаб юрдик. Маош олганимизда катта пул тикадиган бўлдик. Бора-бора ўйнамасам туролмайдиган бўлиб қолдим. Бутун фикру хаёлим ўйинда эди. Мақсадим — фақат ютиш.

Кейин бу одатни ташлашга аҳд қилдим. Лекин ундан воз кечиш жуда-жуда қийин экан. Мен ўзимдан фахрланаман. Қимордан қутулдим. Бошқаларга ўхшаган одам бўлдим.

Тузуккина иш топдим, қарзларимдан узила бошладим. Энди тушундим қанча пул, таниш, дўстларимдан айрилганимни. Ўйласам баданим музлаб қолади!

Эндиги ниятим хотиним Саодатни кўриш эди. Сўраб-сўраб унинг уйини топиб бордим. Эшикни Саодат очди. "— Бу сизмисиз? Яхши юрибсизми?" — деди. "— Ҳа, ўзинг яхшимисан? Гаплашиб олишимиз керак", — дедим. "— Гаплашадиган гапимиз йўқ", — деди у. "— Мен билан юр, ахир ўғлимиз бор", — дедим. "— Иложим йўқ. Энди бола бегона амакини "дада" дейдими?" — деди у. Яна нималарни баҳона қилди — эсимда йўқ. Лекин ўғлимни кўрдим. Юрагим жимираб кетди. Саодатнинг кўзидаги мунгдан "Уни барибир олиб кетаман" деб аҳд қилдим. Эрининг нақадар аблаҳ, ёвуз одамлигини жуда яхши билардим.

Подъездан чиқсам, эри турибди. "— Эй, сен!" — деб бақирди у. "— Азамат!" "— Нима, хотинимни олиб кетмоқчимисан?! Гапингни эшитдим! Қаердан пайдо бўлдинг, ифлос?! Беш йил ном-нишонинг йўқ эди-ку!" — деди у. "— Ўғлимни кўргани келдим. Шунча йил менинг ўғлимни ўстиргансан!" — дедим. "— Эҳ, ифлос! Бола ҳам, Саодат ҳам меники! Балки сенга пул садақа қиларман, қиморбозликка! Ютқазсанг, яна қоранг ўчар!" — дея масхаралади у. "— Сен доим менга ҳасад қилгансан" — дедим аввал Саодатга эришолмаганини эслатиб. "Ҳасад?! Нимангга ҳасад қиламан?! Омадсиз, бадбахт қиморбозсан-ку! Ҳамма нарсангдан ажралдинг, Саодатдан ҳам! Мен ҳамма нарсага эришдим. Сени шундай аҳволга соламанки, ҳаётдан ҳам ўчиб кетасан!" — деб қичқирди у. "— Бир нарсани тушунтир, нимага мендан, Саодатдан, фарзандимдан ўч оласан? Саодат билан ўғлимни нима қиласан, яхши кўрмайсан-ку уларни? Кўйиб юбор уларни!" — дедим. "— Ҳеч қачон!" — деди у.

Ноилож уйга кетдим. Эртасига яна Саодатни ёнига бордим, у нарсасини йиғиштириш билан банд эди. "— Сени олиб кетгани келдим. Йиғиштириниб қўйибсан шекилли?" — дедим. "— Секин, — дея шивирлади Саодат. — У бизни Қоҳирага

Адвокатлар фош қилади

олиб кетмоқчи. Иккита малагини бизга соқчи қилиб қўйган. Ҳозир эрим келади. Самолётга чипта тайёр".

Ўғлим богчада экан. Мен беихтиёр ўша ёққа жўнадим. Ўғлимни кўрмоқчи эдим холос, ўғирлаш хаёлимда йўқ эди. Учратганимда эса уни иккинчи марта йўқотишни истамадим. У мени бир кун аввал кўргани учун кўрқмади, қичқирмади. Уни кўтариб бағримга босдим. Уйга олиб борсам, дарров топишарди. Дала ҳовлимиз эсимга тушди. Дала ҳовлига олиб бориб, онасига кўнғироқ қилиб хабар бермоқчи бўлдим. Саодат эрининг каллакесарларидан қутулса, қочиб кетиши мумкин эди. Саодат ўғлини ўйлаб қандай аҳволга тушишини кўз олдимга келтириб ҳаяжонланардим.

Кўнғироқ қилдим. Саодат "Ало" дея олди халос, эри телефонни тортиб олди шекилли. "— Нима, ҳали мен билан ўйнашмоқчимисан?! — бақирди эри. — Сени топишади! Қаёққа ҳам қочиб борардинг! Энди сендан бутунлай қутуламан!"

Мен нима қиларимни билмай ўтирувдим, иккита ҳўкизсифат одам бостириб кирди. Мен тинмай "Болага тегманглар!" дердим, холос. "— Нима қилдинг, урод?" — деб бақирди бири. Мен болани қучоқлаб қочарканман, иккинчи ҳўкиз башаранинг қўлида пичоқ пайдо бўлди. Олишувда болага пичоқ тегиб кетди. "— Нима қилдинг, урод?" — деб қичқириб юборди ҳўкизбашара. "— Тасодифан, билмай қолдим!!". Шундан кейин иккови кўрқиб қочиб кетди.

Мен қонга беланган ўғлимни кўтарганча кўчага чопдим. Бахтимга бир яхши ҳайдовчи келиб тўхтади. Болани касалхонага етказиб бордим, — Жавдат нафасини ичига ютиб жим қолди.

Бошини кафтлари орасига олиб ўтирган адвокат унга тикилиб сўради:

— Бор гап шуми?

— Шу, — деди Жавдат. — Касалхонадан милиция ушлаб кетди.

— Ҳаммаси шу эмас, — деди адвокат истехзо билан. — Нима учун болага ўзингиз айтган ҳўкизсифатлардан бири пичоқ

урганини зўр бериб яширдингиз? Ваҳолангки, асосий сир мана шунда. Барибир аниқлаймиз. Гапиринг, ёрдам бераман.

Жавдат ночорликдан елкасини қисди.

— Бир ҳафта олдин аввал мени мана шу хонага олиб киришганда, — дея гап бошлади кейин. Қарасам Азамат ўтирибди. Таққа тўхтаб қолдим. "— Қаердан пайдо бўлдинг? Сени ким қўйди?!" — деб сўрадим ажабланиб. У иршайди. "— Турмага кетиш қўрқинчлимикан?" — деди у. "— Мен қўрқмайман. Югурдакларинг қилган иши учун сен қўрқ! Худо кўриб турибди қандай одамлигингни!" — дедим. "— Ҳеч қанақа исботинг йўқ. Лекин сенинг ўғлинг бор, ҳозирча. Икки марта операция қилишдию..." "— Гапир тезроқ!" "— Яна битта ўта мураккаб операция қилиш керак. Унинг учун махсус профессорни чақириш керак. Нархи қанчалигини биласанми?" "— Тушунмадим, нима демоқчисан?" "— Шуни пулини кўтармоқчиман. Фақат суддан 10 кун ўтгандан кейин". "Нимага ўн кун ўтиб?" "— Шунда ҳукм устидан шикоят қилиш муддати тугайди. Агар мен ва ошналарим ҳақида бир оғиз гап гапирсанг, пул бўлмайди. Ўғлингдан айриласан!" "— Ахир, бу бола-ку! Болани олди-берди пулига айлантириш мумкинми?" — дедим мен куйиниб. Рақибим ҳингиллади. "— Айтдим-ку тортиб ололмайсан, деб. Кўрдингми, ҳисоб менинг фойдамга бирун-ноль!" — деди у. Мен рози бўлдим.

Мана, ҳаммасини айтдим. Энди нима бўлади?

— Ҳм-м, масала буёқда экан. Сиз барибир жазоланасиз. Чунки бола сизнинг номингизга расмийлаштирилмаган. Демак, у сизники ҳисобланмайди. Энди фақат бола ўғирлаганингиз учун жазо берилади.

Рақибларингиз ҳам жазодан қуруқ қолишмайди, албатта. Бундан ташқари, улар болага тан жароҳати етказганлари учун ҳамма ҳаражатларини тўлайдилар.

Шавкат кўнғироқ тугмасини босди ва соқчи айбланувчини олиб чиқиб кетди. Адвокат энди Азаматни Жавдатнинг олдига кирганини аниқлаши керак эди.



Ҳаётдаги энг оғир азоблардан бири ёлғизлик эканини Ортиқбой ўз бошига тушгандагина яққол ҳис этди. Атроф тўла одам, лекин у танҳо эди. Унинг хотини автоҳалокатда ҳалок бўлди. Хотини машина ҳайдашни шунчалик жон-жаҳди билан орзу қилардики, Ортиқбой охири машина олиб берди. Аслида у аёлларнинг машина минишини маъқулламас эди. Қачон машина рулини тутган аёлни кўрса, қаердадир ўқиганми ё эшитганми, бир воқеа эсига тушаверарди.

Бир аёл ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топшираётган экан. Аёл рулга, инструктор ёнига, инспектор орқа рулга ўтиришибди. "Ҳайданг!" деб буюрибди инструктор. Аёл газни бағиллатиб босиб, муфтани қўйиб юбормай ўтираверибди. "Муфта, муфта!" деди инструктор. Аёл муфтани қўйиб юборган экан, машина отдай сакраб олға интилибди. Қарасалар, машина тўғри олдида кўндаланг турган "Мерседес" томонга бораётган эмиш. Инструктор "Тормоз, тормоз!" деб бақирармиш. Ўзи тормозни босай деса, тагидаги темир чириган эканми, синиб кетган экан. Ўриндиқ у ёқдан-бу ёққа сурилармиш. Орқада ўтирган инспектор эса "Рул, рул" деб бақириб олдинга энгашармишу қўли етмасмиш. Ниҳоят, аёл жон-жаҳди билан тормозни босибди. Инструктор бошини зарб билан олд ойнасига уриб ҳушидан кетаёзди, орқада инспектор унинг устига умбалоқ ошиб тушибди. Шунда аёл ўрниларидан туrolмай инқиллаётганларга қараб "Қалай, топширдимми?" дермиш.

Хуллас, Ортиқбой оиласиз танҳо қолди. Чунки қизи турмушга чиқиб кетди. Ортиқбой ҳувиллаб ётган уйига қайтгиси келмай, нималар билан шуғулланиб кўрмади. Турли аёлларни кига борди. Лекин иштиёқи қонган заҳоти у аёл ёқмай қолаверарди. Яна ўзи кўниккан маконга оёғи тортар эди ва ноилож уйи томон судраларди.

Ана шундай кунларнинг бирида унинг ёнига бир қиз иш сўраб келади. Ортиқбой қизни кўриб юраги "жиз" этди. Қиз

чиройли, қомати келишган, назарида иболи ҳам эди. Бўш ўрин йўқ эди, Ортиқбой унинг учун янги иш ўрин очди. Қиз бир ойгача хизмат қилиб юрди. Ортиқбой унинг онаси ва синглиси борлиги, узоқ вилоятдан ўқишга келиб киролмаганини аниқлади. Қизни таниганлар у ҳақида ёмон гап айтишмади.

Шундан сўнг Ортиқбой ишхонасидаги кекса аёлга кўнглини ёрди. Пулсизлик, уйсизликдан қаттиқ қийналиб юрган қиз, ёши катта деб ўтирмай, дарров кўнди. Ортиқбойнинг уйига файз кирди. Энди уни ишдан сўнг уйда кутиб оладиган одам бор эди.

Илгари шундай тўкин-сочин, ҳашамларга тўла хонадонда яшаши мумкинлигини хаёлига келтирмаган Мусаллам дастлаб довдираб қолди. Кейин аста-секин кўникди. Ўзини бойвуччалардай тутишни ҳам ўрганди. Ёзда кўпроқ вақтини сўлим дала ҳовлида ўтказарди. Эр-хотин бир йилдан ортиқ ниҳоятда иноқ ҳаёт кечирдилар.

Аммо... Воқеа сира кутилмаганда юз берди. Ортиқбойнинг телефониغا СМС келди: "Хотинингиз дала ҳовлингизда ўйнаши билан ётибди". Ортиқбойнинг бошига бир гурзи билан ургандай, йиқилиб тушишига сал қолди. У отилиб кўчага чиқди. Машина юкхонасидаги лампани олиб, олд ўриндиққа — ёнига қўйди. У тишларини маҳкам қисганича машинани ўқдай учириб бораркан, "Одам боласидай ношукури бўлмас экан!!! Ифлос!!!" деган фикр тинмай айланарди. Бир гал машинаси тўқнашиб кетаёзди.

Ортиқбой ҳовли дарвозаси ёнида машинасидан тушиб, лампани кўтарганча ичкарига югурди. У хонадан отилиб чиққан ярим яланғоч йигитга тўқнашиб кетди. Ўйнаш кўчага чопди, Ортиқбой хонага кирди. Хотини Мусаллам алланималарни тушунтирмақчи бўлгандай қаршисига келди. Ортиқбой унинг юзига зарб билан шапалоқ урди. Хотини йиқилди. Ортиқбой кўчага югурди. Ўйнаш энди мотоциклини юргизаётганди. Ортиқбой бирмунча вақт машинада қувиб борди. Лекин мотоцикл кўздан йўқолди. Ортиқбой ноилож

орқасига қайтди. Хонага кириб даҳшатли манзарани кўрди! Мусалламнинг боши ва юзи аёвсиз мажақлаб ташланган, ҳаммаёқ қон эди!...

Ортиқбой милицияга хабар берди.

Ҳибсдаги Ортиқбой хотинини бир шапалоқ ургангани тан олар, аммо ўлдирганини жон-жаҳди билан рад этарди. "Уни севардим, уни ўлдириш ўзимни ўлдиришдай гап!" дер эди сидқидилдан. Ортиқбойнинг лом кўтариб кириб кетганини қўшни ҳовли қоровули ва уй хизматчиси кўрган экан. Суриштирувда Мусалламнинг ўйнашига "Етиб келинг. Эрим кетди" деган СМС боргани аниқланган. Бундан ўйнаш Сухробни ўлдириш учун чақирилган, деган хулоса чиққан. СМСлар фожа юз берган ҳовли атрофидан юборилган. Лекин уларни ким юборгани номаълум эди. Чунки хабар юборилган симкартадан кейинчалик ҳеч ким фойдаланмаган. Хуллас, барча шубҳа Ортиқбойдан эди.

Адвокат дастлаб қўшни ҳовли қоровули Имом Илёсов билан гаплашди. Сухбат охирида у сўради:

– Марҳум аёл билан танишмадингиз?

– Кўриб турардим, лекин яқин таниш эмасдим, – деб жавоб берди Имом.

– Шундай чиройли аёл билан танишишга ҳаракат қилмадингизми?

– Э, мен киму у ким?!

Буни эшитиб ўтирган уй хизматчиси Холниса хола жеркиб ташлади:

– Нега бақрайиб туриб ёлғон гапирасан?! Ўша хотин хўжайин билан гаплашиб сени ишга киргизди-ку! Ҳм, танимасмиш! Худодан кўрқ!

Қоровул нима учун ёлғон гапирганига жавоб беролмади. Адвокат у билан кейинроқ гаплашишни кўнглига тугиб қўйди. Уй хизматчисидан қўшимча маълумот чиқмади.

Мусалламнинг ўйнаши фотограф Сухроб Сўфиев шундай деди:

– У билан бир йил аввал танишганман. Университет олдидаги дарахтзорда йиғламсираб ўтирган экан. Қарасам жуда чиройли қиз. Танишдим. Ётоқхонадан чиқиб кетиши керак экан. Мен фотостудиямга таклиф қилдим. Бир неча кун яшаб юрди. Кейин кетди. Яқинда кўриб қолдим. Учраша бошладик. Ўзи таклиф қилди. Эрининг ёши катта экан. Ўша куни бир соат бирга бўлдик. Кейин тарақа-туруқ қилиб эри келиб қолди. Зўрға қочдим. Бўлмаса, мени ҳам ўлдирарди.

Адвокат Гулчеҳра суриштира-суриштира Мусаллимнинг юртдош дугонаси Арофатни топди.

– Биз тез-тез телефонда гаплашиб турардик, – деди у. – Сирдош эдик. Турмуши жуда яхши эди. Лекин охирги пайтда эри уни қизғона бошлабди. Дугонам чиройли эди-да.

– Бирор севгани бормиди? – сўради Гулчеҳра.

– Ҳа. Рихси деган бола. Кейин Рихси Мусалламга осилган бир йигитни пичоқлаб қўйиб, олти йилга қамалиб кетди.

– Ўша Рихсининг фамилияси эсингиздами?

– Эсимда, Файзиев.

– Қамалгандан кейин алоқани узишмадими?

– Бирмунча вақт хат ёзишиб юришди. Кейин Мусаллам тўхтатди.

– Рихсининг кейинги ҳаётидан хабарингиз йўқми?

– Мусаллам бир куни айтиб қолди. Рихси қандайдир йўл билан уни топибди, роса гина қилибди. "Сен учун қамалдим!" дебди. Дугонам энди дўстликдан бошқа алоқани иложи йўқлигини айтибди. Кейин қўшни ҳовлининг эгаси билан гаплашиб, қоровулликка жойлабди, пул бериб турибди.

– Шунақа денг! – деди Гулчеҳра жонланиб.

– Йўқ, опагон! – дея эътироз билдирмоқчи бўлди Арофат. – У эрига хиёнат қилмоқчи эмасди! Бир фотограф кўриб қолиб шантаж қилган. Илгари у ночор аҳволда қолганда фотограф ёрдам бериш эвазига яланғоч суратини олган экан. "Агар кўнмасанг, расмингни эрингга кўрсатаман!" деб кўрқитган. Дугонам турмушининг бузилишидан чўчиган.

— Бизга катта ёрдам бердингиз, раҳмат, — деди Гулчеҳра ўрнидан тураркан.

Гулчеҳра аниқлаган маълумотларни эшитган Шавкатнинг юзи ёришди ва столни шапаталаб чин кўнгилдан мақтади:

— Қойил! Гулчеҳраҳон! Қоровул Имом нима учун мархума билан танишлигини яширгани мени жуда ўйлантирган эди. Мана, гап қаёқда экан! Энди у исм, фамилиясини ўзгартирганини аниқлаш керак.

— Буни аниқладим, — деди Гулчеҳра ғурурланиб. — Паспорт столига кириб, у ердагилар билан бирга тезда бажардик. Мана, факслан келган билдирги.

— Э, қойил! Беш балл! — хитоб қилди Холбой секин қарсақ чалиб. — Энди бориб қоровулбойнинг гирибонидан олсақ бўлади.

— Яхшиси, терговчига тушунтираман. Ўша ерда сўроқ қиламиз, — деди Шавкат. — Икки иш бўлмайди.

Тез орада Имом ушлаб келинди. У терговчининг хонасида бошини тиззасига теккудай эгиб ўтирарди.

— Хўш, Имом Илёсов, Рихси Файзиев деган исм, фамилиянинг нимаси сизга ёқмай қолди? — сўради Шавкат жимликни бузиб.

— Сизларга нима? — дея минғирлади Имом.

— Чунки исм, фамилиянгни ўзгартириб олгансиз. Онангизнинг фамилиясига ўтгансиз. Мана, маълумот, — деди терговчи қўлидаги қоғозни силкитиб.

— Турмадан чиқиб ҳаётимни янгидан бошламоқчи бўлдим.

— Нима учун мархум билан танишлигингни яширдингиз? — сўради терговчи.

— Яширмасам нима бўларди?

— Мархум Мусалламнинг тавсияси билан ишга кирганингни ростми?

— Ҳа. Нима бўпти?

Имомнинг безбетлиги терговчининг жаҳлини чиқарди ва баланд овозда сўради:

– Мархум Мусалламнинг эрига сиз қўнғироқ қилгансиз, шундайми?

– Эрига ёрдам бермоқчи эдим, – деди Имом бошини кўтариб. – Хотини ўзини фаришта ҳисобларди.

Терговчи қотил ким эканига ишонч ҳосил қилаётганини кўрган Шавкат ўзини ортиқча деб билди ва хайрлашиб чиқиб кетди.

Орадан бир ой ўтди. Шавкат хонага кириб келаркан, афсус билан деди:

– Тавба! Шунақа ҳам бўладими? Ортиқбойни яна ҳибсга олишибди!

– Қайси, ҳалиги хотини ўлдирилганми? – сўради Гулчеҳра.

– Энди нима қилибди?

– Хотинини шантаж қилган фотографнинг бошини кимдир мажақлабди.

– Ҳа-а, – деди Холбой чўзиб, – кимки жафо қилса, жафо топғусидир. У муттаҳам бировларни қийналганидан фойдаланган. Шунинг учун кўп таъмагир врачлар ҳам азобда ўлади-да. У муттаҳам ҳам ўз жазосини олиши керак эди ўзи!

– Ҳозир тирик юрган бўларди-да унда. Тақдирдан қутулиш қийин, – деди Гулчеҳра.

Шавкат ўтириб папкасини очди ва қоғозларни кўздан кечира бошлади.

– Хўш, энди яхшилаб қулоқ солинглар.

Фотограф ўлган куни уни бир ишхонанинг ўзаро банкетига таклиф қилишган. Сухроб – фотограф у ерда суратга олган. У ўтириш тугашидан аввалроқ чиқиб кетган. Ташкилот раҳбари, бош директорининг хотини Назира маст бўлиб қанчалар беҳаё қилиқлар кўрсатганини, агар уни фотограф суратга туширган бўлсаю сурат эрининг қўлига тушса, ўзининг бошида қандай калтаклар синиши мумкинлигини ўйлаб қўрқиб кетган. Фотографни қидириб тополмагандан кейин ишонган одами Зокир Шамсиев деган шахсни чақириб, топшириқ берган.

Адвокатлар фош қилади

Пулни аямай фотоаппарат флешкасини сотиб олиб келишни буюрган.

Шамсиев фотографнинг уйига борган. У қоронғу подъездга кириб алланимага қоқилиб кетган. Телефоннинг чироғини ёқиб қараса, фотограф ётган эмиш. Шамсиев милицияга қўнғироқ қилган. Сухробнинг ёнида фотоаппарат бўлмаган. Ўша атрофда унинг бошига урилган труба бўлаги топилган...

— Э, ўша Шамсиев дегани ўлдиргандир-да, — Шавкатнинг гапини бўлди Холбой. — Фотограф флешкани бермаган. Шунда...

— Унинг айби исботланмаган, — деди Шавкат.

— Тўғри-да, ўзига зарари тегмайдиган флешка учун ўзини турмага тўғрилайдими? — деди Гулчеҳра.

— Агар аҳмоқ бўлмаса... — қўшимча қилди Шавкат — Хўш, энди буёғини эшитинглар... Фотоаппарат ломбарддан топилган. Уни Ўлмас Қорабоев деган йигит топширган экан. Уни ушлаганлар.

Мана сўроқ-жавоб баёни:

"Терговчи: — Ўн тўртинчи сентябрь соат 22–23 ларда қаерда эдингиз?

Қорабоев: — Танишим Сора деган аёлникига бордим. Мактабда бирга ўқиганмиз. Унинг бу ерга келганига кўп йил бўлган. У адресини берди. "Бирор ёрдам керак бўлса, боргин" деди. Мен ишсиз қолгандим. То иш топилгунча қарз сўрамоқчи эдим. У "Ҳозир пулим йўқ" деди.

— Кейин-чи?

— Пастга тушиб алланимани тепиб юбордим. Олиб қарасам катта фотоаппарат! "Нотўғри қиялпман" деб ўйладим. Лекин жуда пул керак эди. Мен олмасам бошқа биров олади-да. Бунақа қиммат нарса эгасиз ётармиди? Эрталаб ломбардга топшириб пул олдим. Пулни хотинимга жўнатдим.

— Фотоаппаратда флешкаси бормиди?

— Йўқ эди. Менга флешка қанақа бўлишини кўрсатиб сўрашди. Йўқ эди.

— Подъездда мурдани кўрмадингизми?

— Йўқ, жуда қоронгу эди. Қоқилиб кетмаганимда аппаратни ҳам кўрмасдим.

— Демак Қорабоевни қўйиб юборишган, — деди Холбой.

— Ҳа. Труба бўлагидаги бармоқ излари туғри келмаган... Энди сиз бориб қўшнилардан суриштиринг. Зора бирор гувоҳ топилиб қолса... Бу орада талончилик юз бермаган. Фотографнинг соати, пули турган.

— Мен нима қилай, Шавкат ака? — сўради Гулчеҳра.

— Сиз марҳумнинг онаси билан гаплашинг, ошна-оғайнилари топишга ҳаракат қилинг. Онасидан бошқа ҳеч кими йўқ экан. Қани, олға! Балки бу гал ҳам Ортиқбой деганларига ёрдамимиз тегар. У фожиа юз берганда уйда ёлғиз бўлган. Алиби йўқ.

Фотографнинг онаси Сокина хола қариб қолган бўлса-да, бир пайтлар масъул лавозимларда ишлаганлик нуқси кетмаган, гап оҳанги, ўзини тутишидан билиниб турарди. У Гулчеҳрани яхши кутиб олди, уйга бошлаб кириб, балкондаги креслога ўтказди, қаҳва дамлаб келди.

— Мана шунақа, қизим, қариган чоғимда ёлғиз яшаяпман, — деди у ўтираётиб. — Биттагина ўғлим бор эди. Уни ҳам худо кўп кўрди. Ўғлим алоҳида яшайди, шаҳарни бошқа бурчагида.

— Ўғлингизни охирги марта қачон кўрдингиз? — сўради Гулчеҳра қаҳвасидан бир ҳўплаб.

— Бир ҳафта бурун. Ораси узоқлиги учун тез-тез бориб кўролмайман. Мазам йўқ, гоҳ қон босимим ошади, гоҳ бошқа дард...

— Нима иш қилишини билармидингиз?

— Албатта. Жуда яхши фотограф эди. Кўп жойларга чақириб кетишарди, — деди кампир гурур билан.

— Кийиниши, юриш-туришидан кўп пул топадиганга ўхшармиди?

— Ҳа. Яқинда бир фотоаппарат олибди, нархини эшитиб кўзим тепасига битиб қолаёзди. Яна ғалати бир куртка олган, ҳеч кимда кўрмаганман. Машинали бўлди...

— Фотоаппаратни доим олиб юрармиди? — Гулчеҳра саволлари кераксиздай туюлса-да, кампирдан бирор зарур маълумот чиқиб қолармикин, деган умидда сўраётган эди.

Кампир жонланиб кетди.

— Э-э, кийимсиз юриши мумкиндиру аппаратсиз асло! Ҳеч қачон елкасидан қўймасди. Жуда қиммат соати бор эди.

— Ҳа, соатини яхши эсладингиз! — деди Гулчеҳра. — Соатини ечиб олмаган, пулига ҳам тегмаган...

— Кимдир чўчитиб юборгандир-да? — тахмин қилди кампир.

— Хола, бир яхшилаб ўйлаб кўринг-чи, мабодо душмани йўқмиди. Масалан, олган суратлари учун...

— Унисини тушунмайман, қизим.

— Яқин ўртоқларини танимайсизми?

— Йўқ, орамиз олис, ким билан юрарди, уйига кимлар келиб-кетар эди, билмайман.

Гулчеҳра агар бирор нарса ёдига тушса, хабар беришини илтимос қилиб кампир билан хайрлашди.

* * *

Холбой фотографнинг уйи атрофидан бирор гувоҳ тополмади. Фақат бир қўшни ғалати овоз эшитганини эслади "Ўша куни оз-оздан олгандик. Подъезддан жинниларча кулгу эшитилди. Жуда бошқача — жиннининг тезлашган кулгуси. Ёш болаларникига ҳам ўхшаб кетади. Сунъий кулгу", деди у.

Холбой арзимади деб айтган бу маълумот Шавкатни хурсанд қилиб юборди.

— Буни дарров текшириш керак! — дея у ўрnidан туриб кетди.

* * *

Шавкат охири марта сурат олган ташкилот коридорида бораркан, бир хонадан жинниларча кулгу эшитилди. Адвокат ўша хона эшигини очиб ичкарига кирди. Назира телефонни қулоғига босганча тинмай "Ало, ало!" дерди ғишиниб.

— Мен қўнғироқ қиляпман, — деди Шавкат унга яқинлашиб.

– Сиз?! Нега қўнғироқ қиялпсиз? – сўради Назира ранги кув оқариб.

Шавкат стулга ўтириб, папкасини очиб, бир варақ қоғоз олиб деди:

– Ўлган фотограф Сўфиевнинг квартираси атрофида ишлаган телефон номерларининг оператор берган рўйхати. Шулардан бири сизники.

Назира лабини буриб елкасини қисди.

– Нима бўпти? – деди у истехзо билан.

– Бир нечта савол туғилди. Шундай кеч – соат йигирма икки – йигирма учларда у ерда нима қилиб юрувдингиз?

– Кечаси югураман. У ерда кимлар туришини билмайман! – жавоб берди Назира тап тортмай.

– Тўғри труба бўлагига спорт кастюмининг тивити илиниб қолган. У тергов материалида бор. Фақат эгаси аниқланмаганди. Труба бўлагидаги бармоқ излари, ёғ-тер ажралмаси эгасининг кимлиги номаълум эди. Мана, энди...

Назира кафтлари билан юзини беркитиб ҳиққилай бошлади.

– У мени шантаж қилди, – деди кейин бўғилиб.

– Ким у?

– Фотограф. У билан эрга тегишимдан анча аввал таниш эдик. Шаҳарга янги келгандим. Иш излаб юргандим. У олдимни тўсиб "Яхши иш бор" деди ... Қизиқиб, у билан бирга уйига бордим. У мени зўрлади. Яланғоч суратга туширди. Кейин уни кўрмай кетгандим.

Ўша "вечер" куни учрашиб қолдим. Танимас деб умид қилгандим. Йўқ, таниб қолди. Мени четга тортиб, "– Жа зўр бўлиб кетибсанми?! Эсингдами кичкина, шинамгина студия? Ўша суратларингни интернетга жойлаштирамоқчиман. Хўш?" деди. "– Тушундим, – дедим. – Неча пул керак?". "– Бир тор жойда ҳам ишлаб, ҳам ётиб-туриш жонимга тегди. Бир хонали уй олиб берасан!" "– Жиннимисиз, бунча пул йўқ!" "– Эринг миллионер-ку... Бўпти, келишолмадик". "Майли, мен кечаси бораман. Маслаҳатлашамиз", – дедим. Унинг подъезди ёнида учрашадиган бўлдик.

Учрашдик. "– Пулни олиб келдингми?" – деб сўради у. "– Йўқ. Шошилманг, шошилманг. Яхшиси, сизни эримга айтиб жуда яхши ишга жойлаштираман. Зўр пул топасиз", – дедим. "– Менга ҳозироқ пул керак. Бўлмаса эртага зўр жойларингни бутун дунё томоша қилади!" "– Бўпти, розиман. Юринг, уйингизга чиқамиз. Ўша пайтларни эслаймиз", – дедим мен. У кўнди-да, ичкарига юрди. Қўйнимда белимдаги тасмага тикилган труба бўлаги бор эди. Ўшани шартта суғуриб лаънатининг бошига аямай урдим. У бир қоп гўнгдай гупиллаб йиқилди...



Ишга кечроқ келган Гулчеҳра одатда чой ичиладиган столга катта халта қўйди-да, ичидан идишларни чиқара бошлади.

– Кеча ойим тенгқур кампирларга зиёфат берувдилар, – деди у сочиқ билан ликопларни артаркан.

– Кампирбазм бўлибди-да, – кулди Холбой.

– Шунақа деса ҳам бўлади. Лекин улар "Ёсин" ўқитишди. Бир дунё егуликлар қолиб кетибди. Бутун шу ерда тушлик қиламиз.

– Гулчеҳраҳон, бизнинг онахонимизга шон-шарафлар! – хитоб қилди Холбой. – Тушликнинг пулига пиво ичаман.

– Ҳозир шакароб қиламан...

– Помидорни бир секунд қайноқ сувга ботириб олсангиз, пўсти шартта ажралади. Синаб кўрганман. Помидорнинг пўсти менинг гашимга тегади.

– Пўстини арчишни биламан, – деди Гулчеҳра пиёз оларкан.

– Хўп, кекса онахон, данаксиз шафтоли етиштиришни биласизми?

– Йўқ.

– Ана! Ўргатайми? Ёнма-ён қилиб шафтоли билан тол экасиз. Улар бир ёш бўлганда толнинг шохи эгилади-да, новдасининг ораси ёрилиб, шу ёриқдан шафтолининг новдаси

ўтказилади. Маҳкам боғланади, лой билан суваланади. Ёз бўйи устидан сув томиб туриши керак. Икки новда бирикиб кетгандан кейин шафтоли ниҳоли тагидан кесилади. Ана, сизга данаксиз шафтоли!

Боядан бери ниманидир ўқиш билан банд Шавкат бошини кўтариб, деди:

– Қадим замонда данаксиз тарвуз яратган бир одамни подшо ўлимга буюрган экан.

– Ие, нега энди?

– Ахир, уруғи, данаги бўлмаса, тарвуз бутунлай йўқолиб кетмасмиди?

– Ана, Холбой ака, жиноят қилишингизга сал қолган экан, – дея кулди Гулчехра.

Эшик очилиб, бир киши кирди.

– Мумкинми? – сўради у тўхтаб.

– Келинг, келинг, – деди Шавкат қўли билан имлаб. – Ўтиринг... Эшитаман.

– Укамни қамаб қўйишди. Ёрдамингиз керак, – мижоз адвокатга умидли қаради.

– Ёрдам берамиз. Нима бўлди, бир бошдан гапиринг. – Шавкат олдига тоза қоғоз қўйди. Мижоз таратқулданиб уёқ, буёққа қараб олгач, гап бошлади:

– Бизда Исҳоқ домла деган афсунгар бор. Нафаси жуда ўткир. "Сувни ортига оқиза олади" дейишади. Одамлар узоқлардан келади, навбатда туришади. У қабристон тупроғига ўқиб дам солса, одамни ўлдираркан. Ана шу домла катта коттеж қурдираётганди. Укам ўша ерда ишларди. Яқинда домлани коттежи қурилишида кимдир ўлдириб кетибди.

– Қандай ўлдирган?

– Тахта деворга михлаб ташлаган. Шиферга мих қоқадиган пистолетдан отган.

– Ўлдирининг шу тури етишмаётганди! – хитоб қилди Холбой ажабланиб.

– Нимага уканингиздан кўришди? – сўради Шавкат фикрини қоғозга тушираркан.

— Бунақа пистолет фақат укамда бор-да.

— Уни қаерда сақларди? Уйидами?

— Йўқ. Курилишдаги вагончада. Хоҳлаган одам кириб олиши мумкин, — мижоз афсусланиб бош чайқади.

— Укангизнинг афсунгар билан қандай алоқаси бор, ҳам, ўлдиришга сабаб бўладиган?

— Гап шундаки, укамдан гумонсирашларига асос бор, — деди мижоз хўрсиниб. — Укамни бир қиз қаттиқ яхши кўриб қолган. Лекин укамнинг хотини бор. Бунинг устига, хотини ҳомиладор эди. Шунинг учун қиз укамни "иссиқ-совуқ" билан ўзига оғдириб олмоқчи бўлган. Қиз Исҳоқ домлага бориб ўқитган. Укамнинг хотини касал бўлиб, ҳомиласидан ажралган. Натижада укам Исҳоқ домладан ўч олган, деб ўйлашяпти.

— Қиз Исҳоқ домлага "амал" қилдирганини укангиз билганми?

— Ҳа, қизнинг ўзи айтиб қўйган. Энди укамнинг хотини бошқа фарзанд кўролмас экан.

— Тушунарли. Укангизни айблашга асос бор. Лекин исботлаш керак... Бўпти, сиз бораверинг. Иш билан шуғулланамиз, — деди Шавкат ўрнидан туриб.

Мижоз чиқиб кетди. Гулчеҳра дастурхонни тузаб, устига газета ёпиб, кутиб турган эди. Ҳаммалари тушликка ўтирдилар.

Эртасига эрталаб адвокатлар навбатдаги "жанг"га тайёргарлик кўрдилар. Шавкат Исҳоқ домла иши бўйича тергов материаллари нусхасини олиб келган эди.

— Одамлар нимага шунақанги муттаҳамларга ишонадилар? — норози тўнғиллади Холбой афтини буриштириб.

— Ишонмайдиганлар ҳам кўп, — деди Гулчеҳра. — Мана кимдир домлани ўлдирибди-ку!

Шавкат эътироз билдирди:

— Аксинча, ишонгани учун ўлдирган бўлса-чи?.. Хўп, тергов материалларига ўтамиз.

Мурдани дастлаб кўриб қолган Пўлатов Ҳайитнинг кўрсатмаси:

— Кечаси соат ўн эди. Машинамда коттеж ёнидан ўтаётсам, бир одам тахта деворга орқаси билан ёпишиб турибди. Ҳайрон бўлиб, тўхтаб, машинадан тушдим. Қарасам, Исҳоқ домла! Ҳаммаёғи қон, деворга михлаб ташланган. "Тушимми, ўнгимми?" деб довдираб қолдим. Милицияга қўнғироқ қилдим.

— Ўша яқин атрофда ҳеч кимни кўрмадингизми?

— Бир одам қочиб кетди. Мени жуда тез қочгани ажаблантирди. Куёнга ўхшаб югурди. У сиз юзлаштирган айбланувчига ўхшарди. Башарасини кўрганим йўқ, албатта".

Марҳумнинг котибаси Розикова Зулҳумор шундай кўрсатма берган:

— Айбланувчи Раҳимов Ҳусниддинни танийсизми?

— Ҳа. Домла ўлган куни у сурлик билан домланинг олдига кириб кетди. Ичкаридан бақирриқ-чақирриқ эшитилди, "Ўлдираман!" деб қичқирди айбланувчи. Мен милиция чақирмоқчи бўлдим. Домла қўймадилар. "Ўзим ҳал қиламан" деб эшикни ёпиб қўйдилар. Кейин тинчиб қолишди.

— Раҳимов қандай аҳволда чиқиб кетди?

— Ўзини босиб олганди, шекилли. Домла ҳар қандай одамни тинчлантира оладилар... Умуман, домла яхши одам эдилар. Менга кўп нарсани ўргатдилар. Чуқур ички қобилиятимни очдилар. Ҳозир домланинг улуғ ишларини давом эттиряпман. Одамларга ёрдам беряпман".

Энди мана бу қурилиш бухгалтериясида ишлайдиган Юсупова Дурдонанинг гапларига яхшилаб эътибор беринглар. Қиз асосий иштирокчилардан.

— Мен Ҳусниддинни бир кўришда севиб қолдим. Унга етишиш учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Аммо у уйланганди. Бунинг устига, хотини ҳомиладор эди. Мен Ҳусниддинга севишимни айтганимда, у "Дурдона, жиннивой! Уйланмасимдан олдин учратганимда эди!.." деб афсус қилди. Мен хатони тўғриламоқчи бўлдим. Исҳоқ домлага "иссиқ-совуқ" қилдириб, Ҳусниддинга ичирдим.

— Домлани яхши билармидингиз?

— У қурдираётган коттежига тез-тез келарди. Бухгалтерияда

турли ҳужжатларга қўл қўярди. Нега энди домланинг ёрдамидан фойдаланмаслигим керак?

— Айбланувчи Ҳусниддин "иссиқ-совуқ" қилдирганингизни билармиди?

— Ҳа. Ўша заҳоти айтганман. У масхаралаб кулди. Хотини касалхонага тушиб, боласини йўқотганидан кейин қутуриб кетди. Мени итариб юборди, урмоқчи бўлди. "Домлангни ўлдираман!" деди".

Шавкат ҳорғин "уф" тортиб олдидаги қоғозжилдни ёпдида, деди:

— Хўш, қандай далил, исботлар бор? Пистолетдаги бармоқ излари. Пистолет айбланувчини, унинг бармоқ излари бўлади-да. Қирқ тўртта тўққиз сантиметрлик мих отган. Айбланувчининг кийимида қон доғлари қани? Исҳоқ домла нима учун айбланувчини қурилишга чақирган?

— Яна кечаси соат ўнда? — дея тўнғиллади Холбой чаккасини қашлаб. — Домлани Пўлатов Ҳайит ўлдирган, ўпкам сезиб турибди.

— Ўпкани босинг, уни қўлтиқлаган адашади, — деди Шавкат.

— Юракка қулоқ солинг, — кулди Гулчеҳра.

— Хўп, қулоқ солсам, нима, юракнинг тили бормидики, гапирса.

— Хўп, чалғимайлик, — Шавкат столга ўмганини тиради.

— Холбой, сизга гувоҳ Пўлатовни топшираман, Гулчеҳра марҳумнинг котибаси билан учрашади.

— Сизларни эса Худога топширдим. Қани, дўстлар, олға! — Холбой қўлини кўтарди.

Айбланувчи Ҳусниддин Раҳимов киртайиб қолган кўзларини бир нуқтага тикканча ҳорғин овозда аста гап бошлади:

— Мен қурилиш фирмасида том ёпувчи бўлиб ишлайман. Жодугар домла икки қаватли коттеж қурилишига буюртма берди. Ўша ерда ишлаб юриб, бухгалтерияга янги келган қиз билан танишдим. Кейин у мени севиб қолибди. Менинг эса

хотиним бор. Қиз мени хотинимдан ажратиб олиш учун жодугар домлага "иссиқ-совуқ" қилдирибди. Шундан кейин хотиним касал бўлиб, ҳомиласидан ажралди. Энди бошқа фарзанд кўрмас экан. Бунинг устига, Дурдона билан гаплашиб юргангани эшитиб, бутунлай эзилиб кетди.

– Ўзингиз айтгандай жодугарникига нима учун бордингиз? – сўради Шавкат томоқ қириб. – Яна, айнан у ўлдирилган куни?

– "Иссиқ-совуқ"ни йўқотишни сўрамоқчи эдим.

– Унга дўқ урдингизми?

– Ўзимни тутөлмадим. Аммо ўлдирганим йўқ! Қасам ичаман! – деди Ҳусниддин астойдил. – Дўқ уришимга сабаб жодугар "Ўзинг айбдорсан, кўз сузмагин эди" деб масхаралади. Хизмати учун икки юз минг талаб қилди. Рози бўлдим, бошқа иложим йўқ эди.

– Домла ўлган куни коттеж қурилишига бордингизми?

– Ҳа. Ўзи келгин деди. Пулни олиб бораётиб жодугарнинг уйига қўнғироқ қилишим керак эди. Қўнғироқ қилдим. У қурилишда зарур иши борлиги, пулни ўша ерга элтишимни тайинлади. Соат кечаси ўнга. Озгина кечикдим. Хотинимнинг ёнига – касалхонага ўтгандим. Борсам ўша аҳвол – жодугар тахта деворга михлаб ташланган. Жонимнинг борича қочдим.

– Пистолетни қаерда сақлардингиз? – сўради Шавкат айбланувчига синчков тикилиб.

– Қурилишдаги вагонда. У ерга ҳар ким кириши мумкин. Мих қоқадиган пистолет билан одам ўлдириш мумкинлиги кимнинг хаёлига келибди ахир! – жавоб берди Ҳусниддин жон куйдириб.

Шавкат ўрнидан турмоқчи бўлдию қайтиб ўтирди.

– Дам олиш куни, кечаси соат ўнда қурилишда учрашиш сизга ғалати туюлмаётими? – сўради у.

Ҳусниддин елка қисиб, пешонасини силади.

– Ҳайрон бўлдим... Ие, тўхтаг, ака, бир нарса эсимга тушди. Жодугар ким биландир котибаси ёнида гаплашишни истамади. Гўшакдан аёл овози эшитилгандай бўлди.

Шавкат бирпас ўйланиб ўтиргач, деди:

— Асосий далил пистолетдаги бармоқ изларингиз. Лекин пистолет сизники-ку. Агар бармоқ изларингиз бўлмаганда, сиздан шубҳаланиш мумкин эди. Жиноятчи қўлқоп кийиб иш кўрган.

Шавкат соқчини чақирди-да, чиқиб кетди.

Гулчеҳра марҳум Исҳоқ домланинг уйига борди. Марҳумнинг уйи анча қадим замондаги урф бўйича қурилган эди. Дарвоза тагига қўйилган узун ўриндиқда бир нечта аёллар қалдирғочлардай тизилиб ўтириб навбат кутардилар. Адвокат навбатсиз қандай қабулга киришни ўйлаб иккиланаркан, бир тақасоқол қўйган йигит пайдо бўлди ва ҳеч кимга эътибор бермай эшикни тарақлатиб очди. Ичкарида бақриқ эшитилди, бир аёл қочиб чиқди. Эркак одам қаттиқ сўкинди.

— Ҳей, алвасти! — деди у овозини баралла қўйиб. — Муттаҳамнинг эркаги ўлиб, одамларни лақиллатиш урғочисига қолибди-да! Қачонгача одамларни лақиллатасан энди? Ўлдираман, найрангбоз!

Аёл киши чинқирди. Навбат кутаётганлар саросимага тушдилар. Гулчеҳра кўчага чиқиб милицияга қўнғироқ қилиб келди ва ичкарига мўралади.

— Менинг бизнесим шунақа! — дерди марҳумнинг котибаси, йиғламсираб. — Одамларнинг ўзлари келади. Мажбур қилмайман. Ёрдам сўрашади.

Йигит муштини фолбиннинг бурнига тираб бақирди:

— Сен одамларнинг азобига парво қиласанми? Касалларнинг пулини шиласан! Пул топсанг бас-да, а? Ёрдам берармиш! Хиҳ! Доктордан, қариндош-уруғидан ёрдам сўраш керак. Сенинг қилмишинг муттаҳамлик! Хотиним сенлар туфайли шол бўлиб қолди! Ана, энди давола-чи, қўлингдан келармикин? Барибир ўчимни оламан!

Шу пайт Гулчеҳранинг телефони сигнал чалди. Холбой қўнғироқ қилаётган экан. У гувоҳ Пўлатовни қидириб

тополмабди. Гулчеҳра тез ёнига етиб келишни сўради. Ичкарида эса даҳанаки жанг давом этарди:

– Мени ўлдирасизми энди? – сўради фолбин қўрқиб.

– Ўлдириш! Қўрқяпсанми? Нега мендан сўрайсан? Фол кўр, ўласанми, қоласанми, биғиб ол!

– Ҳеч нарсани олдиндан кўролмаيمان.

– Нима?! Мана, ўзинг тан оляпсан. Неча марта огоҳлантирдим, фирибни бас қил, деб. Нимага қулоқ солмадинг? Яхшилиқча кўнмадинг, энди ёмонликчасини кўрасан!

Шу пайт милиционерлар ва у билан тенг етиб келган Холбой ичкарига бостириб киришди.

– Ёмонликчаси қанақа экан, хўроз?! – деди Холбой. – Исҳоқ домлани ўлдиришдайми?

Фолбин сочларини чангаллаб бобиллади:

– Кутқаринглар, мени ўлдирмоқчи бўлди!!!

– Сен кимсан? – сўради милиционерлардан бири.

– Пўлатов Ҳайитман, – жавоб берди жанжалкаш. – Сизлар тушунмаяпсизлар! Булар – иблиснинг шериклари! Менинг хотинимни шулар шол қилди, бўлар-бўлмас дори бериб! Зараркунанда булар! Биттаси яхши ҳам ажалини топди.

Холбой унинг елкасидан ғижимлаб, деди:

– Сен эса қотилсан! Энди терговчининг олдида сайрайсан!

Милиционерлар Пўлатовни олиб чиқиб кетдилар. Навбат кутиб ўтирган аёллар ажабланганларича тарқалишди.

– Сизлар кимсизлар? – сўради фолбин кўз ёшларини артиб.

– Адвокатмиз, – жавоб берди Гулчеҳра стулга ўтираётиб. –

Исҳоқ домлани ўлдиришда қўлингиз борлигида гумон қилиняпсиз!

Фолбин сапчиб кетди.

– Нималар деяпсиз?!

– Ҳа, терговчига баъзи қизиқарли ҳужжатлар топширилган.

– Гулчеҳра йўл-йўлакай нотариусдан айрим маълумотларни суриштириб келган эди.

– Биласизларми, – деди фолбин Зулҳумор бўшашиб, –

ростини айтсам, бир неча марта ўлдирмоқчи ҳам бўлдим. Сабаби, ундан бола кўрдим. Лекин у роддомга бормади. Домлага кўп йиллар ёрдамлашдим. У эса мени пастга уриб, "секретарша" дерди. Мен унинг сеҳрлаш сирларини ўздан ёмон билмасдим.

— Сизнинг номингизга васиятнома ёзибди-ку? — деди Гулчеҳра.

— Ҳа, ҳозир ўғлим билан васият қилган шу уйда яшаяпмиз. Ўзим ҳам ишлаб яхши топяпман. Ношукрлик қилмай, домла жуда катта ёрдам берди. Мендаги қобилиятни очди. Одамнинг ички дардини сезиш, тинчлантириш, керакли йўлга солишни ўргатди.

Холбой бир қимирлаб олгач, сўради:

— Домланинг ишини давом эттираётган экансиз, демак, "амал" қилиш, уни олиб ташлашни биласиз, тўғрими?

— Мен бошқача деган бўлардим, — жавоб берди фолбин. — Домла ўлмаганда ҳам у билан ажрашган бўлардим. Унинг иши менинг ҳам кўлимдан келишини кўп марта айтганман. Касал одам ишонмоқчи бўлса, ишонади. Ҳаммаси психологияга боғлиқ.

— Айбланувчи Ҳусниддиннинг хотинига нима бўлди унда? Хотин домланинг олдига келмаган-ку?

— Оддий тасодиф. "Амал"нинг алоқаси йўқ... Айтгандай, энг муҳими, "иссиқ-совуқ" қилдирган қиз қип-қизил жинни! Мен одамни биламан-ку. У катта пул берди! Яна бошқа ҳар қандай қилмишга ҳам тайёрлиги аниқ кўриниб турарди. У қиз севгидан ақлдан озган. Севги ҳам бир бедаво касаллик-да. Домлани ўша ўлдирган. Фожа юз берган куни кечки пайт кўнғироқ қилганди.

— Соат нечи эди? — сўради Холбой туришга чоғланиб.

— Соат беш-олтилар орасида, — жавоб берди фолбин.

Адвокатлар оператордан ким кўнғироқ қилганини аниқладилар. У ошиқ қиз Дурдона Юсупова эди.

Адвокатлар ишхонага шошилдилар. Улар хабарни тезроқ Шавкатга етказмоқчи эдилар. Бироқ...

– Қотилни топдик! – хитоб қилди Холбой хонага кириб-кирмай.

– Юсупова Дурдонами? – сўради Шавкат бамайлихотир илжайиб.

– Қандай аниқладингиз?

– Айбланувчи Ҳусниддин чиқаётганда домлага қандайдир аёл кўнғироқ қилганини эслаб қолди, – деди Шавкат. – Оператордан ким кўнғироқ қилганини аниқладим. Лекин "Қиз пистолетдан отишни билармиди?" деган савол туғилди. Айбланувчи билан қайта учрашдим. Маълум бўлишича, у ошиқ-маъшуқ бўлиб юрганларида пистолетни мақтаниб кўрсатган, қиз бир марта отган ҳам экан. Албатта, пистолет қаерда сақланишини ҳам билган.

– Демак, қиз домлага кўнғироқ қилиб, учрашувга чақирган, – деди Гулчехра.

– Тез бориб ушлаш керак! – дея ҳовлиқди Холбой.

Шавкат яна унинг шаштини қайтарди:

– Прокурорга айтганман. Аллақачон ушлаб келишган. Қиз жиноятини тан олган. Юсупова севгани Ҳусниддин "иссиқ-совуқ"ни олиб ташлаттирмоқчилигини билгандан кейин домлани ўлдирган. Шунда "иссиқ-совуқ" бекор бўлмайди, деб ўйлаган.

– Фолбин айтгандай, қизнинг ақли жойида эмас шекилли, – деди Гулчехра.

– Ҳа, текширтиришади... Холбой дўстим, шундай қилиб, ўпкангиз адашган, – Шавкат маза қилиб кулди.

– Лекин ўпкам айтган гувоҳ Пўлатов ҳам жазосини оладими? Бировнинг уйига бостириб кирди, "ўлдираман" деб кўрқитди-ку...



Кеча тергов материалдан нусха кўчириб, ўрганиш учун уйларига олиб кетганлари туфайли адвокатлар уйлари билан банд жим ўтирардилар. Охири, Холбой сукунатни бузди:

- Хў-ўш, қани, гапиринг, шариат пешволари!
- "Қонунчилик пешволари" денг, – кулди Гулчеҳра.
- Сизники ҳам тўғри.
- Аммо шариат ҳам қонунчилик, – дея гапга қўшилди

Шавкат.

– Унда сизники ҳам тўғри, – маъқуллади Холбой. – Хуллас, ўртоқлар, тергов-қидирув ишлари енгил йўлдан олиб борилган. Енгил йўлга эса ким бошлайди?

– Шайтон! – деди Гулчеҳра.

Жиноий иш яқинда қабристон ёнидан ўтувчи кичкина анҳордан ўн саккиз ёшли Файзиева Дилдоранинг ўлиги топилиши бўйича очилганди. Бунда жиноятчи сифатида милиция капитани Элмуродов Мухтор ҳибсга олинган эди. Адвокатлар эса милиционерга тўхмат уюштирилган, деб ҳисоблардилар. Милиционердан шубҳаланишда психиатр-врач Саидов Фарҳоднинг мулоҳазалари асос бўлганди. Шу муносабат билан Шавкат уни адвокатурага чақирган эди.

Ниҳоят, эшик тақиллаб, костюми эгнида қопдай осилиб турган ингичка, қотма одам кириб келиб саломлашди.

– Келинг, ака, – Шавкат ўрнидан туриб сўрашишга қўл узатди. – Мана бу ерга ўтиринг. Келганингиз учун раҳмат.

Врач Холбой билан ҳам сўрашгач, ўтирди ва чуқур хўрсинди, рўмолчасини олиб пешонасини артди.

– Фарҳод ака, мулоҳазаларингизни ўқидим. Жиноятчининг қиёфасини жуда ишонарли тасвирлаб бергансиз, – мақтади Холбой врачга пишанг бериб.

– Ҳа, – Фарҳод Саидовнинг серажин юзига маъюс табассум ёйилди. – Жиноятчининг психологик портретини яратдим. Унинг одам ўлдириши сабабларини ишлаб чиқдим. Менинг мулоҳазаларим бўйича қотилни қидирдилар.

– Буни қай тарзда амалга оширдингиз? – сўради Шавкат врач томонга эгилиб.

– Аслида сиз ўйлаётгандай эмас, – Саидов бош чайқади. – Конкрет исм-фамилияни айтганим йўқ. Мен қотиллик сабабларини, унинг қандай содир бўлганини фараз қилдим. Қолгани терговчиларнинг иши.

— Қотиллик сабабларини айтинг-чи.

— Сабаби аниқ — ўч олиш. Қотил бошқа бир аёл учун ўч олган. Қотил ўлдиришдан аввал жабрланувчи билан жинсий алоқа қилмаган. Демак, қотил ҳақоратланган севгиси учун ўч олган. У қурбонини яширмаган, аксинча одамларнинг кўзи тушадиган жойга ташлаган. Буни севгисини рад этган аёл билиши, навбатдаги қурбон ўзи эканини ҳис этиши учун қилган.

— Севгисини рад этган аёл ёки қиз навбатдаги қурбон ўзи эканини ҳис этиб, милицияга бориб айтса-чи? — деди Шавкат унинг гапини бўлиб.

Психиатор каловланиб бир оз довдирагач,

— Бу томонини ўйлаганим йўқ. Чунки бу менинг фаразларимга қарши, — деди.

— Жиноятчи милиционер бўлиши мумкин, деган фаразингиз нимага асосланган?

— Мурда топилгандан кейин ҳамма милиция ходимлари оёққа турди. Патруллар кўпайтирилди. Улар кечаю кундуз бетиним ишладилар. Жиноятчи эса уларнинг графиги, маршрутини билгани учун қўлга тушмаган. Бунинг устига, ўзидан бирор из қолдирмаган. Булар далиллар эмас, фақат менинг фикр-мулоҳазаларим.

— Ҳозир шубҳаланилаётган милиционер органда ўн йил яхши ишлаган. Бирор марта танбеҳ олмаган. Бинойидай одам...

— Криминалистика тарихи кўрсатадики, кўплаб одамларни ўлдирган манякларнинг катта қисми бинойидай одамлар. Фан мия қачон издан чиқиб, қандай ёвузликка бошлашини аниқлай олмайди. Одам қачон васвасга айланади, номаълум.

— Мен барибир тушунмадим, — деди Шавкат ва "суҳбат тамом" маъносида ўрнидан турди.

Врач хайрлашиб чиқиб кетди. Холбой норози бўлиб афтини буруштирди ва истеҳзо билан деди:

— Шу гаплар, энди бировни ҳибсга олишга асосми? Э, ўргилдим бунақанги Шерлок Холмсан.

— Терговчилар қоронғи ғорда адашган одамлардай гангиб

турганларида врачнинг мулоҳазалари нажотли ёруғ тирқишдай кўринган-да, — деди Шавкат.

— Тўғри, — дея гапга қўшилди Гулчеҳра, — милиционернинг ҳам биринчи севгиси рад этилган. Ҳанузгача уйланмаганига қараганда, милиционер синфдошини жуда қаттиқ яхши кўрган.

— Ҳа, Гулчеҳра, ҳозир бориб мижозимизнинг севгилиси билан учрашинг. Мактабда ўқитувчимми?

— Ўқитувчи, — тасдиқлади Холбой. — Уни арқондай эшиб, сиқиб ичидаги бор сирни чиқариб олинг.

— Бу сизнинг усулингиз, — деди Гулчеҳра кўзгаларкан.

Милиционернинг севгилиси муаллима Умида Гулчеҳрани очиқ юз билан кутиб олди ва мактаб ортидаги ариқ бўйига бошлади. Умидани жуда чиройли деб бўлмаса-да, истараси иссиқ, одамни ўзига тортувчи нимасидир бор эди. У мактабдоши Мухтор Элмуродов билан муносабатини саволга ўрин қолдирмайдиган қилиб гапириб берди.

— Мухтор билан битта мактабда ўқиганмиз. У мени яхши кўриб қолганди. Мухтор мўмин-қобил, аъло баҳоларга ўқир эди. Лекин бир нарса жиғимга тегарди. Қаёққа қарамай унга кўзим тушарди. Қаерга бормаи ортимдан эргашарди. Доим жим қараб тураверарди. Синфдошларим уни менинг соям деб атай бошладилар. Охирги синфдалигимда Мухтор бир даста лола кўтариб олдимга келди. Яна жим турибди. Қип-қизарганча лом-мим демайди. Биз қизлар хохолаб кулиб юбордик. Унинг жаҳли чиқиб лолани ташлаб кетворди. Ўшанда ачиндим ҳам. Қизларни уришиб бердим. Мактаб битди, ҳаммамиз ҳар томонга тарқалдик.

— Охирги марта қачон кўрдингиз? — сўради Гулчеҳра Умида индамай қолгач.

Умидани хаёл олиб қочганди шекилли, чўчиб тушгандай бўлди.

— Ҳа, охирги мартами? Май ойининг бошида. Собиқ эрим

билан квартирани бўлиб олгандик. Хужжатларни тўғрилаш учун паспорт столига борувдик. Қарасам, формали Мухтор турибди. Саломлашдик. Бўлди.

Кейин йигирма биринчи май куни мактабга борсам, Мухтор турибди. Эрим билан ажрашганимни эшитган чамаси. Ўтган воқеалар эсимга тушиб, ўзимни туюлмайд кулиб юбордим. У яна хафа бўлди. Шартга бурилиб кетди. Ўша куни электрон почтадан хат келди.

"Салом, Умида! Бугун мен яна ўша мактабдаги аввалги аҳволга тушдим. Бир умр кулгига қолиб юрадиганлар ҳам бўлади шекилли. Мен улардан бириман. Лекин бу мен учун кулгили эмас. Мен фақат бир аёлни севадиган одамман. Мактабда сизни мендай севадиган бола йўқ эди. Доим кўз ўнгингизда бўлиб эътиборингизни тортмоқчи эдим. Сиз эътибор беришингиз учун ҳам милицияга ишга кирдим. Мураккаб, хавфли ишларда қатнашдим. Тасодифан энди озодлигингизни билдим. Худо менга яна бир имконият берди, деб ўйловдим. Аммо бугун тушундимки, тагин адашибман. Энди шундай қиламанки, мени доим ўйлайдиган бўласиз. Кечаю кундуз".

Хатнинг мазмуни шунақа эди. Мана, энди шўрлик ҳибсда ўтирибди. Унинг қамалишини ўйласам, юрагим орқага тортиб кетяпти.

— Ҳа, ҳаёт жуда мураккаб. Эртага нима бўлишингни билмайсан, — деди Гулчеҳра афсусланиб.

— Унга ёрдам беришинг иложи борми, опа? — сўради Умида кўзларида ёш айланиб. — Шундай одам бировни ўлдира оладими?

— Биз ҳақиқатни аниқлаш учун ҳаракат қиляпмиз, — жавоб берди адвокат. — Майли, хайр. Керак бўлсангиз, учрашамиз.

Гулчеҳра кўчага чиқиб Шавкатга қўнғироқ қилди. "— Алло, Шавкат ака, мижозимизнинг севгилиси билан гаплашдим. Милиционер Умидага юборган хатидаги "Шундай қиламанки, мен ҳақимда ўйлай бошлайсиз" деган жумла мижозимизга қарши қаттиқ ишляпти. Унинг мазмунини ҳар томонга буриш

Адвокатлар фош қилади

мумкин-да. Хат йигирма биринчи май куни жўнатилган. Мурда йигирма учинчи майда топилган". — Майли, келганингизда гаплашамиз. Ҳозир психиатрнинг ишхонасига бориб суриштиринг", — деди Шавкат.

Гулчеҳра поликлиникага бориб, бош врачнинг олдига кирди. Бош врач адвокатнинг мақсадини билгач:

— Врач Саидов оддий поликлиникада ишлагани билан уникаль одам. Унинг бир нечта илмий мақолалари босилган. Мана, Саидовнинг маняк қотиллар ҳақидаги мақоласи, — деди ва тиббий журнални варақлаб Гулчеҳрага узатди.

— Демак, шунинг учун тергов гуруҳига чақиришган экан-да? — деди Гулчеҳра.

— Э, йўқ, — эътироз билдирди бош врач, — ўзи ёрдам бермоқчи бўлди... Ҳм, бугун тушдан кейин келиб беморларни қабул қилмоқчи эди. Телефонда мазаси бўлмаётганини айтди.

— Бошқа маълумот беролмайсизми?

— Нима ҳам дердим. Бирор ножўя иш қилмаган, тартибли одам. Фақат қизи ўлгандан кейин анча жиззаки бўлиб қолган.

— Қизи қачон ўлди?

— Бир йил аввал. Қизи ўн етти ёшда эди, мактабда ўқирди. Сувга чўкиб кетди, — бош врач "уф" тортди.

Гулчеҳра "бекорга келибман" деб ўйлаб, бўшашганча хонадан чиқиб кетди. У психиатрнинг ўлган қизи ҳақида маълумот олиш учун милиция бошқармасига қараб юрди. Бошқармада қизнинг ўлими бўйича иш ҳозир ҳибсдаги Мухтор Элмуродовга топширилгани, лекин жиноий иш очилмаганини аниқлади. Қизиғи шуки, марҳума Муниса Дилдора билан бир мактабда ўқиган. "Демак, психиатр шунинг учун Элмуродовдан ўч оляпти!" — деган фикр "ярқ" этди Гулчеҳранинг миясида.

Шавкат ҳибсхонада Мухтор Элмуродов билан қайта учрашди.

— Мен бир нарсани ўйлаяпман, — деди Мухтор кўзларини қисиб. — Психиатрнинг қизи ўлганда бошлиғимиз мени чақириб, "— Анави чўкиб ўлган қизнинг иши нима бўлди?"

– деб сўради. “– Ишляяпмиз, ўртоқ полковник”, – дедим. “– Эксперт кўрга ҳасса қилиб ёзиб қўйибди: Ўпкасига сув тўлғаң. Ўлим сабаби механиқ асфекция” деб. Нега тебранасан? Ишни ёп!” – деди. “– Ўртоқ полковник, экспертизада қизнинг чеккасида жароҳат борлиги аниқланган-ку? Қизни аввал уриб хушидан кетказиб, кейин сувга ташлашган бўлиши мумкин-ку”, – дедим. “– Гапни кўпайтирмай, ишни ёп! Сенга рухсат!” – деб ўшқирди.

– Бундан қизнинг отаси норози бўлган, тўғрими? – сўради Шавкат.

– Ҳа. Кейин қизнинг отаси Содиқов келди. “– Иш қандай кетаётганини билмоқчийдим”, – деди. “– Иш ёпилди”, – дедим. “– Нимага асосан?”, “– Экспертиза хулосаси”. “– Бўлиши мумкин эмас! Қизим моҳирона сузарди. Ёшлигидан ўзим ўргатганман! Қоқиниб кетиб чўкканмиш!” – деб бақирди психиатр. “– Иш ёпилди. Норози бўлсангиз, шикоят қилишингиз мумкин”, – дедим.

– Айтинг-чи, ўша Саидов сиздан ўч олиши мумкинми?

– Билмадим, билмадим... – Мухтор бошини чангаллади.

Адвокатлар хонасига муаллима Умида кириб келди. Уни Гулчеҳра икки марҳума қиз бир мактабда, бир синфда ўқиганини билганидан кейин чақирган эди. Умида саломлашгач, Гулчеҳра билан эски қадрдонлардай кучоқлашиб кўришди.

– Баъзи нарсаларни аниқлаш керак бўлиб қолди, – деди Гулчеҳра, Умида ўтиргач.

– Майли, – деди Умида, – кўлимдан келганча ёрдам беролсам, хурсанд бўламан.

– Бир йил аввал ўлган Муниса билан Дилдора бирга ўқиган экан...

– Ҳа, – жавоб берди Умида пешонаси тиришиб, – “Муниса ўз жонига қасд қилган” дейишгандан кейин мактабни шунақанги комиссия босдики, тасаввур қилолмайсиз. Директор

Адвокатлар фож қилади

мени ишдан ҳайдашига сал қолди. Мен синф раҳбари эдим-да.

— Муниса қанақа қиз эди?

— Ҳм... Ёмон ўқимасди. Тузукроқ танишишга улгурганим ҳам йўқ. Бошқа мактабдан янги келганди.

— Дилдора билан бирга ўқиган, а? Муносабатлари қандай эди?

— Э, Дилдора синф маликаси эди. Аммо Муниса келдию ҳамма болалар унга оғиб кетди. Муниса чиндан ҳам чиройли эди. Мана, расмларини олиб келдим.

Расм қўлдан қўлга ўтди. Холбой тилини тақиллатиб, деди:

— Ҳақиқатдан ҳам чиройли экан! Афсуски, увол бўлган!.. Ие, сизга ўхшаб кетадими?!

— Умидахон, сиз бу иккала қизнинг ўлими ҳақида нима деб ўйлайсиз? Бир синфда ўқишган, ўлимлари оралиғи бир йил, иккови ҳам чиройли. Боғлиқлик йўқми? — сўради Шавкат расмлардан кўз узмай.

— Мунисанинг ўлимидан бир ҳафта олдин Дилдора билан уришаётганини кўриб қолдим. "Сенми энг чиройли?" деб бақирди Дилдора. То етиб боргунимча иккови юлишиб кетди. Зўрға ажратдим.

— Бу ҳақда ҳеч кимга айтмадингизми?

— Йўқ. Лекин "Энди Дилдора тинчимайди" деган қарорга келгандим, — жавоб берди муаллима хафа бўлиб. — Опа, менинг дарсим бор эди. Агар керак бўлмасам...

— Майли, синглим, бораверинг. Раҳмат, — дея рухсат берди Шавкат. — Керак бўлсангиз, опангиз қўнғироқ қилади.

Умида хонадан чиқиб кетиши билан баҳс бошланди.

— Менда бир версия туғилди! — деди Холбой қўлини кўтариб. — Дилдора Мунисани ўлдирган, маликалик талашиб.

— Дилдорани-чи? — сўради Шавкат илжайиб.

— Дилдорани, Дилдорани... — Холбой бошини қашлади.

— Бизга ҳозир шу саволга жавоб зарур-ку.

— Мунисанинг отаси психиатр Саидов — шубҳага тушади-да, — деди Гулчеҳра. — У васвас қотилларнинг хатти-

ҳаракатидан хабардор. Милиционер Элмуродовни яхши биледи. Терговни бошқа йўлга солиб юбориши мумкинми?

Шавкат пешонасини ушлаб ўйланиб қолди. Кейин деди:

— Психиатор Элмуродовнинг машинасига мархуманинг соч толалари, қизнинг оғзига ёпиштирилган скоч бўлагини ташлаб, дачасига бориб ўчоғида Дилдоранинг кийимларини ёқиш қўлидан келишини сира тасаввур қилолмайдиман.

— Бир йил ўтказиб ўч оладими? — Шавкатнинг гапини давом эттирди Холбой.

Гулчехра ўз фикрини ўртага ташлади:

— Ҳозиргача Дилдора қотил эканини билмаган ёки билса ҳам уни тополмаган бўлса-чи? Психиатор Саидов...

Шу пайт "Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринар" деганларидай, эшик шарақлаб очилиб Саидов кириб келди. У саломлашишни ҳам унутиб хонада уёқдан буёққа йўнала бошлади. Саидов азбаройи ҳовлиққанидан йўталмоқчи бўлди, лекин нафаси тикилиб қолди.

— Сизлардан минг бора узр сўрайман, кечирингла! — деди у тўхтаб. — Сабабини айтаман. Ўзимни оқлашга рухсат этингла! Менинг ҳамма мулоҳаза, тахминларим тўғри бўлиб чиқди. Фақат бир нарса мустасно! Севгиси рад этилиб, ҳақоратланиб уятга қолган капитан Элмуродов тўғри келади. Лекин мен унинг муҳаббатини рад этган муаллима Умиданинг гапларини эслаб бошимга чақмоқ ургандай бўлди! Нимага олдинроқ тушунмадим, деб ўзимни ўзим урдим! Гипотезамни текшириш учун уйга югурдим. Қизимнинг расмларини ковлаштирдим.

— Гипотезангиз тўғри чиқдими? — сўради ниҳоят Шавкат психиатрнинг нафас ростлаётганидан фойдаланиб.

— Э, нимасини айтасиз! — гапида давом этди Саидов хириллаб. — Қотил Умиданинг кетидан тинмай эргашган соясига ўхшаш одам бўлиши мумкин эмасми? Ҳа, ҳа! Қизимнинг ортидан кимдир эргашгандир. — У Шавкатнинг олдига бир даста расм ташлади. — Қаранг, қаранг! Расмларни солиштирдим, таҳлил қилдим. Қизимга ким соядай эргашган?

Топдим! Мана, танаффусдаги расм! — Саидов столдаги расмлардан бирини олди. — Буниси ҳам! Шанбаликда. Мана, қизимнинг туғилган кундаги расм! Мана! Мана! Мана! Бу ўша соя! Сояси бу ерда ҳам! Нега аввал тушунмадим-а?! Доим ёнида! Ҳар доим! Келиб дардини айтолмаяпти.

Холбой ўрнидан туриб келиб, расмларни кўздан кечирди ва деди:

— Мен бу башарани қаердадир кўрганман.

— Қаерда? — сўради Шавкат.

— Қотил мана шу психопат! — қичқирди Саидов. — Қаеридир милиционер Элмуродовга ўхшаб кетади.

Тўсатдан Холбой хитоб қилиб қолди:

— Эсладим, эсладим! Бу Элмуродовнинг қўшниси-ку! Мен Элмуродовникига онаси билан гаплашгани борганимда у квартирасидан чиқиб, эшигини кулфлаётганда кўргандим... Шавкат ака, кетдик унда! Нимани кутиб ўтирибмиз? — дея типирчилади Холбой.

— Лекин қаёққа борамиз! Уйдами, йўқми, номаълум бўлса, — деди Гулчеҳра иккиланиб.

— Олдин уйига борайлик, бўлмаса ишхонасидадир, — яна шоширди Холбой.

Шавкат ўрнидан турди ва эшик томон юраркан:

— Бўпти, олға! — дея буйруқ берди.

Мархума Мунисанинг сояси Озод уйида бўлиб чиқди. Озод эшикни очиши билан Холбой ичкарига итариб, қўлларини орқага қайирди ва бақирди:

— Ожиза қиз болани бўғиб ўлдирган қўлларингни синдираман ҳозир, ифлос!

Озод оғриқдан ингради, психиатр унинг бошига урди.

— Сени деб яна бир одам жувонмарг бўлаёзди, — деди кейин.

— Вой, вой, қўйворинг, айбимни тан оламан! — дея йиғламсираб ингради Озод.

— Терговчининг олдида айтасан, — деди Шавкат ва прокуратурага қўнғироқ қилди.

Терговчи жуда тез етиб келди. У ҳеч нарсага тушунмай турарди. Жиноятчи "ҳимоя"сини бошлади.

— Синфимизда битта малика бор эди. Ҳамма ўғил болалар унинг учун талашардик. Кейин бизга ниҳоятда чиройли бир қиз келди. Эски малика Дилдоранинг қуёши сўнди. Дилдора янги қизнинг ашаддий душмани бўлиб қолди. Мунисанинг мурдаси топилганда бу Дилдоранинг иши эканига шубҳа қилмадим. Мунисани юрак-юрагимдан севардим, унга жонимни беришга тайёр эдим. Мен милицияга бордим. Мунисанинг ўлими бўйича иш қўшним Элмуродовда экан. Унинг ёнига кирдим. "— Сенга нима керак?" — деб сўради у. "— Мунисанинг ўлими бўйича келгандим", — дедим. "— Иш ёпилган. Бор, жўна! Бошқа келма!" — деди Элмуродов.

Мен қўшнимни яхши одам деб ўйлардим. Салом-алик қилиб юрардим. Муттаҳам экан.

Орадан бир йил ўтди. Амакиваччамнинг дўконида ишлаб юрардим. Дўконга бир қиз кирди. Қарасам, Дилдора! Эгнига алламбало кўйлақлар кийган, бошида шляпага ўхшаган нарсаси. Таниёлмай қолаёзибман. Қаршимда севгилимнинг қотили турарди! "— Сен шу ерда ишлайсанми?" — деб сўради у менсимай. "— Ҳа", — деб жавоб бердим. "— Тушунарли. Тез уч пакет конфет, печеньелардан совға тайёрла, жиянларимга... Францияга жўнаёпман, жиянларни кўриб кетай", — деди. Кейин девордаги Мунисанинг расмига кўзи тушди. "— О-о, қандай одамлар! Ҳали ҳам эслайсанми? Доим ўйлаб юрасанми? Фу, атрофингга қара, қандай чиройли қизлар эр тополмай юрибди!" — деди у истехзоли. Миямга қон урилди, титраб кетдим. "— Ичкарига кир", — дедим-да, хонага бошладим. У эшикдан ўтиши билан юзига мушт туширдим. Қиз йиқилди. Мен бўға бошладим. "— Мунисани қандай ўлдирганингни айтасан!" — деб бақирдим. "— Ўлдирмоқчи эмасдим. "Мактабдан кет" демоқчи эдим. Итариб юборувдим, йиқилди. Қимирламай қолганидан "ўлди" деб ўйлаб, сувга ташлаб қочиб кетдим", — деб хириллади қиз.

Мен ҳам "ўлади" деб ўйламовдим... Лекин у ўлгандан кейин енгил нафас олдим. Нима, бировнинг жонини олиб, ўзи ўйнаб юраверсинмиди? Ҳақиқат қарор топиши керакмиди?

Адвокатлар фош қилади

– Жиноятни Элмуродовга ағдармоқчи бўлдингиз? – сўради терговчи бош чайқаб.

– Йўқ, жазоламоқчи бўлдим, – жавоб берди Озод жонланиб.

– Жиноятчини жазоламаган одамнинг ўзи ҳам жиноятчиға шерикми ахир?.. Қарасам, милиционер кўшни девор орқасида ҳеч нарса бўлмагандай, хурракни тортиб ётибди. Авваллари қандай ўч олишни билмай юрдим. Мана, вақти етди. Ярим тунда унинг машинасини ҳайдаб келиб, мурдани юкладимда, олиб бориб Мунисанинг жасади чиққан жойга ташладим. Элмуродов шаъмани тушунсин, дедим.

Орага оғир сукунат чўкди. Гўё ҳамманинг хаёлида нафрат, ачиниш, афсусланиш ҳислари аралашиб кетгандай эди.

Мухтор Элмуродовнинг онаси ўғлини кутиб олиш учун ҳибсхона дарвозаси ёнида бетоқат тураркан, унинг ёнига бир даста гул кўтарган ёш аёл келди. У муаллима Умида эди.

– Ассалому алайкум, – салом берди у ийманиб. – Мухторни кутиб олишга келдим.

– Сиз, ҳалиги... – она ҳайрон бўлиб қаради.

– Ҳа, ўша Умидаман. Мен хато қилдим, ўғлингизнинг устидан кулдим. Мана, тақдир жазомни берди...



Оппоқ қор қўнган тоғ чўққилари қамровидаги қирда кўркам бир бино қад кўтарганди. У машхур компаниянинг сиҳаттоҳи. Ана шу бинога кўринишидан ёшини аниқлаш қийин бўлган қотма бир киши кириб келди. У фойенинг чап томонида жойлашган шинам қаҳвахонага бурилди. Қаҳвахонада ҳеч ким йўқ, бар сотувчиси – чиройли қиз газетадаги кроссвордни ечиб ўтирарди. Қотма киши қаҳва билан коньяк олди ва столга ўтириб эрмак қила бошлади.

Орадан озгина вақт ўтиб сайрга чиққан уч дам олувчи кириб келди. Совуқдан юзлари қизарган кишилар дарҳол битта ароқни

очириб, тик турганларича ичдилар-да, егулик буюриб столга ўтиришди. Ҳам бармен, ҳам официантка қиз буюртмаларни олиб келди. Қудрат кўшни столдагиларни кузатиб қаҳва хўпларкан, улардан бири ёнларига чақирди.

— Буёққа келинг-е, ёлғиз ўтирмай. Улфати чор бўламиз, — деди у кулиб.

Қудрат даврага кўшилди. Танишдилар ва бирпасда чиқишиб кетдилар. Қудрат қулай пайт пойлаб туриб ёнидаги картани кўз-кўзлади. Ҳамма дарров ўйнаш истагини билдирди, чунки кечки овқатгача анча вақт бор, дурустроқ эрмак эса йўқ эди. Аввал "дурак" ўйнадилар, кейин "очко"га ўтишди. Ўйин астойдил бўлиши учун пул тика бошладилар. Пул тикиш миқдори аста-секин кўтарила борди. Ўйин қизиганда шу ерда дам олаётган профессор Асқар Шокиров пайдо бўлди. У тик турганча ўта қизиқиш билан кўзлари ёниб кузата бошлади. Профессор жой бўшашини кутарди. Ниҳоят, ўйинчилардан бирининг чўнтаги қуриди ва ўрнидан турди. Қудрат шошиб унинг жойини эгаллади.

— Мени ҳам кўшасизларми? — сўради профессор. — Минг сўмдан тикяпсизларми? Икки минг қилайлик.

Ўйинчилар рози бўлдилар. Карта олти-етти марта давра айлангач, профессор Шокировнинг омади кела бошлади. У пул тикиш "ставка"сини кўтаришни талаб қилди. Тикиш миқдори беш мингга етди. Тез орада профессор юз минг ютди. У ҳақиқий қиморбоз эди. Ўйин роса қизиди. Аммо овқат маҳали бўлгани учун ўйин тўхтади.

— Ҳа, майли, — деди профессор Шокиров афсусланиб. — Қолганини менинг хонамда давом эттирамиз.

Қудрат билан Фозил деган киши рози бўлишди. Кўпроқ ютказган бир шерик эса рад қилди.

Овқатдан сўнг қимор Шокировнинг хонасида давом этди. "Ставка" ўн мингга чиқди. Ўйин ниҳоятда қизиди. Профессорнинг қўли баланд кела бошлади. У тўрт юз минг ютиб олди. Соат тунги ўн иккиларда Фозил бор пулидан айрилиб жаҳл, алам билан чиқиб кетди. Хонада икки ашаддий

Адвокатлар фош қилади

қиморбоз қолди. Ҳар гал тикиладиган пул миқдорини янада кўпайтирдилар. Энди Қудрат қиморбоз юта бошлади. Охири, саҳар соат тўртларда Шокировнинг қўлига иккита "туз" тушди. Профессор ниҳоят "омад келди" деб ўйлади ва якунловчи ўйин таклиф этди. Қудрат рози бўлди. Шокиров жуда катта — олтита нулли пул тикди. Аммо ёнида бунча пул йўқ эди. Кечкурун укаси шаҳардан келтириб берган катта миқдордаги пул санатория маъмурининг хонасидаги чамадонда эди.

— Мен пул олиб чиқишим керак, — деди профессор. — Келинг, бундай қиламиз. Олдимиздаги карталаримизга имзо қўямиз, алмаштириб қўёлмаслигингиз учун.

Шундай қилишди ва хонадан чиқишди. Шокиров эшикни кулфлади. Пастдаги фойега тушдилар. Профессор халтада пул келтирди ва қиморбозлар юқорига кўтариб берди. Шокиров пулини санади. Бироқ у тикилган миқдордан анча кам эди. Шунда у қимматбаҳо подсигар, узук ва соатини қўшди. Қиморбозлар юраклари дукурлаганча карталарини очдилар. Профессорнинг ранги қув оқарди, бўғиқ йўталиб қалтиради. Чунки банк қўйган Қудратнинг карталари ҳам иккита "туз" эди. Қудрат қиморбоз столдаги пулларни йиғиштириб халтага солди ва кўтариб чиқиб кетди. У дуч келган машинага ўтириб шаҳарга жўнади.

Профессор Шокиров бир соатча беҳуш ўтирди. Кейин ирғиб турди. "Қиморбоз фириб берди!" деган фикр келганди хаёлига. У шаҳар милициясида ишлайдиган ошнасига қўнғироқ қилиб, аҳволни тушунтирди.

Қудрат қиморбоз уйида қўлга олинди. Лекин унда подсигар, узук, соат бор эдию пул йўқ эди. Уни милиция бошқармасига олиб кетдилар. Шокиров ҳам етиб келди ва ариза ёзиб берди. Аризанинг мазмуни қуйидагича эди:

"Биз тўрт киши "очко" ўйнай бошладик. Мен Фаниев Қудратни танимас эдим. Мен юз минг сўм ютиб олдим. Овқат маҳали бўлиб қолгани учун ўйинни тўхтатдик. Ўйин менинг хонамда давом этди. Бир киши ютқазиб чиқиб кетди. Мен тўрт юз минг ютиб олгандим. Кейин кетма-кет бой бера

бошладим. Фақат кечаси соат уч яримларда юз фоиз ютадиган карта келди. Мен бор-будимни тикдим. Ёнимдаги пул тикканимга етмагани учун карталаримизга имзо қўйиб, коридорга чиқдик. Эшикни қулфлаб фойега тушдик. Мен маъмур хонасидаги чамадонимдан пул олиб чиқдим. Хонага қайтдик. Санаб кўрсам, пул барибир камлик қилди. Шунда соат, узук, подсигаримни ҳам қўшдим.

Фаниев, Қудрат ютди. Бундай бўлиши мумкин эмас. У фирибгарлик қилганини кейин тушундим..."

Ўйналган икки даста карта ҳам Шокировники эди. Уларга белги қўйилгани аниқланмади. Аммо бошқа нарса маълум бўлди.

Профессор Шокиров нафақат қиморбоз, балки ашаддий порахўр экан. У талабалардан имтиҳон ва синовларда яхши баҳо қўйиш учун катта пул талаб қиларкан. Қиморбоз Қудрат Фаниевнинг невараси бу ҳақда интернетда эълон бергани учун университетдан ҳайдаттирибди. Қудрат Фаниев невараси билан бирга ўқиган Лайло исмли талабани учратиб қолибди. Ундан профессорни суриштирган экан, Лайло профессор яқинда талабалардан пора йиғиб санаторияга кетганини айтибди. Шунда Фаниев профессорни бир жазолашни дилига туккан экан. Ютган ҳамма пулини Лайлога келтириб берибди. У эса пулни пора берган курсдошларига тарқатибди.

Талабалар байрамни бошлаб юборишибди.

Қудрат Фаниевга жазо берилмаган.

Адвокатлар ана шу одамни ҳимоя қилишлари керак эди. Фаниев бу гал бир героинфурушни ўлдиришда айбланаётган эди.

Қудратнинг ягона хунари ҳам, қиладиган иши ҳам картада қимор ўйнаш эди. Эҳ-ҳе, қанчалар пул ютмадию қанчалар ютқазмади. Лекин ютган пулининг бирор сўми ҳам юқмас, қандай келган бўлса, шундай изсиз йўқоларди. Бора-бора қимор бефойда юмушдай туюла бошлади, ўйин пайти ҳар гал

кучли ҳаяжонланганда ичидаги қандайдир ҳаёт риштасининг биттаси узилиб кетгандай эди. Ниҳоят қимордан бутунлай воз кечди. Профессор билан ўйнагани охиргиси бўлди. Бундайларга нисбатан "Худо инсоф берибди" дейишади.

Қудрат билиб-билмай яна эски одатига қайтиб қўймаслик учун олис чўлдаги нефт қидирувчилар сафида ишлай бошлади. Об-ҳаво қийинчиликлари демаса, ҳаммаси кўнгилдагидай эди. Айниқса, иш ҳақи қониқтирарди... Аммо хотинининг телефонда айтган хабари ҳаётини остин-устин қилиб юборди. Ёлғиз ўғли гиёҳвандлик моддаси миқдорини ошириб юборганидан ўлибди!

Қудрат тузукроқ кийинишга ҳам сабри чидамай уйи томон учди. Уйида анча-мунча одам тўпланган эди. Қудрат ҳеч кимга қарамай ўзини ичкарига урди ва ўғлининг мурдасини қучоқлади. У ҳўнграб йиғлаганича нима қиларини билмаганидан уёқдан буёққа ташланарди. Охири, ўқдай отилиб кўчага чиқиб кетди ва югуриб ўғлининг ўртоғи Камолниқига борди. Камол уйида экан, ёқасидан бўғди-да, важоҳат билан сўради:

- Камол, ўғлим қандай ўлди?! Нашаданми?!
- Йўқ, героин укол қилганди, – дея хириллади Камол.
- Героинни қаердан оласизлар?!
- Кўчада бир боладан.
- У қаердан олади?! Айт, ҳозир бошингни ёриб ташлайман!!
- бақирди Қудрат ва боланинг пешонасига икки марта кафти билан урди.

– Олег деган одам сотади, – Камол йиғламсираб бурнини тортди.

Қудрат героинфурушнинг манзилини билиб олгач, шошиб кўчага чиқди. Тезда Олегнинг квартирасини топиб борди. Кетма-кет кўнгироқ чалгач, Камолдан билган шартли сўз – паролни айтди. Шундан кейин темир эшик даранглаб очилиб, жиккак, ёш бўлса-да, юзини ажин қоплагаң йигит кўринди. Қудрат унинг пешонасига мушт урди, Олег қалқиб йиқилди. Қудрат уни ичкарига судраб эшикни ёпди ва героинфурушни икки-уч марта тепди.

– Яширган героинларинг қани?! – сўради Қудрат Олегнинг иягидан кўтариб. Олег алланима деб гўлдиради. Яна бир тепки егандан сўнг эса бармоғи билан жавонни кўрсатди. Қудрат жавонни титкилаб уч юз граммча оқ кукун солинган целлофан халтани топди. У халтани бошмалдоғи билан тешиб, кукунни унитазга тўкиб, устидан сув туширди. Олегнинг кўзлари нақ бузоқникидай олайиб кетганди. Героиннинг пулини тўлаши керак эди-да.

Қудрат эшикни даранглатиб ёпиб, ташқарига чиқиб кетди. Ўша куни уни уйда ҳибсга олдилар.

Айбланувчи Қудрат Фаниев чўл шамоли ва қуёшидан қорайган юзини силаганча ночор аҳволда индамай ўтираркан, адвокатнинг овози чўчитиб юборганга ўхшади.

– Судмедэкспертиза хулосасига кўра, марҳум Олегни қийнагансиз. Баданида кўплаб шишган, ёрилган жойлари бор...

– деди Шавкат Шарипов.

– Қийнаганим йўқ, – эътироз билдирди Қудрат. – Икки-уч марта урдим, тепдим. Партизанлик қилгани йўқ, дарров героин қаердалигини айтди. Героинни унитазга тўкиб уйга кетдим... Тўғри, аввал ўлдиришни ҳам ўйладим. Лекин жазоланишим керакмиди шу маразни деб. Э, ўлгани яхши бўпти, итга ит ўлими! Мен кетаётганимда тирик эди.

– Квартира эшигини ёпиб кетдингизми?

– Ҳа. Лекин ўзи қулфланадиган қулф эмасди. У "Йўқ қилган героин учун сени топиб бурдалашади" деди. Демак, аввал ўзини бурдалашган.

– Чиқаётганингизда подъяездда ҳеч кимни учратмадингизми? – сўради Шавкат Қудратга тикилиб.

Қудрат бирпас ўйланди-да,

– Кўча эшиги олдида кимдир чекиб турганди шекилли, – деб жавоб берди. – Терговда айтгандим, "Сенинг фантазиянг" дейишди.

– Гўштни уриб юмшатадиган тўқмоқ – жиноят қуроли

бўлган. Унда бармоқ изларингиз йўқ. Аммо бу гуноҳсизлигингизга далил эмас. Жиноятчи квартирани ағдар-тўнтар қилиб нимадир қидирган.

— Мен қидирганим йўқ, — деди Қудрат. — Героин қаердалигини Олег айтди. Ҳамма нарса жой-жойида эди.

— Бармоқ изларингиз фақат жавонда бор...

Адвокат Гулчеҳра Олегнинг онаси билан учрашди. Она-бола алоҳида уйларда яшар эдилар. Кампир олтмишдан ошган бўлса-да, ёшига нисбатан ҳийла тетик эди.

— Ўғлим бувисиникида яшай бошлаганди, — деди кампир Людмила Семёнова. — У лаънатланган квартира. Қайнонамни ҳам, ўғлимни ҳам ўша ерда ўлдиришган.

— Фожа юз берган куни қаерда эдингиз? Ўғлингизнинг ўлганини қандай билдингиз? — сўради Гулчеҳра кампир кўрсатган жойга ўтиргач.

Кампир мижжаларидаги кўз ёшига рўмолининг учини босди.

— Бир дугонамникида эдим. Кечқурун келиб, ўғлимга кўнғироқ қилдим. У жавоб бермади. Кўнғлим бир балони сезиб, уникига бордим. Орамиз узоқ эмас. Борсам, подъездда милиционерлар турибди. Юрагим шувиллаб кетди.

— Ўғлингиз наркотик сотишини билармидингиз?

Кампир адвокатга "ялт" этиб қаради ва қўл силтаб жавоб берди.

— Қаёқда! Бўлиши мумкин эмас! У яхши бола эди.

— Унда нима учун милицияни кўриб юрагингиз шувиллади?

— Биласизми, — деди кампир чайналиб, — қайнонамдан жуда қимматли қадимий икона қолганди. Ўшани олиш учун қайнонамни ўлдиришган. Босқинчи жаллодлар икона қаердалигини кўрсатишни талаб қилиб қайнонамни роса қийнашган. У азобларга чидаёлмай жон берган.

Гелчеҳрага калаванинг учи топилаётгандай туюлди ва у қаддини тиклаб, бир-икки қимирлаб қўйди.

— Иконани топишганми? — сўради у.

– Йўқ. Ўғлим баҳосини билиш учун антикварга олиб борган экан. Мен унга юз марта айтдим "Сотиб юбориш керак" деб. Ўғлим иложи борича каттароқ пулга сотиш учун вақтни чўзаверди. Охири сотди. Сотиб катта машина олди.

– Ўғлингиз ўлгандан бир ой ўтиб яна ўғри кирдимиз?

– Ҳа, яна кирибди, ер ютгурлар! Қўшни аёл билиб қолиб милиция чақирибди. Ўғри қочиб кетибди. Менга қаранг, қизим, икона ҳар гал уйда бўлмаганда одам ўлдирилган.

– Қайнонанингизни ўлдирганлар ушланиб қамалганми? Уларнинг исм, фамилияларини биласизми? – сўради Гулчеҳра кетишга чоғланаркан.

– Исм, фамилияси умрбод эсимдан чиқмайди! Судда эшакнинг оғзидан чўп олмайдигандай мўмин-қобилгина бўлиб ўтирибди йиртқичлар! Уларнинг худоси ҳам, ор-номуси ҳам пул! Ҳозир қамоқда чирияпти! Богданов Алексей, Юрий Одинцев... Ҳа, худди шундай.

– Хўп, текшириб кўрамиз, – дея ўрнидан турди Гулчеҳра ва сумкачасини елкасига илиб эшик томон юрди.

Гулчеҳранинг маълумотларини эшитган Шавкат қошларини чимириб чуқур ўйга толди.

– Мана, гап қаёқда экан! – дея хитоб қилди сўнгра. – Демак, иккинчи, учинчи ўғри ҳам икона учун кирган. Шундай эмасми?

– Шундай бўлса, нима? – ҳайрон бўлди Холбой тушунмай.

– Бу, – Шавкат кўрсаткич бармоғини юқори кўтарди, – калаванинг бир учи икона эгаси бўлмиш кампирни ўлдирган икки маҳбусга бориб тақалаяпти, дегани!

– Хўп, улардан бири турмадан яширин чиқиб келиб, Олегни ўлдирган. Унда турма катта холамнинг чорбоғи бўлиб қолибди-да, – деди Холбой кесатиб.

– Э, унақа эмас. Лекин шунақаси ҳам бўлган совет даврида. Бир колхоз раисиникига ўғри тушиб, сейфни очолмагач, уни кўтариб қабристонга олиб бориб бузишган. Сейфдан жуда кўп пул, тилла ва бриллиантлар чиққан. Кўп қидирувлардан кейин ўғрибоши ушланган. У турмада ўтирган бир ёш йигит бўлиб

Адвокатлар фош қилади

чиққан. Шунда ўша пайтда курортда дам олаётган раис орган ходимларидан ишни ёпиб юборишни илтимос қилган. Чунки агар сейфдан чиққан бойлик ошкор бўлса, раис "Уларни қаердан олдинг?" деган саволга жавоб бериши керак экан.

Лекин бизнинг жиноятчилар турмадан ўзлари чиқишлари шарт эмас-ку.

- Ҳа, тўғри, – тасдиқлади Холбой. – Кимгадир буюради.
- Ана! Ҳозир сиз бориб гумондорларни аниқланг.

Прокуратура терговчиси Шукуржон Шавкатга пешвоз чиқди.

– Э, келинг, ака, – деди у мамнун кўришаркан. – Қизиқ хабарлар борга ўхшайди, а?

– Омонмисиз? – деди Шавкат илжайиб.

– Йўқ, Шукуржонман, – ҳазиллашди терговчи.

– Э, яшанг!

– Ўтиринг, ака. Худди келишингизни билгандай, ҳозир чой дамлагандим. Мана, чой, – терговчи адвокатга пиёла узатди.

– Шукуржон, гап бундай, ука. Менимча, Олегни Сидоров Сергей ўлдирган. Биз икона учун кириб унинг эгаси – кампирни ўлдирган Алексей Богданов, Юрий Одинцевлар билан кимлар ҳамтовоқ бўлгану яқин орада улардан қайси бири қамоқдан чиққанини ўргандик. Шундайлардан бири Сергей Сидоров бўлиб чиқди. Мен судмедэкспертдан унинг бармоқ изларини ўрганишни илтимос қилдим. Тахминим тўғри экан.

– Э, қойил, ака! – деди терговчи. – Ҳозир йигитларни жўнатаман...

– Мана, яшайдиган жойи, – Шавкат терговчига бир парча қоғоз узатди.

Сергейни тезда тутиб келишди. У кеча ўлгудай ичган шекилли, кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб кетганди ва гарансиб турарди. Шундай аҳволда яна милиция ушлаши уни бутунлай букиб қўйганди. У азобдан афти буришиб, қўллари қалтираб ўтирарди.

– Сен илгари Олег Семёновни танирмидинг? – сўради терговчи Шукуржон милиционерлар чиқиб кетгач.

– Қанақа Олег, қанақа Семёнов? – деди Сергей чақчайиб. Адвокат истеҳзоли илжайиб, деди:

– Сергей, Олегникига кирганингиз учун тутиб келишди-ку! Квартирадан қўл соати топилган. У ўлганники ҳам, ҳозир ҳибсда ўтирганники ҳам эмас, сизники! Квартирадаги буюмларда кўплаб бармоқ изларингиз қолган... Ҳозир қамоқда ўтирган Алексей Богданов, Юрий Одинцевлар билан танишмисиз?

– Йўқ! – деди Сергей қатъий.

– Ие, ахир битта камерада ўтиргансизлар-ку! Улар сиз кирган квартира эгаси – кампирни ўлдиргани учун жазо ўтаяпти. Ана ўшалар марҳум кампирнинг иконасини ўғирлашни буюрган...

Ҳозир ҳибсдаги Қудрат Фаниев Олегникидан чиқаётганда чекиб турган одам сиз бўласиз!

– Нима балолар деяпсиз ўзи? Тушунмаяпман, – тўнғиллади Сергей.

– Шукуржон, – терговчига мурожаат қилди Шавкат, – Қудрат Фаниевни олиб келиш керак.

– Ҳозир келтиришади, – терговчи қўнғироқ қилди. Кейин Сергейга ўгирилди. – Гапир, ўша ерда бўлганмисан?

– Бўлишга бўлдим, – жавоб берди Сергей. – Чекиб турдим, бир ҳамшишамни кутиб. Қарасам, битта одам подъездга кириб, иккинчи қаватга кўтарилди. Эшик қўнғироғини босиб, "Бағдодда тинчлик" деди. Эшик очилди. Келган одам квартира эгасини урди. "Мана сенга!" деб яна урди. – Сергей қизишиб кетиб, кишанли қўлларини олдинга силтай бошлади. – Зарба! Қичқир! Зарба! Қичқир! Кейин тинчиганга ўхшади. Эшик ёнига бордим. Келган одам ниманидир сўраяпти, уй эгаси жавоб бермоқчи эмас. Яна зарба! Қичқир! Кейин эшик томонга қадам товуши яқинлашди. Мен пастга югурдим. Мусоропровод олдида чекиб турдим. Қотил чиқиб келди. Ранги оқарган, қонли қўллари қалтираяпти.

– Сен квартирага кирдинг? – деди терговчи. – Кирганингда хонада қанақа аҳвол эди?

– Ағдар-тўнтар бўлиб ётганди. Ҳамма нарса сочиб ташланганди. Қон! Одам ўлиб ётганди! Мен кўрқиб қочиб кетдим...

Шу пайт хонага икки милиционер кузатувида Қудрат Ғаниев кириб келди. у Сергейни кўриб, таққа тўхтади ва ҳитоб қилди:

– Ие, Олегникдан чиқаётганимда мана шуни кўрувдим!

– Тушунарли, – деди терговчи ва милиционерларга буюрди.

– Мана буни ҳам ҳибсга олинглар!

– Хўп, мен кетдим, – Шавкат ўрнидан турди.

– Шавкат ака, иш судга бориб, "кашфиёт"ингизни эълон қилганингизда нима бўларди? Катта обрў олардингиз.

– Шунча одамни овора қилиб, а? Қанча одам суд мажлисига бекорга тўпланарди. Иш терговга қайтариларди. Яна суд. Шу керакми?.. Майли, хайр.



Қаҳвахона айвонидаги столга бир киши келиб ўтирди ва официантни кута бошлади. Официант пайдо бўлиб, пешбанди чўнтагидан қоғоз, қалам чиқарди.

– Нима олиб келай? – сўради кейин жилмайиб.

– Хўш, бошланмасига салат, оливье, муздай ичимлик, нон... Уёғини кўрамиз, – жавоб берди хўранда. – Официантка буюрилган нарсаларни муҳайё қилди. – Қошиқ, рюмкалардан яна бир кишилик келтиринг. Ўртоғим келиши керак.

Официантка санчқи, қошиқ, рюмка кўтариб столга яқинлашдию юраги шувиллаб таққа тўхтаб қолди. Столда тасқараларча кийинган бир аёл билан собиқ эри Тўхтамурод ўтирарди. Тўхтамурод масхаромуз ишшайди ва:

– Ие, лавозим муборак! Энди ишингни топибсан, малай хоним! – деди ўнг кўзини қисиб. – Мана, мастларга биқинингдан чимчилатиб юраверасан!

Ҳаммалари шарақлаб кулдилар. Фарида алам билан санчқи

ва қошиқни столга тарақлатиб ташлади-да, ортига қайтди.

— Коньяк олиб келинг! — қичқирди собиқ эрининг шериги.

Фарида йиғлаб юбормаслик учун остки лабини тишлаганча барга борди. Графинга бир шиша коньяк қуйдириб, айвонга чиқди. Столда ўтирганлар бараварига унга қарадилар. Яна кулги кўтарилди. Фарида кўзларида ёш билан графинни деворга суялган кулдон, стакан, пиёлалар турадиган жавон устига қўйди, пешбандини ечиб унинг ёнига отди ва чопиб қаҳвахонадан чиқиб кетди.

Қаҳвахона ичкарасида банкет бўлаётганди. Иккинчи официантка Дилобар банкетда ўтирганларга хизмат қилиш билан банд эди. Қаҳвахона директори унга Фаридани қақришни буюрди. Дилобар Фаридани тополмай қайтди.

— У йўқ, — деди директорга. — Иккала хўранда маст бўлиб қолибди шекилли, ғалати аҳволда ётибди.

— Ие, бир шиша коньякка-я? — деди директор ва ташқарига шошилди.

Тўхтамурод юзини столга қўйганча қимир этмас, шериги Толиб ўзини чалқанча ташлаган, қўллари стул суянчигидан орқага осилиб тушганди. Директор бориб уларни туртиб, тортқилаб кўрди. Ҳаётдан асар йўқ эди икковида. Директор нима қиларини билмай довдираб қолди. Кейин милиция қақриш кераклиги эсига тушди.

Марҳумлар кучли антидепрессант билан заҳарланган эдилар. Фарида стол устидан антидепрессант топилди унинг устидан жиноий иш очилди. Тўхтамуродни заҳарлашга Фаридада асос бор эди. Эри ҳомиладорлик пайтида ташлаб кетгач, аборт қилдиришга мажбур бўлганди. Аёлнинг кўнгли ҳаётдан совиган, ниҳоятда тушкунликка тушганди. Собиқ эри Тўхтамурод эса меҳмонхона хўжайини Қутбига уйланиб олди. Унинг чўнтагига катта-катта пул туша бошлади. Қутби машина олиб берди. Орадан кўп вақт ўтмай собиқ эри меҳмонхонанинг ярмига эга бўлди.

Демак, Фарида собиқ эридан ўч олган, шериги Толиб унинг касрига қолган эди. Лекин Фарида "Мен коньякни жавон

устига қўйиб кетганман, столга олиб борганим йўқ!" дея тинмай астойдил таъкидларди. Иккинчи официантка Дилобар Фарида графинни столга қўйганини кўрган эмиш.

— Битта одам келиб, ул-бул нарса буюрди. Яна бир киши келишини айтди. Собиқ эрим сочини маллага бўяган, қизил қўйлак кийган, кўринишидан енгилтабиат аёл билан келди, — деди айбланувчи Фарида адвокат Шавкатга. — Собиқ эрим Тўхтамурод мени масхаралай бошлади. Менга ниҳоятда алам қилди. Коньяк буюришди. Коньякни олиб чиқаётсам, улар ҳалиям устимдан куляпти. Чидаёлмадим, коньякли графинни девор тагидаги жавон устига қўйиб, пешбандимни ечиб отиб юбордим-да, чопиб қаҳвахонадан чиқиб кетдим. Уйга бориб мук тушганимча роса йиғладим.

— Кетаётганингизда аёл столда ўтирувдими? — сўради Шавкат.

— Шунақа эди шекилли. Кўзим хира кўраётганди.

— Столда икки кишилик санчқи, қошиқ қадаҳлар бўлган. Демак, аёлнинг борлигини тасдиқлаш қийин, — деди адвокат афсусланиб. — Хўп. Ишга кирганингизга уч кун бўлган экан. Нега ишни ташлаб кетдингиз? Терговчи "қочган" деб ўйлайди-ку?

Фаридани юзи аламдан буришди, лаблари титради.

— Бутун умримни барбод қилган одамни учратдим ахир! — дея нола қилди аёл йиғламсираб. — Эзилиб кетдим! Уни яхши кўрардим! У эса ялло қилиб юрди. Маҳлук!

Холбой кафедра битта муҳим натижага эришди. Официантка Дилобар берган кўрсатмаси ёлғонлигини тан олди.

— Айтишингизча, сиз банкет билан банд бўлгансиз. Ташқарига чиқишга иложингиз йўқ эди. Тўғрими? Унда қандай қилиб айвонга чиқдингиз? Тагин қачон денг, айнан Фарида графинни хўрандалар столига қўяётган пайтда!.. Менга қаранг, ёлғон гувоҳлик учун қандай жазо борлигини биласизми? Нақ қамалиб кетасиз! Виждон азобидан-ку умрбод қутулолмайсиз!

Ана, энди айтиңг, Фарида коньякли графинни столга қўяётганини аниқ кўрдингизми?

– Йўқ, – деди Дилобар кўзларини олиб қочиб.

– Нимага унда "кўрдим" деддингиз?

– Фарида ишга келгунча хўжайиннинг менга эътибори бошқача эди. У келгандан кейин ўзгариб қолди. Шунга...

– Демак, кўрмаганингизни тасдиқлайсиз?! – дея қистовга олди Холбой.

– Ҳа...

"Биру ноль ШХГ (Шавкат+Холбой+Гулчеҳра) командаси фойдасига!" дея хаёлидан ўтказди Холбой мамнун.

Марҳум Тўхтамурод Жалилов билан қаҳвахонага келган қизил кўйлакли аёлни қидириш бошланди. Суриштирилганда қаҳвахона хўжайини аёл қаҳвахонага икки-уч марта марҳум билан киргани, фожиа юз берган куни эса кўрмаганини айтди.

Марҳумнинг хотини, меҳмонхона хўжайини шундай деди: "Эрим иш бошқарувчи эди. Ёнига кўп ҳамкорлари келиб турарди. Улар чойшаб, ёстиқ жилди, озиқ-овқат, кир ювиш порошоклари етказиб берадиганлар. Бирга ишлагандан кейин уларни овқатга таклиф қилиши табиий. Лекин менга хиёнат қилмаган. Қизил кўйлак, малла сочли аёлни билмайман".

Шавкат эса норози бўлиб тўнғиллашини қўймас эди. "Ўлим сабаби антидепрессивантнинг алкогольга аралашуви эмиш!" – дерди у жаҳли чиқиб. – Ўлим сабаби ўпканинг эриши, юрак тўхташи, қон босимининг ошиши бўлиши мумкин. Антидепрессивант ичакка сўрилиб, бир ярим-икки соатда таъсир этаркан. Дори қачон ичилгани номаълум. Иккала марҳум дорини бошқа жойда ичиб келгандир балки. Агар официантка заҳарлаган бўлса, дорининг бир қисмини столга ташлаб кетадими? Хўп, алкоголь дори таъсирини тезлаштирган бўлсин. Аммо улар тўйиб овқат еган. Овқат таъсирни секинлаштиради. Хуллас, кимдир уларни ўлдиришга узоқ вақт пухта тайёрланиб юрган".

Адвокатлар фош қилади

"Калаванинг учи меҳмонхонада бўлиши керак. Ўлган Тўхтамуроднинг ҳаётини тузукроқ ўрганиш керак" деган фикрга келди Шавкат. Гулчеҳра меҳмонхонага борадиган бўлди. У савол-жавобдан ҳеч нарса чиқмаслигини тушунарди. Шунинг учун имкон топилса у ерга ишга кирмоқчи эди. Қарангки, кутилмаганда омад келди. Меҳмонхонага маъмур қидиришаётган экан.

– Вазифангиз қуйидагича: аввало хушёрлик, аммо баъзи нарсаларга кўз юмиш керак. Иш кунора. Маош ва мукофот берилади. Бир соатдан кейин ишга киришишингиз мумкин, – деди директор Қутби Собирова адвокатга еб юборгудай тикилиб.

– Меҳнат дафтарчаси юритиладими? – сўради Гулчеҳра.

– Бунақа расмиятчиликнинг нима кераги бор?.. Мана, иш бошқарувчимиз Шокирбой ҳамма нарса билан таништиради.

Директор чиқиб кетди ва Шокирбой Гулчеҳрага юзланди.

– Демак, Гулчеҳра, ишимизнинг асоси – аввал пулини тўла, кейин жойлаш. Сизда ҳар доим юқори қаватда бўш жой туриши лозим. Жой сўровчи одамлар кўпми, озми фарқи йўқ, у жойни банд қилиш мумкин эмас.

– Нима учун? – қизиқди Гулчеҳра.

– Савол ортиқча! Ўзингиз билиб оласиз.

Хуллас, Гулчеҳра маъмурнинг жойига ўтириб, биринчи мижозни қабул қилди.

– Менга жой керак, – деди мижоз.

– Қанақасидан? – сўради маъмур.

– Каравоти боридан.

– Неча кишилик?

– Икки кишилик, яхши қиз.

– Бир киши учун элик мингдан, – деди Гулчеҳра хижолат бўлиб.

– Гап йўқ, гўзал қиз! Фақат биров сўраса, биз бу ерда йўқмиз. Мана, мукофоти билан, – мижоз юз йигирма минг пул тутқазди ва аёлини етаклаб юқориги қаватга чиқиб кетди.

Бир ёши ўтган, шунга қарамай, қошига қалин қора бўёқ

сурган аёл тўртта ёш қизларни бошлаб кирди. У Гулчеҳрага қараб иршайди ва хитоб қилди:

– О-о, қандай ажойиб экземпляр! Сенга куну тун шу ерда ўтириб калит улашиш ёқадими? Менда деловой таклиф бор.

– Қандай таклиф экан? – сўради Гулчеҳра.

– Командамга қабул қилишим мумкин, – аёл айёрона ишшайди. – Сенга ўхшаганларга талаб катта.

– Ўйлаб кўраман...

Фойега директор Кутби билан бир эркак чиқди. Директор ёнидаги эркакка буюрди:

– Қизларни точкаларга олиб кир!

Эркак қизларни орқасидан итарди ва деди:

– Қани, қизлар, олға! Нега қалтирайсизлар?

Қўшмачи аёл ҳам қизларни дадиллаштирмоқчи бўлди:

– Ҳа, қизлар, олға! Сизларни олдинда буюк кашфиётлар кутяпти. Қани! Ҳей, сен, нега титрайсан? Нима, биринчи мартами?

Қизлар юқори қаватга чиқиб кетдилар. Фойе бўшаб қолди. Гулчеҳра кўрганларини ҳазм қилолмай, юзига кафтларини босиб ўтираркан, кўчадан бир аёл кирди. Уни кўрган Гулчеҳра ҳаяжонланиб ўрнидан турди. Чунки у ловуллаган қизил кўйлақда, сочи маллага бўялган эди. У маъмурга эътибор бермай директор хонаси томон юрди.

Гулчеҳра эҳтиётлик билан кўрганларини телефонда Шавкатга гапириб берди. Орадан ярим соат ҳам ўтмай меҳмонхонани милиция тезкор ходимлари босди.

Шавкат ҳибсхонага бориб қизил кўйлақ, малла сочли аёл билан учраштиришларини сўради. У ўтирган хонага, "ҳар қандай эркакни ўйната оламан" деб ўйлайди шекилли, бошини мағрур кўтарган аёл кириб, адвокатга менсимайгина назар ташлади. Шавкат ўзини таништиргач, сўради:

– Исмингиз нима?

– Жузел, – деди аёл.

Адвокатлар фош қилади

– Сиз ўлган Тўхтамурод Жалиловни танирмидингиз?
– Ҳа, — истамай қисқа жавоб берди Жузел.
– Охирги марта қачон кўргандингиз?
– Ўлган куни. Кафеда учрашдик. Пул олиб бориб беришим керак эди.

– Нима учун?

– Биз унинг меҳмонхонасида ишлаймиз.

Адвокат аёлнинг киприклари пирпираб турувчи кўзларига тикилиб деди:

– Жузел, Тўхтамурод билан боғлиқ ҳамма воқеаларни айтиб беринг. Ўзингизга яхши бўлади. Аксинча, Тўхтамуроднинг ўлимида гумонсирашлари ҳам мумкин. Ўша куни Тўхтамуродга пул бердингиз. Кейин-чи?

Аёл бир оз тараддулланиб жавоб берди:

– Озгина ўтириб кетдим. Улар "қол" дейишмади. Шериги Толиб битта болали аёлни машинасида уриб қочиб кетган экан. Тўхтамурод катта жойда ишлайдиган ҳамтовоғига айтиб, уни жазодан қутқарган экан. Тўхтамурод шуни айтиб, оғзини кўпиртириб мақтанаётганди.

– Улар коньяк ичишдими?

– Мен боримда ичишгани йўқ. Ҳали коньяк келмаганди.

– Сиз кетаётганингизда қаҳвахона айвонида биров бормиди?

– Ҳа. Ўрта ёшлардаги битта одам гимирлаб юрганди. Уни ўша ерда ишласа керак, деб ўйладим.

Шавкат Жузелга рухсат бериб, меҳмонхона директори Қутби Собирова билан гаплашмоқчи бўлди. "Ҳозир директорнинг бошида муаммо, очиқроқ кўрсатма бериши мумкин" деб ўйлади у.

– Меҳмонхонадан тушган даромад етмасмиди? Жиноят йўлига кирибсиз. У йўл қаяққа олиб боришини биласиз-ку, — деди Шавкат директорга жиркангандай қараб.

Қутби чуқур "уф" тортиб хўрсинди.

– Ҳа. Шунинг учун ҳам мен билан учрашаётганингиздан миннатдорман. Сизнинг ёрдамингизга муҳтожман. Энди ҳамма айбни менга тўнкашади. Мени тушунишингиз керак, — деди

у хирқираб. — Уч йил аввал эрим ташлаб кетди. Шунда Тўхтамуродни учратдим. Чиройли, келишган, қатъиятли. Менга суянчиқ керак эди. Меҳмонхонани ўша притонга айлантирди. Ошнаси Курбонов билан. Менинг ниятим бошқа эди. Меҳмонхона атрофи гўзал манзарали бўлса, сувлар шилдираб оқиб, қушлар сайраб турса, меҳмонлар ёз иссиғида дарахтлар тагидаги сўриларда ҳам тунаса... Товуслар сотиб олмоқчи эдим. Тўхтамурод ишимда шерик бўлар, деб ўйлагандим. Лекин унинг иккиюзламачилигини кўриб, нақадар аҳмоқлигимни тушундим. Ажрашай десам, ёлғиз қолишдан кўрқдим. Сизларга раҳмат, фоҳишахонадан қутқардиларинг.

— Тўхтамуроднинг ўлган шеригини танирмидингиз? — сўради адвокат.

— Улар ҳамшиша эдилар. Доим бирга ичишарди...

"Мархумларни Жузел ҳам, директор Кутби ҳам ўлдирмаган. Уларда бунга асос йўқ" деган фикрга келди Шавкат.



Холбой ДАН бошқармасидан Толибнинг автоҳалокатига боғлиқ ишни топди. Унда сал бўлмаса "аёл машина тагига ўзини ташлаган" деган хулоса чиқарилганди.

Адвокатлар машина уриб кетган аёл яшайдиган уйга келдилар.

— Сизлар шу ерда ўтиринглар, — деди Шавкат ёрдамчиларига, машинадан тушаркан.

— Мен бирга қирай, — деди Холбой.

— Йўқ, ўзим.

— Мабодо қайтиб чиқмасангиз-чи? — сўради Гулчеҳра кулиб.

— Ишсиз қоласизлар, — жавоб берди Шавкат ва подъездга кириб кетди.

Эшикни кекса киши очди. У адвокатга кўзларини қисганча ҳайрон бўлиб тикилди.

— Сизга ким керак эди? — сўради кейин.

— Сиз Бозоров Назармисиз?.. Мен адвокат Шавкат Шариповман.

Адвокатлар фони қилади

— Исм, шарифингизни эшитганман. Лекин қаердалиги эсимда йўқ. Кириш, ўтириш.

— Раҳмат.

— Хўш, қулоғим сизда, — Назар ўнг юзини тирсакка таянган кафтига қўйди.

— Қаҳвахона официанткаси Исомова Фариди деган аёл икки кишини заҳарлаб ўлдиришда айбланыпти. Уни ўн беш йилга қамашлари мумкин. У ҳаётда жуда қийналган экан. Энди бу жазога қандай чидайди, ҳайронман. Ахир, у ўлдирмаган! — деди адвокат куюниб.

Назар ака бош чайқаб, тилини чиқиллатди.

— Ўйлаш даҳшат!

— Ҳа. У икки кишини ўлдиришда айбланыпти. Катта дозадаги антидепрессивант билан заҳарлаган эмиш. Официантка илгари ўлганларнинг бири билан яшаган. Ундан ҳомиладор бўлган. Эри ташлаб кетгач, аборт қилдирган. Аёлнинг азобли ёлғизлик кунлари бошланган. Фожиа юз берган куни собиқ эрини учратиб қолган. Собиқ эри уни "малай" деб масхаралаган.

Назар ака сапчиб ўрнидан туриб кетди, хонада уёқдан буёққа асабий юрди-да, яна қайтиб жойига ўтирди.

— Авария кўз ўнгимда бўлди, — деди у. — Қизим боласи билан айлангани чиқди. Мен балконда чекиб тургандим. Қизим аравагани итариб йўлдан ўта бошлади. Шу пайт катта тезликда бир қора машина пайдо бўлди. Нимадир тарақлади, чанг-тўзон кўтарилди. Болалар аравачаси йигирма метрга учиб кетди. Қизим йўл четига отилиб, ётиб қолди. Мен ҳеч нарсага тушунмай қотиб турардим.

— Қизингиз билан неварангизнинг аҳволи қалай?

— Худо асраб тирик қолишди. Аммо ҳаётлари ҳаётми, дўзахми, билмадим.

— Айбдорни қандай топдингиз? — сўради адвокат.

— Уни танирдим. Афғонистондан контузия бўлиб келган... Ўч олишга қулай пайт пойлаб юрдим. Ўша куни бекатда тургандим. Бир пайт қарасам, Толиб келяпти! Хурсандлигидан

оламга сиғмайди. Шеригига қараб кўчани бошига кўтарганча хохолади. Музлаб кетдим. Беихтиёр уларнинг ортидан тушдим. Улар қаҳвахона айвонидаги столга ўтиришди. Мен пойлаб туравердим. Официант аёл хизмат қила бошлади. Бир пайт у ўртасига коньякли графин қўйилган патнус кўтариб чиқди. Уни столга қўйиб, пешбандини ечиб отиб юборди ва югуриб кетди. Мен қулай пайт келганини сездим. Ёнимда доим антидепрессант олиб юраман ўша воқеадан кейин. Ўшандан мўлгина графинга солдим. Коньякли графинни столга элиб бердим. Раҳмат айтишди.

— Катта миқдордаги антидепрессант одамни ўлдиришини биларминдигиз?

— Ҳа. Врач рецепт ёзиб бераётганда тушунтирганди... Лекин мен улар молдай думалаб милицияга ёки касалхонага тушади, деб ўйловдим. Қилмишимни тан олиб ёзиб бераман... Ҳовлиққанамдан дорининг қоғозини ўша столга ташлаб кетибман...



Адвокатлар хонасига бир аёл кириб келди-да, энгашганча тўсатдан йиғлаб юборди. Одатда аёллар азада шундай йиғлайдилар. Гулчеҳра шошиб ўрнидан туриб бориб унинг елкаларидан ушлади.

— Опа, ўзингизни тутинг, ўзингизни тутинг! — деди Гулчеҳра ҳансираб. — Юринг, ўтиринг!

— Эримни қамаб қўйишди! Иккита одамни ўлдиришда айблашяпти! — деди аёл ва яна йиғига зўр берди.

Гулчеҳра уни креслога ўтказиб, пиёлада сув тутди.

— Мана, сув ичинг. Ўзингизни босинг. Ёрдам берамиз!

Аёл бир-икки хўплам сув ичиб чуқур нафас чиқарди, кўз ёшларини артди.

— Пашшага ҳам озор бермайдиган эрим...

— Опа, бир бошидан, ҳеч нарсани яширмай, шошилмай гапириб беринг. Биз шунга қараб иш тутамиз, — деди Гулчеҳра.

А) Ҳикоятлар фойда қилади

Аёл кўз ёшларини артганча бирпас хўрсиниб ўтирди-да, аста гап бошлади.

— Эрим билан ўн беш йил бирга яшаб фарзанд кўрмадик. Қанчадан-қанча врачларга, табибларга бордик. Бекорга пул сарфладик, холос. Болалар уйдан ҳам олмоқчи бўлдик. Лекин ўз наслимиз бўлгани бошқа эди-да. Бир дугона суррогат она топиш кераклигини маслаҳат берди. Зулайҳо деган ёш аёлни топдик.

— У ким эди? — сўради Гулчеҳра.

— Бизнинг цехда ишларди. Қишлоқдан келган, озода, соғлом, оғир-босиқ эди. Унга таклифимни айтгандим, пулга албатта. У рози бўлди. Бир яхши врач билан келишдик. Зулайҳога эмбрион жойланди.

— Расмийлаштирилди-ми?

— Йўқ. Ўша пайтда буни ўйлаганимиз йўқ, — жавоб берди аёл афсусланган оҳангда. — Кейин, агар расмийлаштирсак, бола катта бўлганда кимдир айтиб қўйиши ҳам мумкин эди, Худо кўрсатмасин. — Аёл нафас ростлаб бирпас жим қолди. — Яхши шароит яратиб бердик. Озиқ-овқатидан хабар олиб, доим докторларга кўрсатиб турдик.

Йигирма биринчи июнь куни туғуруқхонага олиб бордик. Бола эсон-омон туғилди. Куйиб қўйгандек эримга ўхшарди. — Аёл маъюс жилмайди. — Мен хурсандлигимдан осмонда учиб юрардим. Лекин Зулайҳо бизни алдади. Туғуруқхонадан чиқиш вақти айтилган пайтда борсак, у болани олиб ўйнаши билан қочиб кетибди. Қидириб-қидириб топа олмадик. Менинг юрагим хуруж қилиб қолди. Туғуруқхонадан касалхонага олиб кетишди...

Болага каравотчалар олиб қўйгандим. Қанча пул сўраса, берардик, қарз топиб бўлса ҳам! — Аёл чуқур хўрсиниб индамай қолди.

— Кейин нима бўлди? — сўради Гулчеҳра сабри чидамай.

— Эрим тўсатдан болани кўтариб келиб қолди. Лекин ҳаяжондан қалт-қалт титрарди. Юрагим шувиллаб кетди. Бекорга кўрқмаган эканман. Милиционерлар келиб эримни

ҳам, болани ҳам олиб кетишди... Наҳотки, эрим икки кишини ўлдириб... Ахир у васвас жинни эмасди-ку?!

— Бўпти, опа, — деди Гулчеҳра юпатувчи оҳангда, — ҳозир бошлиғимиз йўқ эди. Келса ҳаммасини айтаман. Ўрганиб чиқамиз. Ўйлайманки, ишингиз яхшилик билан тугайди... Энди сиз бораверинг. Ўзимиз хабар берамиз.

"... Йигирма иккинчи июнь соат ўн олти-ўн еттиларда қирқ ёшлардаги Воҳидов Шариф ва ўттиз ёшлардаги Назирова Зулайҳо ўлдириб кетилган. Мурдалар Воҳидов Шарифнинг квартирасидан топилган. Жиноятчи Нўъмонов Ҳафиз Назирова Зулайҳони бўғиб ўлдирган. Шу пайтда келиб қолган Воҳидов Шарифга пичоқ урган. Сўнгра Нўъмонов Ҳафиз Назирова Зулайҳонинг фарзандини ўғирлаб кетган. У хотини билан болани тарбиялаб олмоқчи бўлган.

Жиноят юз берган квартирадан қимматбаҳо тақинчоқлар, иккита пальто йўқолган.

Эр-хотин Нўъмоновлар ўн беш йил бирга яшаб, фарзанд кўришмаган. Шунда Назирова Зулайҳони суррогат она бўлишга кўндиришган. Унга эмбрион жойлаштиришган. Аммо шартномани расмийлаштирмаганлар. Бунинг учун операция ўтказган врачга чора кўрилади.

Назирова Зулайҳо туққан. Лекин болани биологик ота-онасига бермай, Воҳидов Шариф билан олиб кетиб яширинган. Айбланувчи Нўъмонов Ҳафиз уни қидириб топган. Назирова Зулайҳо болани беришдан бош тортгач, уни бўғиб ўлдирган. Шу пайт хонага Воҳидов Шариф кириб қолган. Нўъмонов Ҳафиз тирик гувоҳ қолдирмаслик учун Воҳидов Ш.ни пичоқ уриб ўлдирган. Сўнгра болани олиб қочган..."

Айблов хулосаси тахминан шундай эди.

"Ақл-хуши жойида одамнинг шундай иш қилишига ишониш қийин. Наҳотки, натижаси нима бўлишини ўйламаган, — дея хаёлидан ўтказди Шавкат айбланувчи билан учрашишга

Адеокатлар фош қилади

бораркан. — Қимматли тақинчоқлар, пальтолар йўқолибди. Буниси энди ортиқча”.

Айбланувчи-гумондорнинг бамаъни кўриниши ҳам Шавкатнинг фикрини тасдиқлаб турарди. Аммо терговчининг қарорини ҳам тушуниш керак эди. Ахир Ҳафиз Нўъмоновнинг бола ўғирлагани аниқ-ку!

— Зулайҳо туғуруқхонада бўлмагач, уни қандай топдингиз? — деган саволдан гапни бошлади Шавкат ундан аввалги тарихдан хабардорлиги учун.

— Ўша куни хотинимнинг юрак хуружи тутди. Умидининг бундай йўққа чиқиши жуда қаттиқ таъсир қилди. Югур-югур билан ҳеч нарсага каллам ишламади. Эртасига туғуруқхонага яна бордим. Кўрганлар “Бир одам гулдаста тутқазиб машинасида олиб кетди” дейишдан нарига ўтмади. Ўша ерда фотограф бор эди. У фарзандини олишга борганларни суратга, видеога тушириб сотаркан. Ўша эсимга тушиб қолди. Қидириб подвалдаги хонасидан топдим. У видео туширилган дискни сотди. Дискдан Зулайҳони олиб кетган машинанинг номерини билиб олдим. Автоинспекция ходимларидан илтимос қилиб юриб, машина эгасининг манзилини аниқладим. Кейин ўша манзилга бориб, машинада айланиб юрдим. Бир пайт қарасам, Зулайҳо қандайдир эркак билан болалар аравачасини итариб кетяпти.

— Изқувар бўлиб кетинг-е! — деди Шавкат унинг қандай одамлигини тушунишга уринаркан.

Ҳафиз ака столга аста мушт уриб деди:

— Тополмаганимда бошимга бундай кулфатлар тушмасди... Ҳи, қараб турсам ҳалиги эркак менинг ўғлимни аравачадан олиб, ўпиб яна жойига ётқизди. Ана, холос! Этим увишиб кетди!

Улар қайси квартирага кириб кетганини билиб олдим-да, нима қиларимни билмай анча ўтирдим. Ниҳоят, Зулайҳо билан гаплашиб, яхшиликча болани беришга кўндирмоқчи бўлдим. Агар кўнмаса, бор гапни бояги эркакка айтмоқчи эдим. Мен сал ўпкамни босиб олиш учун бир оз айланиб келиб,

подъезддан тепага кўтарилдим. Эшик қўнғироғини босдим. Ҳеч ким очмади. Ичкаридан чақалоқ йиғиси эшитиларди. Беихтиёр эшик дастасини босдим. Эшик очик эди. Ичкарига қадам қўйдиму қотиб қолдим: кираверишда бояги эркак чалқанча ётар, қўйлаги қон эди. Бола йиғлаётган хонага отилдим. У ерда очик кўзлари қотиб қолган Зулайҳо ётарди. Аввал уни тирик деб ўйладим. Болани кўтарганча чопиб чиқиб кетдим. Уни машинанинг орқа ўриндигига ётқизиб уйга жўнадим. Уйдан милицияга қўнғироқ қилиб воқеани айтдим. Бир соатлардан кейин мени олиб кетишди. — Ҳафиз ака ҳаяжондан пешонасида пайдо бўлган маржон-маржон терларни артиб, умид билан адвокатга илтижоли қараб қолди.

Шавкат папкасини ёпиб, ёзғичини чўнтагига соларкан, унинг кўнглини кўтарди:

— Хўш, Ҳафиз ака, агар ҳеч нарсани яширмай тўғрисиини айтган бўлсангиз, албатта ёрдам берамиз. Сиз хатога йўл қўйгансиз, балки тўғрилашнинг, лоақал гуноҳингизни енгиллаштиришнинг иложи бўлар... Хайр ҳозирча.

Ҳамкасблар фикрлашиб, Ҳафиз Нўмонов қотил эмас, балки кераксиз жойда бевақт пайдо бўлган, деган фикрга келдилар.

— Нўмонов квартирага кирибди. Нима учун икки кишини ўлдириши шарт эди? — деди Холбой.

— Ўлган дўкондорга бор гапни айтса бас эди. Болани бериб юборармиди? — Холбойнинг гапини тасдиқлади Гулчеҳра. — Агар Зулайҳо "Сизнинг фарзандингиз" деб алдаган бўлса, аёлнинг ўзини ҳам ҳайдаб чиқарармиди?

— Воҳидов Шарифнинг хотини билан синглиси бор экан, — деди Шавкат. — Сиз, Гулчеҳра, синглисига учрашинг. Холбой, хотинини топинг.

Дўкондорнинг синглиси Назокат данғиллама ҳовлида ёлғиз сиқилиб ўтирганмикан, Гулчеҳрани қувониб кутиб олди. Ўтқазिशга жой тополмай типирчилаётган аёлни Гулчеҳра зўрға тинчитди.

Адвокатлар фош қилади

— Акангизнинг кейинги пайтдаги туриш-турмушидан хабарингиз бормиди?— сўради ниҳоят.

— Ҳа, — деди Назокат шошиб. — Акам мендан ҳеч нарсани яширмас эди. Битта аёл топганини айтди. Уни дарров севиб қолганмиш. Шундан кейин хотини билан ажрашмоқчи бўлди. Кейин у аёлни йўқолиб қолгани, хавотирда эканини айтди. Орадан неча кун ўтиб бошқа шаҳардан кўнғироқ қилди-да, ўғил кўрганини айтиб қичқирди. Ўша аёлни олиб бориш учун квартирасини тартибга солиш керак экан...

— Акангиз жуда фарзанд кўришни хоҳлаганмиди?

— Ахир ўзингиз ўйланг, қирқ беш ёшида ҳам боласиз эди! — куйиниб жавоб берди Назокат. — Хотини қўрққанидан туғмоқчи эмасди. Балки акамдан фарзанд кўришни истамас эди. Унга фақат мол-мулк керак эди. Мен бориб акамнинг квартирасини тартибга солдим. Кейин квартирадан хотинининг тилла тақинчоқлари, пальтолари йўқолибди. Мендан кўришмадими, деб ўйлаб қўрқиб кетдим. Менга бировдан қолган нарса керак эканми? Ўзимники етиб ортади! — деди сингил такаббуруна лабини буриб.

— Сиз уй йиғиштирганингизда йўқолган нарсалар бормиди?

— Э, ким қарабди дейсиз? У хотиннинг нарсаларини ушлашга ҳам ҳазар қиламан!

Марҳум Воҳидов Шарифнинг хотини Дилбар эшикни очиб, бегона эркакни кўрдию норозилигидан ранги гезарди.

— Сизга ким керак? — сўради эркакча дўрилдоқ овозда.

— Сиз Воҳидовнинг аёлимисиз? — деди Холбой қувноқлик билан.

— Ҳа. Яна сўроқми? Милиционерларга битта гапни қайтаравериб овозим бўғилиб қолди. Яна нима керак? — У дарвоза эшикчасини тўсиб туриб олганди.

— Мен адвокатман. Бир-икки саволим бор эди, — деди Холбой сал паст тушиб.

— Майли, кининг, — у сўрига бошлади. — Беринг саволингизни.

Холбой сўри четига ўтираркан, сўради:

- Эрингиз ўлган квартира кимники эди?
- Эримники. Лекин биз доим шу ерда яшаганмиз.
- Ўлган Зулайҳони билармидингиз?
- Эрим айтганди оғзидан сўлаги оқиб. Биз ажрашмоқчи

эдик.

– Нимага?

– Тўрт йил бирга яшадик. Унга фарзанд керак эди. Мен туғишга қўрқаман. Соғлигим кўтармайди. Эрим келиб бошқа хотин топгани, у яқинда туғиб беришини айтди.

– Экспертиза хулосасига кўра, квартирада бармоқ изларингиз бор экан ...

Аёл ўрнидан туриб кетаёзди ва бобиллаб берди:

– У менинг ҳам уйим-ку! Кўп марта борганман!

– Охирги марта қачон бордингиз?

– Эслолмайман.

– Эрингиз бадавлатми?

– Ҳа, бир нечта дўкони бор. Буни нега сўраяпсиз?

– Энди улар сизники бўлди-да?

– Биз ажримни расмийлаштиришга улгурмадик.

– Эрингиз ҳамма мол-мулкни сизга уйланишдан аввал топган. Агар ажрашсангиз сизга ҳеч нарса тегмаслиги мумкин эди...

– Оғиз сизники, гапираверинг! – дея чақчайди аёл. – Ҳа, муштдай гавдам билан икки кишини жаҳаннамга жўнатганман! Шу гапга ким ҳам ишонарди. Агар ишонганларида олиб бориб тиқиб қўйишарди.

– Квартирадан тилла тақинчоқлар, пальтолар йўқолган, – деди Холбой бошини қашлаб.

– Уларни мен олиб келганман! Ўлдир-ўлдирдан бир кун аввал! Тинтув қилишмоқчи эди, ўзим кўрсатдим. Улар меники! Охирги пайтларда эрим пул ҳам бермай қўйганди. Уларни сотиб кун кўрмоқчи бўлдим. Худо бир асради. Агар бир кун кейин борсам, мурдаларнинг устидан чиқармидим! Ана, унда!..

Холбой суҳбатни давом эттириш бефойдалигини сезиб,

Адвокатлар фони қилади

кетиш учун кўзгалди. Аёл қуруққина хайрлашиб, эшикни тарақлатиб ёпти. Холбой Зулайҳо дастлаб яшаган квартирага бориши керак эди. Шавкат тайинлаганди.

У керакли эшикни тоғиб, қўнғироқни босди. Ҳеч ким очмади. Холбой эшикни тақиллата бошлаганди, қўшни аёл чиқиб келди.

— Уйда ҳеч ким йўқ, — деди у Холбойга қизиқсиниб қараганча.

— Сиз кимсиз, хола? — сўради адвокат.

— Бу квартирани мен ижарага қўйгандим. Бир эр-хотин яшар эди...

— Эр-хотин?! — Холбой ҳайрон бўлиб қолди. — Эр-хотин дедингизми? — қайта сўради у.

— Ҳа. Хотинининг исми Зулайҳо, эриники — Оқил. Кейин тўсатдан хотин кўринмай қолди. Эридан сўрасам, тайинли жавоб бермади. Яқинда зинада эрини учратдим. "Қаёққа?" деб сўрасам "Онам касал, кўриб келаман" деди. "Ижара пулини тўлаб кетинг" дедим. "Кейинроқ бераман" деди. Менимча, энди у қайтмайди. Асосийси, калитни қолдирмабди. Қулфни бузиб олиб, бошқасини ўрнаттирдим.

— Қачон кетди ижарачингиз? Аниқ куни эсингизда йўқми?

— Йигирма иккинчи июнь эди — қизимнинг туғилган кунига кетаётувдим, — жавоб берди қўшни аёл.

Холбой "Раҳмат сизга" дея шошиб паства тушиб кетмоқчи эдию тўсатдан тўхтаб сўради:

— Ўша Оқил деган қаердан келганини билмайсизми мабодо?

— Биладан. Ҳозир ... — Аёл уйига кириб кетди-да, бир варақ кўтариб чиқди. — Мана, паспортининг ксерокопияси.

Бу Холбой учун қутилмаган янгилик эди. "Демак, бу воқеалар орасида Оқил деган одам ҳам бор. Кимнинг хаёлига келган эди!" ўйлади у ҳаяжонланиб.

* * *

Холбой эртаси куни Шавкатнинг топшириғи билан Оқил деганнинг юртига жўнади. Туман марказида тўғри милиция

бўлимига кириб, бошлиғи билан учрашди. Бошлиққа воқеани қисқача гапириб берди.

— Бўпти, — деди бошлиқ ҳозиржавоблик билан, — иккита ходимимизни қўшаман... Дарвоқе, сиз бориб нима қиласиз? Ўзлари олиб келишади.

— Борганим яхши, — эътироз билдирди Холбой. — Балки яна бирор савол чиқиб қолар.

— Ихтиёрингиз, — деди бошлиқ адвокатни кузатиб чиқаркан.

Улар милиция машинасида йўлга тушдилар ва тезда бир қишлоққа етиб боришди. Шофёр велосипед миниб кетаётган бир кишининг ёнида тўхтаб, Оқилни қандай топиш мумкинлигини сўради.

— Хув, анаву кўчада, — номаълум томонга қўл чўзди у киши. Кейин хитоб қилди: — Ие, ана-ку ўзи! Ана, машинаси! Оқил, сени милиция қидиряпти!

Микроавтобус ёнидан бир одам дала томонга қараб қочди. Икки милиция ходими тезда уни ушлаб келишди.

— Вой, қўлим синди! — дея ингради у ҳансираб. — Мен нима қилдим?

— Одам ўлдирдингиз! — деди Холбой унга разм соларкан.

— Мен ўлдирганим йўқ!

— Жим бўл! — деди милиционер ва уни машинага тикди.

Милиция бўлимига етгунларича жим бордилар.

Холбой милиционерларнинг олдида Оқилдан бирор нарса сўрашни эп кўрмади. Гумондорни бошлиқнинг хонасига олиб киришди.

— Қидирганингиз шумиди? — сўради бошлиқ Холбойдан, ўткир нигоҳини Оқилга тикиб. — Хўв, бола, нималар қилиб юрибсан? Қани, гапириб бер! Нега жимсан, гапир!

Милиционерлар чиқиб кетишди. Оқил қунишганча ерга қараб турарди, ранги оқариб кетганди.

— Хўп, унда мен гапириб берақолай, — деди Холбой ўтириб нафас ростларкан. — Хатоси бўлса, тўғрилайди. Хўш, Зулайҳо билан бирга шаҳарга боргансизлар. Ижара квартирада бирга яшагансизлар. Зулайҳо цехга ишга кирган. Сизни билмадим.

Пулдан қийналгансизлар. Тўсатдан Зулайҳога суррогат она бўлишни, бунинг учун катта пул беришни таклиф қилишган. Бу пулдан сизнинг умидингиз катта бўлган, шундайми?

Оқил бурнини тортиб, мингиллади:

— Менга Зулайҳонинг бир тийини ҳам теккани йўқ. Пул топишимиз керак эди. Уй сотиб олиб одамлардай яшамоқчи эдик...

— Ҳов, бола! Қилган жиноятингни гапир! — деди милиция бошлиғининг жаҳли чиқиб.

— Гапиряпман-ку, — дея қовоғини уйди Оқил. — Бир куни Зулайҳо ҳовлиқиб келди-да, "Гаплашиб олишимиз керак" деб бир неча даста пул тутқазди". "— Бу нима?" деб сўрадим. "— Хўжайин берди. Мен улар учун бола туғиб беришим керак", — деди. "— Қанақасига?" "— Менга уларнинг эмбрионларини ўрнатишади". "— Хўш, кейин?" "— Уни қорнимда ўстираман. Яна беш миллион беришади". "— Ие, қиёмат-ку! Қачон бошлайсан?" — деб сўрадим. "— Нима, мен индамай туғиб беравераманми?" — деди у норози бўлиб. "— Ҳа, бунча пулни қачон ишлай оласан?". "— Билмадим..." "— Нимани билмайсан? Туғдингу ташладинг-да. Мен микроавтобус сотиб оламан. Тамом, пичоғимиз мой устида! Киракашлик қиламан. Уй сотиб оламиз!.."

Зулайҳо охири кўнди. Мен қарзга пул топдим. Эскироқ машина олдим. Ҳамма умидим Зулайҳога тегадиган пулда эди... Ниҳоят, у туғди. Унгача бирга яшадик. Туғуруқхонага борсам, бир одам унинг қўлига гуллар тутқазиб олиб кетди. Орқаларидан бормоқчи эдим, эски машинада етолмай қолиб кетдим. Анча вақт қидирдим-да, машинани топдим. Лекин эгаси қаерда ишлаши ёки яшашини билмас эдим. Пойлаб туриб-туриб кетдим. Эртаси куни келдим. Бир пайт қарасам, Зулайҳо аравани итариб кетяпти! Олдини тўсиб, "— Зулайҳо, бу қандай мўъжиза бўлди? Қандай келишгандик? Сен туғасан, пулни оласан. Биз бошқа жойга кетамиз, деб келишганмидик?" — дедим. "— Биласизми, мен бир яхши одамни учратиб қолдим. Энди у билан яшайман. Бола уники"

– деса бўладими тап тортмай. “– Ким билан яшасанг, яша. Аммо пулни бер! Қарзга ботганман! Счётчикка қўйишади энди! Агар пулни бермасанг, ўша олигархингга сирингни айтаман, итдай ҳайдайди сени!” – дедим. “– Бўпти, ундан пул сўраб кўраман”, – деди у. “– Эртага эрталаб пулга келаман”, – дедим. У манзилини айтди.

Эртасига унинг квартирасига кўтарилиб, эшик кўнғироғини чалдим. Зулайҳо тутқазган пулни кўриб жон-поним чиқиб кетди. Жуда арзимаган пул эди. “– Унинг ёнида бори шу экан”, – деди. “– Болани эгаларига бер!” – дедим. “– Бермайман, бола меники!” – деди қайсарлик қилиб. “– Ҳозир болани олиб бориб бераман!” – деб болага ташландим. Зулайҳо шундай қаршилиқ кўрсатдики, қандай бўғиб ташлаганимни билмай қолдим аччиқ устида. Шу пайт эшик очилиб дўкончи кириб қолди. Унга пичоқ урдим... – Оқил бошини эгиб жим қолди.

– Рустамов, Рустамов! – деб бақирди милиция бошлиғи. Милиция ходими кириб келиб, тек қотди. – Жалилов икковинг мана бу аканг билан туманимиздан чиққан газандани шаҳарга олиб бориб прокурорга топширинглар! Қўлига кишан сол! Туманимиз номини булғади бу ярамас! Ҳалига қадар биздан бунақанги қотил чиқмаганди!

Икки милиционер Оқилни қўлтиғидан ушлаб ташқарига судради.



Жунжикиб плашига ўралган Гулчеҳра хонага югуриб кириб келди ва соябонини деворга тираб кўяркан, қалтираб деди:

– Вой, момақалдироқ, чақмоқни қаранг! Анчадан бери бунақаси бўлмаганди. Нақ ўтакам ёрилаёзди. Мана шунақа пайтда одам ўзини миттигина, ожизгина сезаркан. Осмон номаълум улкан ваҳимага айланаркан.

– Ҳа, мен келаётган самолёт момақалдироқлар орасига тушиб қолганди бир гал. Атрофимизда баҳайбат қоп-қора булут тоғлари. Чақмоқ қиличдай ярақлайди, худди самолётни кесиб

ташлайдигандай, — деди Шавкат қоғоздан бош кўтариб. — Самолёт гоҳ булутлар орасига кириб кетиб, ҳеч нарса кўринмай қолади, гоҳ шўнғиб чиқади. Нафас олишга ҳаво етишмайди. Самолётни кичкина ожиз қушга ўхшатгандим. Ана ўшандан кейин қон босимим ошадиган бўлиб қолган.

Холбой ўтирган жойида оғир қимирлаб олиб, Шавкатга қаради.

— Мана, жамоат жам... Янгисидан борми энди, ака? — сўради у.

— Албатта! — деди Шавкат жонланиб. — Машҳур бўлиб кетяпмиз. Уйга ҳам одамлар келяпти. "Кетинг, ишхонага боринг" деёлмайсан. Ўзбекчилик... Хўш, яхшилаб эшитинглар. — Шавкат олдидаги қоғозларни варақлади. — Бир бор экан, бир йўқ экан, Фиёс Асиров деган йигит бор экан. У хусусий қурилиш корхонаси директорининг шофёри экан. Аммо асосан директорнинг хотинига хизмат қиларкан. Бир куни шофёр хўжайин хотин билан уришиб қолибди. Хотин эридан шофёрни ишдан бўшатишни талаб қилибди. Эр талабни қондирибди. Орадан сал вақт ўтиб, директор собиқ шофёри Фиёсга қўнғироқ қилиб, бир кафедра учрашиш кераклигини айтибди. Учрашибдилар.

Маълум бўлишича, директор маликаи қайсарини чет элга дам олишга жўнатаётган экан. "Хотинимни аэропортга яширин кузатиб бориб, ким билан учиб кетганини аниқлайсан" дебди директор ва Фиёсга пул берибди.

Эртаси куни хотин сингиси билан ўз машинасида йўлга чиқибди. Фиёс ўз машинасида уларнинг ортидан тушибди ва изма-из бораверибди. Бир жойга етганларида хотин машинасини йўл четига чиқариб тўхтабди. Фиёс ҳам эллик метрлар берида тўхтатибди. Хотиннинг машинаси қўзғалмай туравергач, Фиёс хавотирланиб, пиёда улар томон юрибди. Бориб қараса, хотин қонга беланиб ўлиб ётганмиш. Сингиси беҳуш экан. Фиёс милицияга, "Тез ёрдам"га қўнғироқ қилмоқчи бўлибди. Аммо телефонининг қуввати тугаган экан. У телефон

қидириб хотиннинг сумкасини титаётганида ДАН ходимлари келиб қолибдию уни ҳибсга олишибди.

Мана, Фиёс дегани ҳибсда ўтирибди. Гўёки у директорнинг хотини харажат учун олган ўн икки минг еврога эга бўлиш учун қотиллик қилган эмиш...

Ҳамма бирпас жим қолди. Девордаги соатнинг тиқиллаши қаттиқроқ эшитила бошлади. Дераза орқасидаги дарахтларда чумчуқ ва майналар ёмғир тинишидан дарак бериб чуғурлашар эди. Ниҳоят, Гулчеҳра Шавкатдан сўради:

– Хотин эрига хиёнат қилармикин?

– Балки. Аммо хотин бу гал болаларини ташлаб кетаётган экан. Эр мана шундан шубҳаланган, – жавоб берди Шавкат.

– Нима учун айнан шофёр Фиёс қотилликда айбланыпти? – сўради Холбой.

– Милиция ходимлари келганда Фиёснинг кўлида қонли пичоқ бўлган. Яна бошқа кимдан кўришсин?

– Шунақа очиқдан-очиқ, аҳмоқона қотиллик ҳам қиладими! – дея тўнғиллади Холбой. – Жиннироқ эмасмикин у шофёр?

– Кўп нарсани аниқлашимиз керак. Шунинг учун ҳам ишни қабул қилдим. Соғ одамнинг бунчалар ўйламай йўл тутишига ишониш қийин...

– Ёки у қотил эмас, тухматга қолган.

– Ҳа, боплаб уюштирилган бўлиши мумкин. Хўш, вазифаларни тақсимлаймиз. Сиз, Холбой, хотиннинг эри – корхона директори билан учрашасиз. Яхшилаб титкиланг, ковлаштиринг... Директорнинг исми, шарифи Охунов Рашид, хотиннинг исми Гулруҳ. "Шинам" масъулияти чекланган жамияти. Эри қурилиш билан шуғулланади. Ёзиб олинглар. Шофёр – Фиёс Асиров. Марҳуманинг синглиси – Клара.

– Гулчеҳра, шофёрни ушлаган ДАН ходими билан гаплашиб кўринг.

Гулчеҳра иккиланиб чаккасини силади, бирпас ўйланиб турди.

– ДАН ходимидан бирор янгилик чиқармикин? – деди кейин.

– Инсон хотираси шундайки, баъзи майда-чуйдалар фақат

Адвокатлар фош қилади

кейинчалик эсга тушиши мумкин. Қандай савол беришни билиш керак.

– Тушундим, – деди Гулчеҳра сумкасини оларкан.

– Ие, айтгандай, – деди Шавкат шошилиб, – мана, милиционер ёзган рапорт нухаси...

Шавкат милиционер кузатувида қўлини орқасига қилиб кириб келган айбланувчи Фиёсга қаршисидаги стулга ўтиришни таклиф этаркан, деди:

– Мен адвокатингизман. Шарипов Шавкат.

– Ассалому алайкум, – салом берди Фиёс маъюс.

– Хў-ўш, ишга ўтайлик... Фожиадан бир кун аввал собиқ хўжайинингиз билан кафедра учрашдиларинг. Тўғрими? Нима ҳақида гаплашдиларинг?

Фиёс бир-икки қимирлаб олгач, кўзларини қисганча жавоб берди:

– Кафедра учрашиб, ўтирдик. У гапни айлантираверди-айлантираверди. Нима демоқчилигини тушунмадим. Охири айтди. Иш таклиф қилди. Хотинини кузатиб юришим керак экан. Хотинидан хиёнатда гумонсираган шекилли... Ишдан бўшатиб яна ўзи кўнғироқ юборганидан ҳайрон қолгандим. Гап буёқда экан. Яхши ўйлаган, ахир мен хотинининг душманман-ку.

– Ҳа-ҳа, – деди Шавкат чўзиб. – Хотинидан шубҳаланишига асос бормиди?

– Хотини Гулруҳ ҳар доим эри, болалари билан дам олишга борарди. Бу гап ёнига фақат синглисини олгани шубҳалантирган бўлса керак.

– Собиқ хўжайинингиз нимага айнан сиз билан сирлашди? Бу оғир бўлса керак?

– Тўғри, оғир. Шунинг учун фикрини айтолмай роса қийналди. У мени хотини ҳақида бирор нарсани биледи, деб ўйлаган. "Яхши ҳақ тўлайман" деди. Хотинини аэропортга кузатиб боришим керак эди.

— Сизга аниқ битта иш таклиф қилди. Сиз бажаришга киришдингиз. Мана, хотин ўз машинасида синглиси билан йўлга тушди. Орқасидан сиз юрдингиз. Анча орқароқда боряпсиз. Тўсатдан хотинининг машинаси йўл четига чиқиб тўхтади. Кейин?..

— Мен ҳайрон бўлиб, бир оз кутдим, — дея давом этди Фиёс. — Қарасам, машина юрмаяпти. Машинадан тушиб улар томонга юрдим. Қарасам, Гулруҳ ўлиб ётибди. Бўйнининг ўнг томони кесилган, қон оқяпти. Клара пичоқ урилган чап билагини ушлаганча инграб ўтирибди. Довдираб қолдим, ўлай агар! — Фиёс ўрнидан туриб кетди. — Милицияга қўнғироқ қилмоқчи бўлдим. Телефоннинг заряди тугабди. Гулруҳнинг сумкасини ковлдим, телефонини топиш учун...

— Сумкада пул бормиди?

Фиёс чўчиб кетгандай бўлди, кўзлари бақрайди.

— Ие, пул йўқ эди! — деб хитоб қилди у. — Ўлай агар, пул йўқ эди!

— Кўлингиздаги пичоқ қаердан пайдо бўлди?

— Машинанинг олдинги эшигини очгандим, бир нарсани босиб олдим. Қарасам, пичоқ! Беихтиёр кўтардим.

Шавкат ўйланиб қолди-да, ўзига ўзи гапирди: "Пичоқдаги бармоқ излари, уч-тўртта купюрадаги бармоқ излари, кийимидаги қон доғи... Ҳа, оқлаш жуда қийин".

Хона эшиги ёпиқ бўлишига қарамай, ичкаридан директорнинг овози жаранглаб эшитиларди:

— Бир ойдан бери ҳеч бало қилганинг йўқ! Қани ҳужжатлар? Бир ой аввал қўл қўйилиши керак эди! Бир ой олдин! Икки ҳафта кечикдинг...

— Рашид ака, тушундим!

— Нимани тушундинг? Нимани? Қани, оёғингни қўлга олиб югур! Ўпкангни қўлтиқла! Имзо қўйдир!

— Офисдами?

— Қанақа офис, овсар? Нима, қаерда имзо қўйишини

билмайсанми? Қанчалан бери ишляяпсан ўзи? Ресторан... — Директор хонага кирган Холбойни кўриб, нафасини ичига ютди. — Сизга нима керак?

— Мен адвокат ёрдамчисиман.

Директор қаққайиб турган ходимга бақирди:

— Диёр, ҳалиям шу ердამисан?

— Мана, кетдим, — деди Диёр ва эшик томон юрди.

Директор Рашид Охунов адвокат ёрдамчисининг бошидан оёғигача кузатгач, сўради:

— Менга ишингиз борми?

— Ҳа... Ўтирсам майлими? Раҳмат. Баъзи нарсаларни аниқлаб олишим керак. Шофёрингизни ҳимоя қиляпмиз.

Рашиднинг юзи масхаромуз бурушди ва ўрнига ўтираркан, деди:

— Ие, нимасини ҳимоя қиласиз унинг? Қўлида қонли пичоқ билан хотинимни сўйиб турганда ушланган бўлса! Ишларингиз қизиқ-да!

— Ўзингиз уюштирган бўлсангиз-чи?! — деди Холбой уни босиб қўйиш учун.

Рашид сапчиб турди, нафаси тиқилиб йўталди.

— Нима деяпсиз?! Ўша ифлосни деб қамаладиган аҳмоққа ўхшайманми?! — жон-жаҳди билан бўкирди у. Дераза ойналари зириллаб кетгандай туюлди.

— Хўп, бўпти, — деди Холбой босиқлик билан. — Собик шофёрингиз Фиёсни кафега чақиргансиз. Нима мақсадда, нима ҳақида гаплашдиларинг?

— Хотиннинг гапига кириб ишдан бўшатганим учун ўзимни оқламоқчи эдим. Шунча йил бирга ишлаб сира "сан-ман"га бормаган эдик. Мен унга иш таклиф қилдим. Ўртоқларим билан гаплашиб бермоқчи эдим. Фиёс унамади. У қайтиб ўзимга ишга олишни сўради. Мен кўнмадим. Кейин, машинани топшириш бўйича ҳужжатлар чала эди...

— Сиз, Рашид Охунов, терговчини алдагансиз, — деди Холбой унинг гапини бўлиб.

— Мен алдадим? — Рашид олдинга энгашди.

- Ҳа, сиз! – Холбой унинг кўзига тик қаради.
- Сиз – жаноб адвокат! – деди Рашид тишларини қисиб,
- эрга хиёнат нима эканини биласизми?
- Бу ерда хиёнатдан бошқа мотив ҳам бор. Хотинингиз ўлса, бизнеснинг ҳаммаси сизга қолармиди?
- Қанақа бизнес, қанақа бизнес?! Бутун бошли одам йўқ бўлиб кетди-ку! Ҳар қандай бизнесни ўзим бир йилда кўтараман!
- Унда нима учун орқасидан пойлоқчи қўйдингиз?
- У чет элга ким билан учиб кетишини билмоқчи эдим. Фақат кўриб келиши керак эди, холос. Бошқа ҳеч нарса учун эмас!
- Шофёр Фиёс Асилов билан муносабатларингиз яхши эди. Хотинингизнинг талаби билан ишдан бўшаттирдингиз...
- Ҳа, хотиним "Шофёр пулсизликдан шикоят қилиб минғирлагани-минғирлаган. Бу аҳволда йўлда хавфсиз юриб бўладими?" деб, бўшатишимни талаб қилиб туриб олди. Фиёс доим хизматга ўз вақтида келарди. Қўли эгрилигини сезмаганман, ёлғон гапирмас эди.
- Хотинингиз билан муносабатларинг қандай эди? – сўради Холбой диққатга арзийдиган ҳеч нарса тополмаётганидан ҳафсаласи пир бўлиб.
- Рашид чуқур "уф" тортиб, жавоб берди:
- Алоқамиз яхши эди. Лекин ишда ушланиб қолаверишим унга ёқмасди. Қурилиш соҳасини биласиз. Мен хотиним истаган нарсага эришишни хоҳлардим...

Гулчеҳра ДАН бўлимига кириб борганда, Сатторали компьютер билан шунчалик банд эдики, адвокат салом бергандан кейингина бошини кўтариб, саволмуз боқди.

– Мабодо Гулруҳ Охунованинг ўлими ҳақида сиз рапорт ёзмаганмисиз? Ҳалиги, аэропорт йўлида машинасида ўлдирилган, синглиси ярадор қилинган? – сўради Гулчеҳра.

Сатторалининг чеҳраси очилиб, пешонасини силади.

Адвокатлар фош қилади

– Ҳа, мен ёзувдим. Эсимда. Бунақа фожиа бизда кам учрайди. Бир ҳафта кўнглим айниб, овқат еёлмай юрдим, – деди у. – Нега турибсиз, ўтиринг, ўтиринг.

– Раҳмат. Мен адвокат ёрдамчисиман, Гулчеҳра.

– Сизни танийман. Шавкат ака билан ишлайсиз. Бизга бирор хизмат бормиди? – сўради Сатторали ёрдамга ҳозирлигини кўрсатиш учун қўлларини бир-бирига ишқаб. – Бемалол.

– Рапорт профессионал савод билан ёзилган, – мақтади Гулчеҳра жилмайиб. – Бунақасини ўқимаганман. Тўғри, сизларнинг ишларинг ёзиш эмас...

– Ростини айтсам, опа, – деди милиционер иягини ушлаб, – у йигит бунақанги ваҳшийлик қиладиганга ўхшамайди.

– Сиз мулоҳазали, гапини шамолга совурмайдиган одам экансиз. Ўзингизнинг фикрингизми бу?

– Худди шундай! – деди Сатторали жонланиб. – Қаранг, шофёр машинасини марҳум Гулруҳникидан эллик метр узоқда тўхтаган. Нима учун? Пиёда бориб, ўлдириб пулини олиш учунми? У етгунча аёл юз марта жўнавориши мумкин-ку?! Ёлишмаяптими?

Гулчеҳра унга яна пишанг берди:

– Сизни баҳолашда адашмабман. Ёзган рапортингиздан ҳам ҳақиқий мутахассислигингиз кўриниб турибди... Кичкина саволча: фожиа жойида айнан нималарга гувоҳ бўлдингиз?

– Машинадан тушиб, "Тўхта! Қўлларингни капотга қўй! Пичоқни ташла!" деб бақирдим, – милиционер қизиқиб кетиб, гапларини ҳаракатда кўрсатди. – Ўлган аёлнинг ёнидаги қиз шофёрга ишора қилиб, "Ана шу ўлдирди! Ана шу!.." деди.

Гулчеҳра ажабланиб сўради:

– Рапортда "у беҳуш эди" деб ёзилган-ку?

– Кейин ҳушидан кетди. Кўп қон йўқотган бўлса керак, – жавоб берди милиционер.

– Нега рапортда буни ёзмадингиз?

– Эътибор бермабман-да? – Сатторали гуноҳкорона бош эгди.

- Буни прокурорга тасдиқлайсиз-а.
- Ҳа...

Гулчеҳра энди кўчага чиққан эди ҳамки, телефон сигнал чалди. Шавкат телефонда марҳумнинг синглиси Клара билан учрашиш кераклигини айтди. Клара касалхонада ҳамшира бўлиб ишлаётган экан.

– Опамникида ўн беш йил итдай хизмат қилдим, – жавоб берди у адвокатнинг саволига. – Болалари, уйига қарардим. Ҳамма иш менинг бўйнимда эди. Ўша куни опамни кузатиб бордим. У машинани жуда қаттиқ ҳайдарди. Кўнглим беҳузур бўлди. Опам машинани тўхтатди. Мен пастга тушиб ўхчий бошладим. Бир пайт билагим "жиз" этиб, қон отилди. Орқамдан келиб пичоқ урган одам қочди. Мен зўрға машинага қайтдим. Кейин касалхонада хушимга келдим.

- Опангизнинг ёнида қанча пул бор эди? – сўради Гулчеҳра.
- Ўн икки минг евро.
- Нима учун ўн икки минг?
- Одат бўлиб қолганди.
- Буни шофёр билармиди?
- Шофёр Фиес уйдаги ҳамма нарсани биларди. Чунки опам эҳтиёткорликни билмасди.
- Шофёр қанча вақт ишлади?
- Уч-тўрт йил. Ҳар гал шофёр опамни аэропортга олиб борарди. Бу гал бормаганига сабаб икки кун аввал ишдан бўшатирилганди.

"Агар талончилик қилмоқчи бўлганда илгари ҳам имконият бўлган" дея хаёлидан ўтказди Гулчеҳра.

Ҳамкасблар кечга яқин ишхонага тўпланишди. Улар кўрган, эшитганларини ўртага ташлай бошладилар.

– Мен ўлган Гулруҳнинг ўйнашини ҳам топдим. Эри бекорга шубҳаланмаган-ку. Кейин, у хотиннинг истаган ҳамма нарсаси бор эди. Фақат нима етишмасди? Ўйнаш, албатта! Орзунинг чеки йўқ-да. Ўйнаш учун узоққа бориб юрмаган, эрининг

бизнес шеригини танлаб қўяқолган, — деди Холбой мақтаниб.

— Бирор фойдали маълумот чиқадими, ишқилиб? — сўради Шавкат уни шошириш учун.

— Ҳозир, ҳозир... — деди Холбой қўлини кўтариб. "— Учрашиб юришларингни Гулруҳнинг эри билармиди?", — деб сўрадим. "— Аввал билмади шекилли, — деди у. — Лекин кейинроқ шаъма қилди. Гулруҳ эса "— Мен Рашиддан каттаман, бизнесининг ярмини ажратиб оламан", — деди. Мен — Икковимиз шерик бўларканмиз-да", — дедим. Иккаламиз Туркияга дам олишга кетадиган бўлдик. Ўша кун аэропортда кутавериб кўзларим тешилаёзди. Юз марта қўнғироқ қилдим, жавоб бўлмади... Сафарга ўзим жўнадим. "Орқадан етиб борар" деб ўйладим.

— Демак, аэропортга шофёр олиб бермаслиги учун ишдан бўшаттирган, — дея фикр билдирди Гулчеҳра.

— Рашид хотинини ўлдириши учун бу асос эмасми?! — хитоб қилди Холбой ўрнидан сакраб тургидай алпозда.

— Лекин исбот ҳам эмас, — дея уни босди Шавкат. — Хў-ўш, мана энди ҳамма воқеаларни кечаси билан мияда айлантириб, пишириб, яхшилаб таҳлил қилиб, эрталаб ҳибсхонага борсам бўлди. Бугунча уй-уйимизга!...

Гиёс анча чўкиб, юзига ночорлик нуқси уриб қолганди. У эшитилар-эшитилмас салом берди-да, нолий бошлади:

— Қулоғимгача тухмат, кулфатга ботганга ўхшайман! Бирор умид борми, ака?

— Бор, бор, руҳиятни туширманг, — дея тасалли берди Шавкат. — Бекорга шунча югураётганимиз йўқ.

— Қани энди, ўғлим билса бегуноҳлигимни!

— Хўп, ўтиринг, — унинг гапини бўлди Шавкат бир оз тўнглик билан. — Саволларимга фақат тўғри, аниқ жавоб беринг... Гулруҳнинг орқасидан нима учун пойлаб бордингиз? Яна қайтараман, фақат тўғри жавоб беринг! Нимага собиқ хўжайинингизнинг таклифига рози бўлдингиз?

— Билмадим. Пулга учгандирман. Наҳотки, Рашид мени шунчалар булғади? — Фиёс тишларини қисди, афти аламдан бурушди.

— Бўпти, бошқатдан гапиринг-чи. Бирор майда-чуйда нарса қолиб кетмасин.

Фиёс неча марталаб гапирган гапларини яна такрорлади.

— Тагин нима дейишим мумкин, ҳайронман.

— Майли. Ишдан бўшашингизга айнан нима сабаб бўлди?

— Ўша кун мингинчи марта қарз берган одам кўнғироқ қилиб, пулни тез қайтаришим кераклигини айтиб дўқ урди. "Биламан ҳаммасини! Ўғлим касал бўлиб қолди. Тўлайман" деб турсам, Гулруҳ келиб қолди. "— Нега эшикни дарров очмайсан?!" — деб бақирди. "— Телефонга чақиришганди", — дедим. "— Тупурдим телефонингга! Сен ишдасан! Вазифангни бажар!" — деди. "— Менга бақирманг, хўпми?! Мен шофёрман, хизматкор эмас!" "— Нима?! Ҳиҳ! Анавини қаранглар! Жир битиб қолибдими?! Сендақангги шофёрга тупурдим! Ҳозир эримга айтаман!" — деб чинқирди. "— Бемалол!" — дедим. "— Йўқол кўзимдан!.."

— Синглиси Клара ҳақида нима дейсиз?

— Тилла аёл. Бутун уйни ўша бошқарарди. Опаси кун бўйи маникюр, педикюр, ҳар хил массаж салонлари, бутикларда санғиб юрарди. Тўғри, ҳаммаси Кларанинг жонига тегди шекилли, касалхонага ишга кирди. Шунда ҳам уй ишлари унинг бўйнида эди.

Шавкат бармоғини столга "тиқ-тиқ" урганча бирпас ўйланиб ўтирди.

— Рашид хотинини ўлдиртириб, сизга тўнкаши мумкинми? — деб сўради кейин.

— Билмадим, — Фиёс бош чайқади — Лекин буни қандай исботлаб бўлади? Мендай тайёр айбдор турганда...

— Кафеда Рашид билан учрашганда бирор ғалати, гайритабиий нарсани сезмадингизми?

— Сезгандайман. Рашид "Пулни аввалдан ол. Қарзинг бор, ишламаяпсан" деди. Пулни олиб чиқиб кетдим, у қолди.

Адвокатлар фош қилади

— Бунинг нимаси ажабланарли? Ошналар билан ўтирмақчи бўлгандир-да.

— Э, йўқ! — эътироз билдирди Фиёс астойдил. — Бунақа жойларда ўтирмайди у. Одатда ошналари билан шаҳар четида икки-уч кунлаб дам олади.

— Рашид кафедра ким биландир учрашмоқчи бўлган, демоқчимисиз? Буни ўйлаб кўриш керак...

Шавкат ҳибсхонадан чиқиб, Фиёс билан Рашид учрашган кафега йўл олди. Бироқ у ердан бирор фойдали маълумотни қўлга кирита олмади ва ишхонага қайтди.

Уни Холбой билан Гулчеҳра кутиб ўтирарди. Гулчеҳра дарров чой дамлади. Чойни пиёлаларга қуйиб ҳамкасбларнинг олдига қўйди.

— Аёл бор жойнинг файзи бошқача-да, — деди Холбой миннатдорона.

— Ие, шундайми?! — деди Шавкат кулиб. — Зўр гап айтдингиз-да. Бўлмаса, шуни билмай пенсияга чиқиб кетишимга сал қолган экан-а!

Гулчеҳра ҳам истеҳзони тушуниб кулди ва Холбойнинг ёнини олди:

— Яхши гап юз марта айтилса ҳам кўплик қилмайди. Мана, ёқимли ашулаларни қайта-қайта эшитиб тўймаймиз-ку.

— "Сизники ҳам тўғри" деган экан Афанди, — Шавкат чой хўшлади. — Майли, энди ишга ўтайлик. Мен "қотил Гулруҳнинг сингиси" деган фикрга бораёзим. Қаранг, Гулруҳни ўлдирган одам нимага тирик гувоҳ қолдирди?

— Орқасидан бориб пичоқ ургани учун кўрмади, деб ўйлаган бўлиши мумкин, — дея таҳлил қилди Холбой.

— Ҳўп. Қотил машинанинг йўлда тўхташини қаердан билди? Агар тўхтамаганда, аэропортда одамлар гужғон жойда пулини тортиб олармиди? У ерда нима кўп, милиция!

— Демак, Шавкат ака, Клара атайин тўхтатган, — деди Гулчеҳра. — Рашид Клара билан тил бириктирган бўлса-чи?

— Кларанинг ўзи опасини пичоқлаган бўлса-чи? — қўшимча қилди Холбой.

— Ана, сизларга ҳам етиб боряпти, — деди Шавкат мамнун бўлиб. — Кларанинг опасидан ўч олиш сабабини аниқлаш керак.

Холбой ҳовлиқиб ўрнидан турди.

— Унда нима қилиб ўтирибмиз? Шартта бориб ушлаш керак!
— деди у шошиб.

— Тўғри, боринглар, — рози бўлди Шавкат. — Гулчеҳра ишхонасини билади.

Клара ўртабўйдан сал новчароқ, қомати келишган, соч ва кўзлари қора аёл эди. Унинг ранги оқарганидан кўзлари янада қора кўринарди. Аёлнинг лаблари ҳам оқариб кетганди. Кўзлари худди оғир касалдан тургандай киртайиб қолганди.

Клара адвокатларга маъюс тикилди.

— Клара, опангиз ва сизга урилган пичоқдан касалхона қўлқопининг зарралари топилган! — дея, сири фош бўлганини сезган шекилли, ранги қув оқариб, лаблари титраб турган аёлнинг гирибонидан олди Холбой, уни ҳовлига бошларкан. — Бундан ташқари, бизга маълумки, опангиздан кетиб мустақил ҳаёт бошлашга қарор қилгандингиз.

— Ҳа, нима демоқчисиз? — сўради Клара сўниқ товушда.

— Опангизни сиз ўлдиргансиз! — деди Холбой ишонч билан.

— Ўзингизга пичоқни ўзингиз ургансиз, — қўшимча қилди Гулчеҳра.

— Яна, бизда гувоҳ бор. ДАН ходимлари келганда ҳушингиз жойида бўлган. Хуллас, гуноҳингизни тан олишдан бошқа иложингиз йўқ! — деди Холбой қатъий.

Клара йиғлаб юборди ва кафтлари билан юзини ёпиб ўриндиққа ўзини ташлади.

— Ҳаммаси тугагани ҳам яхши, — деди у ҳиқиллаб. — Мен барибир бахтимни тополмадим. — Оила қуролганим йўқ. Ҳали ҳам ёлғизман. Опам "Сен ҳеч кимга керакмассан" деб тўғри айтган экан. — Опа, мен ҳам бошқаларга ўхшаб оила қуришни, фарзандларим, ўз уйим бўлишини истайман. Мана, сизга ўн

беш йил ёрдамлашдим, тўғрими?" — дедим. — Мендан нима керак?" — деб сўради у. — Биласизми, кичкина квартира олмоқчиман, жуда кичкина. Пулим етмайди", — дедим. — Тушунарли... Менга қара, сен кимга кераксан, а? Тагин туғмоқчи ҳам! Вой, кулиб ётиб қоламан! Бошпананг бор, ишинг бор... Эрим билан гаплашаман, маошингни оширади, жинни! Хоҳлайсанми, бирга дам олишга борамиз? Хоҳлайсанми?" — деди у.

Опам шундай хизматкордан айрилмоқчи эмасди.

— Нега ўлдирдингиз? Шунчаки кетвориш мумкин эди-ку?

— сўради Гулчехра.

— Йўқ, менга пул керак эди, квартирага. — Опа қарз бериб туринг, ўтинаман!" — деб ёлвордим мен яна. — Бас қил! Аэропортга кетдик!" — деди у... Йўлда жазавага тушганимдан сумкамдаги пичоқни қандай олиб зарб билан силтаганимни билмай қолдим! Ўшанда пулини дарахтзордаги ўтлар орасига яшириб қўювдим. Кейин квартира сотиб олдим. Ҳозир опамнинг болалари меникида, ўша квартирада... Қамалсам болаларга нима бўлади, билмайман, — Клара афсусланиб бош чайқади.

— Болаларнинг отаси бор, — деди Гулчехра — Аммо болалар онасини сиз ўлдирганингизни билса, нима бўлади?..

Гиёс ҳибсхонадан чиққанда, уни собиқ хўжайини кутиб олди ва "— Ол-е машинангни! — деди кўришаркан. — Ўзингга буюрсин! Сендан кейин ким рулга ўтирса, машина бузилаверди, охири шофёр қоида бузиб ҳозиргача жарима майдончасида ётди!".



Бир қиз хонага кирдию юзини ҳовучи билан ёпганча хўнграб йиглаб юборди.

— Вали акамни қамаб қўйишди! Ёрдам беринглар, илтимос!

— деди у ҳиқиллаб.

Ўтирганлар унинг гапини зўрға тушунишди.

— Тинчланинг, тинчланинг! — деди Шавкат ўрнидан туриб.

— Қани, буёққа келинг! Гулчеҳра, сув беринг.

Қиз тик турганча сувни ичди ва Шавкатнинг қаршисига ўтирди.

— Вали акамни қамаб қўйишди! — такрорлади у кўз ёшларини артиб.

— Бир бошдан шошилмай гапиринг, Вали акангиз ким, нима учун қамашди? — сўради Шавкат.

— Вали ака билан бир-биримизни севамиз. Турмуш қурмоқчи эдик. У мени онаси билан таништиргани олиб борди. Онаси эса мени итариб зинадан тушириб юборди.

— Нима сабабдан?

— Айтгани айтган, дегани деган аёл экан. Шундан кейин биз шаҳар четидан ижарага жой топиб яшай бошладик. Кўп яшамадик. Вали акамни милиция ушлаб кетди. Онаси кучли уйку дори ичиб ўлган экан. Вали акамдан кўришди.

— Вали онасининг олдига борганмиди?

— Уйларига борган, лекин онасининг ёнига кирмаган. Вали акам фақат рост гапиради, ёлғонни билмайди. Аввалги жанжалдан кейин киргиси келмаган, қайтиб кетган... Бизга онасининг квартираси керак эмасди. Усиз ҳам яхши яшашимиз мумкин эди. — Қиз биров тўхтатиб қоладигандай шошиб гапирганидан тиқилиб қолди. Яна сув ичиб жимиди.

— Сиз-чи? Сиз бормадингизми онасининг ёнига? — сўради адвокат.

— Бордим, — тасдиқлади қиз бошини кўтариб. — Вали акамнинг қаттиқ эзилаётганини кўриб жуда ачиндим. Уларни яраштирмоқчи бўлдим. Онаси яхши қарши олди, сира кутмагандим, довдираб қолдим. У ўтқазиб олиб, ўғлини тинч қўйишимни талаб қилди.

"Сиз ақлли, чиройли қизсиз. Ўғлим оила аравасини тортадиган аҳволда эмас. Ярим йилдан кейин сизни ташлаб олдимга қайтиб келади. Сиз — ёлғиз онага тузукроқ эркак топиш шунчалик қийин бўладики!.. Эркаклар бировнинг боласини боқишни ёқтирмайди", — деди.

"Мен ишонмайман!" — эътироз билдирдим мен.

"Чулдир-чулдир қилиб юриш бошқа, турмуш бошқа. Бекорга кучингизни сарфламанг. Ўғлимни қўйиб юборинг. Оила қуришга ҳали ёшлик қилади".

Квартирадан чиқиб, "Онаси тўғри айтяпти, ўгли ёш" деб ўйладим. Лекин Вали акани кўриб, усиз яшаёлмаслигимни ҳам тушундим. Агар у қамалиб кетса ҳам воз кечмайман. Кутаман!

Вали ака онасидан кўрқиб тўйни чўзаверди, чўзаверди. Шунда "ҳомиладорман" деб алдагандим. Вали ака буни онасига айтганди. Онаси "Болани олдинг, бошқа бойроқ одамни топиб оларсиз" деди. "Ўғлим жуда ёш" деди.

Мен йиғлаб чиқиб кетдим.

— Нима учун онасининг ўлимида Валидан шубҳаланишди?

— Онаси ўлган куни участкавой Вали акамни уйи олдида кўрган экан.

— Ҳм-м, — Шавкат бирпас ўйланиб қолди. — Бола онасини ўлдириши камдан-кам учрайди. Агар бола қаттиқ маст ёки наркотик таъсирида бўлмаса... Бўпти, ишингиз билан шуғулланамиз. — У керакли маълумотларни ёзиб олгач, қизга рухсат берди. Қиз чиқиб кетгандан кейин Холбойга қаради. — Ўртоқ Холбой, сиз участкавой билан учрашинг. Собиқ ҳамкасбларингиз билан осон тил топишасиз. Сиз, Гулчеҳра, штаб бошлиғисиз.

— Сиз ҳибсхонага, — деди Холбой олдидаги қоғозларни йиғиштираркан.

— Худди шундай.

Шавкат Вали билан танишди. У севган қизи Лобар билан бирга университетда ўқиркан. Онаси ёлғиз тарбиялаган, у онасини жуда яхши кўраркан.

— Онангиз ўлган — ўн учинчи май куни уйингизга кирдингизми? — сўради адвокат.

— Йўқ, кирмадим, — жавоб берди Вали ишонч билан. —

Чунки онам биринчи бўлиб кечирим сўраши керак, деб ўйладим. Тўғри, у мени ёлғиз ўстирди. Лекин энди ёш бола эмасман-ку! Лобарни итдай ҳайдади. Мен ер ёрилса, ерга кириб кетгудай бўлдим.

– Онангизнинг ёнига Лобар борган...

– Агар Лобар дори ичирган бўлса, мен айбдорман! – деди Вали шоша-пиша. – Дадам ўлганда мен беш ёшда эканман. Кейин онам бошқа турмуш қурмади. Онам ҳар доим буни менга эслатиб турарди. Онам мени ҳаммадан қизғанишини билганим учун Лобар билан муносабатимизни яширдим. Унинг телефон номерини ўчириб ташладим. Онам бор нарсамни титкилаб юарди.

– Унда нима учун Лобарни таништиндингиз?

– Онам ўқишимга жуда жиддий қарарди. Лобар ҳомиладорлигини айтиб қолди. Мажбур бўлдим. У "Киришга кўрқаман!" деб туриб олди. Онамни "Ажойиб аёл, мана кўрасиз" деб юқорига судрадим. "Ойи, чиқинг!" деб чақирдим уйга кириб. Онам чиқиб анграйиб қолди. "Ким бу, вой?!" – сўради ҳаяжон билан.

"Бу Лобар. Бир-биримизни яхши кўрамыз!".

"Қанақа Лобар? Ўқишинг нима бўлади?".

Лобар онамнинг авзойини кўриб гапга аралашди:

"Майли, нарсаларингизни олмоқчи эдингиз. Олинг".

"Қанақа нарса? – сўради онам қаҳрдан қалт-қалт титраб. – Ҳали бирор тийин пул топгани йўқ! Бунда нарса нима қилсин?!".

"Ойи, бизнинг боламиз бўлади! Лобар ҳомиладор!" – дедим мен.

"Нима?! Сен, қиз, қаёқдан келгансан ўзи?! Нега боламнинг бошини айлантирасан?! – бақирди онам. – Йўқол кўзимдан, фоҳиша!".

Шунда мен онамни итариб юбордим.

Энди ўйласам, номусдан ёниб кетгудай бўляпман. Ёшлигимда кўп касалга чалинганман. Онам роса докторга қатнаган. Мен бўлмаганимда, онамнинг ҳаёти бошқача

кечармиди? Тушимга кўп кирапти, мени яхши кўрган пайтларидагидай меҳрибон.

"Бу бола ҳеч қачон онасини ўлдиролмайди" деган фикр ўтди Шавкатнинг хаёлидан.

— Онангиз ҳайдаб юборгандан кейин қаёққа бордиларинг? — сўради у мунғайиб ўтирган Валидан.

— Лобар яшайдиган ижара уйга. Хона қуп-қуруқ девордан иборат эди. Лобар ота-онаси юбориб турадиган пулга яшар эди.

— Кейин нималар қилдингиз? Батафсил гапиринг.

— Лобар билан тортишиб қолдик. Пулимиз йўқ эди. Мен икки кун дўкон, фирмалардан иш қидирдим. Бефойда. Тажрибасиз студент ҳеч кимга керак эмасди. Лобар аччиқланиб чиқиб кетди. Мен онамнинг ёнига жўнадим. Ярашмоқчи эдим. Уй тагига бордим. Лекин эркак бошимни эгишга кучим етмади. Онам "Пул сўраб келди" деб ўйлаган бўларди. Кўл силтаб кетаётганимда участкавойни кўрдим...

Икковлари жим қолдилар. Шавкат маълумотларни фикран таҳлил қиларди. Ниҳоят, у бошини кўтариб секин сўради:

— Вали, онангизнинг сиз туғилгунча кечган ҳаётдан хабарингиз борми?

— Ҳм, нима десам экан? — Вали пешонасини тириштириб ўйланди. — Бир минг тўққиз юз етмишинчи йилда туғилган. Институтни битирган. Турмушга чиққан...

— Хўп, майли... Қариндош-уруғлари борми? Тез-тез келиб туришадими? Мабодо улар билан уришмаганмиди? — Валини йўлга солди адвокат.

— Ҳа-а, бу маънодами?.. Бувим бор. Ҳар келганда жанжаллашарди. Гап бир қиз ҳақида кетарди. "Нимага доим ойим билан уришаверасиз? Қанақа қиз ҳақида сўрайверасиз?" деганман бир кун бувимга. Шунда онам оғзимга урган. Кечаси бувим каравотимга келиб ўтирди ва "Неварамни суриштиряпман, болам" деди.

Адвокат қизиқсиниб қолди.

— Қанақа неварга бўлиши мумкин?

— Билмадим. Балки онам қиз ҳам туққандир. Онам бувимга "Бу ишга аралашманг!" дерди.

— Демак, ўша неварани топишимиз керак... Бўпти, сиз кўнглингизни чўктирманг.

Холбой милиция участка нозири хонасига кириб борди.

— Салом...

— Салом. Катта лейтенант Юнусов Абдулла... Сиз терговданмисиз? — сўради нозир кўришишга қўл узатиб.

— Йўқ. Мен адвокатман, — жавоб берди Холбой ўтираркан.

— Ҳе, айлантирманг. Милицияданлигингиз кўриниб турибди-ку.

— Адвокатман. Вали Ғаниев деганни ҳимоя қиляпман. Танийсизми уни?

— Бўлмасам-чи! Онаси ўлган куни уни уйи олдида кўрдим. Терговчига мен айтдим-да. Уларникига бораётсам подъезддан отилиб чиқди...

Онаси кўнғироқ қилиб, ўғли ўлдирмоқчи бўлгани, унга квартираси кераклигини айтганди. Мен ўглининг йўлини тўсдим. "Ҳов, бола, нега онангни эзяпсан?" дедим. У бир балолар деб қочиб кетди. Тепага чиқиб эшигининг кўнғироғини чалдим. Ҳеч ким очмади. Икки кун телефонда кўнғироқ қилдим. Жавоб йўқ. Охири Валининг телефон номерини топиб кўнғироқ қилдим. Онаси йўқолгани, тез етиб келишини айтдим. У келди, бирга квартирага бордик. Ичкарига кириб ўликни кўрдик. Ўзимизникиларга хабар бердим.

Марҳум Жамила икки кун бурун ўлган экан. Мурда танасидан уйқу дори топилган. Шундай дори Вали ижарада турган уйда ҳам бор экан.

Ўғли онасининг ўлиги устида бир томчи ҳам кўз ёши тўкмади. Тошдай қотганча ўз ўйи билан банд эди. Мана, сизга фарзанднинг каромати.

Бўлмаса, йигирма йил онанинг ёлғиз ўзи тарбиялаган, — нозир алам билан қўл силтади.

Адвокатлар фош қилади

- Марҳум шикоят қилди, дедингиз. Аризаси борми?
- Э, йўқ. Кўпинча қизиқ устида шикоят қилишади. Боргунингизча совиб қолишади. Бу ҳам шундай-да.
- Нимага ариза ёзмади экан-а? — сўради Холбой алланималарни чамалаб.
- Менга қаранг, жаноб адвокат! — нозир бирдан қизишиб кетди. — Нега ёзмаганини мен қаёқдан билай! "Ариза ёзинг" деб орқасидан эргашиб юрмайман-ку. Ишим бошимдан ошиб ётибди, ўлгунимча ҳам битиролмайман. Нима иш бўлса, "Участкавой қани, қани?" деб оламини бошларига кўтарди. Участкавой одам эмасми? У ҳам дам олиши, оиласи билан бўлиши керак. Ҳаммасини одамлар учун қиласан. Лекин бирор воқеа юз бериб, "Нимани кўрдингиз?" десангиз, "Сиздан бошқа ҳеч кимни" дейди.

Холбой яйраб кулди ва унинг гапини маъқуллади.

— Ҳаммаси тўғри. Иш асал эмас... Сиз билан "яримта"ни ўртага қўйиб гаплашишимиз керак экан.

— Ҳозир ташкил қилвораман, — деди нозир мамнун.

— Ишдан кейин. Ҳозир бемалол ўтиролмаймиз... Хўп, майли. Вали ҳақида нима деб ўйлайсиз? Онасини ўлдириши мумкинми?

Нозир лабларини қимтиб, қўлларини икки ёнга ёзди.

— Худо билади, — деди кейин. — Кўринишидан юввош, тарбияли. Сирти шунақа.

— Ичи бошқача демоқчимисиз?

— Худди шундай! Биласизми...

— Холбой... Узр, отимни айтмабман.

— Биласизми, Холбой, у подъезд ёнида "Йўқол ҳамманг!" деб бақириб қочиб кетди. Аламзада эди. Ҳозир одамлар ўзгандан кўра ўзиникига кўпроқ ёмонлик қиляпти.

* * *

Шавкат кеча телефонда Жамила туғилиб ўсган туман милицияси бошлиғидан марҳумнинг ҳаёти ҳақида маълумотларни аниқлаб беришни илтимос қилганди. Бугун

эрталабоқ хабар келди. Шавкат гаплашиб бўлдию прокуратурага жўнади.

Прокурор уни хушнуд кутиб олди.

– Муҳим янгилик борга ўхшайди, а? – деди у ва бориб электр чойнак тугмасини босиб қўйди.

– Шундай десак ҳам бўлаверади, – Шавкат кулиб креслога ўтирди. – Сизни қизиқтириб хит қилмай. Чой билан сийлайдиган одамни. Хуллас, Анваржон, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир гумондор шахс чиқиб қолди.

– Ким экан? – Прокурор адвокатнинг ёнига келиб ўтирди.

– Марҳумнинг ташландиқ қизи!

– Сира кутилмаган жойдан бир нималарни ковлаб чиқарасиз-да, ака, – деди прокурор. – Ростдан ҳам кимнинг хаёлига келибди.

– Жамила чақалоқ қизини туғуруқхонага ташлаб кетган экан. Ана шу қиз болалар уйида ўсибди. Ҳозир эса шу ерда яшаётган экан. Яна ким денг! Участкавойнинг хотини! Энди сиздан илтимос, ўша аёл – Замиранинг бармоқ изларини олиб, марҳумнинг уйидаги бармоқ изларига солиштириш керак.

– Албатта, ака! – хитоб қилди прокурор чойнак томон юраркан. – Ҳозироқ ташкил қиламан. Аслида, ака, овқатлангани чиқсак ҳам бўларди.

Шавкат эътироз билдирди:

– Э, қўйинг, кўрганлар "Икковининг тили бир" деб ўйламасин.

– Нима, тилимиз иккитами? Мана, маслаҳатлашиб ишляпмиз-ку... Чойдан ичинг.

Шавкат бир пиёла чой ичиб ўрнидан турди.

Эртаси куни тушдан кейин прокурор Шавкатга қўнғироқ қилиб, етиб келишни сўради. Шавкат прокурор хонасига кириб, бир аёл ўтирганини кўрди. У Замира эди. Шавкат ўтиргач, прокурор аёлни таништирди ва унга қараб гапини давом эттирди:

Адвокатлар фош қилади

– Ҳаммаси виждонингизга ҳавола. Одам ўлди. Бошқа айбсиз одам ҳибсда ўтирибди.

– У болани айбсиз деб ўйлайсизми? – сўради Замира безбетларча.

– Онангизни сиз ўлдиргансиз-ку, нега у бола айбдор бўларкан?

– Бунга ишончингиз комилми?

– Афсуски... Шунинг учун виждонингизга ҳавола қиляпман. Тухмат балосидан аччиқроқ, аламлироқ азоб йўқ.

– Онам мени туғиб ташлаб кетган. Мени чақалоқлар уйдан болалар уйига топширган. Неча йиллар дераза тагида ташқарига тикилиб, бирор киши олиб кетишини интизор кутдим. Кутдим, кутавердим, ҳеч ким келмади. Мени ҳатто уриб дераза тагидан олиб кетишарди. Ана шунда онамни топиб, нимага туғиб жаҳаннамга ташлаганини билиш истаги пайдо бўлди.

– Бу ерга келганингизга анча бўлган. Ҳанузгача онангизни тополмаганмидингиз?

– Йўқ. Онам кимлигини ҳам зўрға аниқладим. Лекин қаерда яшашини билмасдим. Ўша куни эрим ишдан келди. "Кўлингизни ювдингизми?" деб сўрадим. "Ювдим" деди эрим.

"Очқадингизми?"

"Очқадим, чарчадим. Бунинг устига, бир аёл кўнғироқ қилди. Йиғлади-сиқтади".

"Нима дейди?"

"Ўғли ўлдирмоқчи эмиш".

"Нима учун?"

"Ўғли бир қизни севаркан. Онасининг уйида яшамоқчи бўлишибди. Онаси кўнмабди. Шунда ўғли "Ўлдираман" дебди. Кўрдингми, ёшлар қаёққа қараб кетяпти!"

"У аёлнинг исми, фамилияси нима дедингиз?"

"Ғаниева Жамила. Қирқ иккинчи дом, эллик учинчи квартирада яшайди", – деди эрим.

Мен буни шунчаки тасодиф деб ўйладим. Лекин эртаси

куни паспорт столида ишлайдиган танишимнинг олдига бордим. Карточкасини топдик.

Онамни кига бордим. "Чақирингиз бўйича милициядан келдим — дедим. — Ўғлингиз устидан шикоят ёзмоқчимидингиз?" — деб сўрадим.

"Ҳа, ҳа, кинг, кинг! Марҳамат. Келганингиз яхши бўлди. Ўтиринг. Энди чой ичмоқчи эдим", — деди.

"Мана, қоғоз, ёзғич... Туман ички ишлар бошқармаси бошлиғига..."

"Ўғлимни нима қилишади?"

"Чақиртиришади, суриштиришади".

"Яхши. Онага қаттиқ гапириш қанақа бўлишини бир кўриб қўйсин. Биласизми, мен унга бутун умримни бағишладим! Ҳали ёш эдим, турмушга чиқсам бўларди..."

"Ҳа-а... Сиз ёзинг, ёзинг".

"Ўғлимни қамашадими? Майли, қамашсин! Мени итариб юборди. Тиззам қорнимга тегди! Кўкарган жойи бор".

"Бўпти, ҳаммасини ёзинг. Текширамир".

— Дорини қандай бердингиз? — сўради прокурор чидамай.

— Ошхонага чиққанда пиёласига дори солиб чой қўйдим. Келиб ўтирганда пиёлани тутқаздим. Нимага онамни ўзича ўлган, деб ўйлашмади, ҳайронман. Болада айб йўқ. Онасиз қандай яшайди энди? Э, у қанақасига она бўлсин! — Замира бошини чангаллади.

Прокурорнинг ишораси билан уни олиб чиқиб кетдилар.

— Бу аёлга нима керак эди? — деди прокурор афсусланиб.

— Эри бор, иши, уйи бор. Ўч олишми?

— Ҳа, одамни тўлиқ тушуниш қийин, — дея "уф" тортди адвокат.

— Азобли кунлари ортда қолган эди. Болаликдаги баъзи руҳий жароҳат умрбод битмайди. Ичида худди минадай асралади. Бир кун келиб эса портлайди.



Қоғозларни диққат билан кўздан кечириб ўтирган Шавкат бошини кўтарди, ёзғичи билан столни тақиллатиб, ҳамкасблари диққатини жалб қилди.

— Хў-ўш, шариат пешволари! Эртак айтиб берайми?.. Бир бор экан, бир йўқ экан, Собиров Аъзам деган одам бор экан. У ёлғиз яшагани учун зерикиб, ҳар куни ичар, улфатларини бошлаб келиб тўполон кўтараркан. Бундан кўшниси Мажидов Иззатнинг чақалоғи ухлолмай, ота-онасини роса хуноб қиларкан.

Ўша куни ҳам музика овозидан дераза ойналари зириллабди. Чидаёлмаган Иззат кўшнисини тартибга чақириш учун уникига чиқибди. Эшик очиқ экан, ичкарига кирибди. Қараса, кўшниси Аъзам полда чалқанча хириллаб ётганмиш. Маст деб ўйлаган Иззат унинг тепасига борибдию кўрқиб кетибди. Аъзамнинг бўйнига пичоқ урилган, қон шувиллаб оқаётганмиш. Шу пайт эшик очилиб, уй эгаси Аъзамнинг ошнаси Рустам кирибди. У аҳволни кўргач, ташқарига қочиб чиқиб, эшикни устидан қулфлаб қўйибди. Кўшнилари милиция, "Тез ёрдам" чақиришибди.

Кўшни Иззат милиция ушлагунча ошхонада яшириниб ўтирибди.

Мурданинг ёнида ётган пичоқдан Иззатнинг бармоқ излари топилмаган.

Савол: Собиров Аъзамни ким ўлдирган?

— Ҳм, ҳалиги... Дарров бир нарса дейиш қийин, — чайналди Холбой.

— Қайси бирида ўлдиришга асос кўпроқ бўлса, ўша, — деди Гулчеҳра. — Агар кўшни Иззат жиннироқ бўлмаса ўлдирмаган.

— Ҳа, — уни қувватлади Шавкат, — илгари ҳам музикани варанглатишлар кўп тақрорланган. — Гап бундай, оғайнилар. Иш кўлами учовимиз шуғулланишимизга торлик қилади. Холбойнинг ўзига топширсам-чи?

— Майли, — деди Холбой мағрурланиб. — Менга олғами?

— Олға... Шошманг, мен айбланувчи билан учрашдим. Бу ишингизни осонлаштиради. Мана, савол-жавоб варақаси. Батафсил ёзилган.

Холбой савол-жавобларни диққат билан ўқиб чиқди.

"Адвокат: — Ҳеч нарсани яширманг. Аксинча, ёрдам беролмайман.

Иззат: — Яширадиган ҳеч нарса йўқ.

Адвокат: — Хўп, унда ўша кунги воқеаларни гапиринг.

Иззат: — Биз уйда эдик. Хотиним болани ухлатиш билан овора эди. Эшигимиз тагида қаттиқ-қаттиқ овозлар эшитилди. Аъзам ҳамшишалари билан келган эди. Бирпасдан кейин музика овози варанглади. Ичиб олишди шекилли, шовқин тобора кучайди. Қизимиз чирқираб йиғлаб юборди. Охири чидаб бўлмади. Чиқдим. Соат ўн бирлар бўлиб қолганди.

Адвокат: — Гапимга киради, деб ўйладингизми?

Иззат: — Кўпинча кирарди... Унинг эшиги очиқ экан, ичкарига ўтдим. Тўғрида полда Аъзам узала тушиб ётарди. Маст деб ўйлаб ёнига бордим у юрагим шувиллаб кетди. Аъзамнинг бўйнига пичоқ урилганди, қон оқарди. Ёнида пичоқ ётибди. Нима қиларимни билмай, тепасида қотиб тургандим, эшик очилди. Аъзамнинг ошнаси кириб келди. У менга бирпас оғзини очиб қаради-да, ўзини ташқарига урди. Эшикни устидан қулфлади. Мен ошхонада яшириниб ўтирдим. Кейин милиция келиб мени ушлади".

— Яхши, Шавкат ака, — деди Холбой ўрнидан туриб. — Мен марҳумнинг ошнаси Раҳматов Рустам билан учрашаман. Иш жойининг манзили бор экан тергов материалларида.

Автомобилларнинг пулли турар жойи дарвозасидан бериққадаги дарахт тагида қизил кўйлакли, соқоли тиканак бир йигит ўтирарди. Холбой унга яқинлашиб сўради:

— Оғайни, шу ерда ишлайсизми?

Йигит шиша оғзини лабларига босганча бош қимирлатиб тасдиқлади.

Адвокатлар фош қилади

– Менга Рустам керак эди, – деди Холбой.

Йигит шишани пастга туширди ва жавоб берди:

– Менман Рустам... нима, яна милицияданми?

– Йўқ, адвокатурадан. Ўлдирилган ошнангиз Аъзамнинг ишини текширяпмиз.

– Адвокатга бало борми? Жиноятчи аниқ, қамоқда ўтирган бўлса! – норози тўнғиллади Рустам.

– Ҳов, секинроқ, – деди Холбой. – Аъзамни сиз ўлдирган бўлсангиз-чи? Терговни чалғитгансиз. Қўшнисининг жиноятчилиги ҳали исботлангани йўқ... Қани, Аъзамникига қандай бориб қолдингиз?

– Терговчига минг марта гапириб берганман.

– Мен бошқача қулоқ билан эшитаман, – Холбой Рустамнинг ёнига ўтирди.

– Ўша тун сменам эмасди, мен кечаси қоровулликда тураман. Аъзамникига жўнадим. Йўлда танишим Зиёдани учратиб қолдим. Аъзамникига кетаётганимни эшитиб бирга бормоқчи бўлди. Олиб кетдим.

Ошнамникида ичдик, ўтирдик. Кейин Зиёда кетмоқчи бўлди. Уни кузатиб чиқдим. Уни метрогача кузатиб, иккита пиво олиб қайтдим. Аъзамникида ётиб қолмоқчи эдим.

– Неччида қайтдингиз? – сўради Холбой Рустамдан кўз узмай.

– Ҳм... Ҳозир... Соат ўн бирлар чамаси эди. Ўн беш дақиқа уёққа, ўн беш дақиқа буёққа кетган бўлса, дўконда беш дақиқа турдим. Ўн бирдан қирқ беш дақиқа ўтганда қайтиб кирдим уйга. Мабодо ухлаб қолсам, очасан деб калитни берганди. Эшик очиқ экан. Қарасам, Аъзам ётибди. Устида қўшниси энгашиб турибди. Қочиб чиқиб, эшикни устидан қулфладим. Қўшниларни чақирдим...

– Айбланувчи қўшни билан танишмидингиз?

– Албатта. У ҳар доим уйқу бермаяпсизлар, деб жанжал кўтарарди. Милиция чақираман, деб кўрқитарди... Бор гап шу. Яна саволлар борми?

– Бошқа савол йўқ. Фақат Зиёдани қандай топишни тушунтириб берсангиз бас.

Рустам тушунтирди. У бозорда майда-чуйда сотаркан. Холбой уни тез топди.

— Нима берай? — сўради қиз ўзига тикилиб турган Холбойдан.

— Ҳеч нарса, — деди Холбой. — Мен сизга савол бераман. Ўлган Аъзамнинг иши бўйича.

— Яна қандай тушунмовчилик бўлди?

— Сиз Аъзамни қачондан бери танирдингиз?

— Кўпдан бери. Бирга ўқиганмиз. — Зиёда бир харидорга сигарет сотди.

— Фожа юз берган кун ҳақида нималар дея оласиз?

— Нима дейишим мумкин? Гаплашиб ўтирдик. Қарасам, кеч бўлиб кетибди. Тезда транспорт қатнови тўхтади. Кетдим. Рустам метрогача кузатиб қўйди. Кетаётганимда тинчлик эди.

— Соат неччида чиқиб кетдингиз?

— Ўн бирда.

Холбой ҳафсаласи пир бўлганча терговчига гувоҳлик берган кўшни Ризвон хола билан учрашиш учун айбланувчи ва марҳум яшаган уй томон жўнади. Ризвон хола эшиклари зинапоя майдончасига қараган хонадонлардан бирида яшар экан. Эшикни очган холага Холбой ўзини таништирганди, зерикиб ўтирганиданми, у хурсанд бўлганга ўхшади. Адвокат ёрдамчисини ичкарига таклиф қилди.

— Одамнинг ўзи бошига бало орттириб юради, — деди у ошхонадаги столга ўтирганларидан кейин. — Оила қурса, ёлчители ишласа, Аъзам туппа-тузук йигит эди. Йўқ, бугунги куним ўтса бўлди, тарзида яшади. Бунақа яшаш осон эмас, болам. Ёлғизлик фақат Худога ярашади. Аъзам ҳар куни, кунора ичарди, турли одамларни бошлаб келарди. Ичиб олиб тўполон кўтаришарди. Подъезддагиларнинг ҳаммасини бири-бирига таништирди у. Аъзамнинг устидан шикоят ёзишимиз бизни бирлаштирди. Саломлашадиган бўлдик.

— Фақат қамоққа олинган кўшни Иззатнинг хотини бизга қўшилмасди, — Ризвон хола овозини пасайтириб, оғзини

Адвокатлар фош қилади

Холбойнинг қулоғига яқинлаштирди. — У Аъзам билан "дон олишиб" юрарди, ҳа.

— Ростданми?! — Холбой ҳайратланди.

— Ҳа. Неча марта Аъзамникидан сочлари тўзғиб чиқаётганини кўрганман. Ҳомиладор бўлгандан кейин югурмай кўйди.

— Хола, фожаия юз берган кунинималарни кўрдингиз? — сўради Холбой.

— Ўша кунини Аъзамникига бир йигит билан бир қиз келди, халта кўтариб. Ичиб олганларидан кейин музикани шунақанги варанглатишдики, деворлар титраб кетди. Эшик "кўзча"сидан қарадим. Аъзам бир аёл билан ташқарига чиқди. Улар алланимани тортишдилар. Аъзам "Сен менга керак эмассан!" деб қаттиқ сўқинди.

— Бошқа ҳеч нарсани кўрмадингизми? — сўради Холбой.

— Йўқ. Кеч бўлгани учун дори ичиб ётдим, — деди Ризвон хола.

Холбой эртаси кунини ишхонага шалвираб кириб келиб, стулга ўзини ташлади. Кайфияти расво эди.

— Ҳа, Холбой, сувга пишилган товукдай шумшайиб қолибсиз? — сўради Шавкат кулиб.

— Иш пачава! — Холбой алам билан қўл силтади. — Фақат мижозимизга қарши далиллар топдим холос. Марҳум Аъзам айбланувчининг хотини билан кирди-чиқди қиларкан. Бу айбланувчи Иззатнинг жиноятга қўл уришига асос-ку.

— Худди шундай. Лекин Зиёдада бундан салмоқлироқ асос бор. Хафа бўлманг, Холбой дўстим. Мана, энди судга тайёрмиз, десак ҳам бўлаверади.

* * *

Судда Шавкат Аъзам билан Зиёда бирга ўқиган коллеждаги курс раҳбари Меҳриниса Шокировани гувоҳликка чақиришни сўради. Сўров қондирилди.

— Аъзам билан Зиёда бизнинг коллежда бирга ўқиган, — гап бошлади гувоҳ. — Аъзам коллежни битирди, Зиёда ташлаб

кетди. Зиёда қобилиятли ўқувчи эди. Аъзам билан ошиқ-маъшуқ бўлгандан кейин айнади. Аъзамнинг шохдан-шоҳга кўниб юрадиганлар хилидан эканини билардим. Шунинг учун Зиёдани қайтармоқчи бўлдим. Лекин унинг боши айланиб қолган эди, кулоқ солмади. Кейин Зиёда ҳомиладор бўлиб қолди. Аъзам "Аборт қиласан" деб туриб олди. Зиёда жуда қийналди. Докторлар зўрға асраб қолишди. Зиёда ярим йил ўқишга келолмади. Касалхонада ётди. Охири барибир ўқишни ташлаб кетди. Аъзам ўқишни битирди. Аммо университетга киролмади.

Прокурор норози бўлиб эътироз билдирди:

— Бу гапларнинг ишга нима алоқаси бор?

— Зиёдада ҳам Аъзамни ўлдиришга асос, сабаб судланувчиникидан кам эмаслигини исботламоқчиман... Ҳурматли судья, энди Зиёда Раҳматуллаевани гувоҳликка чақирсак.

— Марҳамат, Раҳматуллаева, минбар ёнига келинг, — деди судья.

— Гувоҳ, сиз соат ўн биру йигирма минутда уйингизга кўнғироқ қилгансиз, тўғрими? — сўради адвокат.

— Ҳа, опамга кўнғироқ қилдим, "кутиб ол" дедим, — жавоб берди Зиёда титраб.

— Бу пайтда Рустам пивога кетган. Сиз Аъзам билан ёлғиз қолгансиз, шундайми?

— Тўғри. Ёлғиз қолганимизда Аъзам мени диванга ётқизмоқчи бўлди. Шунда чиқиб кетдим. Кейинчалик Аъзамнинг ўлганини эшитиб, Рустамдан "Бирга кетганмиз" дейишини илтимос қилдим.

— Демак, соат ўн бир — ўн бирдан йигирма дақиқа ўтгунча Аъзам билан бирга бўлгансиз. Рустам ўн беш дақиқа пивога кетган.

— Ҳа, — тасдиқлади Зиёда. — Мен чиқиб кетдим. Йўлда Рустамни учратмадим.

— Нима учун аввал ёлғон кўрсатма бердингиз? — сўради адвокат.

Адвокатлар фош қилади

Зиёда кафтлари билан юзини ёпиб йиғлаб юборди.

— Ёмон бўлиб кетяпман! Ташқарига чиқсам майлими? — деди кейин елкалари силкиниб.

— Ўтиринг, гувоҳ, — деди судья. — Сув беринглар.

Шавкат ўрнидан туриб, судьяга мурожаат қилди:

— Ҳурматли судья, гувоҳ Раҳматов Рустамни, қайта сўроқ қилинишини сўрайман.

— Талаб қондирилади. Гувоҳ Раҳматов, минбар ёнига келинг.

Раҳматов минбар ёнига келиб, кўзларини пирпиратиб турди.

— Гувоҳ Раҳматов, ўша куни қай аҳволда кўчага чиқиб кетдингиз? — сўради адвокат. — Ёлгон кўрсатма учун жиноий жавобгарликни унутманг.

— Қарасам, Аъзам билан Зиёда бир-бирига имо-ишора қиляпти. Ортиқчалигимни сезиб, нима қиларимни билмай тургандим, Аъзам "Бор, пиво олиб кел" деди. "Ухлаб қолсам, очасан", деб эшик калитини берди. Чиқиб кетдим. Ошнамнинг кайфиятини ломат қилиш яхшимас-да. Қайтиб келсам, ўша аҳвол... Зиёда эртаси куни олдимга келиб, "Бирга кетганмиз" дейишимни илтимос қилди.

— Бошқа саволлар бўлмаса, ўтиринг, — рухсат берди судья.

— Ҳурматли судья, — деди адвокат. — Мана, жиноятга гувоҳ Раҳматуллаевадаги асос, сабаб менинг ҳимоямдаги Иззат Мажидовникидан кўпроқ. Аъзам Собировга пичоқ уриш учун Раҳматуллаевада асос ҳам, вақт ҳам бўлган.

Ҳурматли судья, ҳимоямдаги Собировни оқлашингизни сўрайман.

Хуллас, иш қайта терговга юборилди.

Залдан чиқарқанлар, Шавкат Холбойнинг қўлини сиқди.

— Табриклайман ютуқ билан, — деди у кулиб.

— Раҳмат, — деди Холбой мамнун. — Энди бундан баттарроқ ҳаракат қиламан. Хув, анаву кафега кириб ювамиз яхшилаб, ютуқ хафа бўлмасин.



Бир пайтлар гоҳ экин экилиб, гоҳ экилмай, ҳавонинг рафтига қараб ҳосил берадиган бу ерлар фермерлик хўжаликларига айлангач, яшнаб кетди. Илгари чангал, янтоқ, ёввойи ўтлар ўрнига турди экинлар бош кўтарди. Даланинг бир томони кўтарила бора-бора охири кўкка тутшиб кетувчи қирга, бошқа томони тўқай ва кичкина қўлга тақалар эди. Фермер хўжаликлари ташкил қилингандан кейин бу ерларда ҳам тураржойлар, хўжалик бинолари, йўллар, ариқлар пайдо бўлди.

Мана шундай жойда кутилмаган фожиа юз бериши саратонда тўсатдан қор ёғишига қиёс эди. Фермерлардан бирини кимдир ов милтиғидан отиб ўлдирди, қизини ярадор қилди. Икки марта отилган ўқ овозини эшитган ўрмон хўжалиги назоратчиси ким ов қилаётганини билиш учун шошилди ва ерда ётган ота-боланинг жасади устидан чиқиб, милицияга хабар берди...

Фермер Ўрозбой Маҳмудов ҳалок бўлди, яраланган қизи тирик қолди. Жиноятда ферма ишчиси Эшбеков Абдувоҳиддан шубҳа қилиниб, у ҳибсга олинди.

– Дадам билан ҳар доим дам оладиган жойимиз – жилга бўйига боргандик. Гаплашиб тургандик, дадам бу ерга сиҳаттоҳ қурилса, қандай яхши бўлишини гапирётганди. Бирданига қаттиқ зарба урилди. Нима бўлганини тушунмадим, хушимдан кетдим. Кўзимни очиб милиционерлар, дўхтирларни кўрдим. Дадам йўқ эди. У ўлди, дейишди. Кимдир отибди, – деди қиз терговчига.

– Айбланувчи Эшбеков билан дадангизнинг муносабати қандай эди? – сўради терговчи.

– Кейинги пайтларда оралари жуда ёмон бўлиб қолганди, – жавоб берди Мавлуда.

– Фожиа юз берган куни у дадангиз билан жанжаллашдимиз?

– Ҳа. Дадамнинг ундан қаттиқ жаҳли чиққанди.

– Жанжал сабабидан хабарингиз борми?

– Аниқ айтолмайман, аммо дадам унга жарима солганди.

Адвокатлар фош қилади

Маош бермаганди, бензинни беҳуда исроф қилгани учун.

– Дадангизнинг душманлари йўқмиди мабодо?

– Йўқ, унисини билмайман.

Шу билан савол-жавоб тугади. Терговчи қўшни фермер Бердиев Аҳмадни сўроқ қилди. Чунки у фожиа содир бўлган куни айбланувчини воқеа жойида кўриб қолган экан.

– Айбланувчи ҳақида нималар дея оласиз?

– Биласизми, Абдувоҳид фермер ўлдирилишидан бир кун аввал ёнимга келди, – жавоб берди Аҳмад фермер. – Шофёрликка ишга олишимни сўради. Мен рад қилдим.

– Марҳум билан муносабатини айтдими?

– Ҳа. Ўрозбой қон қилиб юборганини айтди. Ишдан бўшатмоқчи экан.

– Фожиа юз берган куни айбланувчини кўрдингизми?

– Кўрдим. Туман марказидан қайтаётгандим. Йўлни қисқартириш учун фожиа бўлган томондан юрдим. Дарахтзорлардан бир неча ўқ овозини эшитдим. Сал ўтиб ўша томондан Абдувоҳид югуриб чиқди. Юзидан бир бало қилгани кўриниб турарди. Милтиғи бор эди.

* * *

Хонада ҳамма жим бўлиб қолганини кўрган Гулчеҳра бир кулиб олиб гап бошлади:

– Кеча бозорда бир кекса одам ёмон боплади-да мени. Қалампир олмоқчи эдим. Сотувчи қариядан "Қалампирингиз аччиқми?" деб сўрабман. "Уч томони чучукроқ, тубига борган сари аччиқлашади. Куруқ ўзини есангиз, аччиқ, овқатга қўшиб есангиз, чучук. Битта есангиз чучукроқ, кўп есангиз – заҳар" дейди.

Холбой хохолади, Шавкат илжайди ва деди:

– Дўконга кириб, "Шакарингиз ширинми?" деб ҳам сўрамабсиз.

– Сотувчиси чиройли бўлса, мен сўрайман, – деди Холбой.

– Кеча прокурор "Бир келиб кетинг деганди..." – Шавкат энди ўрнидан турмоқчи эди, эшик очилиб жинси шим ва кофта кийган қиз кўринди.

– Мумкинми? Менга адвокат керак эди, – деди у ўтирганларни бирма-бир кўздан кечираркан.

– Келинг, келинг, – Шавкат қўли билан уни ёнига имлади. Қиз кўрсатилган жойга ўтириб, чуқур нафас олди.

– Бошимга оғир кунлар тушди, – деди кейин ҳазин овозда.

– Нима бўлди? Бир бошдан гапириб беринг-чи.

Қиз тутилиб-тутилиб юқоридаги воқеаларни ҳикоя қилди.

– Дадамни Абдувоҳид ўлдирганига ишонмайман, – давом этди Мавлуда. – Гап шундаки, кеча дадамнинг хонасидан бир хат топиб олдим. Менинг "Агрономия" деган катта китобимнинг ичига тиқиб қўйган экан. Мен институтда агрономликка ўқийман. Хатнинг мазмуни мен билган хатникидан бошқача. Бир неча йил аввал дадам васиятнома ёзган эди. Унда "Ўлганимдан кейин меросим тенг иккига – хотиним Дилнавоз ва қизим Мавлудага бўлинади" дейилганди. Бу мутлақо бошқа васиятнома. Ўлимидан икки ҳафта аввал ёзилган. Янгисида мероснинг ҳаммаси менга тегиши айтилган. Ҳозирги хотини менга ўғай она. Ўз онам беш йил бурун касал бўлиб вафот этган.

– Нимага бу ҳақда сизга айтмади? – сўради Шавкат.

– Билмадим... Кейинги пайтда ишимиз унча юришмай қолганди. "Хўжалигингизни менга сотинг" деб тиқилинч қилиб юрган қўшни фермер дадамнинг оёғидан тортаверди шекилли, синдириш учун. Жуда ёмон одам дейишади уни. Дадам ҳосилини сотишга қийналиб қолганди... Яқинда ўғай онам "Бўлди, етиб келдик. Токни узишаркан, қарзимиз кўпайиб кетибди!" деди чапак чалиб.

"Электр тармоғидан айтишдимиз?" – деб сўрадим.

"Ҳа... Биласанми, Мавлу, бу ой даромадимиз ноль бўлди. Хўжалигимиз ўляпти!"

"Бирор нарса қилиш керак. Кредит олиш зарур. Фермерлар учун имкониятлар катта".

"Менга қара, Мавлу, қулоғимизгача қарзга ботмасимиздан ҳаммасини сотиб, бахтли яшашимиз керак", – деди Дилнавоз қатъий.

Адвокатлар фош қилади

"Қанақасига сотиш, опа! Мен кичкина эдим, бу ерларни тартибга келтиргунча дадам тиш-тирноғи билан ишлади ахир!".

"Жоним, Мавлу жоним, буларни кўп эшитганман. Тушунсанг-чи, ялинаман, ёлвораман, ҳақиқатнинг кўзига тик қараш керак! Сотамиз!".

"Кимга?".

"Аҳмад фермер эртагаёқ пул тўлашга тайёр!".

"Йўқ, йўқ!".

Балки Аҳмад фермер мени отгандир? Мени ўлдирмоқчи бўлгандир?

– Айбланувчи ҳозир қаерда экан-а? – сўради Шавкат.

– Вилоят марказидадир-да, – жавоб берди Мавлуда гапи ерда қолмаётганидан қувониб.

– Сиз ҳозир жўнайсизми? Бирга кетамиз. Аввал айбланувчи билан учрашишим керак.

Ҳибсхонада айбланувчи Абдувоҳидни Шавкатнинг ёнига олиб киришди. Адвокат ўзини таништирганда Абдувоҳиднинг кўзлари чақнади.

– Ҳайрият, мен – етимни эслайдиган одам ҳам бор экан, – деди ўксиниб.

– Раҳматни Мавлудага айтасиз, – деди адвокат илжайиб.

– Унинг яхши қиз эканини билардим. Адашмабман. Мавлуданинг ўзи қалай?

– Дуруст. Эгилмаган, синмаган... – Адвокат папкасини очди.

– Сиз билан ишлашимизга тўғри келади.

– Мен айбдор эмасман, ака, ўлай агар! – хитоб қилди Абдувоҳид.

– Билиниб турибди, – уни маъқуллади Шавкат. – Шунинг учун ёрдам бермоқчиман.

– Тасодифларнинг тўғри келиб қолганини қаранг!

– Тўғри келиб қолган эмас, тўғрилашган... Хўш, хўжайинингиз билан жанжал нимадан келиб чиқди?

Абдувоҳид бирпас ўйлагандай бўлди-да, адвокатга қарамай жавоб берди:

– Ўша куни қизи билан гаплашиб турувдик. Мавлуда янги олинган тўрт гилдиракли мотоциклни минишга ўргатишни илтимос қилаётувди. Хўжайин келиб қолди. "Сен бола, Мавлудадан узоқроқ юр! Кимсан ўзи?" деб ўшқирди. Жуда жаҳлим чиқди. Хўжайинга дўқ ҳам урдим. Шундан бошланди қилдан қийиқ ахтариши. "Бензинни исроф қилгансан" деб маош бермади.

"Нега менга маош ёзмадингиз?" – деб сўрадим.

"Ҳеч қанақа маош бўлмайди! Айтдим-ку, бензинни ортиқча сарфлагансан! Ёқмаса, тўрт томонинг қибла!" – деб бақирди у.

Аламимдан чиқиш учун овга жўнадим.

– Нима учун айнан Ўрозбой ўлдирилган жойга бордингиз?

– Ҳар доим ўша ерда қуён овлайман, – Абдувоҳид афсусланиб бош чайқади. – Қуёнга ўқ отдим.

– Тегдими?

– Йўқ, узоқ эди – юз, юз эллик метрлар чамаси... Бутазордан чиқаётиб "Жип" машинасини кўрдим. Машина Аҳмад фермерники. У хўжайиним билан чиқишмас эди. У ерда нима қилиб юрган экан, билмадим.

Бир куни хўжайиннинг Аҳмад фермер билан тортишаётганини эшитиб қолдим.

"Нимага менинг мижозимни тортиб олдинг?!" – деди хўжайин.

"Буни бизнес дейдилар. Олгани олганники, – жавоб берди Аҳмад фермер бамайлихотир. – Ерингни менга сот. Ҳамма муаммонг ҳал бўлади".

"Бу ерларни мен эпақага келтирдим. Бировга бериб бўпман! Хомтама бўлма!".

"Сени янчиб ташлайман. Менинг ресурсларим кўпроқ".

"Нима ишлар билан шуғулланишингни биламан. Тегишли жойга хабар қилишим мумкин".

– Бардошли бўлинг, – деди адвокат ўрнидан тураётиб.

– Раҳмат, ака! – Абдувоҳид соқчи кузатувида чиқиб кетаркан Шавкатга умид билан кўз тикди.

Эртаси кунги Гулчехрани Мавлуда вилоят марказида кутиб олди. Икковлари Мавлуданикига жўнадилар.

Улар дарвозадан ўтишлари билан ўгай она Дилнавоз қаршиларига югуриб келди.

— Вой, келганинг яхши бўлди! — хитоб қилди у Гулчехра билан кўришаркан. — Аҳмад фермер кирмоқчи эди. Сенсиз унга нима ҳам дея олардим... Майли, кейин гаплашамиз. Ёнингдаги ким?

— Гулчехра опа, бирга ўқиймиз. Фақат бу киши аспирантурада, — жавоб берди Мавлуда.

— Кириг, кириг! Ўзингизни уйингиздагидай билинг.

Ҳаммалари айвондаги сўрига ўтирдилар. Лекин уй бекаси чой қўйиш учун дарров ўрнидан турди. Мавлуда Гулчехрага "Кўрдингизми?" дегандай у томон имо қилди. Дилнавоз қайтиб келаркан, Гулчехрага қараб гапирди:

— Мана, меҳмон, шундай катта хўжалик иккита ожизага қолди, эшитгандирсиз. Буни қандай бошқарамиз? Сотиш керак, деяпман.

Мавлуда қаддини кўтариб, қичқирди:

— Ҳеч қачон сотилмайди! Ернинг ҳар қаричига дадамнинг пешона тери томган!

Дилнавоз сўри ёнига келиб, қўлини силтаганча Мавлудани кўндиришга уринаркан, Гулчехра ўзини қўллашینی хоҳлар эди.

— Хўжаликни сотиб, пулини банкка қўямиз. Шаҳардан алоҳида-алоҳида квартира сотиб оламиз. Бу ерда лой, тупроққа ботиб юрасанми? Эркаклар эплолмаган иш сенинг қўлингдан келадими?

— Мен рози эмасман, менинг розилигимсиз ҳеч қачон сота олмайсиз. Беҳудага жағингизни чарчатманг! — эътироз билдирди Мавлуда. — Бу гаплар жонимга тегди! Туринг, Гулчехра опа, Жилға ҳовузни айланиб келамиз. Кўрасиз ерларимиз қандай чиройлилигини. Сотармиш!

Мавлуда сўридан тушиб Гулчехранинг қўлидан тортди. Ортларидан Дилнавоз бобиллаб қолди:

— Аҳмад ака келиши керак! Гаплашардик!

Гулчеҳра билан Мавлуда фожа содир бўлган жойга бориб машинадан тушдилар. Манзара ниҳоятда дилтортар эди. Юқоридан чоғроққина зилол сувли жилға оқиб тушиб ҳовузга айланарди. Унинг атрофини турли дарахт, бута, ўтлар қоплаган, қушларнинг чуғур-чуғури атрофни тутиб кетганди. Ўнг томондаги қамишзорни шабада шувиллатарди.

— Ҳа, чиройли жойлар экан! — Гулчеҳра намхуш ҳаводан симириб нафас олди.

— Мана шу ерда тургандик, — эслади Мавлуда. — Ҳаммаси шундай тез юз бердики, ҳеч балони англаганим йўқ. Кейинчалик терговчи ўқ қамишзор томондан отилганини айтди... Мен...

Шу пайт қаёқдандир ўқ узилди. Гулчеҳра беихтиёр бошини эгиб Мавлуданинг қўлига ёпишиб судраб кетди.

— Мавлуда, машинага!!! — қичқирди у.

Улар машинада қочиб борарканлар, Гулчеҳра Шавкатга қўнғироқ қилиб, воқеани айтди. "Бўлди, ишни тўхтатиб, орқага қайтинг!" деди Шавкат.

— Мен фожа жойига кетганимиздан ким хабардор эди, деб ўйлаяпман. — Мавлуда машина тезлигини оширди.

— Ким бўларди, ўғай онангиз. Унинг ёнига Аҳмад фермер бормоқчи экан. Ана, ўшанга айтган, — тахмин қилди Гулчеҳра.

Мавлуда ҳовлига "Опа, опа"лаб қаттиқ қичқириб кириб борди. Ичкаридан сочи тўзғиган Дилнавоз чиқиб келиб, Мавлуданинг вазоҳатидан кўрқиб кетди.

— Ҳа, тинчликми? — сўради у ранги оқарганча.

— Бизнинг Жилғаҳовузга кетганимизни ким биларди?! — сўради Мавлуда ўғай онасининг ёқасидан олгудай бўлиб.

— Аҳмад фермер келувди. Ўшанга айтдим. Нима бўлди ўзи?

— Бизга ўқ отишди! — деди Гулчеҳра. — У билан нималарни гаплашдингиз? Фақат ростини айтинг!

— Сиз нимага бизнинг ишга аралашяпсиз? — Дилнавознинг жаҳли чиқди.

— Кейин биласиз!

– Хўжаликни сотишни сўради. "Ҳамма муаммоларинг ҳал бўлади", деди. "Мен розиман, лекин хўжаликнинг ярми Мавлуданички", дедим. Сизларни қаердан топиш мумкинлигини айтдим. У дарров чиқиб кетди.

– Бизни отгани борган-да!

– Кўрқитгани, – деди Дилнавоз. – Ростдан отса, ҳозир бу ерда турмасдингиз, – аёл юзини тескари ўгирди.

Гулчеҳра шахд билан кўчага чиқди ва машинасига ўтириб, милиция бўлимига йўл олди.

Холбой Шавкатнинг топшириғи билан Аҳмад фермерниқига келди. У баҳайбат дарвозадан мўралаб, ҳовлида иккита одам гимирлаб юрганини кўрди.

– Хўжайин борми? – сўради улардан. Бир киши кираверишдаги хонани кўрсатди. Холбой бориб эшикни тақиллатди. "Ҳа, киринг" деган овоз эшитилди.

Холбой ичкарига кириб салом берди. Хонтахта ёнида ўтирган барваста киши сал қимирлаб, эринибгина кўришгани қўл узатди.

– Уруғ, янги ўғит таклиф қилмоқчимисиз? – сўради у.

– Йўқ, менда бошқа товар бор. Фермерлар уюшмасиданман, – жавоб берди Холбой. – Маклер.

– Шундайми? Қани, ўтиринг-чи. Хўш, қандай таклифингиз бор? – Аҳмад фермер кўкрагини бир оз кўтарди.

– Сиз ростдан ҳам Ўрозбойнинг ерларини сотиб олмоқчимисиз? – сўради Холбой.

– Тўппа-тўғри. Шундай таклиф қилганман... Қани, бир қўлдан олайлик аввал. – Аҳмад фермер пиёлага ароқ қуйиб узатди. Ичдилар.

– Нимага?

– Гап шундаки, унинг иши унчалик юришмаётганди. Ортиқча ташвишлардан қутқармоқчи эдим.

– Ҳозир хотини билан музокара олиб боряпсизми?

– Ҳа.

– Хотини дарров "хўп" дегандир, қўрқиб қолган бўлса, – Холбой айёрона кўз қисди.

– Нимага қўрқаркан? – Аҳмад фермер хушёр дортди.

– Бошига эрининг куни тушмаслиги учун-да, – деди Холбой пинагини бузмай.

– Ҳов, огайни, кимсан ўзи? – Аҳмад фермер олдинга интилиб бўйнини чўзди. – Нима, мен билан ўйнашмоқчимисан?! – У орқасидаги деразани очиб қичқирди:

– Шеркўзи!!!

Тезда хонага икки оёқли ҳўкизсифат одам кириб келди.

– Чақирдингизми, хўжайин?

– Манаву маклернинг кимлигини ўзига танитиб қўй! – буюрди маст Аҳмад фермер. – Маклер!

Ҳўкизсифат тарванглаб Холбойнинг тепасига келди ва бошига мушт урди. Холбой ёнбошига йиқилди. Ҳўкизсифат уни қўлтиғида кўтариб чиқиб кетди ва деразасиз хонага олиб кириб, қўлларини боғлаб ташлади.

Холбой қоронғу хонада анча вақт беҳуш ётди. Ниҳоят, ҳушига келиб, кўзини очганда эшик ёнида Аҳмад фермернинг ўзига милтиқ ўқталиб турганини кўрди. Ҳўкизсифат хизматкор уни яна урмоқчи бўлганди, фермер тўхтатди. Хизматкор кўтарган қўлини туширди ва ўшқирди:

– Гапирасанми, йўқми, ифлос?!

– Бўлди қил, Шер! – буюрди фермер. – Қўлини еч. Нақ пешонасини мўлжаллаб турибман... Хўш, маклер, охириг имконият! Ким юборди сени?! Ҳозир нариги дунёга жўнатаман!...

Шу пайт тўс-тўполон бўлиб кетди. Милиция ходимлари бостириб кирдилар. "Деворга ўгирил! Қўллар бош орқасига! Оёқларингни кер!" деган буйруқлар янгради.

– Хўш, Аҳмад фермер, – деди Холбой унга яқинлашиб. – Энди суҳбатни бошқа жойда, аниқроғи терговчининг хонасида давом эттирамиз-да!

– Хўжаликдаги ҳамма баракларни текшириб чиқиш керак, – деди тезкор гуруҳ бошлиғи. – Қанақа одамлар яшаяпти экан?

Адвокатлар фoш қилади

Аҳмад фермер билан Шерқўзини машинага ортишди. Бир пайт Холбой машинасида келиб тўхтаган Гулчеҳрани кўриб қолдию шошиб қаршисига юрди. Гулчеҳра ҳамкасбининг аҳволидан кўрқиб кетди.

— Бутун юзингиз қон-ку! Нима бўлди шунчалик?! — ҳитоб қилди у.

Холбой кўл силтади.

— Бандитлар ўқи, — ҳазиллашди кейин.

— Ҳа, Холбой, Мавлуда билан ўгай онаси уйида йўқ! — ваҳима қилди Гулчеҳра. — Бир балога учрамасин ишқилиб! Тез қидириш керак!

Холбой "тушундим" маъносида бош ирғаб, тезкор гуруҳ бошлигининг ёнига борди.

— Ўртоқ капитан, иккита ходимингизни қолдирсангиз. Ўлган Ўрозбойнинг хотини билан қизи йўқ эмиш.

— Албатта, — деди капитан. — Кўчқоров, Сафаров, сизлар қолиб, йўқолганларни қидирасизлар.

Милиция машиналари бирин-кетин жўнаб кетди. Холбой ариқчадан юзини ювиб келди.

— Хўш, қидиришни қаердан бошлаймиз? — сўради у.

— Уйлари атрофидан, — жавоб берди Гулчеҳра. — Зап вақтида етиб келишдими милиционерлар?

— Вақтида бўлганда қандоқ! Фермер мени нариги дунёга жўнатмоқчи эди. Милтиқ ўқталиб турганди... Қандай қилиб вақтида етиб келишди?

Гулчеҳра мамнун жилмайди.

— Мен милиция бўлимида эдим. Дарвоқе, фожа жойида бизга ҳам ўқ отишди.

— Йўғ-е! — деди Холбой ҳаяжонланиб.

— Ҳа. Шунинг учун милиция бўлимига боргандим. Шавкат ака сизнинг йўқолганингиз, телефонга жавоб бермаётганингизни айтди. Мен буни капитанга тушунтирдим. Шу заҳоти йўлга чиқдик. Мавлуданинг уйи ёнига етганимизда, кўнглим нотинч бўлиб, хабар олгани кирдим. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди.

– Тушунарли, – деди Холбой ва милиционерларга қаради.
– Қани, кетдик, йигитлар!

Ҳақиқатан ҳам Мавлуданинг ҳовлисида жимжитлик ҳукмрон эди. Милиционерлар хоналарни бирма-бир текширдилар, омборхонани кўздан кечирдилар. Шундан сўнг кўчага чиқиб, ҳамма ҳар томонга тарқалди.

Улар қаёққа юришларини билмай беихтиёр дайидир эканлар, олисдан аёл кишининг овози эшитилиб қолди. Ҳамма бараварига ўша томонга бурилди. Яқинроқ бориб, икки аёл ва бир эркак қаттиқ баҳслашаётганини кўришди. Қўл силтаб ўшқираётган аёл Дилнавоз эди.

– Афсус, минг афсус! – дея захрини сочарди у. – Даданг васиятномани ўзгартириб бекор қилган! Энди масалани мен ҳал қилишим керак! Менга пул керак!.. Хўп, сенга охириги имкониятни бераман! Ҳозир васиятномадан менинг фойдамга воз кечасан!

– Бор, тошингни тер! – деди Мавлуда қаҳрланиб. – Жўна шаҳрингга, ўша ерда билганингни қил!

– Меросдан воз кеч, бўлмаса пушаймон ейсан!

Мавлуданинг юзи нафратли буришиб, бош чайқади.

– Шундай қилгани уялмайсанми?! Ахир, дадам сени яхши кўрарди. Демак, уни сен ўлдирган бўлиб чиқяпсан! Кимсан ўзи?! Жирканч маҳлуқсан!!! Ифлоссан!!!

– Меросдан воз кеч! Охириги марта сўраяпман!!! Воз кечасанми?! Начора, Алик, гумдон қил уни!!!

– Учгача санайман! – қўлида пичоқ ушлаган Алик деган эркак Мавлудага яқинлашди.

– Воз кечасанми?!

Шу пайт милиционерлардан бири Аликнинг ўнг кулогига чунон урдики, у икки метрга отилиб, думалаб кетди. Гулчеҳра югуриб бориб Мавлуданинг қўлини ечди. Аликнинг қўлига кишан солишди.

Кейин маълум бўлишича, Алик бир бойваччанинг арзандаси экан. У тез-тез Аҳмад фермерникига ов ва маишат учун келаркан. Шундай кунларнинг бирида Дилнавоз билан

Адвокатлар фош қилади

танишган, фермер хўжалигини пуллашга аҳд қилишган экан.

Ўрозбой фермерни ким отганини аниқлашнинг иложи топилмади. Аммо қотилликка алоқаси бўлиши мумкин деб гумон қилинганларнинг ҳаммаси тегишли жазосини олди.

Абдувоҳид озод этилди ва Мавлуда икковлари хўжаликни бошқара бошладилар.



Суд мажлисида прокурор айблов мазмунини баён қила бошлади:

— Ҳурматли суд, 1 июнь 2012 йил, соат йигирма учда гаражлар орасидан мактаб ўқувчиси Тоҳиров Абдуҳошимнинг жасади топилди. У кўкрак қисмига пичоқ санчилишидан ўлган. Жиноятда гумондор сифатида мархумнинг синфдоши Умиров Бобур ҳибсга олинди. Судланувчининг уйи тинтув қилинганда Тоҳировнинг мобил телефони топилди. Бундан ташқари, судланувчининг куртқасида қон доғлари бор. Дастлабки тергов пайтида судланувчи Тоҳировнинг телефонини тортиб олиш учун гараж ёнида пойлаб тургани аниқланган. Аммо Тоҳиров қаршилиқ кўрсатган. Олишув вақтида судланувчи Тоҳировга пичоқ урган. Шундан сўнг у телефонни олиб, воқеа жойидан яширинган.

— Сўз жабрланувчига берилади, — деди судья.

— Мен ўлган Абдуҳошимнинг онасиман, — дея гап бошлади минбар ёнига келган ўрта ёшлардаги аёл.

— Биринчи июнь кечқурун бўлган воқеаларни айтиб беринг, — деди прокурор.

— Ўша куни мен ўғлимдан айрилдим. Уни ўлдиришди. Ишда ушланиб қолиб, соат тўққизларда уйга қайтдим. Ўғлим кўчани айланиб келмоқчи бўлди. "Майли, кун бўйи имтиҳонга тайёрланган" деб ўйладим. "Соат ўн бирда уйда бўламан" деди у. Ўғлим аълочи эди.

— Ўғлингиз мобил телефонини олиб кетдимиз?

— Ҳа. Туғилган кунига совға қилгандим. Қуриб кетсин ўша

телефон! Қайтага йўқотиб қўйганда яхши бўларди. Мен аҳмоқ қимматини қидирибман.

Ўғлим айтган вақтида уйга қайтмади. Роса қунғироқ қилдим. Жавоб бермади. Шундан кейин эрим итимизни айлантиргани олиб чиқиб кетди. Ўғлимнинг жасадини эрим кўриб қолган. Бошқа нима бўлганини билмайман.

Савол бериш навбати адвокатга келди.

— Ўғлингиз билан янги эрингизнинг муносабати қандай эди? — сўради Шавкат.

— Бинойидай эди, — жавоб берди она. — Май ойининг охирида эрим ўғлимга мотороллер совға қилди.

Сўроққа ўлган Абдуҳошимнинг ўғай отаси Жасур Воҳидов чақирилди. Кейин аниқланишича, у марҳумнинг онаси қўлида сотувчи бўлиб ишлаган, ўн ёш кичиклигига қарамай хўжайинига уйланиб олган экан.

— Биринчи июнь кунги воқеадан қанчалик хабардорсиз? — сўради прокурор.

— Соат ўн бирда итни айлантиргани олиб чиқдим, — деди Жасур. — Гаражларнинг ёнигача бордик. У ерда судланувчи Бобур турганини кўрдим. Ундан Абдуҳошимни сўрамоқчи бўлдим. Лекин у қочиб кетди.

— Гувоҳ Воҳидов, судланувчи қандай кийимдалигини эслайсизми?

— Ҳа. Жинси куртка ва шимда эди.

— Марҳумнинг жасадини сиз кўриб қолгансиз, шундайми?

— Ҳа. Итим ўша томонга тортди. Борсам, Абдуҳошим ётибди. Маст бўлса керак, деб ўйладим. Қонни кўрганимдан кейин тушундим. Милицияга, "Тез ёрдам"га қунғироқ қилдим.

Навбатдаги гувоҳ ўлган ва судланувчининг синфдоши Турсундв Раҳим эди.

— Сиз судланувчи Умиров Бобур ва марҳум Тоҳиров Абдуҳошимнинг синфдошисиз. Айтинг-чи, уларнинг муносабати қандай эди?

Гувоҳ бошини эгиб ўтирган судланувчига қараб олди-да, жавоб берди:

Адвокатлар фош қилади

— Судланувчи Абдуҳошим яхши ўқигани, лекин масалани ҳеч кимга кўчиртирмагани учун чиқиштирмасди. Абдуҳошимга онаси чет элдан смартфон олиб келиб берганди. Бобур уни сотишни сўради. Абдуҳошим қўполлик қилиб рад этди. Бундан Бобурнинг қаттиқ жаҳли чиқди. "Эҳтиёт қил матоҳингни!" деб сўқинди...

Ниҳоят, барча гувоҳлар сўроқ қилиб бўлинди ва судья судланувчини ўрnidан турғазди.

— Туринг, судланувчи, адвокатингизнинг саволларига жавоб беринг, — деди судья.

— Марҳум синфдошингиз билан алоқангиз қандай эди? — сўради адвокат Шавкат Шарипов.

— Қанақа алоқа! — деди судланувчи кўрслик билан. — Нима, мен қиз боламидим?.. Абдуҳошимни синфдаги ҳеч ким ёқтирмасди. У билан менинг ҳам алоқам йўқ эди.

— Биринчи июнь куни марҳумни кўрдингизми?

— Ҳа. Мактабда кўрдим. Бошқа учратганим ҳам йўқ, ўлдирганим ҳам йўқ!

Гапга прокурор аралашди.

— Лекин фожиа юз берган жойда бўлгансиз, оёқ кийимингизнинг изи қолган.

— У ерда ҳамма юради. Эрталаб ўша ердан мактабга ўтганман.

Прокурор ўрnidан туриб, ашёвий далиллар ётган стол олдига борди ва целлофан халтани кўтарди.

— Фожиа жойидан мана бу пичоқ топилган. Суриштириб, пичоқ сизники экани аниқланди, — деди у.

— Пичоқ меники эмас! — эътироз билдирди судланувчи. — Шунақа пичоғим бор эди, йўқотиб қўйганман. Буни терговчига айтганман.

Адвокат мижозининг ёнини олди:

— Дактилоскопия таҳлилига кўра, пичоқда судланувчининг бармоқ излари йўқ.

— Лекин пичоқ сопида судланувчининг тер-ёғ қолдиқлари бор, — деди прокурор.

– Тер-ёғ одамнинг қон гуруҳини аниқлаб беради. Қон гуруҳи эса тўртта. Бармоқ излари эгасини кўрсатади, – эътироз билдирди адвокат.

Прокурор яна битта целлофан халтани намоиш қилди.

– Мана бу судланувчининг курткази. Айтинг-чи, судланувчи, куртка сизникими, енгидаги қон доғи қаердан теккан? – сўради у. – Қон доғи марҳумники.

– Мен бу курткани киймаганман кейинги пайтда. Уни ювиш учун ташлаб қўйгандим, – жавоб берди судланувчи. – Менинг бошқа курткам бор.

– Экспертиза хулосасида қон доғи марҳумнинг қон гуруҳига тўғри келиши айтилган ҳолос. Бу айнан марҳумнинг қони, дегани эмас, – деди адвокат.

– Яна битта ашъвий далил, – деди прокурор. – Мана бу смартфон марҳум Тоҳировники. У судланувчининг уйдан топилди. Марҳумнинг онаси ўзи сотиб олган смартфонни таниди. Судланувчи, айтинг-чи, смартфон қандай қилиб сизникига бориб қолди?

– Ўқишдан чиқиб, Абдуҳошим билан учрашдик. Кейин икковимиз баҳслашиб қолдик. Баҳсда смартфонни ютиб олдим, – дея жавоб берди судланувчи.

– Нимага баҳслашдиларинг, шундай қимматли нарсага арзийдиган?

– Алгебрадан контроль иш бўлганди. Абдуҳошим “Бирорта масалани ҳам ечолмайсан” деди. Мен эса уchtасини ечдим.

– Бунга гувоҳ борми?

– Йўқ! Уни ўлдириб кетишларини билибманми?

– Бошқа саволлар бўлмаса, ўтиринг, судланувчи, – деди судья.

Адвокат ўрнидан туриб, унга мурожаат қилди:

– Ҳурматли судья, илгари маълум қилинмаган гувоҳ Шаҳло Мирзаевани залга чақирингизни сўрайман.

Судья прокурорнинг розилигини олгач, гувоҳни чақирингизга рухсат берди. Залга ўн етти ёшлардаги қиз кириб, минбар ёнига борди.

Адвокатлар фош қилади

– Гувоҳ Мирзаева, марҳум Тоҳировни танирмидингиз? – сўради Шавкат.

– Ҳа. Интернет орқали танишганмиз, – жавоб берди қиз.
– Жуда ақли бола эди.

– Сизга онаси ва ўгай отаси билан муносабати қанақалигини айтганми?

– Айтган. Иккови ҳам жонига текканини гапирганди. Ўгай отаси квартирани бўлиб олмоқчи экан...

Шундан сўнг суд жараёнининг хулоса қисмига ўтилди ва прокурор сўз олди:

– Мана, судланувчи ўз манфаатини бошқаларникидан устун қўювчи шахслигини кўрдик. Унда синфдошини ўлдиришига асос бор. Улар доим чиқишмай келганлар. Судланувчи марҳумда қимматли смартфон борлигини кўриб, уни эгаллаб олмоқчи бўлган. Марҳум "Бунақа смартфон сотиб олиш учун ҳеч қачон пул тополмайсан", деб судланувчини пастга урган. Натижада, Умиров Тоҳировдан ўч олиб, смартфонини қўлга киритмоқчи бўлган. У Тоҳиров ўтадиган йўлни биледи, гаражлар ёнида пойлаб турган.

Жасад яқинидан жиноят қуроли – пичоқ топилган. Пичоқнинг сопида Умировнинг тер-ёғ қолдиғи бор. Агар судланувчи пичоқни ушламаган бўлса, тер-ёғ қолдиғи қаердан юққан?

Судланувчининг уйида тинтув ўтказилганда қон доғи бор кurtкаси топилди. Қон доғи гуруҳи марҳум Тоҳировникига тўғри келади.

Марҳумнинг телефони ҳам судланувчининг уйидан чиқди.

Онасининг айтишича, фожиа юз берган куни судланувчи уйига тунги соат ўн иккидан кейин қайтган. Алибиси йўқ.

Бу далилларнинг ҳаммаси судланувчининг айбдорлигини тасдиқлайди.

Гапим тамом, – прокурор жойига ўтирди.

– Раҳмат... Сўз ҳимоячига, – деди судья.

Адвокат ўрнидан туриб, қизишиб гап бошлади:

– Судланувчи Тоҳировни гараж ёнида пойлаб турганмиш!

У Тоҳировни қачон уйдан чиқиб, айнан гараж ёнидан ўтишини қаердан билган? Агар Тоҳиров уйдан чиқмаганда-чи? Кечаю кундуз пойлаб тураверармиди? Тоҳировнинг уйдан чиққанини ким билган? Онаси билан ўғай отаси!

Пичоқ масаласига келсак, бунақа пичоқ кўп. Фожаи жойидан топилган пичоқда судланувчининг бармоқ изи йўқ.

Ҳақиқатга тўғри келадиган далил — судланувчини фожаи жойида Жасур Воҳидов кўргани. Лекин ким кўрган? Марҳумнинг ўғай отаси!

Судланувчининг уйдан марҳумнинг смартфонни топилган. Уни ростдан ҳам судланувчи баҳсда ютиб олгандир?

Хуллас, далилларнинг ҳаммаси тахминлардан иборат. Бу билан судланувчини айбдор деб ҳисоблаш мумкин эмас!

Судланувчи Бобур Умиров айбни бўйнига олмади. Аммо суд уни жиноятчи деб ҳисоблади. Бобур қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Бу адвокат Шавкат Шариповга яна бир сабоқ бўлди. Шавкат судда енгилганига ўзини айбдор билди. Терговга келтирган далилларни фаразлардан иборат ҳисоблаб ишга енгил ёндошди. Прокурор эса ўша фаразларга судни ишонтира олди. Энди адвокат гуноҳини ювиши зарур. Бунга вақт жуда қисқа эди. Ҳукм ўн кундан кейин кучга киради.

У ишга барвақт бориб, ёрдамчиларига қўнғироқ қилиб чақирди ва сабрсизлик билан кута бошлади.

Бирин-кетин кириб келган ёрдамчилар бошлиқларининг авзойидан бирор нохушлик юз берганини сезиб, саломлашгач, жимгина жойларига ўтирдилар. Шавкат аҳволни тушунтирди.

— Ишни мижозимизнинг уйдан смартфон топилгани бузган, — деди бармоқларини асабий қирсиллатаётган Холбой.

— Ҳа. Мижозимиз Бобур баъзи нарсаларни яширган, мен эса унинг гапларига ишонганман. "Етти ўлчаб, бир кес" деганларидай, ҳар доим етти марта текшириб, бир марта ишонишимиз шарт, — деди Шавкат афсус билан бош чайқаб.

Адвокатлар фош қилади

- Хўш, ишни нимадан бошлаймиз? — сўради Холбой.
- Судда менга мижозимизнинг ўғай отаси, онасидан ўн ёш кичик Жасур Воҳидов шубҳа уйғотди. Чамамда у рўйхатдан ўтиб, хотинининг квартирасига эга бўлиш учун уйланган. Балки унақамасдир. Бировга тухмат қилиш — гуноҳ. Тахминда.
- Бизнинг ишимиз тахминдан бошланади-да.
- Оҳ, қиёмат гап! — ҳазиломуз хитоб қилди Шавкат. — Шуни билмай ўтиб кетишимга сал қолган экан. Хўп, энди мактабга жўнанглар. Директор, ўлган Тоҳировнинг синф раҳбари билан гаплашинглар. Мен...
- Ҳибсхонага, — деди Гулчеҳра.

Мактабда адвокат ёрдамчиларига мактаб соқчиси кўндаланг бўлди.

- Ким керак эди?
 - Милициядан, — деди Холбой чўнтагига қўл юбориб. — Директор керак.
 - Ўтинглар. Иккинчи қаватда, — соқчи йўл бўшатди.
- Адвокатлар бинога кирарканлар, Гулчеҳра норозилик билдирди:
- Нимага доим "милицияданмиз" дейсиз? Адвокатнинг ҳуқуқи йўқми шунчалик?
 - Менинг гапим эшикларни тез очиб беради. "Адвокатман" десангиз, бир қанча саволга жавоб беришингиз керак. Хўп, баҳс тугади. Ана, директорнинг кабинети.
 - Котиба қиз уларни кўриб ўрнидан турди ва салом берди.
 - Сизларга ким керак эди? — сўради кейин.
 - Директор, — деди Гулчеҳра.
 - Ким бўласизлар?
 - Милициядан, — деди Холбой яна одати бўйича.
 - Ҳозир кириб айтаман, — қиз кабинет эшигини очди. — Милициядан келишибди.
 - Киришглар, — деди директор баланд овозда. — Ассалому алайкум. Ўтиришглар.

Гулчеҳра ўтирмай, директорга мурожаат қилди:

– Мен ўлган Тоҳировнинг синф раҳбари билан гаплашмоқчи эдим.

Директор котибасини чақирди:

– Марғуба! Милиция опангизни Рамизанинг олдига олиб боринг... Сиз, ўртоқ...

– Сафаров, – деди Холбой.

– Ҳа, ўтиринг, ўтиринг.

– Биласизми, биз ўлган ўқувчингизга қилинган жиноят бўйича қўшимча текширув ўтказяпмиз.

– Албатта, албатта! Ўша воқеадан кейин шунча кўп комиссия келдики... Лекин ишимиздан ҳеч қандай камчилик топишгани йўқ, – дея ўзини оқлади директор.

– Ўлган ўқувчингиз Тоҳиров ҳақида нималар дея оласиз?

– Ҳм-м, – директор пешонасини тириштириб бир оз ўйлангандай бўлди. – Умуман, яхши ўқир эди. Кўрикларда қатнашарди. Яна нима дейишим мумкин? Ҳм...

– Ким ўлдиргани ҳақида бирор тахминингиз йўқми?

– Биз ўқувчиларнинг мактабдаги аҳволини биламиз, холос.

Холбой директордан бирор янгилик ололмаслигини билган бўлса-да, ҳафсаласи пир бўлиб чиқиб кетди ва ташқарида ҳамкасбини кута бошлади. Сал нарсага шарақлаб кулиб юрган болаларни томоша қиларкан, унча-мунча ташвишни сира писанд қилмайдиган ёшлигини эслаб, беихтиёр жилмайди.

Гулчеҳранинг суҳбатдоши Тоҳировнинг синф раҳбари Рамиза собиқ ўқувчисини ҳам ачиниш, ҳам аллақандай нохушлик билан эслади.

– Ўқиши аъло, фикрлаши яхши эди, – деди у. – Лекин кўпчиликка ёқмасди, писмиқ эдими-ей. Жуда нимжон эди. Неча марта "спорт билан шуғуллансанг-чи" деганман ҳам.

– Ўгай дадасини танирмидингиз? – сўради Гулчеҳра.

– Ҳа. Ота-оналар мажлисига келганда кўрганман, – Рамизанинг юзи хиёл қизаргандай бўлди.

– Ораларингда яқин муносабат йўқмиди?

– "Йўқ" десам, ёлғон гапирган бўламан, – муаллима ийманиб ерга тикилди. – Хотини ўзидан ўн ёш катта эди-да.

Адвокатлар фош қилади

- Хотини хабар топиб қолмадим, мабодо?
- Буниси номаълум. Аммо ўгли кўриб қолди...

Гулчеҳра хушёр тортди ва қистади:

– Мана шу ҳақда батафсил гапиринг! Фойдаси тегиши мумкин.

Рамиза бирпас "айтсамми ё айтмасамми" дегандай каловланиб турдию лекин "ёрилди".

– Жасур ака меникида эди, телефони сигнал чалиб қолди. У телефонга қулоқ солиб туриб портлаб кетди. "Бу нима қилиқ, аҳмоқ! Менда шунча пул борми?!" деди. Кейин бўшашиб, "Майли, ўйлаб кўраман" деди. Билсам, ўгай ўгли бизнинг сайр қилиб юрганимизни телефонида суратга туширган, агар Жасур ака катта пул бермаса, онасига кўрсатмоқчи экан.

Гулчеҳра ўйланиб қолди. Ўгай отада қотиллик учун асос пайдо бўлган эди.

– Майли, керак бўлсангиз, кўришамиз, – деганича у пастга тушиб кетди.

Холбой икковлари бу гаплардан Шавкатни хабардор қилдилар.

– Ҳақиқатан ҳам иш бориб яна телефонга тақаляпти, – деди Шавкат. – Лекин экспертизада телефондан арзирли далил топилмаган. Демак, бориб мижозимиз билан қайта учрашишим керак.

* * *

Шавкат ёнига кириб келган Бобурга дабдурустан савол берди:

– Хўш, Умиров, судда нима учун ёлгон кўрсатма бердингиз? Мени ҳам алдадингиз?!

Адвокатнинг вазоҳатидан кўрққан Бобур шалвираб ўтириб қолди.

– Сиздан сўраяпман, нега ёлгон кўрсатма бердингиз?! – саволини такрорлади Шавкат.

– Камерадагилар ҳеч нарсани тан олма, деб ўргатишди, – мингирлади Бобур.

– Ҳа, ўшаларнинг гапига киришг!.. Мана, энди бегуноҳ камалиб кетасиз! Ҳозироқ ҳеч нарсани яширмай айтиб беринг!

Бобур бурнини тортиб, ерга қараганча палағда овозда гап бошлади:

– Ўша куни доим мендан қочиб юрадиган Абдуҳошим ёнимга келиб, "Сенда иш бор" деди.

"Қанақа иш?"

"Сенга смартфоним керакми?"

"Керак".

"Менга соқчилик қиласан. Кечаси соат ўн бирда гараж олдига келасан. Ёнимда турсанг бўлди. Хўпми?"

"Майли" – дедим мен ҳайрон бўлиб.

"Ма, смартфон сеники" – деди у ва кетди.

Мен смартфонни ушлаганимча ҳеч балони тушунмай қолавердим.

– Кечаси гараж ёнига бордингиз?

– Ҳа. Фақат сал кеч қолиб бордим. Абдуҳошим йўқ эди. Уёқдан буёққа юриб, мундай қарасам у ётибди. Ҳеч балони тушунмай, нима қиларимни билмай турсам, унинг ўғай отаси келиб қолди, ит етаклаб. Қўрқиб қочиб кетдим. Мени урган деб ўйлаши мумкин-ку. – Бобур адвокатга мўлтираб қарарди.

Шавкат олдидаги қоғозга тахминларини ёзаркан, афсусланганча бош чайқади.

– Шу гапларни аввал айтганингизда, бошқачароқ иш кўрардик... Кўп нарса смартфондаги тасвирларга боғлиқ бўлиши мумкин. Лекин унда ҳеч қандай тасвир йўқ..

Бобур жонланиб қаддини кўтарди ва шошилиб деди:

– Унинг программа-схемасини ўзгартирганман. Компьютер генийси бор – қўшимиз. Ўша ўзгартириб берган.

Шавкатда умид пайдо бўлиб, генийнинг исм, шарифини ёзиб олгач, ўрнидан турди ва соқчини чақирди.

У кўчада Холбойга қўнғироқ қилиб, дарҳол компьютер генийсининг ёнига боришни буюрди.

Холбой компьютер генийси уйидалигидан қувонди. Гений серҳаракат, қувноқ йигитча эди. Адвокат ёрдамчиси ўзини таништиргач, қўшнисининг аҳволини сўради, ачинди.

— Ҳа, Бобурнинг телефонидаги программа-схемани мен алмаштирганман, — деди у, компютери қаршисига ўтираркан. — Тўғри-да, бировдан қолган хотирани кўтариб юрадими.

— Унинг нусхаси қолмаганми, мабодо? — деди Холбой ишнинг ўнгидан келишига ишониб-ишонмай. Лекин генийнинг жавоби уни севинтириб юборди.

— Албатта, — деди гений ҳозиржавоблик билан. — Мен ҳамма нарсани асраб қўяман! — Мана, ҳозир — шест секунд! — У компьютер тугмаларини босди. — Мана!

Компютер экранида бир аёл ва эркакнинг қўл ушлашиб кетаётгани тасвири кўринди.

— Э, яша, қойил, ука! — уни мақтади Холбой.

— Мана, яна! — мақтади гений.

Навбатдаги қисмда столда ўтирган бир эркак аёллардан пул олаётгани тасвирланганди.

— Булардан нусха кўчирса бўладими? — сўради Холбой.

— Албатта! — гений илжайиб кафтини елкаси оша Холбойга тутди.

— Нима? — Холбой тушунмади.

— "Қуруғи"-да, нима бўларди!

Холбой компьютерчининг қўлига, лўлилар айтгандай, "тиллалаштириб" пул қўйди. Компютерчи ҳам бирпасда тасвирлардан нусха кўчириб берди.

Тасвирларни кўрган терговчи асосий жинойтчи ким бўлиши мумкинлигини тушунди. Чунки боладан ўч олишга мактаб директоридаги асос бошқаларникига нисбатан энг оғир тош босар эди.

Терговчи ва Холбой директор хонасига бостириб киришди. Милиция ходимлари қабулхонада қолди.

— Сиз қотилликда гумон қилиниб ҳибсга олиндингиз! — деди терговчи шартта, уларга ажабланиб қараб турган директорга.

Директорнинг ранги қув оқариб кетди, ияги қалтирай бошлади.

– Нима? Нимага? – сўради у ҳирқираб.

– Марҳум ўқувчингиз тириклигида сизнинг муаллимлардан қандай пул олаётганингизни суратга туширган. Шунинг учун Тоҳировнинг жонига қасд қилгансиз! Жиноятингизни тан оласизми?.. Тан олмасангиз ҳам фарқи йўқ. Исботу далиллар етарли! – Терговчи милиционерларни чақирмоқчи бўлди.

Директорнинг нафаси ичига тушиб кетди, ўзини кўярга жой тополмай қолди. Жазодан қочиб қутулолмаганига кўзи етди. Заррача имкониятдан бўлса-да, фойдаланиш мақсадида,

– Гуноҳимни тан оламан! – бидирлади у. – Лекин мен ўлдирганим йўқ! Худо шоҳид!.. У бола олган тасвирларини кўрсатди, хонамга кириб! "Буни ё тегишли жойга топшираман, ёки муаллимлардан йиғаётган пулларнинг ярми меники бўлади" деди. Мен кўндим. Лекин бундай сурбетликка чидаб туролмадим. Муштдай бола-я! Физкультура ўқитувчисини чақириб, унинг бир адабини бериб кўйишни буюрдим. У эса...

Терговчи милиционерларни чақирди. Улар директорнинг кўлига кишан солдилар. Кейин физкультура ўқитувчисини қидириш бошланди.



Газета варақлаб ўтирган Холбой бошини кўтариб Шавкатга:

– Қизиқ воқеа бор экан, – деди кулиб.

– Эшитамиз. Сиз воқеанинг қизиғини топиб юрасиз-ку, – деди Шавкат.

– Битта ёш милиционер жиноят-қидирув бўлимига ишга келибди. Эртаси куни хонасига кирса, диванда мурда ўтирганмиш. Милиционер навбатчининг ёнига югурибди. "– Ўртоқ майор, ўртоқ майор, хонамда мурда ўтирибди!" – дебди ҳовлиқиб. "– Э, кўйсанг-чи, мурда ҳам ўтирадимиз? Мурда ётади", – дебди майор. Аммо хонани кўришга борибди. Борса, мурда йўқ эмиш. Навбатчи норози тўнғиллаганча қайтиб кетибди. Милиционер хонасида ишлаб ўтирибди. Тушликка

чиқибди. Тушлиқдан келса, хонасида яна мурда! Милиционер навбатчининг ёнига югуриб, мурда яна пайдо бўлганини айтибди. Навбатчи уришиб берибди. "Камроқ ичиш керак!" дебди. Милиционер кечгача хонасига киролмай юрибди. Воқеага кечга бориб ойдинлик кирибди. Маълум бўлишича, иккита милиционер судмедэкспертизага боришган экан. Қарашса, ҳовлида маникен ётганмиш. "Керак бўлиб қолар" деб, қоровулдан битта ароққа алмаштириб олишган экан. Ўшани деразадан олиб кириб, олиб чиқиб ёш ҳамкасбининг юрагини ёришган экан.

Шавкат силкиниб кулди.

— Сизга шунақа воқеалар бўлса-да, — деди кейин. — Бечора ёш милиционернинг аҳволи кўз олдимга келяпти.

Шу пайт Гулчехра бир йигитни бошлаб кирди ва Шавкатга ишора қилди.

— Ана, Шавкат ака, — деди йигитга. — Салом. Сизни қидириб юрган экан.

Йигит саломлашиб Шавкатнинг қаршисига борди.

— Ака, сизни қидириб келдим. Тоғам "Нима қилиб бўлса ҳам ўша одамни топ" деди.

— Тинчликми, нима гап? — сўради Шавкат йигитни кузатаркан.

— Тоғамни қамашмоқчи. Биттаси билан ер талашганди.

— Одам ўлмаганми?

— Ўлган-да! Ана шуни тоғамдан кўришяпти. Тоғам қурилиш ташкилотининг бошлиғи... Ака, ташқарида машина тайёр! — йигит нақ бўлмаса Шавкатни судраб чиқмоқчидай ҳаракат қилди.

— Хўп, кетдик. Ўзимнинг машинамда бораман, — деди Шавкат ўрнидан туриб ва ҳамкасбларига қаради. — Ёрдамларинг керак бўлса, қўнғироқ қиламан. Унгача яхши бола бўлиб ўтиринглар.

Манзил унча олис эмас экан, тез орада етиб боришди.

Адвокат воқеа билан таниша бошлади.

Шаҳар четидаги тошлоқ қирлик бошланадиган жойда катта боғ бор эди. Уни Ҳасан деган одам боққа айлантирганди. Боғ ташландиқ ерда барпо этилган, Ҳасан уни номига расмийлаштирмаганди.

Ана шу жойда катта қурилиш бошланадиган бўлиб қолди. Ҳасаннинг дунёси тескари айланиб кетди. Қурилиш ташкилоти бошлиғи Олим Набиев билан жанжал олови гуруллади. Ҳасан югуриб-елиб бормаган одами, идора қолмади. Бироқ доим боғни номига расмийлаштирмагани панд бераверди. Набиевнинг қурилиши эса қонуний эди.

Экскаватор пойдевор учун ер қазिशга тушганда Ҳасан Набиев билан бўғишди. Қарама-қаршилиқнинг чеки йўқдай эди. Бир қарашда гўё иккала томон ҳам ҳақдай эди-да.

Шундай кунларнинг бирида Ҳасаннинг пойтахтда яшайдиган укаси Ҳусан меҳмон бўлиб келди. Эртаси эрталаб у кўчага чиқиб, машинасининг у ёқ-бу ёғини қараётган эди, тўсатдан қандайдир одам унга ташланди ва биқинига пичоқ тиқиб олди. Ҳусан йиқилди. Пичоқ урган одам қочди, уни бир одам қувлаб кетди. Қотил пойдевор чуқурига, ўткир қиррали тошлар устига йиқилди. Кейинроқ чуқурдан олиб чиқишганда у ўлган эди.

Ҳусанни жонлантириш бўлимига ётқизишди. У яримжон бўлса-да, тирик қолди.

— Эрталаб Ҳусан кўчага чиқиб кетди. Унинг телефони сўрида қолган экан, сигнал чалди. Хотиним телефонни олиб укамга бермоқчи бўлди. Бир пайт кўчадан хотинимнинг даҳшатли чинқириғи эшитилди. Кўчага отилдим. Қарасам, укам машина ёнида ётибди, тепасида хотиним йиғлаб турибди. Шу пайт бир одам чопиб қўшни ҳовлининг бурчагига ўтиб кетди. Уни танимадим. Хотиним "Тез ёрдам" чақирди.

— Сиз Набиев Олимдан шубҳаланяпсизми? — сўради терговчи.

— Ҳа. Биз менинг боғимни талашганмиз. У менинг боғимни бузиб бинолар қурмоқчи бўлди! — жавоб берди Ҳасан куюниб.

— Бу ваҳшийлик-ку! Боғ неча йилда дунёга келади. Ерда ҳосил

берадиган тупроқ ҳосил бўлгунча юз йиллар ўтади.

Набиев менга пул таклиф қилди. Олмаганимдан кейин телефонда дағдаға қилиб қўрқитишга ўтди. Мен билан хотинимга телефонда "йўқ қиламан!" деди.

Ғожиа юз берган пайтда чолиб уй бурчагига ўтиб кетган одамнинг кимлиги аниқланди. У Ҳайитов Баҳодир экан. Терговчи уни сўроққа чақирди.

– Сиз воқеани кўрган экансиз. Шу ҳақда гапириб беринг.

– Ўша куни эрталаб соат саккизда автобус бекатига бораётгандим. Аёлнинг чинқириғини эшитдим. Сал наридан бир одам югуриб ўтди. "Шу бир бало қилган" деб ўйладим. Орқасидан чопдим. Унга етиб олаёздим. Қурилиш майдони лой, ботқоқ эди. У сирғалиб чуқурга тушиб кетди.

Қотил Икромов Жалил бошидан оғир жароҳат олиб ўлганди. Экспертиза унинг ёнидан чиққан пичоқ жиноят қуроли эканини тасдиқлади. Унинг куртқасида жабрланувчининг қони доғлари бор эди. Бундан ташқари, Икромовнинг чўнтагидан Эшмуҳаммедов Ҳасаннинг манзили ёзилган қоғоз ва фотосурати топилди.

Жиноятчи Ҳасаннинг ўрнига Ҳусанга пичоқ урганди. Чунки ака-ука сув томчиларидай бир-бирига ўхшарди.

– Эрталаб соат саккизда ғожиа юз берган жойда нима қилиб юрувдингиз? – сўради терговчи. – Шаҳарнинг бошқа бурчагида яшар экансиз.

– Гап шундаки, мен бир аёлниқидан қайтаётган эдим.

– Аёлнинг кимлигини айта оласизми?

– Мени тўғри тушунинг. Унинг эри бор.

– Сиз жиноятчини танимайсиз, шундайми? Ҳасан, Ҳусанларни-чи?

– Ҳасан акани танийман. Укасини илгари кўрмагандим, – Ҳайитов "Билганим шу" маъносида лабларини қимтиди.

Қотил ёллашда гумон қилинаётган қурувчи Олим Набиев жабрланувчи билан муносабати ҳақида қуйидагиларни гапирди:

– Ҳасан билан талашган жойимиз анчадан бери ташкилотимиз режасида бор эди. Ҳасан ҳеч кимдан сўрамай

боғ қилган. Бу ер учун кўп уриндик. Ер эвазига ҳокимиятга бир нечта объект қуриб беришимиз керак. Фанатик Ҳасан ишни орқага сурди, асабимга тегавериб касал бўлиб қолаёздим. Шартномани бажаролмаётганимиз, қанча одамларнинг ишсиз ўтирганини ўйламайди.

— Ҳасан Эшмуҳаммедов билан келишолмаганингиздан кейин бошқа йўллар қидириб кўрдингизми? — сўради терговчи.

— Албатта! — деди Набиев қизишиб. — Бизнинг ишимизда эшикдан ҳайдаса, деразадан кириш керак.

— Агар қурилишингиз тўхтатилса, қанча зарар кўрардингиз?

— Ҳ-ў!!! — Набиев кўлларини ёйди. — Бир неча юз миллион! Мен кўп йиллардан бери қурилиш олиб бораман. Иш юритиш йўлларини биламан. Бир одам билан келишолмасанг, бошқаси билан иш битади. Ўлдиришнинг нима кераги бор? Шунақа қилиб иш юргизиб бўладими? Ўйлаш ҳам кулгили!

— Сиз жиноятчи Икромовни танирмидингиз?

— Ҳа. Қамоққа кетмасидан олдин менда шофёр бўлиб ишлаган.

— Жиноятчи Икромов қўлида хатжилд билан сизнинг машинангиздан тушаётганини кўришган. Эртаси куни синглиси даволанаётган касалхона ҳисобига тўрт юз минг сўм тўлаган. Икромов қамоқдан чиққандан бери ишламаган. Даромади бўлмаган. У пулни қаердан олди?

— Бу тасодиф. Ишдан қайтаётгандим, сигарет олиш учун дўкон ёнида тўхтадим. Ўша ерда Икромов турган экан. Кўришдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Уни машинада олиб кетмоқчи бўлдим. Бирга ишлаганмиз ахир. Ёмон ишламаган. Мен пул берганим йўқ.

— Бир кун аввал сиз банкдаги пулингиздан бир миллион сўм олгансиз, тўғрими?

— Тўғри. Уни Ҳасанга дарахтлари учун бермоқчи эдим! Мен...

— Набиев аламдан ёниб қақшади. — Одам ўлдиришга қотил ёллаганмишман!!! Миямни еганим йўқ! Мен барибир оқланаман. Аммо номимга доғ тушгани қолади!!!

Терговчи анча бўшашиб қолди.

"Ҳа, қурувчини айблаш қийин, — деган фикрга келди Шавкат ишни батафсил ўргангач. — Унда қотил ёллаган ким? Ҳайитов Баҳодирми? Ҳусанда қандай хусумати бўлиши мумкин? Баҳодир пойтахтда ўқиган, Ҳусан ишлаган, яшаган. Бекорга Ҳусанни танимасликка олмагандир? Акасини таниган укасини танимайдими? Пичоқбоз Икромовни ҳам "танимаيمان" деди. Терговчига айтишим керак, шуларни текширсин".

Шавкат пойтахтга келиб, тўғри прокуратурага борди. Прокурордан Ҳусан Эшмуҳаммедов билан Баҳодир Ҳайитовлар уларга таниш, нотанишлигини сўради.

— Менинг эсимда йўқ, лекин текшириб кўришади, — деди прокурор. — Сизга хабар қиламан.

Шавкат раҳмат айтиб ишхонасига жўнади. Етим кўзига ўхшаб ўтирган ҳамкасблари уни кўриб ўрниларидан туриб саломлашдилар.

— Бўрими, тулкими? — сўради Холбой Шавкатнинг юзидан хафа ёки хурсандлигини англай олмагач.

— Дурагай, — жавоб берди Шавкат кулиб. — Ишнинг бир учи шу ерга тақалиши ҳам мумкин.

— Шавкат ака, битта одам сизни роса сўради-да, — деди Гулчеҳра.

— Ҳа, "Қачон келишини билмаймиз" десак ҳам кутиб ўтираверди, ўтиғаверди. Жонга тегиб кетди, — уни қувватлади Холбой. — Кечқурун уйга кетаётганимизда ҳам ташқарида ўтирганди.

— Нима иши борлигини айтмадими? — қизиқсинди Шавкат.

— Россияда ишлаётган ўғлини қамаб қўйишибди... Ие, ана ўзи! — хитоб қилди Холбой. — Бўрини йўқласак, қулоғи кўринди.

Хонага кирган мижоз югургудай бўлиб бориб, Шавкатга қўл чўзди.

— Бормисиз, акажон! Кеча роса кутдим! — деди у ҳовлиққанидан ҳансираб. — Ёрдам бермасангиз бўлмайди! Бутун умидим сиздан! Ўғлимни Россияда қамаб қўйишибди! Хотини, болалари нима қилади энди?

— Россияда, — деди Шавкат ўйланиб. — Ҳм, билмадим, билмадим.

— Йўқ деманг, акажон! Йўлкира, меҳмонхона... Ҳаммасини кўтараман! "Бормагин, — дедим у эшакка. — Эплаган шу ерда ҳам яхши яшаяпти" — дедим. Кўнмади, қайсар! Худди Россияда пул ҳазондай сочилиб ётибдию шундай супуриб келаверадигандай! Аҳмоқ!

— Қанақа айб қўйишган?

— Одам ўлдирганмиш! Ўша довдирнинг қўлидан келишини ўйлашнинг ўзи кулгили! — Мижоз алам билан тиззасига шапатилади.

Шавкат Холбойга қараб сўради:

— Нима дедингиз? Ё борамизми?

— Борамиз! Халқаро аренага чиқишимиз керак-ку! — ҳаяжонланиб жавоб берди Холбой ҳозир жавоблик билан.

— Биласизми... Отингиз нима эди?

— Насимжон... Насимжон Отажонов, — деди мижоз шошиб.

— Бир-икки кунлик ишим бор. Ўшани битириш керак. Ҳозир сиз уйга кетаверинг. Телефон номерингизни қолдирсангиз, ўзим хабар бераман, хўпми?

— Хўп, хўп! — Насимжон қуллуқ қилди ва телефон рақамини ёзиб бериб, раҳмат айта-айта орқаси билан юриб чиқиб кетди.

— Ростдан борамизми? — ишонқирамай сўради Холбой.

— Халқаро аренага чиқайлик деяпсиз-ку, — ҳазиллашди Шавкат. — Бораверамиз.

— Аввал тушлик қилиб олайлик унда.

— Ҳа-я, тушлик вақти ҳам бўлибди бирпасда, — деди Гулчеҳра.

ШХГ гуруҳи овқатланиб ўтиришганда прокурор кўнғироқ қилиб қолди. "Келинг, айтганингизни топдик" деди у. Шавкат овқатини шоша-пиша еб, ўрнидан турди.

Прокурор унга қоғоз жилд узатди-да:

— Мана, ака, айтган иккови одамингиз битта папкада, — деди. — Бўш хона бор, юринг. Мана шу ерда бемалол танишаверинг. Ҳозир чой олиб келиб беради... Гавҳар, устозга чой дамлаб беринг.

Адвокатлар фош қилади

Шавкат ўтириб жилдни очаркан, тўғри фикрлагани учун ўзидан гурурланиб қўйди.

Бир жиноий ишда Баҳодир Ҳайитов гувоҳ, Ҳусан Эшмуҳаммедов айбланувчи бўлган экан.

Воқеа қуйидагича эди.

Дала йўли бўйлаб ўтувчи ариқдан йигирма икки ёшлардаги қизнинг жасади топилди. Судмедэкспертиза хулосасига кўра, қиз бошига тўмтоқ нарса билан урилиши натижасида бош чаноғи синиши туфайли ўлган. Жасадни далага кетаётган бир ишчи кўриб қолган. Марҳум Йўлдошева Назокат экани маълум бўлди. Оператив қидирув айбдор Эшмуҳаммедов Ҳусан исмли шахс эканини аниқлади.

Эшмуҳаммедов квартира олди-сотдиси билан шуғулланган. У Йўлдошева Назокатнинг квартирасини сотиб бермоқчи бўлиб, ўз номига ишончнома ёздириб олган. Сўнгра Йўлдошеванинг квартирасини эгаллаш учун уни ўлдирган.

Терговчи марҳумнинг яқин одами сифатида университет талабаси Ҳайитов Баҳодирни топиб сўроқ қилди. Баҳодир Назокатдан қандай ажралганини гапириб берди.

— Кейинги пайтда бир оз вақт, Назокатникида яшаётгандим. Бешинчи октябрь кунини телефонда қаерда, қачон учрашишни келишдик. Мен белгиланган жойга бордим. Назокат йўқ эди. Телефонга жавоб бермади. Роса кутдим. Охири квартирасига бордим. У ерда кечаси билан кутдим. Келмади. Милицияга бормоқчи бўлдим. Йўқолганига уч кун бўлмасдан ариза қабул қилинмаслигини ўйлаб, қароримдан қайтдим. Квартирада уч кун яшадим. Назокатдан дарак бўлмади. Кейин Ҳусан Эшмуҳаммедов милиция участка нозири билан келди. Ҳусан қандайдир ишончнома кўрсатиб, "квартира сотилади" деди. Мен Назокатнинг ҳеч кими эмаслигим сабабли чиқиб кетишим керак экан. Милиция нозири ҳужжатлар қонунийлигини тасдиқлади. Мен чиқиб кетдим.

Лекин Назокатнинг бундай иш тутишига сира ишонганим йўқ. Милицияга арз қилдим.

Ноябрда милициядан қўнғироқ қилишиб, йўқолган қизниқига ўхшаб кетадиган қизнинг жасади топилгани, таниб олишга боришим кераклигини айтишди. Жасадни дарров танидим. У даҳшатни сира эсимдан чиқаролмаяпман.

– Қанча вақт алоқа қилиб юрдиларинг? – сўради терговчи.

– Ярим йилдан ортиқ. Биринчи марта умумий танишимизниқида учрашгандик, – жавоб берди Баҳодир хўрсиниб. – Бир-биримиздан яқинроқ одамимиз йўқ эди.

– Рашк қилармидингиз?

– Йўқ. Бунга сабаб бўлмаган.

– Бўпти, кетаверинг. Керак бўлсангиз, чақирамиз, – терговчи Баҳодирга рухсат берди.

Икки милиционер хонага айбланувчи Ҳусан Эшмуҳаммедовни олиб киришди. Ҳусан ўтиргач, терговчининг имоси билан милиционерлар чиқиб кетди.

– Эшмуҳаммедов Ҳусан, 1965 йилда туғилган, – деди терговчи сўров баённомасини тўлдираркан. – Хўш, Эшмуҳаммедов, Йўлдошева Назокат билан қандай танишдингиз?

Ҳусан бир-икки қимирлаб олиб, жавоб берди:

– У ёрдам сўраб келди. Назокат интернет орқали бир чет элик билан танишиб, уни севиб қолибди. Аввалги севган йигитидан ҳам, бу яшашдан ҳам зерикибди. Квартирасини сотмоқчи экан. Менга ишончнома ёзиб бериб, то иш битгунча мениқида яшаб туришини таклиф қилдим. У рози бўлди. Мен тезда харидор топдим. Кейин студентни квартирадан чиқариб юбордим. Квартирани соғдим. Долларда пулини бердим. У хизмат ҳақимни тўлади.

Назокат чет элга кетмоқчи эди. Лекин ларингит касали билан оғриб қолди. Бир ой унга қарадим. У тузалиб, кетди. Бошқа ҳеч нарсани билмайман.

– Назокатнинг сизниқига келганини бирорта қўшни кўрмаган. Бунга нима дейсиз?

Адвокатлар фош қилади

– Ҳамма ўз ташвиши билан бўлиб пайқамангандир-да.
– Уни қамаб қўйгансиз! Бешинчи октябрдан бошлаб унинг мобил телефони ишламаган, — терговчи оператордан олган билдиргини кўрсатди.

Ҳусан бу саволга ҳам жавоб топди:

– Бизнинг уй жойлашган ерда нимагадир мобил телефон яхши ишламайди. Лекин уйда интернетга уланган компьютер бор. Мен уйга келолмаган куним компьютерда гаплашиб турдик.

– Суҳбатларнинг матни компьютер хотирасида қолганми?

– Йўқ. Компьютерга вирус тушди. Уни тозалаттирганман.

Терговчи Ҳусаннинг ҳозиржавоблигидан мийиғида кулиб қўйди.

Ҳусаннинг уйида тинтув ўтказилганда Назокат узоқ вақт подвалда яшагани маълум бўлди. Жумладан, подвалдаги сув қувурида унинг кўплаб тер-ёғ қолдиғи, қон теккан сирға, тирноғи синиғи топилди. Экспертиза хулосасига кўра, улар Йўлдошеваники экани аниқланди.

– Бўлмағур гап, — дея изоҳлади Ҳусан буни. — Топилган нарсалар қандай қилиб подвалга тушиб қолган, билмадим. Назокат уйда эркин яшаган. Мен унга ёрдамлашмоқчи бўлдим. Энди эса уни ваҳшийларча ўлдирганга чиқиб ўтирибман.

Айбланувчини олиб чиқиб кетишди. Прокурор қуйидагича хулоса ёзди.

"Ёш қиз ота-онасидан айрилди. Катта уйда бир ўзи қолди. Албатта, унинг ёлғиз яшаши қийин эди. Қиз талаба йигит билан танишди. Улар ярим йил бирга яшадилар. Никоҳдан ўтмадилар. Чунки ҳар қандай йигит аввал оёққа туриб олишни хоҳлайди. Икковлари бир-бирларига суяниб яшаётган эдилар. Шундай пайтда тасодифан қандайдир чет эллик пайдо бўлиб, қиз уни севиб қолишига ишониш мумкинми? Нимага энди шундай қиммат турадиган уйни сотиш керак эди? Пулни чет элликнинг қўлига топшириш учунми? Ёш қиз шундай катта ишни кўрқмай мустақил ҳал қила оладими? Биринчи кўрган одами — маклерга ишончнома ёзиб беришига ишониш

мумкинми? Албатта, айбланувчи Эшмухаммедов Йўлдошевани мажбурлаб, қийнаб ишончнома ёздирган...

Эшмухаммедов Хусаннинг Назокат Йўлдошеванинг катта миқдордаги пулига эга бўлиш учун қасддан ўлдиргани тўлиқ исботланди".

Эшмухаммедов Хусан узоқ муддатга қамалди.

Шавкат материаллардан ксеронусха кўпайтирди ва прокурорга раҳмат айтиб ишхонасига жўнади. Хонасига кирибоқ жиноят юз берган шаҳар прокурорига кўнғироқ қилди: "Бў ўртоқ Пўлатовми? Ҳа, ҳа... Танидингизми? Раҳмат... Ўйлаганимдай бўлиб чиқди. Вой, гапирманг! Хусан Баҳодирнинг севган қизини ўлдириб, квартирасини сотган экан... Шунақа даҳшатли одам!.. Мен материалларни юбораман. Эртага олиб боради... Ҳа, сизнинг ишингизни қилишга тўғри келди. Шунақаси ҳам бўлади... Майли, натижасини айтарсиз". Шавкат телефонни ўчириб Холбойга қаради.

— Бир сайр қилиб келарканман-да, — деди Холбой кафтларини ишқаб.

— Йўқ, Гулчеҳра боради, — эътироз билдирди Шавкат. — Сиз Россия тайёргарлигини кўринг.

— Ие, буёғи бор-а! — Холбой хурсанд бўлиб кетди.

Уч кундан кейин Хусаннинг ишини кўраётган прокурор кўнғироқ қилди. Ҳақиқатан ҳам қотилни Баҳодир ёллаган экан. Қизиги, Хусанга пичоқ урган Жалил у билан турмада бирга ўтирган ва роса жонига теккан экан.

Ниҳоят, улар кўзланган манзилга етиб бордилар. Энг аввало меҳмонхонага жойлашишди. Кейин овқатландилар.

— Ёмон бўшашдим-ку, — деди Холбой керишиб. — Кўзларим юмилиб кетяпти.

— Ҳаво нам-да, оғир, — деди Шавкат қаҳвани ичиб

Адвокатлар фош қилади

тугатаркан. — Сизлар дам олинглар. Мен адвокатурага бораман. Холбой совғалардан олиб чиқиб берарсиз.

Шавкат таксига ўтириб шаҳар адвокатурасига жўнади. Ораси унча узоқ эмас экан, таксичи бирпасда етказди.

Хонада уч киши ўтирган экан. Шавкат саломлашиб ўзини таништирди. Йигитлардан бири Шавкат билан астойдил кўришди.

— О, земляк! — хитоб қилди у хурсанд. — Мен Чирчиқда туғилиб-ўсганман. Исминим Сергей. Қалай Ўзбекистон?

— Ўзгаришлар шунчалик каттаки, тасаввурга сиғдиролмай, гангиб қоласиз, — деди Шавкат землягини учратганидан кувониб. — Мана, Ўзбекистондан совға. — У столга халта қўйди.

— Ой, раҳмат! — Сергей халтадан кичик халтачалардаги ўрикқоқи, узум, ёнғоқларни олди. — Тошкент бозорини эслатапти. Бозорни айланиб юриб мевалардан битта-битта пробага еб кўриб тўйиб чиқиб кетаверасан, — дея кулди у ҳамкасбларига қараб.

— Шундай жойлардан нимага келдинг ўзи? — сўради улардан бири.

— Ҳа, энди, одам боласи ношукр бўлади-да... Шавкат, сиз билан битта университетда ўқиган бўлсак керак, а?

— Тошкент Давлат университетидами?

— Ҳа-да!.. Чиқиб би-ир русчасига танишамиз.

Шавкат шошиб эътироз билдирди:

— Дўстлар, мен зарур иш билан келганман. Мижозим ҳибсда ўтирибди. Ёрдам керак. — У ишининг моҳиятини қисқача гапириб берди.

— Бўпти, юринг унда, — дея Сергей ўрнидан турди. — Ҳужжатларингизни расмийлаштирамиз.

Улар ҳужжатлар тўғриланиб, тергов материалларидан нусха олингач, ҳибсхонага бордилар. Шавкат мижозининг ўғли айбланувчи Икром билан учрашгандан кейин Сергей хайрлашди.

— Шавкат, хоҳлаган пайтингизда қўнғироқ қилинг, — Сергей

ташриф карточкасини узатди. — Ҳар жойнинг тулкисини ўша ернинг ити билан овлайдилар. Биласиз-а?

— Раҳмат, земляк! Катта ёрдамингиз тегади ҳали, — деди Шавкат Сергейнинг қўлини миннатдорона қисаркан. — Биз меҳмонхонадамиз.

Сергей чиқиб кетгач, Шавкат ҳаяжондан ўзини қўярга жой тополмаётган Икромга юзланди.

— Қалай, йигит? Жуда ёмон аҳволга тушибсиз-ку бегона жойда, — деди у афсусланиб. — Мен Шавкат Шарипов, адвокатингизман. Дадангиз қўймай бошлаб келди.

— Вой, раҳмат, ака! Дадамнинг аҳволи яхшими? — Икром ўрнидан туриб кетди. — Мен энди "тамом!" деб ўйловдим.

— Эзилманг, агар гуноҳингиз бўлмаса, эркинликка чиқасиз... Юз берган воқеаларни сира яширмай гапириб беринг.

— Шеригим Анатолий билан Иван Костиков деган рассомнинг уйда ҳаммом қурдик. Иш тез битди. Материаллар сифатли бўлгани учунми ҳаммом жуда чиройли, бежирим чиқди. Анатолий ҳам зўр уста-да, — деди Икром ҳаста овозда. — Рассом жуда хурсанд бўлди. Ўша заҳоти ҳаммомга ўт ёқиб, чўмилиб чиқди. Синаб кўрди.

Биз унинг пул беришини зориқиб кутиб турибмиз. У эса бепарво:

"— Йигитлар пулни уч-тўрт кундан кейин бераман. Расмларимни сотгандим, пулининг ярмини берди. Пул қурилиш материалга кетиб қолди", — деса бўладими!

Жон-поним чиқиб кетди. Кеча миллионлик машина миниб юрган одам юз минг топиб беролмасмиш!

"— Мен шу бугуноқ уйга пул жўнатишим шарт!" — деб бақирдим.

"— Шундоқ ҳавога қўл чўзиб пул ясаб берайми?" — масхаралади у.

Мен рассомнинг ёқасидан олмоқчи эдим, Анатолий тўхтатиб қолди-да, ётиб юрадиган уйчамизга судради. Уйчада ароқ ичдик. Сал ўзимни босиб олдим. Кейин ухлаб қолибмиз. Эрталаб турсам, бошим оғир, кайфиятим расво. Сув-пув ичиб

Адвокатлар фoш қилади

бир оз ўзимга келиб, Иваннинг ёнига бермоқчи бўлдим.

— Нимага? — сўради боядан бери жим тинглаб ўтирган Шавкат.

— Кечаги қилигим учун кечирим сўрамоқчи эдим.

— Хўп, давом этинг.

— Ҳеч бўлмаса, беш минг бериб турар, деб ўйловдим. Бордим, уйига кирсам, йўқ. Устахонасини қарамоқчи бўлдим. Устахонасига кириб қотиб қолдим. Иван ерда ётибди, кўзига мўйқаламнинг учли сопи тикилган! Кўзидан шувиллаб қон оқяпти! Бунақасини биричи кўришим эди..

— Милиция, "Тез ёрдам" чақирмадингизми?

Икром алам билан қўл силтади.

— Э, полициячиларни биламан! Дарров мендан шубҳаланишган бўларди. Кейин зўрлаб айбимни бўйнимга қўярди.

— Сизни ушлаган пайтда ёнингиздан катта миқдорда пул топилган. Уни қаердан олдингиз?

— Устахонадаги стол устида конвертга солинган пулни кўрдим. Биласизми, кейинги вақтда умуман пулсиз юрдим. Доим пул ҳақида ўйлардим. Шайтон йўлдан оздирди. Конвертда шунча кўп пул бор, деб ўйламагандим. Беихтиёр пулни олиб қочдим. Вокзалга бордим. Ўша ерда ушлашди... Пулни энгашиб олаётганимда майкамга Иваннинг қони теккан экан. Бу ҳам бошимга бало бўлди. Лекин мўйқалам сопида бармоқ изларим йўқ экан.

Икром воқеани жуда батафсил гапириб берди. Шавкат соқчини чақирди.

— Дадамга салом айтинг, — деди Икром чиқиб кетаркан, адвокатга умид билан тикилиб.

Меҳмонхонада Насимжон диванда тирсақларини тиззасига тираб, юзини кафтлари орасига олганча илҳақ бўлиб ўтирарди. Хона эшиги очилиши билан сапчиб ўрnidан туриб кетди ва Шавкатни кўриб шошиб қолди.

— Шавкат ака, ўғлим яхшими? Кўрдингизми? Аҳволи қалай? — кетма-кет савол берди у қалтираб.

Шавкат папкасини столга ташлаб, ҳорғин ўтираркан:

– Ўғлингизнинг аҳволи ёмон эмас. Салом айтди, – деди. – Лекин шундай иш қилганки, худди бошини атайин жиноят уясига тикқандай. Агар тасодиф бўлса, бунақасини ўйлаб топиш қийин.

Холбой қўлидаги пиводан бир хўплаб олиб, сўради:

– Ишқилиб, ёрдам бериш мумкинми?

– Билмадим. Ишни яхшилаб ўрганиб чиқиш керак. Материаллар нусхасини олиб келдим. Бир чирчиқлик адвокат бор экан – Сергей. Яхши ёрдам берди. Прокурорга "Университетда бирга ўқиганмиз", деб таништирди.

– Э, қойил! Буниси яхши бўпти, – деди Холбой хурсанд бўлиб. – Бир меҳмон қилишимиз керак.

– Вақти келади... Эртага терговчи сўроқ қилган одамлар билан учрашиб, гаплашамиз... Овқатланиб чиқайлик. Юринглар.

Эрталаб Шавкат билан Холбой йўлга тайёргарлик кўришди.

– Насимжон, сиз шу ерларда айланиб юринг. Кўп сиқилманг, фойдаси йўқ, – тайинлади Шавкат. – Биз қўлимиздан келган ишнинг ҳаммасини қиламиз.

Улар дастлаб марҳум Иван Костиковнинг хотини Ольгани топдилар. Ольга уларни хушламайгина қарши олди. "Ўч олишга келган одамлар", деб ўйлаб чўчиди ҳам шекилли. Шавкат ўзларини таништиргач, анча хотиржам бўлди ва ўртага стол ўрнатилиб, атрофи думалоқ ўриндиқли, устига кўзиқоринга ўхшатиб соябон қилинган жой томон йўл бошлади.

– Ольга, ҳозир ҳибсга олинган Икром ҳақида гапириб берсангиз. Қандай топдингиз, нима ишлар қилди, қандай воқеалар юз берди? – деди Шавкат ўтирганларидан кейин.

Ольга қизилга бўялган узун тирноқларига тикилиб гап бошлади:

– У шериги билан қўшнимизникида ҳаммом қуришди. Кириб кўрсам, жуда чиройли чиқибди. Ҳавасим келиб, бизга

Адвокатлар фош қилади

ҳам қуриб беришни сўрадим. Улар яхши ишлашди. Ҳаммом икки ҳафтада битди. Эрим жуда хурсанд бўлди. Лекин Икромнинг қилган иши сира ақлга сиғмайди... Яхши ётоқ жой қилиб бердим, озиқ-овқатдан нолишгани йўқ...

— Эрингиз иш ҳақини беролмадими?

— Ҳа. У расмларини сотганди. Пулининг бир қисмини беришибди. У ҳам қурилиш материалига сарфланиб кетганди. Иван ишчилардан озгина кутиб туришларини сўради. "Яна баъзи нарсалар қуриб берасизлар", деди. Шериги дарров кўнди, Икром эса жанжаллашиб кетди. "Бировдан қарз олиб беринг", деб туриб олди.

— Бу қачон юз берди?

— Ўн тўққизинчи числода. Эрим ўлдирилишидан бир кун аввал, — Ольганинг кўзлари ёшланди. — Мен шаҳарга кетгандим. Эртасига Иваннинг ўлгани ҳақида хабар беришди.

— Эрингизда беш юз минг рубл пул бормиди?

— Ҳа. Галереядан курьер олиб бориб берганди, эрталаб. Ўшандан ишчиларнинг ҳақини тўламоқчи эди.

— Сиз кетаётганингизда уйда кимлар қолган эди?

— Эрим, иккала ишчи, бир натуршица аёл.

— Икромнинг шериги ҳозир қаерда? — сўради Шавкат.

— Шу ерда, — деди Ольга. — Яхши йигит экан. Яна ишляпти. Чақириб келайми? — у ўрнидан турди.

— Илтимос, — деди Шавкат.

Холбой ҳовлини томоша қилиб тўймаётганди.

— Мана, одамлар қандай яшаяпти! — ҳавасини яширолмади у. — Биз ҳам юрибмиз-да, "Нина кетди, сақич кетди" деган атторлардай. Архитектурасини қаранг! Эртақлардаги қасрга ўхшайди.

— Иван бекорга рассом бўлмаган-да, — деди Шавкат.

Ольга новча бир йигитни бошлаб келди. Йигит саломлашиб, Шавкатнинг қаршисига ўтирди.

— Бу Анатолий, — таништирди Ольга. — Менга рухсатми?

— Ҳа, ҳа. Раҳмат сизга, — деди Шавкат ва Ольга кетгач, Анатолийга қаради. — Икром билан бирга ишлармидиларинг?

— Шундай, — Анатолий бошини силкитди. — Бирга кўп иш қилдик. Пулимиз кўпайса, мени юртини томоша қилдиришга олиб кетмоқчи эди. Битта одамнинг уйини кураётганимизда танишгандик. Кейин шерик бўлиб олдик.

— Иш берувчи билан муносабатларинг қандай эди?

— Бошида Иваннинг биз билан унча иши бўлмади. Ҳаммомни икки ҳафтада сифатли қилиб битирганимиздан кейин у хурсанд бўлиб кетди. Бизни мақтади, ароқ келтириб меҳмон қилди.

— Жанжал чиққан куни нима бўлди?

— Хўжайин ҳаммомда чўмилди. Бизнинг уйчага келиб, ҳаммом жуда ёққанини айтди. Лекин пул масаласида муаммо бор экан. Бир неча кун кутиб туришимизни сўради. Икромнинг жаҳли чиқди...

Мен эрталаб туриб бир оғайнимнинг туғилган кунига кетдим. Қайтиб келганимда Иван ўлган экан. Уни кўриб қочмоқчи бўлдим. Лекин ўзимни қўлга олиб, полицияга қўнғироқ қилдим. Улар етиб келишди. Аввал мендан шубҳаланишди. Кейин қўйиб юборишди. Менда алиби бор эди. Вокзалдаги видеокамера Иван ўлгандан кейин электричкадан тушганимни кўрсатди, — Анатолий "щукр" маъносида бошини силкиб, чуқур нафас чиқарди.

— Сиз кетаётганда уйда кимлар бор эди?

— Хотини. Ҳа, хотини. У мени кўрди.

— Эр-хотин орасидаги муносабатдан хабарингиз борми? — сўради адвокат.

— Нимага буни сўраяпсиз? — Анатолий ҳайрон бўлди.

— Ўша куни уйда Ольга қолган, ягона меросхўр. Эри ўлса, квартира, дача, машина, картиналар унга қолади.

Анатолий "тушундим" дегандай бош қимирлатди.

— Биласизми, биз уларнинг уйига кирмасдик. Уларнинг ҳаёти ўзларича, бизники ўзимизча эди, — жавоб берди у.

— Хўп, раҳмат сизга, — деди Шавкат ўрнидан кўзголиб.

— Икромнинг аҳволи яхшими? — сўради Анатолий. — Бир-биримизга жуда ўрганиб қолгандик.

Адвокатлар фош қилади

— Дуруст, — деди Шавкат. — Хайр.

Шавкат билан Холбой кўча томон юришди. Ольга узоқдан хайрлашди. Кўчада Холбой осмонга қараб завқланди.

— Булутларнинг чиройлилигини! Анчадан бери бунақасини кўрмагандим!

Дарҳақиқат оҳиста сузаётган паға-паға булутлар шунчалик оппоқ эдики, кўз қамашарди. Осмонда бир гала бўйни узун кушлар учиб ўтди. Йўл четидаги чакалакзор кушларга тўлиб кетганди гўё. Улар тиним билмай чуғурлашарди.

Адвокатлар машина учрагунча икки чақирим пиёда юришди. Ниҳоят, бир қизил "Москвич" тўхтади.

— Шаҳар четигача, автобус юрадиган жойгача олиб бориб кўяман. Машинам лой, шаҳарга киролмайман, — деди ҳайдовчи.

Йўлнинг икки томонини қоплаган бепоён қайину қарағайзорлар оралаб борарканлар, Холбой дарахтларга ҳавас билан тикиларди.

— Э, қани энди бизда ҳам шундай дарахтзорлар бўлса! — деди у.

— Нима, уй қурганмисиз? — сўради Шавкат.

— Ҳа. Биласизми, ўшанда ҳассадай калтак ҳам кўзимга чўғдай кўринарди.

— Бизда ҳам шунақа дарахтзорлар барпо этиш мумкин. Бунга боп ерлар тикилиб ётибди.

— Тўғри, — уни қувватлади Холбой. — Теракчилик ҳўжалиги ташкил қилишса бўлади-ку!

— Бундан ташқари, дўстим, узум етиштиришнинг шундай усули ҳам бор эканки, ток дарахтнинг устига чиқарилса, ўша ерда ҳосил тугаркан.

— Демак, терак ҳосил бериб ўсади. Э, қойил! Ўн балл!

Адвокатлар "Москвич"дан тушиб, таксида расмлар галереясига етиб олдилар. Шавкат галерея ҳўжайини Мария Прохоренкони сўраб мурожаат қилган қиз ўша ернинг хизматчиси экан. Уларни Мариянинг хонасига бошлади.

Шавкат ичкарига киришгач, ўзларини таништирди. Мария уларга қизиқиш билан тикилди.

— Ўтиринглар, ўтиринглар. Иван Худо берган рассом эди, — деди кейин афсусланиб. — Ўн йилдан кўп бўлди танишганимизга. Аввал ер ости йўлагиди одамларнинг портретини чизиб берардик. Рассомликни ташлаб, галереячи бўлганимдан сўнг унга мухлислар топишда ёрдам бердим. У яланғоч натура чизишда гениаль рассом эди. Расмлари қиммат сотиларди... Жуда ачинарли, орамызда йўқлиги.

— Иван Костиковнинг хотини Ольга танийсизми? — сўради Шавкат.

— Ҳа. У натуршица эди. Иван ажойиб серия яратди. Ольганинг тўртта яланғоч танаси Нью-Йоркдаги машҳур галереяда ҳам одамларнинг кўзларини қувонтиряпти, — жавоб берди Мария. — Ўша расмлари Иванга муваффақият келтирди. Уларни қирқ минг долларга сотиб олишди. Бу уларнинг турмуш қуришларига сабаб бўлган.

— Хотини рашк қилибми, мерос учунми, алам устида эрини ўлдириши мумкин эмасми?

— Билмадим, — деди Мария. — Ольга эри аёлларни фақат натурасини чизаётган пайтдагина яхши кўришини тушунмасди. Кейин Иванга натуршица бошқа керак бўлмас эди. Ольга, албатта, Иванни ўзига уйлантирди. Лекин Иваннинг ҳам ўз ҳисоб-китоби бор эди. Хотини хўжалик билан шуғулланиши керак эди. Агар Ольга кўнганда, ажойиб оила бўларди. Бунинг ўрнига хотин асосиз рашкка берилди.

Фожа арафасида шундай воқеа юз берди. Иван ўн бешта расмини олиб келди. Ўнтаси мойбўёқ, бештаси қаламда чизилганди.

— Нима учун олиб келди? — сўради Шавкат қизиқарли маълумот эшитишга умид қилиб.

— Ҳм-м, хотини дала ҳовлида ишлашига имкон бермаган. Агар ажрашиб кетса, расмлар ўртада бўлинмасин, деб ўйлаган. Иван ажрашмоқчи эди. У қиммат, яхши адвокат топишимни сўради. Ажрашганда мол-мулкнинг катта қисмини

Адвокатлар фош қилади

ютқазмаслик учун... Эртаси куни Иваннинг ўлганини эшитдим.

Шавкат папкасини ёпиб ўрнидан турди. У иш сал бўлса-да силжиётганидан мамнун эди.

— Катта раҳмат сизга, Мария...

— Филатовна...

— Мария Филатовна, раҳмат. Жуда зарур маълумотлар бердингиз, — миннатдорлик билдирди Шавкат.

— Иван яқин дўстим эди, — деди Мария Филатовна адвокатларни кузатиб чиқаркан.

Ташқарида Холбой Шавкатнинг енгидан тортди.

— Ака, қоринларни Тошкентга ташлаб келмаганмизми?

Шавкат силкиниб кулди.

— Ҳақиқатан ҳам қорин эсдан чиқиб кетибди, а, Холбой. Ҳаво алмашганда иштаҳа бўғилиши мумкин, — деди Шавкат.

— Ҳув анаву кафедан зўр ҳид келяпти-да, оҳ-оҳ! Ўзбеклар келиб сомса ёпмаяптимикин ишқилиб?

— Бўлса бордир. Қани, кўрайлик-чи.

Улар кафега кирдилар. Йўқ, ўзбекча эмас экан. Овқат буюришди. Холбой тўрт кружка пиво, икки юз грамм ароқ обкелишни сўради.

— Ароқни "прицеп" қиламиз, пивога кўшамиз. Қуввати ўзига келади, — тушунтирди у.

— Майли, чарчадик, очқадик. Ҳаққимиз бор.

Холбой овқат еб, пиво хўпларкан:

— Рассомни хотини ўлдирган! — деди ишонч билан.

— Бўлиши мумкин, — қувватлади Шавкат, — лекин терговчи нима учун ҳибсга олмади? Яна, бошқа гувоҳлар билан ҳам учрашмай туриб, хулоса қилиш қийин.

— Гаров ўйнаймизми, бир яшик ароқдан? — таклиф қилди Холбой қизишиб.

— Ўйнаймиз!

Икковлари қўл ташладилар. Овқатланиб бўлиб, меҳмонхонага борганларида фойеда бетоқат ўтирган Насимжон уларнинг қаршисига югурди.

— Янгилик борми, борми, акажон?! — сўради у ҳовлиқиб.

— Бўляпти, Насимжон. Сиқилманг, — юпатди уни Шавкат. — рассомнинг кўзига суқилган мўйқалам сопида ўғлингизнинг бармоқ излари йўқ. У ўлдирганини ҳеч ким кўрмаган. Бу ҳам бир илинж.

Холбой кўкрагини кериб деди:

— Мана, кўрасиз, Насимжон, рассомни хотини ўлдирган! Бир яшик ароқдан гаров ўйнайсизми?

— Гаровсиз ҳам олиб беравераман, — деди Насимжон. — Элликта терак сотганман. У анча тетиклашиб қолганди.

— Йўқ. Унақада ширин бўлмайди, — эътироз билдирди Холбой.

— Ароқнинг ширин бўлишини сиздан эшитяпман, — дея кулди Шавкат.

Улар гаплашиб ўтирарканлар, Холбой Шавкатнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, икки марта буфетга бориб келди ва ётиб ҳурракни варанглатди. Насимжон билан Шавкат ҳам ётсакмикин, деб туришганди, коридорда шовқин кўтарилиб қолди. Икковлари коридорга чиқдилар. Қават навбатчиси бир хонанинг эшигини ланг очганча алланималар деб шанғилларди. Шавкат бориб эшикдан ичкарига қаради. Каравотда иккита кавказлик башара йигит қип-яланғоч ётарди. Икковининг ҳам думбаси орасига бир дастадан гул тиқиб қўйилганди. Шавкат қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. Насимжон қизиқсиниб ичкарига мўралади, лекин ҳеч нарсани тушунмади.

— Иккита саёқ қизни олиб кирди, уродлар! — дея вайсади қават навбатчиси. — Буларга дори ичирган, албатта, чўнтақларини қоқлаб кетган у илонлар! Энди эртага мен жавоб беришим керак!

Шавкат Насимжонни хоналари томон етаклади.

Энди натуршица Валентина исмли қизни топиш керак эди. Бечора Насимжон яна ёлғиз қоладиган бўлди. Тергов материалида қизнинг манзили ва телефон рақами бор эди. Шавкат унга кўнғироқ қилди ва учрашишга келишдилар.

Адвокатлар фош қилади

Адвокатлар тайинланган жойга етиб борганларида қиз ўриндиқда кутиб ўтирган эди.

— Сизлар ҳам рассомни қурувчи ўлдирмаганига ишонасизларми? — деб сўради у.

— Ҳеч нарсани ўйлаётганимиз йўқ. Ҳамма фактларни текширишимиз керак, — жавоб берди Шавкат.

— Қурувчини кўриб раҳмим келди, — деди Валентина. — Унақалар миллионлаб. — Қурувчи қанақасига ўлдирсин! Мана, рассомнинг хотини, сволоч! Сизлар олижанобларча иш қиялпсизлар. Бегуноҳларни озод қиласизлар... Келганларинг яхши бўлди. Терговчининг саволларига жавоб бераётганимда бир нарсага ё эътибор бермаганман, ёки эсимдан чиққан. Рассомнинг хотини қамалишига бошқа фактлар ҳам етарли, деб ўйладимми, ишқилиб...

— Нима қолиб кетганди?

— Бошидан гапириб берақолай, а?.. Рассом Иван билан дачасига бордик. Дарвозадан ўтишимиз билан хотини чиқиб қолди. "Азизим, касал бўлиб қолмадингми? Учунчи марта битта қиз билан келяпсан. Ўзингга ўхшамаяпсан! Ёш таъсир қиялпти шекилли!" деди у ачитиб. Иван мени устахонага жўнатиб юборди. Гапларини йўл-йўлакай эшитдим.

"Сенга нима керак? Нима бўлди?" — сўради Иван.

"Ҳеч бўлмаса бегоналардан уялсанг-чи!" — деди хотини.

"Нимасидан уяламан? Бу шунчаки натуршица".

"Шунчаки натуршица! Менга қара, манзаралар чизишга ўтсанг, нима бўларди, тасаввур қилолмайман!!! Кўкрак, думба!.. Ажойиб! Кимга айланиб қолдинг-а?!".

"Сен кўп вайсамай, уй ишлари билан шуғуллансанг яхши бўларди!".

"Улар сен билан қандай ётишини кўз олдимга келтиряпман!".

"Ифлос!! Ўлдираман!" — дея Иван хотинига ташланди.

"Тегиб кўр-чи!! Кўзингга қайчи тиқилганда уйғонасан!" — деб чинқирди хотини.

"Биласанми! Лаш-лушингни йиғиштириб уйимдан йўқол!!! Ифлос!".

"Сенинг уйингми?!".

Хотин машинасига ўтириб шаҳд билан чиқиб кетди. Иван устахонага кирди. Лекин қўли ишга бормади. Икки — уч соатдан кейин менга рухсат берди.

Маршрутли такси тўхтайдиган жойга бордим. Бир пайт қарасам, хотини қайтиб келяпти. Ёнида бир эркак бор эди. Дача томонга кетишди.

— Гапларингизни прокуратурада такрорлай оласизми?

— Албатта! — қиз ер остидан боядан бери еб қўйгудай тикилиб ўтирган Холбойга қаради.

— Раҳмат сизга, Валентина. Катта ёрдам бердингиз. Хайр, — деди Шавкат.

Холбой қизга қўл узатди ва унинг оппоқ, назик қўлини қўйиб юборгиси келмай турди. Шавкат кутаётганини кўриб, қўлини олди-да, хайрлашди. Қиз уларнинг ортидан бирпас қараб қолди.

— Энди мадам Ольганинг олдигами? — сўради Холбой.

— Ҳа. Иш айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ўша аёлга тақалаяпти.

— Мана, ютқазингизга озгина қоляпти.

Улар қишлоққа бориб келадиган таксичи топишга анча қийналдилар. Ниҳоят, бир кексароқ таксичи рози бўлди. Ўша томонда ўзининг ҳам иши бор экан.

Дарвозани очган Ольганинг юзи қаҳрли, қатъиятли эди. У адвокатларга индамай йўл бўшатди.

— Кутмаганмидингиз? — сўради Шавкат дарвозадан ўтаркан.

— Кутмагандим. Лекин келганларинг яхши бўлди, — жавоб берди аёл.

Улар аввалги жойга бориб ўтирдилар. Ольга "Қулоғим сизда" дегандай Шавкатга қаради.

— Хўш, Валентина, охири натуршицанинг айтишича, фожиа юз берган кун эрингиз билан жуда қаттиқ уришган экансиз. У кўрсатмасини прокуратурада ҳам такрорламоқчи, — деди Шавкат.

Ольга ерга қараганча бирпас индамай ўтирди. Кейин секин бошини кўтарди ва гап бошлади:

Адвокатлар фош қилади

— Иван ерости йўлагиди чизмачи бўлиб ўтирганда беш юз рублга расмингизни чизаман, деб ўткинчиларга ялинарди. Ўшанда эндигина шаҳарга келгандим. Бир куни уни кўриб қолдим. Иван менинг портретимни чизди. Кейин яланғоч туриб беришимни илтимос қилди. Рози бўлдим. Менинг расмим дарров сотилди. Ана ўшанда Иван биринчи ҳақиқий пулини топди. У "Менинг илҳом паримсан" дерди. Иванга турмушга чиқдим. Аммо унга илҳом париси эмас, уй хизматчиси керак экан. У ахир ижодкор эди, ёруғ дунёдаги ҳеч нарсани тан олмайдиган!.. Пули кўпайиб, семириб қолгандан кейин ҳар хил натуршицаларни бошлаб келишни одат қилди. "Аёлнинг асл мазасини тотмасдан яхши чиза олмайман" деган назария тўқиб чиқарди. Натуршицалар билан юриб-юриб ўзимга қайтиб келарди. Кечирдим. "Вақт ўтиб босилиб қолар, ўзгарар", деб ўйладим. Лекин ўзгармади.

Ўша куни унга қанча умримни бағишлаганимни ўйладим. У эса навбатдаги ёш қиз билан кириб келяпти! Ёниб кетдим!

— Нима учун буларни терговчига айтмадингиз?

— Иван ўлиб кетди. Мен эса яшамоқчиман. Ўз бошини сиртмоққа тиқиш аҳмоқнинг иши, — Ольга чуқур "уф" тортди.

— Унда нимага бизга айтяпсиз? — сўради Шавкат.

— Чунки ўзимни айбдор деб ҳисобламайман.

— Хўп, майли. Фожа юз берган куни бир эркак билан дачага қайтгансиз. У ким эди?

— Севгилим Андрей. Поздняков.

— У ҳақида гапириб беринг.

— Андрей билан анчадан бери учрашиб юрардик. Эрим билан уришганим менга қатъият бағишлади. Андрейнинг ёнига бориб ортиқ Иван билан яшай олмаслигимни айтдим. Масалани узил-кесил ҳал қилиш учун у билан дачага қайтдим. Иван бизни кўриб қотиб қолди. "Ким у?" — деб сўради. "Бўлажак эрим", — дедим. Иван нақ портлаб кетаёзди. "Қалай бўларкан?" деб ўйладим ичимда ўч олаётганимдан қониқиб. Олдимга ҳар хил натуршица қизларни бошлаб келганда мен ҳам шундай аҳволга тушмаганмидим! Иван сапчиб туриб

хириллаганча қўлидаги узун мўйқаламни Андрейга ўқталди. Андрей мўйқаламнинг ўзига қараган учига кафти билан урди. Мўйқалам Иваннинг кўзига кириб кетди. Шувиллаб қон отилди. Мен чинқириб юбордим. "Нима қилдинг?! "Тез ёрдам" чақириб керак!" — дедим. "Қанақа "Тез ёрдам"?! У ўлди! Қочдик!!!" — деди Андрей қўлимдан судраб. — Ольга жимиб қолди.

— Нимага энди Андрейни "сотяпсиз?" — сўради Шавкат.

— Кеча шаҳардаги квартирамга борсам, Андрей бир яланғоч қиз билан ўтирибди! Аламдан ёниб кетдим! Мана, сизга эркаклар! Одам ўлдирган одам шунақа бемалол юриши мумкинми? Мен сира ўзимга келолмаяпман, кечалари алаҳсираб додлайман. Иван кўз олдимдан кетмайди. Андрей бўлса... Унақа одамдан ҳар қандай қабиҳликни кутиш мумкин эмасми?!

Мен ёмон бўлиб кетяпман! — Ольга инграб пастга энгашди.
— Кўнглим айниятти!

Шавкат билан Холбой ўрниларидан туриб ва хайрлашдилар. Кўчада таксичи кутиб ўтирган эди. У қўшни қишлоқдаги қариндошини кўриб келибди. Таксичи адвокатларга биттадан олма тутқазди.

— Дарахтдан ўзим узиб олдим, — мақтанди у.

Адвокатлар шаҳарда тўғри прокуратурага бердилар. Шавкат прокурорга бор гапни баён қилди.

— Э, яшанг! — деди прокурор. — Жуда оператив, пухта ишлар экансиз. Қани эди терговчиларим сизга ўхшаган бўлса... Ҳозир Андрейни тутиб келишга ходимларни жўнатаман. Сиз, ака, эртага тушдан кейин келсангиз, баъзи нарсалар ойдинлашади.

Шавкат раҳмат айтиб чиқиб кетди.

Адвокатлар ва Насимжон шаҳар айланиб, томоша қилишди. Насимжон хурсандлигидан типирчилар, Шавкатнинг гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига ўтиб, пинжиги тикиларди. Сергей билан учрашдилар. Шавкат унга воқеаларни гапириб берди. Сергей

Адвокатлар фош қилади

уларни шаҳар четидаги бир чиройли жойга олиб борди. Ўша ерда овқатланиб, дам олиб ўтиришди.

— Чирчиқда бувим билан бувам яшайди. Ёшлари олтмишдан ошган. Ўшаларга совға бериб юбораман, майлими? — сўради Сергей.

— Албатта, етказамиз, — деди Холбой.

— Унда кетдикми? Мен супермаркетда тушиб қоламан. Соат иккида прокуратурада учрашамиз.

Ҳамма ўрнидан турди.

— Сергей, — деди Холбой, — биз ҳам супермаркетда тушайлик. Томоша қиламиз, ул-бул оламиз.

— Тўғри, кетдик! — деди Сергей.

Соат иккида прокуратурага боришди. Сергей билан Шавкат прокурорнинг хонасига кирдилар.

— Э, келинлар, келинлар! Ютуқ билан табриклайман, ўртоқ адвокат! — Прокурор Шавкатнинг қўлини сиқди. — Поздняков жиноятини тан олди. Ольгадай гувоҳнинг олдида қасёққа ҳам борарди? Мўйқаламда Поздняковнинг бармоқ изи йўқ. Чунки у мўйқаламни ушламаган, мўйли томонига кафти билан урган. Аслида у ўлдиришни хаёлига ҳам келтирмаган. Шундай бўлиб чиққан-да. Ўртоқ адвокат, сиз қандай асосларга кўра, Отахонов "Одам ўлдирмаган" деган қарорга келгандингиз?

— Агар Икром одам ўлдирган бўлганда, ашъвий далил — конвертни ташлаб юбориб, пулини чўнтакка соларди. Қон теккан майкасидан ҳам қутуларди-қўярди. Айбланувчининг гаплари мантиққа тўғри келади. Ўлдириш усули мантиққа тўғри келмайди. Мўйқалам дастасини Иваннинг кўзига тиқиш учун аввал жанжаллашиб уришишлари керак эди. Марҳум стулда ўтирган. Унинг атрофида ҳам, мўйқалам сопида ҳам айбланувчининг бирор изи йўқ. Марҳумнинг бирор жойи шикастланмаган, кўзидан бошқа, албатта.

— Ўртоқ прокурор, — гапга қўшилди Сергей, — сизлар борганда кўзга тиқилган мўйқаламнинг бўёғи қуриганмиди?

– Йўқ, – деди прокурор. – Эксперт уни эҳтиёт бўлиб целлофан халтага солаётгани эсимда. Бўёқ яшил рангда эди.

– Ана, мархумнинг кўзига мўйқалам урган одамнинг қўлида, кийимида яшил ранг бўлиши керакми? Айбланувчида ҳеч қандай бўёқ юқи йўқ, тўғрими?

– Ҳа, точкасига урдингиз, – тан олди прокурор. – Отахоновни озод қиламиз. Пул ўғирлагани учун жиноий жавобгарликка тортиш керак эди. Лекин пул қайтариб олинди, шунча вақт ҳибсда ётди. Аслида у жиноятчи эмас, тасодифан жиноятга рўбарў бўлган... Ҳозир ҳибсхонага боринглар.

– Э, яшанг! Ҳақиқий тушунган одам экансиз! – мақтади Шавкат. – Тошкентга йўлларинг тушса, кутиб оламиз.

Тошкентда Насимжон жонкуяр ҳимоячилари билан кўзида ёш, кучоқлашиб хайрлашди.

– Акажон, энди хизмат ҳақи қанча бўлади? – сўради ийманиб.

– Ҳеч қанча! – Шавкат қўлини силтади. – Ишда ютиб чиқиб қувонганимиз катта мукофот. Бунинг устига, қанча сарф-ҳаракат қилдингиз, ўғлингиз пулсиз қайтди.

– Биз халқаро аренага чиқдик! – дея гурурланди Холбой.

– Қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмайман! – Насимжон кўз ёшларини артди.

– Ҳов, йигит! – Икромга мурожаат қилди Шавкат. – Хатонгиз бир умрга дарс бўлсин-а.

– Албатта, акажон, албатта! – Икром қўл қовуштирди.

Улар қайта-қайта раҳмат айтиб, кетдилар. Шавкат Холбойнинг енгидан тортди.

– Хўш, ўртоқ Холбой, бир яшик ароққа пул борми?

– Бор, пул берсангиз бўлади... Лекин ютишимга сал қолдими? Шундай ёнгинасидан ўтиб кетди. Мимо! Штанга!

– Хўп, майли, унда ярим яшик оласиз.

ГУЛЧЕҲРА ҲОМИЛАДОРЛИК ТАЪТИЛИГА ЧИҚДИ. БУ
ЕТМАГАНДАЙ, ХОЛБОЙ БЕЛИНИ ШАМОЛЛАТИБ
ҚЎЙИБ, КАСАЛХОНАГА ЁТИШГА МАЖБУР БЎЛДИ.

ШУНИНГ УЧУН НАВБАТДАГИ ИШЛАРНИ
ШАВКАТНИНГ ЁЛҒИЗ ЎЗИ БАЖАРИШИГА
ТЎҒРИ КЕЛДИ.

ЯШАРТИРИШ ДОРИСИ

"Айбланувчи Жамол Соипов хотини, қайнсинглиси, қайнонаси ва унинг жазмани жонларига қасд қилган. Уларни каламушга қарши дори билан заҳарлаган.

Жабрланувчилар айбланувчининг хонадонида бирга яшаганлар. Уларнинг орасида кунда-кунора жанжал чиқиб турган. Жанжалга сабаб, ҳаммалари соғлом, меҳнатга яроқли бўлишларига қарамай, фақат айбланувчи ишлаб оилани боққан.

Соипов Жамол 2012 йил 15 сентябрь куни каламушларни заҳарловчи дори сотиб олган. Кечкурун уйида заҳарни овқатга кўшиб қўйган. Ўзи овқатдан бош тортиб кўчага чиқиб кетган.

Соат 23 дан 12 дақиқа ўтганда "Тез ёрдам"га кўнғироқ бўлган. Айбланувчининг хотини Сатторова Гўзал ошқозони қаттиқ оғриётгани, бошқаларни қалтироқ тутаётганини хабар қилган. "Тез ёрдам" борганда қайнонаси ва унинг жазмани Маннопов Қодир ўлган, икки аёлнинг аҳволи оғир бўлган.

Хонадон кўздан кечирилганда дераза тоқчасидан соч тўкилишига қарши дори банкиси топилган. Банкада каламушга қарши дори қолдиғи бўлган. Унинг сиртида Ж.Соипов, Қ.Маннопов ва қайнонаси Д.Саттороваларнинг бармоқ излари бор.

Марҳум Қ.Маннопов ва Д.Сатторова соат 22:00 лар атрофида заҳарланишдан вафот этган.

Барча жабрланувчиларнинг жигар, ошқозон-ичак йўли ва бошқа аъзолари қаттиқ заҳарланган".

Тергов материалларидаги айблов шу мазмунда эди.

Ўша куни Жамол компьютер олдида ўтиравериб ниҳоятда толиқди. Кўз ўнгида турли шакллар ўйнай бошлагач, ўзини стул суянчигига ташлади. Фаррош хотин эшикни тарақлатиб очиб кирганда Жамол ўрнидан турди. У ҳеч қачон ажралмайдиган тўрвага ўхшаш сумкасини елкага илиб чиқиб кетди. Ишхона қаршисидаги озиқ-овқат дўконига кириб, нон ва рагу олди. Озгина бўлса ҳам пулни тежаш учун уйига пиёда кетди. Йўл-йўлакай уйни суварак босгани эсига тушди-да, хўжалик моллари дўконидан "Каламуш ўлими" деган дори харид қилди. Чунки суваракка қарши дори суваракларга таъсир қилмай қўйганди.

Жамол уйига кирганда ҳар кунги аҳвол эди: уч хотин телевизор қаршисида, чол эса турли моддаларни қўшиб қайнатиб кимёвий тажрибалар ўтказиш билан банд эди. Жамол сумкасини ошхонага қўйиб атрофга назар ташлади. Стол устида ювуқсиз идиш-товоқлар қалашиб ётибди, бўш қора қозон газ плитаси устида қаққайиб турибди.

— Овқат қилмадиларингми? — тўнгиллади у, идишларни жаҳл билан тарақлатиб юваркан.

— Нимадан овқат қиламиз? Катта-катта олиб келиб қўйинг аввал! — шангиллади қайнонаси.

— Ҳеч нарса қолмаган, — унга қўшилди хотини. — Сизни кутиб ўтирувдик.

Жамол уларга гап қайтариш бефойдалигини билгани учун аламини ичига ютди. Охири қолган сабзи, пиёз, картошкани тўғради. Қозонни ювиб, тагига ўт ёқди. Сумкасидаги рагуни олиб келиб, сабзавотларга қўшиб қовурди ва озгина сув қўйиб, қозон қопқоғини ёпди. Шундан сўнг овқат пишгунча нон емоқчи бўлди, лекин ноннинг устида уч-тўртта суварак сайр қиларди, иштаҳаси ғиппа бўғилди. "Анаву паразитлар суваракни ҳам пайқамайди, чунки ҳаммаси чўчқадан баттар" деб ўйлади. Дераза тоқчасига ўзи қўйган дорини қўлига олди. Халтачанинг озгина қисми йиртилганди. Идиш қидириб

Адвокатлар фош қилади

кичкина банкача топди-да, дорини ўшанга солди. Бир кўнгли заҳарни ҳозироқ сепмоқчи бўлди, аммо кечаси ҳидидан ётолмаслигини ўйлади-да, эрталабга қолдирди. Ҳозир уйда овқат ейиши қийин эди, чунки хаёлидан сувараклар кетмаётганди. Чўнтагига қўл тиқиб пулининг чўғини чамалади ва кўчага чиқиб кетди.

У уйидан сал наридаги ошхонага кирди. Икки кружка пивони тик туриб бўшатгач, учинчисига "прицеп" қўшди, яъни юз грамм оқидан қуйдирди. Эндигина ўтирган эди ҳамки, кириб келаётган ошнаси Фаффорни кўрди. Бошланди... Ичларига тушган ароқ ғаму хасратга айланиб чиқа бошлади. Охири бир-бирларига суяниб кўчани эгаллаб гудиллаганларича Фаффорникига жўнадилар...

Жамолнинг ёшлиги жуда оғир кечди. Ундай десак, ҳозир ҳам осон кечаётгани йўқ эди.

Ота-онасининг кундалик жанжаллари миясига тикандай санчилар, у олисларга қочиб кетишни истар, лекин журъати етмасди. Охири, отаси уйдан чиқиб кетди. Онаси эса ўзича бизнес қилмоқчи бўлди. Орадан кўп ўтмай у уйни сотди. У қандайдир муттаҳамнинг тузоғига тушганди. Натижада, уйдан ҳам ажралди, ўзи ҳам аллақаяққа ғойиб бўлди.

Жамол кекса бувиси билан яшар эди. У мактабни битирди ҳамки бувиси вафот этди. Жамол ўқишга жўнади ва жон-жаҳди билан ҳаракат қилгани учун институтга кирди. У табиатан ниҳоятда серғайрат, қимирламай ўтиролмас, ҳар доим нима биландир банд бўларди. Файратини ичига сиғдиролмаганидан дарсдан кейин одамларнинг уйларини таъмирлаб пул топа бошлади...

Институтни битириб ишга жойлашди. Орадан вақт ўтиб ўз уйига эга бўлди. Бунда бувисидан қолган уйнинг пули ҳам катта ёрдам берди. Турмуши бир маромда ўтаётган эдию...

У кечки пайт хонасидан чиқиб эшикни қулфлади-да, орқасига бурилганди, бир қиз салом берди. Жамол қизнинг

нимадир демоқчилигини фаҳмлаб, қалитниғижимлаганча тўхтади.

– Фаррошликка ҳам олишмади, – деди қиз дабдурустан.

– Ишга кирмоқчимидингиз? – сўради Жамол.

– Ҳа, – деди қиз мунғайиб тирноғига тикилганча. – Энди нима қилишимни билмайман. Борадиган жойимиз йўқ. Узоқдан келганмиз.

Жамол ўйланиб қолди. У уй-жойсизликдан жуда кўрқарди. Қизга ачинди. Лекин сира уйига қиз олиб бормаганди.

– Уйга олиб кетайми? – деди Жамол ниҳоят.

– Опам ҳам бор, – деди қиз секин.

– Қаерда?

– Кўчала.

Ташқарида гулдор рўмол ўраган пакана, озғин қиз ўтирарди. Жамол бориб саломлашди. Қиз алик олди-да, индамай ерга қараб тураверди.

– Бўпти, юринглар бизникига, – деди Жамол томоқ қириб.

Қизлар бошпана топилганидан жуда хурсанд эдилар. Жамол қиз – Гулнора билан бирга овқат тайёрлади. Дастурхон устида бир-бирларининг ҳаёт тарихларини ҳам дастурхон қилдилар. Маълум бўлишича, Гулноранинг отаси қайсидир чет элга ишга кетиб, дом-дараксиз йўқолгач, кичкина ҳовлида тиқилишиб яшаётган амаки ва хотини она-болаларни сиқиб чиқаришибди. Жамолнинг ўзи ҳам кўп қийинчилик кўргани учун эртасига уларни кетказа олмади. Бунинг устига, уйга албатта аёл кераклигини ҳис эта бошлаганди. Жамол бир амаллаб қизларга иш топди. Қизлар ишга кириши учун эса уйда рўйхатдан ўтиши керак эди. Хуллас, бориб-бориб Гулнора унинг қонуний хотинига айланди. Ҳаёти мазмунга тўлаётганди. Бироқ... Яна бироқ...

Қизларнинг онаси топиб келиб қолса бўладими! Икки хонали уйда тўрт киши яшай бошладилар. Ҳаловат йўқолди. Қизларнинг онаси аста-секин хонадонни қўлга олди. Охири эса ҳукмронга айланди. Аёл ниҳоятда жағи очиқ, ҳийлакор

Адвокатлар фош қилади

экан. Аҳвол шу даражага бориб етдики, она-болалар бир-бирларига аччиқ қилиб ҳеч қандай юмушга қўл урмай қўйдилар. Ҳамма оғирлик Жамолнинг елкасида эди. Гулнора ҳомиладорлик таътилига чиқди. Унга аччиқ қилиб опаси Хулкар ишдан бўшаб келди. Онанинг жағига жағ қўшилди. Айниқса, у қизи ҳомиладор бўлгач, янада баланддан келадиган бўлди.

– Эркак одам рўзгорни бут қилиб қўйиши керак. Мана шунинг учун ҳам эркак у! Энди қизим яхши овқатланиши керак! – дея тинмай гингширди у.

“– Бировнинг уйига ўтирволиб яна нималар деб шанғилляяпсиз!” – дея бақирарди Жамол, фақат ичида.

Кимўзарга курашиш одамни кўр ва кар қилиб қўйиши ҳеч гап эмас экан. Охиринаи ўйламай иш қиладиган қайнона тагин бир каромат кўрсатди. Аллақандай чўққи соқол, жиккак, доим питирлаб турадиган бир чолни бошлаб келса бўладими!! Чол доктор, олим эмиш! Одамни ёшартирадиган дори кашф қилаётган экан. Машғулотиға ғоятда берилиб кетиб, оилани унутган экан, ёш хотини ҳайдаб юборибди. Дорини кашф қилса, миллиардер бўларкан, қаср сотиб олиб қайнонасини олиб кетармиш. Озгина иши қолибди, унгача шу ерда яшаб турармиш!

Жамол қайнонаси билан қаттиқ уришди. Лекин бас келолмади. Жамол ўз уйида сиғиндига айланганди.

* * *

Жамол эрталаб ошнаси Гаффорникидан уйига келдию қотди. Милиция, докторлар, яна аллақандай одамлар! Жамол аҳволни англагач, кўрққанидан бадани музлаб қолаёзди! “Наҳотки, шундай даҳшатли жиноят қилиб қўйдим? – ўйлади у. – Бўлиши мумкин”. Кеча уйдагиларнинг аҳволини кўриб шунақанги газабландики, кўз олди хиралашиб, титрай бошлади. Қон босими ошган бўлса керак. Ҳамма нарсани отиб, синдириб, ҳаммани кўчага қувгиси келди. Ўзини зўрға босди...

— Заҳар солган бўлишим мумкин, — деди Жамол адвокатга.
— Ўша пайтда шундай аҳволда эдимки, нима қилганимни эслай олмайман. Қарасам, совитгичнинг суви оқиб ётибди. Сирганиб йиқилишимга сал қолди. Гиж-гиж суваракларни кўриб юрагим орқага тортиб кетди.

— Каламуш заҳарини соч тўқилишига қарши дори банкасига сиз солдингизми? — сўради адвокат Шавкат Шарипов.

— Ҳа, қоғоз халтача озгина тешилган экан. Уёқ, буёққа қараб ўша банкачага кўзим тушди. Уйда бир ихтирочи олим чол яшайди. У турли тажрибалар ўтказди. Шунинг учун уйда банкачалар жуда кўп. Мен дераза тоқчасидаги банкага суваракка қарши заҳар солиб қўйганимни айтдим уларга.

— Гапингизни ҳамма эшитдимиз?

— Балони ҳам эшитмаган бўлса керак, — қўл силтади Жамол алам билан. — Хотинлар сериалдагиларнинг қайси бири ким билан юришини билишга қизиқиб ўлар ҳолатда эди.

Адвокат фожиа юз берган хонадонга борди. Эшикни Гулнора очди. Шавкат ўзини таништиргач, ичкарига бошлади. Бир аёл телевизор кўриб ўтирарди. Меҳмоннинг кимлигини билгач, у телевизордан кўзини узмай деди:

— Жамолга ёрдам беришингиз керак. Унга турмада нима бор? Уйдаги ёлғиз эркак. У пул топмаса, шунча одам қандай яшайди? Хотини ҳомиладор.

Шавкатнинг шунчалик энсаси қотиб, жаҳли чиқдики, лекин уларга ҳеч ким бўлмагани учун ўзини босди. "Худо шунақа яратган-да", дея кўнглидан ўтказди.

— Сиз билан яшаган марҳум ёшартириш дориси яратмоқчи бўлганидан хабарингиз бормиди? — сўради Гулноранинг опасидан.

— Ҳа, билардик, — жавоб берди Хулкар.

— Унинг тажриба қилаётган дорилари қаерда сақланади?

— Уйнинг ҳаммаёғида. Ваннада ҳам, ошхонада, батареяларнинг устида ҳам бор. Ишига боши билан шўнғиб кетганди. Атрофида нималар бўлаётгани билан қизиқмас эди.

Адвокатлар фош қилади

– Ўша куни сизлар билан одатдагидай овқатландими?

– Бир нарса дейишим қийин... Иштаҳаси бошқачароқ эди. Аввал инжиқлик қилади, кейин ейди. У қачон ейиш керак, нимага ейиш кераклигини билмасди.

Гапга Гулнора қўшилди:

– Бўлмаган гап! Икки тарелкани паққос туширди!

Шавкат турли-туман кукунлар солинган банкачаларни кўздан кечиргач, уй эгалари билан хайрлашишни ҳам эп кўрмай ташқарига чиқди. Адвокат илгари Маннопов ишлаган жойга борди. У ерда етакчи герантолог профессорни топди. Профессор Манноповни ўта камтар, ўз машғулотидан бошқа нарсани кўрмайдиган довдирроқ одам эди, деб таърифлади.

– Яқинда учрашгандик, – деди профессор стол ғаладонини ковлаштираркан. – У тўлқинланиб липосамотистика ҳолати ҳисобига истогнация жараёнини, яъни эпителий тўқимаси қаришини тўхтатиш мумкинлигини айтди. У кашфиётини синаб кўрмоқчи экан. Тажрибасига мени таклиф қилди. Лекин мен у айтган ўн бешинчи сентябрь куни сафарда эдим. Мана, синаладиган одамларнинг расми...

Адвокат расмларни олиб назар ташладию шошиб қолди. Улар Жамолнинг уйида яшовчилар эди. Ораларида Манноповнинг ўзи ҳам бор эди. "Буёғи қизиқ бўлди-ку! – хаёлидан ўтказди адвокат. – Маннопов ўзини-ўзи заҳарлабдида. Банкачаларни алмаштириб юборган бўлиши мумкин-ку эсар одам. Демак, Жамол айбдор эмас. Кўчага чиқиб кетгани уни заҳарланишдан сақлаб қолган. У эса кўчага чиқиб кетгани учун ҳибсда ўтирибди!"

Шавкат юзи ёришганча прокуратура томон жўнади.



Уч дўст – Дилфуза, Алишер ва Ҳожиакбар бирга ўсиб, улғайдилар. Бирга ўқиб, мактабни битиргач, турли олий ўқув юртларига ўқишга киришди.

Дилфуза Ҳожиакбарни яхши кўрарди. Аммо у билан

Алишернинг оналари ёшликдан фарзандлари ўртасида севги туғдириш умидида юрдилар.

Ўқув юртининг охириги курсида Ҳожиакбар бир бой одамнинг қизига уйланди. Қайнотаси унга ўз ишини йўлга қўйиш учун яхши шароит яратиб берди.

Шундан кейин Ҳожиакбардан умидини узган Дилфуза Алишерга турмушга чиқди. Ҳаётлари бинойидай эди. Бироқ орадан тўрт йил ўтса-да, фарзанд кўрмадилар. Қаратган врачлари икковидан ҳам нуқсон топишолмади.

Дилфуза бошқа узоқ шаҳарга турмушга чиққан дугонаси Шалола билан телефонда гаплашганларида, у шаҳарларида жуда кучли бир доктор борлигини айтиб қолди. Келиннинг дилида умид уйғонди. Эридан рухсат олиб дугонасиникига жўнади. У ерда бир ойга яқин бўлиб қайтди...

Дилфузанинг қайтганига ҳеч қанча вақт бўлмаганди. Кўчада учратган Ҳожиакбарнинг хотини Хосият Алишерни Дилфуза ҳомиладор бўлгани билан табриклади. Хосият Алишерни хурсанд қилмоқчи эди, аммо аввалига шошиб қолган йигит бирдан кўрқиб кетди. Хаёлан бирга бўлган кунларни ҳисоблай бошлади...

Эртасига дала ҳовлида Дилфузанинг мурдаси топилди. Алишер жиноятда шубҳаланиб ҳибсга олинди. Бугун унинг суди эди.

Судья кириб, ҳамма жойига ўтириб, залга жимлик чўкди. Кўп йиллар адвокатлик билан шуғулланаётганига қарамай, бундай пайтда ҳар доим Шавкатни ҳаяжон босарди. Ўзи буни залга сингиб қолган ва ҳозир ҳукм сураётган аурадан деб билар эди.

Судья зарур расм-русумларни ўтказгач, прокурорга сўз берди.

— Ҳурматли суд мажлиси қатнашчилари, — дея гап бошлади прокурор ўрнидан туриб. — Еттинчи апрель соат ўн олтида ўз дала ҳовлисида 1987 йилда тугилган Собирова Дилфузанинг мурдаси топилди. Судмезкспертизанинг хулосасига кўра, Жиноятчи Д.Собированинг бошига тўмтоқ нарса билан уриб,

Адвокатлар фош қилади

бўғиб ўлдирган. Жиноятда айбланиб марҳумнинг эри Фахриддинов Алишер ушланди.

Аниқланишича, жиноят содир бўлишидан икки кун аввал эр-хотин жанжаллашганлар. Эр – Алишер Фахриддинов хотини ҳомиладорлигини билгач, уни хиёнат қилишда айблаган. Судланувчи бола ўзиники эмас, деб ҳисоблаган. У дала ҳовлига келиб, бирмунча вақт жанжаллашгандан кейин хотинининг бошига мушт билан урган. Д.Собирова ҳушидан кетгач, бўғиб ўлдирган.

Гапим тамом.

Судланувчи айбини тан олмаслигини айтди. Адвокат фикрларини суд мажлиси жараёнида баён қилишини билдирди. Сўз жабрланувчи – Дилфузанинг онасига берилди.

– Қизингиз билан судланувчининг муносабатлари қандай эди? – сўради прокурор.

– Ёмон эди деёлмайман, уриш-жанжалларидан хабарим йўқ, – жавоб берди она кўз ёшларини бармоғи билан артиб.

– Судланувчи қизингизни рашк қилармиди?

– Қизим рашкка сабаб бўладиган йўлга юрган эмас.

– Еттинчи апрель куни қизингизни кўрдингизми? Нималар ҳақида гаплашдиларинг?

– Тез орада ҳаётида катта ўзгариш бўлишини айтди. Лекин қандай ўзгаришлигини мен билолмадим. Саволимга жавоб бермай кулумсиради. Ўша кулумсираши ҳали ҳам кўз олдимда турибди.

– Қизингиз ҳомиладорлигини билармидингиз?

– Йўқ. Менга Хосият айтгандан кейин билдим.

– Қизингизнинг ўлганидан қандай хабар топдингиз?

– Хосиятнинг эри Ҳожиакбар қўнғироқ қилиб айтди. Дала ҳовлиларимиз ёнма-ён. Ҳожиакбар ўша ёққа борган экан. Дарвоза қия очиклигини кўриб, ичкарига бош суқибди. Дилфуза ҳовлида ётган экан, – онанинг ҳалқумига йиғи тиқилиб гапдан тўхтади.

– Айтинг-чи, қизингиз бирор эркак билан учрашмасмиди?

– Йўқ. У енгилтак эмасди.

Судланувчи чидамай қичқирди:

– Унда бола қаердан? Фаришталар жойлаб кўйибди-да, а?!

Судья уни тинчлантириб, Ҳожиакбар Саидовни гувоҳликка чақирди. Гувоҳ залга кириб, минбар ёнига турди.

– Мархум Дилфузани охирги марта қачон кўргандингиз? – сўради прокурор.

– Ўлимидан икки кун олдин подъезд ёнида учратдим, – жавоб берди гувоҳ.

– Алишерни-чи?

– Еттинчи апрель кuni соат бешларда. Хотинимнинг ёнига кирувдим. Дилфузанинг ҳомиладорлигини хотиним айтди. "Алишни табриклаш керак" деди.

– Табрикладингиз. У табрикни қандай қабул қилди?

– Хурсанд бўлгани йўқ. Нималардир деб гўлдиради, холос.

– Гувоҳ Саидов, Дилфузанинг ўлгани ҳақида сиз хабар бергансиз, а?.. Ҳурматли судья, ҳақиқатан ҳам соат ўн саккизу йигирма дақиқада милициянинг навбатчилик қисмига гувоҳ Саидов кўнғироқ қилган... Айтинг-чи, гувоҳ, воқеа жойига қандай бориб қолдингиз? Олдиндан режалаштирганмидингиз? – сўради прокурор.

– Йўқ. Шаҳар чеккасида бир киши билан учрашдим. Қайтаётиб йўл-йўлакай киргандим. Соат кечки олтилар эди.

– Бошқа саволим йўқ, – деди прокурор.

Залга гувоҳ – Ҳожиакбарнинг хотини Хосият чақирилди.

– Еттинчи апрель кuni Дилфузани кўрдингизми?

– Ҳа. Мен ҳар доимгидай салонда эдим. Дилфуза кириб қолди. Соат учдан ўтганди. Биз яқин эдик. Сирини аввал менга айтарди. У хурсанд эди, юзи яшнаб турарди. "Нима гап?" деб сўрадим. У ҳомиладорлигини айтди. Докторга борган экан.

– Ўша кuni бу ҳақда бировга айтдингизми?

– Ҳа. Эримга айтдим.

– Ўша кuni судланувчини кўрдингизми?

– Ҳа. Соат бешда. Эрим билан уйга кираётгандик. Подъезд олдида судланувчини кўрдик. Уни хурсанд қилмоқчи бўлдим.

Адвокатлар фош қилади

У эса қизариб кетди, ҳурпайиб олди, лаблари титради. "Ишончингиз комилми?" деб сўради.

Прокурор сўроқни тугатгач, адвокат савол берди:

– Дилфуза билан эри орасидаги мурося ҳақида нима дейсиз? Хосият бирпас ўйланиб шифтга қаради.

– Биласизми, улар болаларча севги таъсирида эдилар. Уларнинг севгисини ота-оналари ўйлаб топишган. "Бешиккерт" қилишмаган, холос.

Гувоҳга ўтиришга рухсат берилди. Судьянинг буйруғи билан судланувчи ўрнидан турди.

– Ана, энди бор гапингизни айтаверинг, – деди судья унга.

– Адвокат Шарипов, беринг саволларингизни.

Шавкат қоғозларини титкилаб бўлиб, сўради:

– Алишер, еттинчи апрель куни хотинингизнинг ҳомиладорлигини эшитгандан кейин нима қилдингиз?

– Хотинимга кўнғироқ қилдим. Хосият етказган хушxabар тўғрими, йўқлигини суриштирдим. У ҳомиладорлигини тасдиқлади. Мен учрашмоқчи бўлдим. "Бола кимдан?" деб сўрадим. У "Бугун дачада ётаман. Эртага кўришамиз, ҳаммасини гаплашамиз" деди. Мен унинг ёнига жўнадим, – деди судланувчи.

– Нимага дарров бола сизники эмас, деб ўйладингиз?

– Хосиятнинг айтишича, врач "Ҳомила ўн ҳафталик" деганмиш. Мен ҳисоблаб чиқдим. Ҳомила пайдо бўлган пайт унинг дугонасиникида юрган вақтга тўғри келди. Мен тиббиёт институтини битиряпман-ку.

– Хотинингизнинг олдига қачон етиб бордингиз?

– Соат тўртларда. У эшикни очишни хоҳламади. "Бола кимдан?" деб сўрадим. "Бошқа одамдан" деди. Кейин кетишимни талаб қилди. "Эртага бораман, ҳаммасини ҳал қиламиз" деди. Биз жанжаллашиб кетдик. Мен уни бир марта урдим. У йиқилиб тушди. Мен кетдим.

Йўлда битта ароқ олиб, шишаси билан ичдим. Уйга қандай етиб борганимни билмайман.

– Бошқа саволлар йўқми? – деди судья Алишер жим қолгач.

– Судланувчи, қўшимча гапларингиз бўлмаса, ўтиринг.

– Ҳурматли судья, – деди адвокат. – Ҳозир бир гувоҳни чақиришингизни сўрайман. У ҳимоячининг илтимоси билан бошқа шаҳардан келган. Исми Шалола Жалилова. Марҳум врачга даволангани борганда уникида яшаган.

– Прокурорнинг фикри қандай? – сўради судья.

– Мен қаршиман. Ҳамма гувоҳларни сўроқ қилиб бўлди. У қандай гувоҳлигини билмаймиз. Бирор янги маълумот бера олишига ишонмайман. Ҳимоя судни чўзиш учун чақирган, – дея эътироз билдирди прокурор.

– Суд гувоҳни чақириш керак, деган қарорга келди, – деди судья. – Гувоҳни чақиринг.

Гувоҳ Шалола кириб келди. Залда ўтирганлар гувва унга қарадилар. Гувоҳ минбар ёнига турди.

– Шалола, сиз Дилфуза Собировани танирмидингиз? – сўради Шавкат.

– Ҳа, – жавоб берди қиз دادил. – Мактабда бирга ўқиганмиз. Мен турмушга чиқиб бошқа шаҳарга кетганимдан кейин ажрашдик. Лекин доим қўнғироқ қилиб хабарлашиб турдик.

– Охирги марта уни қачон кўрдингиз?

– Февралнинг бошида. Дилфуза уёққа дам олишга борганди.

– Бир ўзимиди? – сўради адвокат.

– Йўқ. Йигит билан борди. Менда видеоёзув сақланиб қолган.

Видеоёзув намоиш этилди. Унда Ҳожиакбар билан Дилфузанинг яланғоч ҳолатдаги мулоқоти тасвирланган эди. Ҳожиакбарнинг хотини Хосият сапчиб туриб кетиб, қичқирди:

– Вой, Худойим, ким у, ким у?! Бу сенинг командировкангми?!

– Тинчланинг, тинчланинг! – судья тартибга чақирди тўқмоғини тақиллатиб. – Яна саволлар борми?

– Менда бор, – деди адвокат. – Шалола, Дилфуза билан Ҳожиакбар ўртасидаги алоқа бўйича яна нималар сизга маълум?

Адвокатлар фош қилади

– Дилфуза уни яхши кўрарди. Ҳожиакбар эса бундан фойдаланди. Дилфуза атайин ундан ҳомиладор бўлган. У хотинидан ажраб ўзига уйланиши учун.

– Дугонангиз Ҳожиакбарни севишини эрига айтмоқчи эмасмиди? – сўради прокурор.

– Айтмоқчи эди. Икки ўт орасида қийналиб кетганди. Лекин нима қиларини билмасди, – жавоб берди гувоҳ.

– Яна саволлар борми? – сўради судья.

– Менда Ҳосият Саидовага саволим бор, – деди адвокат.

– Саидова, ўрнингиздан тулинг!

– Гувоҳ Саидова, эрингизнинг Дилфуза билан алоқасини билармидингиз?

– Йўқ, албатта! "Бўёқ олиш учун шартнома тузишга кетяпман", деди, – жавоб берди Ҳосият ғазаб билан тишларини қисиб.

– Эрингиз дадангизнинг фирмасида ишлайди, шундайми?

– Ҳа. Ҳамма нарсани дадам олиб берганлар. Менинг номимга ёзилган... Ҳали уйга боргин, ифлос! Яланғоч қилиб кўчага ҳайдайман! Дадам янчиб ташлайди!

Суд муҳокамаси тугаб, хулосага ўтилди. Прокурор судланувчини айблаб, жазолашни талаб қилиб қаттиқ турди. Алишер Фахриддинов Дилфуза ҳомиладор бўлгани учун икки кишини ўлдиришда айбланиши керак эди.

Сўз адвокат Шавкат Шариповга берилди.

– Зиёли, тиббиёт институтини битираётган, келажаги олдинда йигитни қотилликка қўл уришга нима мажбур қилди? Нима, у бирданига ваҳшийга айланиб қолдими? Хўп, бошқалардан хотинининг ҳомиладорлигини эшитибди. Шартта ишонди-қўйдими? Тешик оғиздан нима гаплар чиқмайди. Кўнғироқ қилиб хотинидан бу гапнинг тўғри ё нотўғрилигини сўраган. Хотини "тўғри" деган. Бунинг учун дарров бориб ўлдириб юборишини тасаввур қилолмаёпман. Ўзини турмага тикқандан кўра, қўл силтаб ажрашиб кетақолса бўлмасмиди? Мана, экспертиза судланувчини "жинни эмас" деб хулоса берган.

– Кейин, ошнаси Ҳожиакбар худди жиноят юз берган вақт атрофида дала ҳовлида нима қилиб юрибди? Бунақа тасодиф камдан-кам учраши мумкин.

Менимча, жиноят олдиндан режалаштириб юриб амалга оширилган.

Энди қотилликка ундаган асосга келсак, у нафақат судланувчида, балки бошқа одамда ҳам бор. Масалан, Ҳожиакбар хотини билан ажрашса, кўчада ишсиз қолармиди? Марҳум Дилфуза унинг хотини ёнига жанжал қилиб бориши мумкинмиди? Чунки Ҳожиакбардан ҳомиласи бор эди.

Судланувчи мушкул аҳволдан хотини билан ажрашиб қутуларди. Ҳожиакбар эса бор-будидан жудо бўларди, — адвокат жойига ўтирди.

Суд судланувчини оқлади. Иш қайта терговга юборилди.

КЕЧИККАН СОҒИНЧ

Чўл худудида жойлашган кўрғонда бир киши пайдо бўлиб қолди. У икки кун атрофни айланиб юрди. Учинчи кун эрталаб эса ўлиги топилди. У тунги соат тўққиз-ўн бирлар орасида ўлдирилганди. Воқеа жойидан жиноят қуроли — ғўла ва чилвир топилди. Дастлабки тергов жараёнида гувоҳлар уни ўша ерлик Жамол Олимов деган йигит билан кўрганликларини айтишди. Жамол қўлга олинган пайтда унинг ёнидан марҳумга тегишли соат чиқди.

Воқеа содир бўлган тунда Жамол ҳақиқатан ҳам марҳумни учратганини тан олди. Ёнидан чиққан соат марҳумнинг мулкига эга бўлиш учун аввал унинг бошига ғўла билан уриб, кейин бўғиб ўлдирган, деган хулосага сабаб бўларди.

Адвокатликка Шавкат Шарипов тайинланди. У айбланувчи билан савол-жавоб қилди.

– Қани, йигирма олтинчи июль кунги воқеаларни батафсил гапириб беринг-чи.

Айбланувчи Жамол стулда букчайиб ўтирар, қўллари хиёл

Адвокатлар фош қилади

титрарди. У томоғини қириб, адвокатга қарамасликка ҳаракат қилганча сўз бошлади:

– Мен анча вақт ишсиз юрдим. Отамнинг сўкишлари, кесатишлари жонимга тегиб кетди. Охири шаҳардан иш топдим. Кейин биринчи маошимни олдим. Шунн ювмоқчи бўлдим.

– Демак, ўша кунн пулингиз бўлган?

– Ҳа, етарли пулим бор эди.

“Пул учун ўлдирганига шубҳа бор”, дея қайд қилди адвокат дафтарига.

– Мархум Маъруф Ҳакимовни танирмидингиз? – савол беришда давом этди адвокат.

– Йўқ, биринчи кўришим, – деди Жамол астойдил. – Ўша кунн соат иккида дўконга ароққа кирдим. У сотувчи билан ҳазил-ҳузул қилиб гаплашиб турган экан. Энди ароқ олувдим, Ботир деган ошнам закуска кўтариб келиб қолди. Иккаламиз дарё бўйига қараб кетдик. Дам олиб гаплашиб ўтирдик. Кейин... ароқ тугаб қолди...

– Ҳар доимгидай.

– Ҳа, – Жамолнинг чеҳраси сал очилгандай бўлди. – Ўзингиз тушунасиз-ку. Соат тўққизлар эди. Яна олиб келмоқчи бўлдим. Тезроқ бориш учун томорқаларни оралаб кетдим. Йўлда ўша кишини учратдим. Мендан сигарет сўради. Гаплашиб қолдик. Жуда яхши одам экан. Кўп жойларда бўлибди. Анча вақт гаплашиб турдик. Кейин хайрлашдик.

“Ўзи ўлдирган одам тўғрисида яхши фикр билдириши мумкинми?” деган саволни ёзиб қўйди адвокат. Кейин яна савол берди:

– Унинг соати қандай қўлингизга тушиб қолди?

Жамол биринчи марта адвокатга тик қаради ва елкасини қисди.

– Ўзи совға қилди! Ўлай агар, ўзи совға қилди! Бир қути сигарет ҳам берди.

– Қанақасига бор-йўғи иккинчи марта кўраётган одамингиз шундай қиммат нарсани совға қилади? Кейин эрталаб ўлиги топилади?

Айбланувчи ерга қаради.

– Биласизми, агар кайфим бўлмаганда сира ҳам олмас эдим. Соатни нима қиламан? Лекин у шунақа одам эдики, ҳар кимни йўлга сола олар эди. Мажбур қилди, қўлимга тутқазиб туриб олди.

"Яна марҳумни мақтаяпти". Адвокат пича ўйланиб қолди.

– Хўп, айтинг-чи, унинг ёнида сигарети бор экан, нимага сиздан сўради?

– Мен ҳам ҳайрон бўлдим.

– Қўлингиз нимага тилинган?

– Дадам билан учрашиб қолдим. Унга кўринмоқчи эмасдим, ўзи йўлимдан чиқди. Маст эди. Онам ўлгандан кейин ҳар кун ичади. Одамлар ундан кўрқади. У мендан пул сўради, ваъз ўқиди, менга ташлана бошлади. Уни тинчлантирмоқчи бўлдим.

– Дадангиз билан муросаларинг ёмонми?

– Ҳа, онам ўлгандан кейин жиннига ўхшаб қолган. Мени уйдан ҳайдаб юборди. – Жамол хўрсинди. – Дўконга борсам, ёпиқ экан. Бошқа йўл билан қайтдим. Чунки Маъруф ака билан учрашиб қолсам, узоқ вақт кўйиб юбормас эди. Борсам, ошнам Ботир ухлаб ётибди. Ароқсиз борганим учун у билан жанжаллашдик. Кейин у аччиқ қилиб уйига жўнади. Мен ҳам уйимизга келиб, дадамга билдирмай томга чиқиб ётдим. Эрталаб ушлаб келишди.

Адвокат гувоҳлар билан учрашиш учун бораркан, бошида турли ўй, фикрлар гўжғон ўйнардди. "Айбланувчи самимий гапиряпти. Саволларга жавоблари аниқ, ҳаммаси мос келади. Жиноят қуроллари – гўла ва чилвирда бармоқ излари йўқ. Гувоҳлар уни жиноят устида кўришмаган... Фақат соат! Асосий далил соат!".

Мурдани дастлаб эрталаб дарё бўйидан кетаётган аёл кўрган. У даҳшатдан қичқириб юборибди. Марҳум икки кун уникида яшаган экан. Аёл томорқасида ишлаб турган экан, ўша киши келиб автобус шаҳарга қачон жўнашини сўрабди. "Бугун кечикдингиз", дебди аёл. Меҳмон ниҳоятда хушмуомала,

Адвокатлар фош қилади

жилмайиб турганмиш. "Менинг тунайдиган жойим йўқ", дебди у. Аёл уйига таклиф қилибди.

Воқеа содир бўлган куни аёл овқат тайёрлабди. Уни чақирмоқчи экан. Кўчада айбланувчи билан гаплашиб, кулишиб турганини кўрибди. Суҳбатларини бўлгиси келмабди. Кейин уни бошқа кўрмабди. Бирга ичгани кетишган, деб ўйлабди. Чунки Жамол маошини "ювиб" юрганини биларкан.

– Нима учун келганини айтмадими? – сўради адвокат.

– Мен сўрадим. Айтишича, ўзининг бахтини кўргани келган, лекин кечикибди.

Жамолнинг ошнаси Ботир шундай кўрсатма берди:

– Ўша куни Жамол мукофот олибди. Дарё бўйида улфатчилик қилиб ўтирдик, ҳеч кимга текканимиз йўқ. Бу орада ароғимиз тугади. Жамол дўконга югуриб бориб келмоқчи бўлди. Оқ йўл тиладим. Шу билан йўқолди-кетди. Мен ухлаб қолибман. Бир соат бўлмади. Қайтганда қарасам, ароқ йўқ, ўзи ичибди. Битта одам ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришга тушди. Ўта сахий эмиш. Соат совға қилди, деб кўрсатди. Нима қилардим, ҳафсалам пир бўлиб уйга кетдим. Яширган пулим бор эди...

– Мархум билан ўша куни учрашдингизми?

Ботир лабини буриб, қўл силтади. Кесатиқ билан жавоб берди:

– Кўрдим ўша пижонни дўконда. Кундузи соат иккиларда. Туриб олиб сотувчига гап сотяпти, пижон. Унга замечаний қилдим. Шундан кейин уни бошқа кўрмадим. – У қўл силтаб ўзича жаврай-жаврай алпанг-талпанг қадам ташлаганча нари кетди.

Дўкончининг айтишича, воқеа бошқача бўлган экан.

– Ўша одам кириб сигарет, зажигалка олди, – дея гап бошлади у харидор қизчага "чиқиб тур" ишорасини қилиб. – Мен билан гаплаша бошлади. Қувноқ одам экан, ҳазилкаш. Кейин Жамол кирди. Жамол чиқиб кетгандан кейин у ҳақида суриштирди. Мен айтиб бердим. Шу пайт Ботир пайдо бўлди-да, ўзидан-ўзи ўша одамга ёпишиб кетди. Эрталабдан ичиб

олган, кимга кесак отишини билмай юрганди. Меҳмон уни шартта полга йиқитиб ташлади. Ботир эмаклаганча "Ҳали яна учрашамиз!" деб гўлдиради.

Адвокат папкасидан Жамолнинг ёнидан чиққан соат суратини олди.

— Мана бу соат сизга танишми?

— Ҳа, — жавоб берди сотувчи, — ўша одамнинг қўлида эди. Жуда бошқача бўлгани учун эсимда қолди.

Адвокат бирор қарорга келолмай ортга қайтаркан, "Соат! Соат!" деган сўз миясини пармаларди. Ростдан ҳам совға қилгандир, лекин буни қандай исботлайди? Уни орқадан кимдир чақиргандай бўлди. Ўгирилиб, ўзи томон келаётган кампирни кўрди. Тўхтаб уни кутиб турди.

— Ассалому алайкум, — саломлашди кампир ҳансираб. — Сиз оқловчимисиз?

— Ваалайкум-ассалом... Ҳа, адвокатман.

— Мен сизга бир нарсани айтмоқчи эдим. Бундан ўн саккиз йил олдин мен санаторияда директор эдим. Синглим ёнимга дам олишга борди...

— Синглингиз ким? — сўради адвокат тушунмай.

— Синглим — сизлар қамаб қўйган Жамолнинг ўлган онаси.

— Хўш-хўш?

— Санаторияда у Маъруф билан танишиб қолди.

— Дарё бўйидан ўлиги топилган одамни айтяпсизми?

— Ҳа, болам... Синглим жуда чиройли эди. Икковлари чиройли жуфтлик бўлишди. Бир-бирини яхши кўриб қолишди. Мен синглим тараф эдим. У дунёга келиб нима кўрди? Сассиқ пиянистаними? Хуллас, болам, Жалол ҳозирги отасининг фарзанди эмас. Бундан фарзанд бўлмайди. Маъруф ўғлини олиб кетгани келган экан. Улгурмади...

Шавкат Шариповнинг миясида чақмоқ чаққандай бўлди. "Мана, нима учун соат совға қилган экан!!!"

Жамол оқланди. Қайта тергов бошланиб, қотил Ботир бўлиб чиқди.

ЎТМАГАН ХИЙЛА

Қизнинг мурдаси ўз квартирасида ваннахонадан топилди. Экспертиза хулосасига кўра, Санобар Убайдуллаева бўғиб ўлдирилган. Жиноятчи айбини яшириш учун мурдани ечинтириб сув тўла ваннага ташлаган. Кейин жабрланувчига тегишли пул, тилла тақинчоқлар, мобил телефони олиб чиқиб кетмоқчи бўлган. Лекин шу пайт жабрланувчининг ҳамхонаси бир таниши билан келиб қолган ва жиноятчини ушлашган.

Жиноятчи Маҳмудов Толиб қотиллик ва талончиликда айбланди.

Айбдор эса мана бундай кўрсатма берган эди:

– Мен ўз машинада киракашлик қиламан. Ўша куни соат еттиларда бир аёл машинамга ўтирди. Уйига боргунча индамади. Етганимизда пули йўқлигини айтди, пул ўрнига ўзини таклиф қилди. Олдин тушунмадим. "Мен тўлашга ўрганмаганман, менга пул беришади", деди. "Нима учун пул беришади?" деб сўрадим. "Уйга чиқайлик, кўрсатаман", деди. Чикдик. Эшикдан ўтишим билан йиқилдим. Нима бўлганини билмайман. Қўлимга кишан солишганда ўзимга келдим. Бошим қон, зирқираб оғирди.

Жиноятчини ушлаган Дадаев Абдорнинг айтишича, у марҳумнинг ҳамхонаси Саъдиева Каромат билан квартирага киришган. Хонада ҳаммаёқ ағдар-тўнтар экан.

Дадаевнинг қаршисидан жиноятчи Маҳмудов чиққан. Дадаев унинг қулоғи тагига урган. Жиноятчининг боши деворга урилиб хушидан кетган. Унинг оёқ, қўлини боғлаб, милиция чақирганлар. Кейин Дадаев ваннахонага қўлини юзгани кириб, мурдани кўрган.

Айбланувчи жон-жаҳди билан Санобарни ўлдирмаганини айтиб қичқиради, сочларини юлар эди. "Ишим яхши, оилам тинч бўлса, наҳотки, шу арзимаган нарса учун ўн беш йилга қамалишимни ўйламайман?" деб зорланарди куйиб-пишиб.

Адвокат Шавкат Шарипов унинг ёнидан чиқиб, идорасига

келди ва эшикни ичкаридан беркитиб олганча йўл-йўлакай ўйлаган мулоҳазаларини тартибга сола бошлади.

Терговнинг заиф ҳалқаларидан бири гувоҳнинг йўқлиги эди. Демак, биринчи галда гувоҳни топиш керак.

Тергов материалида ёзилишича, жиноятчи қилмишини яшириш учун гўё бахтсиз ҳодиса юз бергандай кўрсатмоқчи бўлиб мурдани ваннага ётқизиб қўйган. Ваннани сувга тўлдирган. Босқинчи, талончи одам ўлдириб айбини оғирлаштирамоқчи бўладими? Хўп, қиз қаттиқ қаршилиқ кўрсатгану Маҳмудов уни ўлдириб қўйган. Қочиб қолмайдими? Ваннани сувга тўлдириш шартми?

Айбланувчининг бошидаги жароҳатга қараганда, у ҳақиқатан ҳам ҳушини йўқотган...

Адвокат гувоҳ қидириш учун воқеа юз берган уйга йўл олди. Қарангки, квартирама-квартира суриштириб юриб, охири, воқеани кўрмаган, лекин эшитган гувоҳни топди. У қўшни квартирани таъмирлаётган уста эди.

— Мен қўшни квартирада иккита аёлнинг жанжаллашаётган овозини эшитдим, — жавоб берди уста адвокатнинг саволига. — Жуда қаттиқ бақириб-чақиринди. Кейин қандайдир эркак қўшилди. "Нима қилиб қўйдинг, Каромат?" деди у. Аёл йиғлаганча нималардир деб вағиллади...

— Ҳа, ҳа, давом этинг! — хитоб қилди ҳаяжонланиб кетган адвокат. — Яна нималарни эшитдингиз?

— Ваннага қаттиқ шовуллаб сув оқди. Мен чеккани балконга чиқдим. Энди қайтиб кирмоқчи эдим, пастда машина келиб тўхтади. Ундан бир эркак билан аёл тушди.

— Соат неччи эди?

— Еттилардан кейин... Улар подъездга киришди.

— Аёлнинг кўриниши қанақа эди?

— Қора рўмол ўраб олган, катта қора кўзойнак таққан эди.

— Бошқа ҳеч ким кириб чиқмадими?

— Йўқ, кўрмадим, — деди уста қўлидаги шпателини тахтача билан қириб тозаларкан.

— Раҳмат.

"Демак, таксичи киргунча ичкарида бошқа одам бўлган. Ким у? Албатта, Аброр-да", ўйлади Шавкат. Устанинг кўрсатмаси унга қатъият бағишлаганди. "Аброр, Каромат ва марҳум қандай одамлар ўзи, муносабатлари қанақа бўлган?". Мана шу саволларга жавоб топиш учун Санобарнинг ишхонасига борди ва яқин дугонаси — офис-менеджери Зумрад билан гаплашди. Дугонасининг ўлими унга қаттиқ таъсир қилган эди, кўзига ёш олди.

— Биз қалин ўртоқ эдик, — деди у бўғилиб. — Уч йил бўлди танишганимизга, лекин бир-биримизни умрбод биладигандай эдик. Кўнглида кири йўқ, очиқ қиз эди. Бировга ёмонлик қилиши мумкин эмас.

— Каромат билан муносабати қандай эди? — сўради адвокат.

— Жуда ёмон. Кароматнинг хулқи яхши эмас эди. Уйга эркакларни бошлаб бориши Санобарга ёқмасди. Санобар унинг бир жазманига кимлигини айтиб берибди. Жазмани Кароматни ташлаб кетибди. Бунга Санобар айбдор эмиш. Гўёки улар турмуш қурмоқчи бўлишган экан. Жазманининг ўзи суриштирган, Санобар тўғриси айтган-да. Ёлғон гапира олмасди бечора.

— Аброр деган йигитни танийсизми?

— Бир-икки кўрганман, Кароматга илакишиб юрадиганлардан.

Ота-онаси узоқда, ўқишга киролмаган Каромат номусидан ҳам айрилди. Кейин ўзи истаганича кун кўра бошлади. Пардоз-андозни жойига қўйди, чиройли бежирим кийимлар кийишга ҳаракат қилди. Хуллас, тергайдиган ҳеч кими бўлмаган қиз учун бу ерда кенг эркинлик майдони очилган эди. Аста-секин ҳам маишат қилиб, ҳам пул топадиган бўлди.

Ҳаром топилган ноннинг татимаслигини тушунди, шекилли, негадир бирдан хатти-ҳаракатларида — юриш-туришида ўзгариш юз берди. Кўни-қўшнилари Кароматни маъюс, гамгин кўрадиган бўлиб қолишди.

Кунлардан бир кун Каромат кўчада кетаётган бир жуфтлик ва улар ёнидаги жажжи қизалоқни кўрдию шу пайтгача "жим"

бўлган юраги бирдан "яшаш иштиёқи"да дукиллаб ура бошлади...

Кўчани тўлдириб кетаётган ҳалиги оилага ҳавас билан қараб, кимгадир суюкли, яна кимнидир севиб, ардоқлаб яшашга орзуманд бўлиб қолди...

Каромат аёлнинг бахти яхши оила қуришда, деганлар ҳақлигини ич-ичидан тан олди.

Узоқ вақт эрга тегиш умиди билан юрди ва ниҳоят, Алишерни учратди. Йигитнинг нияти жиддий эди. Бироқ Санобар ҳаммасини барбод қилди. Сирини очиб қўйди.

У Санобардан ўч олишга қасд қилди. Ўч олганда ҳам ҳеч эсдан чиқмайдиган қилиб. Лекин мутлақо ўлдириш нияти йўқ эди, ўлдириш қўлидан келишини тасаввур ҳам қилолмасди. Ўша куни Аброр билан бирга квартирага боришди.

Каромат эшик очилиши билан югуриб чиққан Санобарга ташланиб, қаҳрини соча кетди:

— Ошқовоқдай башарангга ҳеч ким қарамагани учун алам қилиб мени сотгансан! Туғилганингга пушаймон едираман, сен ифлос бақани! — Каромат унинг сочига чанг солди.

— Мендан бўлмаса, бошқа одамдан биларди, барибир! — дея чинқирди Санобар Кароматнинг қўлидан қутулолмай юлқинаркан.

Каромат қизнинг сочини қўйиб юборди-да, пойгакда ётган туфлини олди ва унинг пошнаси билан ура кетди. Санобар қочиб кириб ҳўнграганча ўзини каравотга ташлади. Каромат унинг устига отилди ва жон-жаҳди билан бўға бошлади. Ҳанузгача нима қиларини билмай қаққайиб қолган Аброр югуриб кирди. У ҳеч қачон аёлларнинг бунақа ваҳшийларча уришишини кўрмагани учун ўзини йўқотиб қўйганди. У Санобарнинг юзи кўкариб кетганини кўриб қичқириб юборди:

— Нима қилиб қўйдинг?! Ўлдими?

Шундагина Каромат чангакка айланган қўлларини тортиб олди.

— Ўлсин! Баттар бўлсин! — дея хирқиради у тишлари орасидан.

Аброр талвасага тушиб, ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлай бошлади.

– Энди нима қилдик?! – деди у дир-дир титраб.

– Олиб бориб кўмиб ташлаш керак.

– Йўқ, биров кўриб қолади. Бошқа йўлини топиш керак.

– Қанақа йўл? – Каромат Аброрга умид билан илтижолни тикилди. Аброр юзини чангаллаганча бир зум ўйланиб турди-да, деди:

– Сен ҳозир чиқиб автобусда уч-тўрт бекат юрасан-да, таксида қайтасан. Тушаётганингда "Пулим йўқ" деб таксичини амаллаб уйга олиб кирасан. Қолганини менга кўйиб бер. Ўраниб тусингни ўзгартириб ол. Таксичининг нимжонроқ, ёшроғини танла.

Улар режани амалга оширдилар. Таксичи Маҳмудов Толибнинг чўнтагига пул ва Санобарнинг тақинчоқларини тикиб кўйишди. Бироқ уларга таксичининг бармоқ изларини туширишни унутдилар. Бу эса адвокатга жуда қўл келди.

Каромат адвокатнинг милтиқнинг ўқидай миясига ураётган саволларидан довдираб қолди. Борган сари гапларидан чалкаша бошлади. Охири, бардош беролмади – қилмишини тан олишга мажбур бўлди.

БАДБАХТ

Одмигина кийинган ўн олти ёшлардаги қиз беш қаватли бинонинг биринчи подъезди олдида тўхтаб юқоридаги деразаларга тикилганча турди. Кейин маъюсланганча бошини эгиб нари кетди. Атрофи ўралган болалар майдончасига бориб ўтирди-да, қум ўйнаётган болаларни кузатди. Қиз зерикиб "ух" тортди, сўнг ўрнидан турди, йўлақларни айланди. Яна ўша биринчи подъездга борди. Анча вақт иккиланиб турди. ниҳоят, ботиниб зинадан тўртинчи қаватга кўтарилди. Зиналар ўртасидаги супага етганда оёқлари ўзига бўйсунмади. Дераза токчасига ўтирди, сумкасини ёнига кўйиб, тароқни олди-да, сочини тузатган бўлди.

Юқоридаги эшиклардан бири тарақлаб очилди ва ёш бўлса-да, юзини ажин қоплаган аёл чиқди. Уни кўрган қиз сапчиб ўрнидан турди.

– Ойи! – дея унга талпинди. – Бу мен!..

– Назира! – аёл таққа тўхтади. – Нима қилиб юрибсан?

– Сизни кўргани келдим...

– Кўй, ўтмишни эслатма! Ўзи зўрға кутулдим.

– Ойи, бирга яшасак девдим. У ерлар жонимга тегди!

Аёл алланимани итараётгандай қўлларини олдинга чўзди ва пастга туша бошлади.

– Мени тинч қўй! Йўлингни топиб ол! – дея аёл тақ-туқ юриб кўчага чиқиб кетди.

Қиз ҳам кўз ёшларини артганча ташқарига судралди.

Танзилланинг эри, яъни Назиранинг отаси қиз ҳали жуда ёшлигида қотилликда айбланиб қамалиб кетди. Аёл алаמידан ичкиликка берилди.

У мастлигида қизини аямай уриб алаמידан чиқар эди. Қизи шўхлик қилса, зинага ҳайдар ва эшикни кулфлаб қўярди. Шўрлик қиз йиғлай-йиғлай эшик тагида ухлаб қолганда эса она уни унутарди. Бир неча марта қўшниларнинг раҳми келиб қизни уйига олиб кирган пайтлар бўлди. Бир гал Танзилла маст ҳолда човгумдаги қайноқ сувни қизининг устига тўкиб юборди. Қўшниси қизни касалхонага олиб борди. Хайрият, қўл ва елкасининг фақат териси куйган экан, тузалиб кетди.

Куңларнинг бирида Танзилла уйига ўзига ўхшаш алкаш эркакни етаклаб келди. У билан эр-хотин бўлиб яшай бошлашди. Танзилла қизига энди умуман эътибор бермай қўйди. Қиз шўрлик доим оч-наҳор, кир-чир ва юпун юрар, дуч келган жойда ухлар эди.

Назира шу алпозда сал улғайгач, кўчага қочадиган одат чиқарди. Қўшнилар унинг кўчага қочганини маст онасининг "Ҳов, деворнинг тагида бўлган, қайт! Ҳов, девор!.." дея шанғиллаб бақиршидан биладиган бўлиб қолишди.

Адвокатлар фош қилади

Охири бир кўшни аёл чидамади ва милицияга хабар берди. Қизнинг уйдаги аҳвол ўрганилгач, уни болалар уйига топширишди...

Назира узоқ вақт янгиша шароитга кўниқолмай қийналди. Бола бўлгани учун онаси берган азоблар тез эсидан чиқиб кетди. У уйини, онасини соғинар, лекин қочиб кетишнинг иложини тополмас эди...

Орадан ойлар, йиллар ўта бошлади. Саводи чиққан Назира ҳар куни онасига хат ёзарди, бироқ юбормас, ёзганларининг етиб боришига ишонмас эди.

У улғайгач, коллежга ўқишга кирди, дадасининг манзилини топди. Дадаси билан хат ёзиша бошлади. Уни ўз аҳволидан хабардор қилди. Дадаси ҳар бир хатида қизини жуда-жуда яхши кўриши, кўпи кетиб ози қолгани, озод бўлгач, бирга яшашларини таъкидларди. Назира ҳатто турмага, дадаси билан учрашувга борадиган бўлди.

Танзилланинг кўшниси Саодат опа кечки пайт уйда нон қолмагани учун дўконга чиқиб келмоқчи бўлди. У элик қадамларча юрган ҳам эдики, ерда букчайиб ётган аёлни кўриб қолди ва таққа тўхтади. Аёлнинг устида Назира пичоқ ушлаб турарди. Саодат опа чинқириб юборди, Назира пичоқни ташлаб қочди.

— Ушланглар! Ўлдирди! — жон-жаҳди билан бақирди Саодат опа қизнинг ортидан ҳаллослаб чопаркан.

Нарироқда сигарет чекиб гаплашиб турган икки йигит Назиранинг йўлини тўсди. Қиз юлқинди, лекин қутулиб кетишга кучи етмади.

— Милиция чақиринглар! — деди Саодат опа ҳансираб. — Она... Онасини ўлдирди!

Йигитлардан бири 02 га қўнғироқ қилди. Тезда милиция машинаси етиб келди. Назира ҳибсга олинди. Танзилла ўлган эди...

Адвокат билан учрашувга кирган Назиранинг сочи тўзгиган, кўзларининг ости кўкариб салқиганди. У мушт қилиб тугилган кўллари титраганча кўрсатилган жойга ўтириб бошини эгди.

– Мен адвокатман... Бўлган воқеани сира яширмай айтиб беринг. Агар яширсангиз, мен ёрдам қилолмайман.

Қиз ҳиқиллаб йиғлаганча терговчига айтган гапларини такрорлади:

– Уйимизга тез-тез келиб турардим, узоқдан бўлса ҳам онамни кўришга умид қилардим. Ўша куни ҳам келаётсам, ойим ётибдилар. Куйлагини дарров танидим. Чопиб бориб устига энгашдим. Қарасам, кўкрагига пичоқ санчилган. Нима қиларимни билмай пичоқни суғуриб олдим. Ёрдам бермоқчи эдим...

Хуллас, адвокат Шавкат Шарипов жўяли бирор жавоб ололмади. У Назира тарбияланган болалар уйига борди. Директор ҳам тергов материалидаги гапга ҳеч нарса қўшмади.

– Назира роса тирик етимлик жафосини тортди, – деди у.
– Ёмон йўлга юргани йўқ.

– Пичоқ отишни машқ қилармиди? – сўради адвокат тергов материалидаги кўрсатмага таяниб.

– Ҳа, – жавоб берди директор. – Шунчаки эрмак учун-да. Тўрт қиз эрталаблари юргани чиқар эди.

– Нима учун пичоқ отишни машқ қиларди, а?

– Э, кинодаги бирортасига тақлид қилгандир-да, – директор қўл силтади.

– Мана бу пичоқ танишми? – адвокат Танзиллага урилган пичоқ суратини кўрсатди.

– Шунга ўхшарди шекилли, – мужмал жавоб берди директор.

Ҳамма далиллар Назирага қарши эди. Шунча чеккан азоблари етмагандай, энди қамалиб кетади. Тақдири шундаймикин? Шавкат Шарипов мижозини қандай оқлашни билмай ҳайрон эди. У ўйлай-ўйлай қизнинг дадаси билан гаплашмоқчи бўлди. Балки бирор илинарли маълумот топа

Адвокатлар фош қилади

олар. Адвокат қамоқхонага қўнғироқ қилди. Аммо қизнинг отаси кеча оғир касалликдан ўлганини айтишди. Шавкат ҳафсаласи пир бўлиб хўрсинди. У қизнинг жиноятчи эканига сира ишонмаётган эди. Тўғри, отасининг қамадишига онасининг суюқоёқлиги сабаб бўлган. Шунда ҳам барибир Назира қотиллик қўлидан келадиган қизлардан эмасди. Адвокат қиз билан яна учрашди.

— Дадагиз вафот этибди, кеча, — деди у қизга атаб олиб борган озгина мева-чевани столга қўяркан.

Назира чинқириб юборди, бошига муштлаб, сочини юлди.

— Энди ҳеч кимим қолмади! — у пешонасини столга урди.

— Одам шунчалик бадбахт бўладими! Дадам ягона умидим эди.

— Назира, ўзингизни босинг...

Қиз бошини илкис кўтариб, чақнаган ёшли кўзларини адвокатга тикди.

— Ҳаммасини айтаман! — деди у йиғидан бўғилиб. — Энди барибир... Ойимни Усмон деган одам ўлдирган.

— Нима учун? — адвокат шошиб қолганди.

— Дадамдан жуда катта қарзи бор экан. Улар қамоқда бирга ўтирган. Усмон деган одам турмадан яқинда чиққан. Мен учрашувга борганимда дадам хат бериб, уни Усмон деган одамга топширишим кераклигини айтди. Дадам айтганини бажардим. У квартирамизни менга олиб бериши керак экан. Ойим ўша одамга қаршилиқ қилган бўлса керак...

— Нега бунга аввалроқ айтмадингиз?

— Дадамга яна срок қўшиб беришларидан кўрқдим...

— Назира, менга бир нарсани тушунтириб берсангиз. Нима учун ойингиз сизни уйга қўймади?

Қиз чуқур уф тортди ва ҳорғин жавоб берди:

— Улар — эр-хотин ичкиликка шунчалик берилганларки, квартира тўловларидан жуда катта қарзга ботишган. Кўчада қолиш хавфи бошлангандан кейин кўзларини очишган. Эри олдин ҳам ишлар экан, ойим ҳам ишга кирган. Турмушлари

сал изга туша бошлаган. Шунда менинг пайдо бўлганим уларга ёқмаган. Дадамнинг қамалганини мендан кўрар, мени бадбахт деб ўйларди... Айтганлари рост экан — мен ҳақиқатан ҳам бадбахтман.

ҚАРЗДОР

Байрам ўтириши авжига чиққач, бирдамлик қочди. Ҳамма иккита-иккита, учта-учта бўлиб ўзаро гапга берилиб кетди. Баъзилар рақсга тушар, ёши ўтинқираган икки аёл эса ҳеч кимга эътибор бермай алланималар дея овозлари борича қийқиришарди. Фирма директори Ўктам қизга гоҳ банан тутар, гоҳ ичишга қистар эди. Охири қиз маст бўлиб қолди. У кўзларини зўрға очиб, йиқилай-йиқилай деб ўтирарди. Ўктам соатига қаради, ўн иккига яқинлашибди. У ўзига кўнғироқ қилиб қолган ошнасидан уйга ташлаб қўйишни илтимос қилди. Ҳайдовчиси отасининг маъракаси билан банд бўлиб ишга келмаган эди.

Ўктам Хуморани эҳтиёт қилиб турғазди ва ташқарига етаклади. Бунга кўпчилик эътибор бермади ёки уйига жўнатиб юборади, деб ўйлади. Ошнаси машинасида кутиб ўтирарди, уларни кўриб эшикни очди.

— "Бахт уйи"га ҳайда, — деди Ўктам орқа ўриндиққа жойлашиб, қизнинг бошини кўкрагига қўяркан. Улар ўзларининг кичкинагина оромгоҳларини "Бахт уйи" деб аташарди.

Ошнаси Сулаймон у жойни яхши билар эди.

Ўктам қизнинг оппоқ юзи, фарқ очилган тим қора сочларини силади.

Машина манзилга етиб келиб тўхтади, Ўктам қизни авайлаб, эҳтиёт қилиб пастга туширди ва қизнинг оёқлари ўзига бўйсунмаётгани учун уни кўтариб, кичкина ҳовлига олиб кирди. Қизни каравотга ётқизиб қўйди. Унинг чиройли қоматига қараб туриб ёшлик йиллари бир зумгина кўз олдида гавдаланди. Ёшликнинг муҳаббат фаслига қайтишни истади... Аммо эплай олмади.

Зиёфатда ичимликдан кўпроқ олган экан шекилли, бирдан бутун вужудига қаттиқ титроқ кирди. У гандираклаганича ташқарига чиқди. Сулаймон сигарет чекиб кутиб турарди.

– Қизни уйига олиб бориб қўй, – деди Сулаймонга ва Хуморанинг манзилини айтди. – Мен шу ерда қоламан.

Ўктам қизни суяб чиқиб, авайлаб орқа ўриндиққа ўтқазди.

Сулаймон кетди, Ўктам ичкарига кириб бир пиёла ароқ ичди ва диванга ёнбошлади. "Оғир гуноҳ қилишдан Худонинг ўзи бир асради", деган фикр ўтди хаёлидан.

Ошнаси манзилга етиб бориб, Хуморанинг дарвозасини тақиллатди. Хавотирланиб ўтиришган шекилли, дарвоза дарров очилди. Қирқ ёшлардаги одам кўринди.

– Қизингизни олиб келдим, – деди Сулаймон саломлашиб.

– Қани? – сўради Хуморанинг отаси ва машина ёнига югуриб борди ва қизини кўполлик билан қўлидан тортиб олиб силтади. – Нима бўлди?

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, – деди Сулаймон. – Директори олиб бориб қўй деганди...

Хуморанинг дадаси Тўхтамурод аканинг кўзи қизининг йиртилган ёқасига тушдию титраб-қақшаб кетди. Алам билан увлашга ўхшаш овоз чиқарди. Кўрқиб кетган хотини чопиб келиб қизига ёпишди ва уйга судради.

– Директори қаерда ҳозир? – сўради Тўхтамурод ака.

Сулаймон довдираганидан шошиб қолиб беихтиёр манзилни айтиб юборди. Кейин типирчилаб машинасига ўтирди. У машинани орқага қайтараркан, Тўхтамурод ака "Нексия"сини дарвозадан учуриб ҳайдаб ёнидан ўтиб кетди. Шундагина Сулаймон иш расво бўлганини сезиб юраги шувиллади. У Тўхтамурод аканинг ортидан жўнади. Сулаймон "Бахт уйи"га етиб борганида кеч бўлган эди – Тўхтамурод ака кайф қилиб хаёл суриб ёлғиз ётган Ўктамни ўлгудай савалаб сулайтириб қўйганди...

Ўктам ўлди. Хумора гўзал ва бокира эди, лекин кулиб турган тўлин ой юзини булут хиралаштирди. Тўхтамурод аканинг устидан жиноий иш кўзғалди.

Бундай ҳолатда адвокат нима қила олиши мумкин? Айбдор қилмишини тан олган, қиз эса бокира бўлса?

Адвокат Шавкат Шарипов кўрсатма ва хулосаларни ўрганиб ўтираркан, жабрланувчининг гуноҳи ҳамда айбдорнинг аффе́кт ҳолатида жиноят содир этганини асосий ҳимоя қуроли сифатида қўллаши мумкинлигини ўйлар эди. Лекин "Жиноятни бошқа одам қилган бўлиши ҳам мумкин" деган фикр хаёлидан кетмасди. Бир пайт экспертиза хулосасидаги қуйидаги жумлалар уни сергак торттирди. "Аммо жон жойига берилган бир зарба унинг ўлимига сабаб бўлган. У трубаининг зарбаси эмас..."

"Демак, труба бўлаги зарбасидан ўлмаган... Тўхтамурод ака бирор махсус хизматда ишламаганмикин? — ўйлади адвокат. — Қўл жаңгини билса труба кўтариб юрармиди?". Шунда ҳам у айбланувчининг таржимаи ҳолини ўрганиб чиқди. Мижознинг умри савдода ўтган экан. Бирор спорт тўғарагига қатнашгани ҳақида маълумот тополмади.

Иккинчи гумондор, ўз-ўзидан маълумки, марҳумнинг ўртоғи Сулаймон эди. Мотив? Яъни Ўктамни ўлдиришдан мақсади?

Адвокат Ўктамнинг уйига қўнғироқ қилиб хотини билан учрашувга келишиб олди.

Жазирама бўлса-да марҳумнинг дарвозаси тагида тўн кийиб белбоғ боғлаган икки йигит ва бир кекса киши ўтирарди. Улар адвокатни кўриб ўринларидан туришди. Қуръон тиловат қилинди.

— Келиноий керак эдилар, — деди адвокат юзига фотиҳа тортгач.

— Ичкарига юринг, — дея йўл бошлади йигитлардан бири. Ҳовлида беш-олтита аёл куймаланиб юрарди. Бош-оёқ қора кийинган ёшгина аёл пешвоз чиқди.

— Кўп вақтингизни олмайман, — деди Шавкат.

Адвокатлар фош қилади

— Буёққа юра қолинг, — йўл бошлади келин. Улар бир чеккага қўйилган думалоқ стол атрофига ўтирдилар, Шавкат юзига фотиҳа тортди:

— Жойи жаннатдан бўлсин.

Аёл ҳам юзига фотиҳа тортдию индамади. Лекин аламли юзидан "Шундай шармандаликдан кейин..." демоқчи бўлгани сезилиб турарди.

— Мен эрингизнинг ўртоғи Сулаймон ҳақида сўрамоқчи эдим. У қанақа одам ўзи? — Шавкат аёлнинг сўлғин юзига тикилди.

Келин елка қисиб, лабини бурди ва Сулаймонни менсимаган оҳангда жавоб берди:

— Ўктам акам билан бирга ўқиганлар. Кейин бирга ишладилар.

— Оралари яхши эдимиз?

— Яхши эди шекилли. Сулаймон ака кунда-шунда эдиларда, ишқилиб. Кейин бизнес қилмоқчи бўлибдилар. Бизнеси юришмади, кимдир "тушириб" кетганмиш.

Адвокат бошини ликиллашиб деди:

— Бировни "тушириш" ҳам бизнеснинг бир тури-да, аслида. Аёл унга "ял" этиб қаради.

— Ҳа-я... Бунга ўйламаган эканман.

— Ораларида олди-берди йўқмиди? Ҳм, пул дегандай...

— Ўктам акамдан қарз олган эканлар, бизнес учун.

— Кўпми?

— Ҳа. Ўктам акам унча-мунча пулга жанжал қилмасдилар.

— Жанжал бўлди?

Аёл пешонасини тириштирганча дастурхон четини гижимлаб деди:

— Бир-икки марта Ўктам акамнинг телефонга қаттиқ-қаттиқ бақираётганларини эшитдим.

"Ана, мотив!" дея хаёлидан ўтқазди адвокат ўрнидан тураркан...

Сулаймоннинг тасодифан бир рекламага кўзи тушмаганда, эҳтимол бошига бундай қора қуюнлар ёпирилмасмиди. Рекламада удмуртиялик бизнесменлар арзон баҳода қуритилган сут таклиф қилгандилар. Сулаймон кўнғироқ қилиб суриштирди, нархи ниҳоятда арзон эди. Бу уни шубҳалантирди, албатта, лекин улар ишонтира олдилар. Ана шундан кейин бизнес Сулаймоннинг бошини айлантириб қўйди. "Таваккал қилмасам, чумчуқдай битталаб чўқилаб юравераман, бирим икки бўлмайди" деган фикрга келди у. Ортиқ исмли ўртоғини топиб маслаҳатлашди. Ўртоғи далда берди, Удмуртияга бирга борадиган бўлишди. Сулаймон режасини Ўқтамга тўкиб солди, унга ҳам улуш чиқаришини айтди. Хуллас, каттагина қарз ундиришга эришди.

Янги бизнесменлар "ҳаё ҳайт!" деб сафарга жўнадилар. Йўллари ойдин бўлди. Уларни Ижевск шаҳрида кутиб олган Кузьмин деган одам меҳмонлар учун елиб-югурди. Меҳмонхонага жойлаштирди ва ҳаммаси тайёр бўлиши билан келишини айтиб чиқиб кетди. Мезбон ишончли одамга ўхшар, лекин негадир Сулаймоннинг ичини ит тимдаларди. Ҳақиқатан ҳам Кузьмин тез қайтди. У меҳмонларни битмаган гишт заводи ёнига бошлаб борди.

У ерда муҳрланган контейнерни кўрсатди. Контейнерда гўё қуритилган сут бор экан. Хужжатлар жойида эди. Сал нарида шлагбаум, ёнида комуфуляж кийган соқчи турарди. Кейин Кузьмин идорага борамиз, деб йўл бошлади. Сулаймон йўл-йўлакай ҳужжатларни яна бир бор кўздан кечиргач, анча кўнгли жойига тушди. Бир жойда машина тўхтади. Пастга тушдилар. Уларни олиб келган машина кескин бурилиб жўнаб кетди. Уларнинг ёнига икки киши келди ва ўзларини компания ходимлари деб таништиришди. Сўнгра биргалашиб кетишди. Атроф бийдай дала эди, Сулаймоннинг юраги орқасига тортди. "Бу ерда бир гап бор" деб ўйлади. Уларга келиб қўшилганлардан бири сездирмай орқада қолди. Тўппонча затвори тортилганда чиқадиган овозни эшитган Сулаймон

ортига ўгирилди. Орқада қолган одам тўппонча ўқталиб турарди. Сулаймон жон-жаҳди билан унинг юзига пул тўла сумкани отди ва қоча бошлади. У бутун кучини ишга солиб қочаркан, бир неча марта йиқилди. Сулаймон йўл танламай қочар, юз, кўзларини буталар қамчиларди. У ариқлардан, чуқурлардан сакради, "ҳали қочяпман, демак, тирикман" деган фикр қувват берарди...

Ортиқни эса ўраб олишган, қочишининг иложи йўқ эди. Унга тўппонча тикилиб турарди, битта ўқ елкасига тегди, учтаси баданини тешиб ўтди...

Шундан кейин жиноятчиларнинг бутун эътибори Сулаймонга қаратилди, улар гувоҳни йўқотишлари керак эди. Сулаймон буни яхши тушунарди ва Худодан мадад тилаганча қочиб борарди. Ниҳоятда ҳолдан тойган пайтда бир юк машинаси кўриниб қолди. Сулаймон машинанинг йўлини тўсиб шофёрга илтижо қилиб чиқиб олди ва жиноятчилардан анча узоклашди. Хуллас, омон қолди ва амаллаб уйига қайтди.

Сулаймоннинг бизнеси ана шундай яқунланган эди. Адвокат буни Сулаймоннинг яқин ошналари орқали билиб олди. Шундан кейин у бир-бир қўл жангини ўргатадиган спорт тўғарагига борди. Ниҳоят, Сулаймоннинг қўл жанги тўғарақларига қатнашганини ҳам аниқлади.

— Лекин кўп қатнагани йўқ, — деди тренер, хафсаласизлик билан. — Ҳа, энди бир қизиқиб кўрган-да. Бизда сабр-тоқат керак. Усулни майдалаб ўргатишимизга кўпчилик чидамайди.

— Одамнинг жони чиқадиган даражада зарба бериш усулларини ҳам ўргатасизларми? — сўради адвокат.

— Йўғ-е, нималар деяпсиз! — эътироз билдирди тренер.

— Сулаймон мабодо шу билан қизиқмаганми?

Тренер пешонасини уқалаганча жим қолди, кейин бошини кескин кўтарди.

— Ростдан ҳам бир-икки марта кўрсатиб беришни илтимос қилганди!

— Сиз кўрсатдингиз?

Тренер каловланиб жавоб бермади. Адвокат ўрнидан турди,

масала равшан эди. У далилларни янада ойдинлаштириш учун воқеа содир бўлган жойга борди. "Бахт уйи"дан сал беридаги спиртли ичимликлар дўкони кечаю кундуз ишлар экан. Шавкат ўша тунда савдо қилган дўкончи билан суҳбатлашди. Унинг айтишича, қизил "Нексия" келиб кетганидан кейин бир оқ "Жигули"ни кўрган.

Хуллас, қотил Сулаймон экани исботланди. Ўша тунда Ўктамнинг аҳволини кўрган Сулаймон бутун ич-этини еб эзаётган қарздан қутулишнинг айна пайти деб ўйлаган ва...

ПРОФЕССОР ПАРПИЕВ

Бугун унинг туғилган куни эди. Дастурхон жуда чиройли тузалган, стол атрофида хотини, ассистенти Валия, ўгли Хумоюн ўтирардилар. Уй хизматчиси Анжелика бўшаган ликопларни алмаштириб, пўчоқларни йиғиштириб юрарди. Ишхонасида ҳам ичган профессор тез орада маст бўлиб қолди ва эски "ашула"сини бошлади:

— Сенлар менинг ўлимимни тилайсанлар, — деди у хирқираб. — Яна мақташларингга ўлайми! Менинг давлатим керак сенларга! Шундай "завешание" ёзаманки, тешиккулчанинг тешигига эга бўласанлар!

Хотини Сожида ўрnidан сапчиб туриб, икки қўлини биқинига тиради ва жангга шайланди.

— Давлатингизни гўрингизга олиб кетинг, хўпми? — чинқирди у. — Ўшаёқдаги париларга сарфлайсиз! Ердагилари камлик қилди! Гўрингизда устингизга бостириб қўяман мол-мулкингизни!

— Қабристонга хотинлар қўйилмайди, — деди ўгли Хумоюн соддаларча.

— Кечаси бориб очаман!

Профессор унга қошиқ отди, хотини пиёла билан жавоб қайтарди. Валия уларни тинчлантиришга уринди. Охири у қон босими ошган Сожидани амаллаб ётоқхонасига олиб кирди ва хизматчига қичқирди:

Адвокатлар фош қилади

– Анжелика, раунатин олиб кел!

Анжелика дори топиш учун югурди. Профессор ҳам ўрнидан туриб, сочиқ билан оғзини артганча ўз хонаси томон кетди. Йўл-йўлакай Анжеликага тайинлади:

– Чой олиб кир.

Ўтириш тугаган эди. Бошқалар ҳам ётишга мажбур бўлишди.

Сожида эрталаб уйғониб, юзини ҳам ювмай эрининг хонасига мўраллади. Аҳволни кўргач, бақриб юборди. Эрининг боши ёрилган, қора қонига беланиб ётарди...

Адвокат Шавкат Шарипов ҳибсхонада Анжелика билан суҳбатни тугатди. Ташқарига чиқиб профессорнинг хотинига қўнғироқ қилди ва ўшаёққа жўнади. Иккинчи қаватга кўтарилиб эшик ёнига борган заҳоти у ланг очилди ва ёрқин қизил шапалоқ гулли халат кийган ўрта бўй, озгиндан келган аёл пайдо бўлди. Унинг қомати орқа томондан тушаётган ёруғда яққол ажралиб турарди. Аёлнинг кўзлари адвокатга тешиб юборгудай тикилди.

– Нима бўлди? Нима? – титраб суриштирди у. Адвокат елкасини қисди.

– Кирсам бўладими?

– Ҳа, ҳа, киринг, – аёл ичкарига йўл бошлади.

Қандилда бешта лампочка ёниб турган зал гашга тегар даражада чароғон эди. Шавкат диванга ўтираркан, деди:

– Ўша тунги воқеани батафсил гапириб берсангиз.

Сожида лабини буриб кўзларини чақчайтирди.

– Минг марта эшитгандирсиз! Ўлдирган одам аниқ бўлса, яна нимани суриштирасиз?

– Анжеликанинг қўлидан одам ўлдириш келади, деб ўйлайсизми? – сўради Шавкат бамайлихотир.

– Келмаганда ҳам тасодиф бўлгандир...

– Бўлса бордир... Хуллас, жанжал нима билан тугади?

– Валия мени олиб кириб ётқизди, дори ичирди. Ухлаб қолибман.

– Уйғониб хонангиздан чиқдингизми?

– Йўқ. Ҳаммасини жуда яхши эслайман.

– Ўликни биринчи бўлиб сиз кўрдингизми?

– Ҳа. Эрталаб туриб қарасам, тинчлик. Бирор ёққа чиқибдим, деб ўйладим. Қарасам, ётибди, қонга беланган, боши ёрилган. Мен бақирдим. Валия келди. Милиция чақирдик.

– Анжелика қаерда эди?

– Девор тагида турган экан, шекилли. Дарров пайдо бўлди. Хонага кирмади. "Ўлганми?" деб сўради. "Ўлибди, ўлибди!!" дедим. Эримга бирор нарса бўлганини аввалдан билган, – Сожида ўз тахминини тасдиқлаётгандай бош силкиди.

– Анжеликанинг мархум билан муносабати қандай эди?

– Шўрлик қиз, тоза таъзирини еган. Эрим унга ҳам қўл кўтарди. У ишдан кетмоқчи бўлди. Эрим эса "Агар кетсанг, ўгриликда айблаб турмага ўтқазаман" дерди. Анжелика ҳар доим шикоят қиларди, йиғларди.

Шавкат соатига қаради. У ассистент Валиянинг ишдан кетиб қолишидан хавотирланарди. Адвокат дафтарини ёпиб, ўрнидан турди.

– Майли, бугунча етар, – у ташриф карточкасини узатди.

– Бирор нарсани билиб қолсангиз, қўнғироқ қиларсиз.

Сожида лабини бурди.

– Нимани ҳам билишим мумкин? Ҳаммаси аён-ку, – деди у.

Адвокат университетга бориб, ҳамкасбларидан аввал Валия ҳақида суриштирди. Маълум бўлишича, у профессорнинг маъшуқаси экан. Ҳатто, профессордан битта қизи ҳам бор экан. "Демак, профессорнинг ўлиmidан кейин у ҳам қизи туфайли меросга эга бўлиши мумкин, – деган фикр урилди адвокатнинг миясига. – Фақат профессор қизини тан олган бўлса".

У кимё лабораторияси томон бораркан, икки эшикдан ўтиб, тор коридорга кирди. Бир оз юргач, яна битта эшикка дуч келди, унинг ортидаги коридор анча кенг эди. Шавкатнинг бурнига қандайдир кимёвий моддалар ҳиди урилди. Лаборатория коридорнинг охирида экан. Хонанинг токчалари

Адвокатлар фош қилади

айланасига турли шиша идиш, прибор ва галати ускуналарга тўлган эди. Оқ халатли, оппоқ лўппи юзли, қалин қошлари туташ аёл адвокатга ажабланиб қаради. Шавкат ўзини таништирди ва воқеани суриштира бошлади.

— Ҳаммамиз тарқалдик, — деди Валя кўлидаги қорни катта шиша идишни тоқчага қўяркан. — Мен ҳам ётдим.

— Коридорда ҳеч кимни кўрмадингизми?

— Анжеликанинг патнис кўтариб кетаётганини кўрдим. Патнисда чой бор эди.

— Соат неччи эди?

— Аниқ билмайман. Ўн иккими, ўн бир яримми? Профессорнинг хонасига ҳеч ким киргани йўқ.

— Қаёқдан биласиз ҳеч ким кирмаганини?

Ассистент чуқур "уф" тортди.

— Мен ётган хона профессорники билан ёнма-ён эди. Кейин жуда сергак ухлайман. Салгина овоздан уйғонаман.

Адвокат гапни бошқа томонга бурди:

— Қизингиз бор-а, неччига кирди?

— Ўн еттида.

— Отаси ким?

— Профессор Парпиев, — деди аёлнинг жаҳли чиқиб. — Илгари орамизда "роман" бўлган. Парпиев ўғли борлигига қарамай хотини билан ажрашмоқчи эди. Лекин унинг лавозимини кўтаришди. Шунинг учун журъат қилолмади.

— Парпиев оталигини тан оладими? Ота сифатида расмийлаштирилганми?

— Ҳа. Мен мажбур қилганман. У мени қандай тез севиб қолган бўлса, шунча тез совиди. Мени пул билан алдади...

Адвокат аёлга тикилганча қалтис саволга ўтди:

— Демак, профессордан ўч олишга сабабингиз бор. Бундан ташқари, профессор қолдирган мулкдан меросга ҳам эга бўлишингиз мумкин.

Валя ток ургандай титраб кетди, ёноқларидаги пуштилик бир лаҳзада ўчиб, ранги қув оқарди. Шавкатга у ҳозир йиқилиб тушиб, ҳушидан кетадигандай туюлди. Лекин аёл зўр бериб

ўзини тутди ва ҳайратдан юзи ловуллади, қаҳр билан вишиллади:

– Нима деяпсиз?! Ҳайлаб гапиринг! Буни ҳйлаганим ҳам йўқ, хаёлимга ҳам келмаган! Шундоқ ҳам ёрдам бериб юарди. Бировнинг ўлими устидан нон егандан кўра, ҳаром ўлган эшакнинг гўштини еганим яхши!

Адвокат шошилиб, эгнини қисиб қолди. У бундай портлашни кутмаган эди.

– Профессорни Анжелика ўлдирганига сира ишоналмаяпман, – деди у секин.

– Тўғри, у ўлдирмаган, – маъқуллади аёл сал ўзига келиб.

– Хўш, хўш?

– Мен жуда сергак ухлайман. Ётганимдан ярим соат ўтиб, профессорнинг хонасидан қандайдир овоз эшитилди. "Хотини бирор нарса қилгани келмадимикин", деб ҳйлаб қарамоқчи бўлдим. Эшикни қия очсам, профессорнинг хонасидан ўғли жон ҳолатда қочиб чиқяпти. Кўлида сумка, эгнида куртка. Мен озгина кутиб турдим-да, Оқил ака... профессорнинг ўғлига нима деганини эсладим. Ўғли битта қизни яхши кўриб қолган. Бу отага ёқмаган. Ўғли ўша куни ҳам қиз билан учрашгани бормоқчи экан. Профессор "Агар борсанг, ўша қизни майиб қилиб ташлайман!" деб дўқ урганини эшитгандим. Қизнинг ёнига одамларини жўнатишини айтганди.

Бола кетгандан кейин ичкарига кирдим. Оқил ака ерда ётибди. Қонга ботган. Чиқиб кетдим.

Адвокат ҳайрон бўлди.

– Ие, нимага "Тез ёрдам" ё милиция чақирмадингиз?

Валия афтини буриштирди ва беҳафсала деди:

– Бу менинг ишим эмас, оилавий иш.

– Хотинига ҳам айтмадингиз? Терговда ҳам гапирмагансиз.

Аёл кўзини ерга тикиб каловланди-да, шивирлади:

– Хумоюнга ачиндим. Жуда нозик бола.

– Анжеликага ачинмадингизми? У хизматкор-да, а? –

Шавкатнинг жаҳли чиқди ва ўрнидан туриб кетди.

Адвокатлар фош қилади

— Хумоюнни ёшлигидан биламан, — деди Валия маъюс. — Бундан ташқари, у қизимнинг акаси-ку, барибир.

Шавкат шаҳдам юриб чиқиб кетди, хайрлашишни ҳам унутди. Хумоюнни фақат кечқурун уйдан топди. У кун бўйи аллақерда санғиб юрган экан.

Адвокатнинг қаршисида нимжон, ранги оппоқ, сарғиш сочлари сийрак ўсмир ўтирарди. У шундай ҳикоя қилди:

— Дадам ўша қизни майиб қиламан, одамларимни юбораман, юзига кислота сепиб ташлайди, деди. Мен у қизни яхши кўраман. Аммо дадамни ўлдирганим йўқ. Уйдан қочиб кетмоқчи эдим. Нарсаларимни йиғиштирдим, кийиндим. Агар шундай кетсам, қўрқоқлик бўларди. Кириб ҳаммасини айтмоқчи бўлдим. Эшикни очсам, дадам Анжеликага ёпишяпти. Анжелика дадамдан қутулмоқчи бўлиб, жавон томонга итариб юборди. Жавоннинг устидаги нарсалар дадамнинг устига ағдарилди. Бошига катта мрамар соат тушди. Мен қўрқиб хонамга кириб яшириниб ўтирдим. Агар қочиб кетсам, ҳаммасини мендан кўришарди. — Хумоюннинг узун киприклари ортидаги қўй кўзлари намдан йилтиллади. У адвокатга ҳам умид, ҳам қўрқув билан боқар эди.

— Нимага аввал айтмадингиз?

— Қаттиқ қўрқиб кетдим, ўзимни йўқотиб қўйдим. Мен айбдор эмасман... Анжелика ҳам... Унинг бу ерда ҳеч кими йўқ, узоқдан келган.

— Гапларингизни қандай исботлайсиз?

— Жавоннинг устига қўлим етадими? Анжеликаники-чи? Шкафнинг бўйи икки метрдан баланд... Юринг, кўрсатаман...

Шавкат кўчага чиққанида қоронғу тушганди. Осмонда қора булутлар оҳишта сузиб борар, ҳар замонда улар узилган тирқишлардан юлдузлар милтиллаб қоларди. Лекин адвокатнинг дили ёруғ эди.

ИККИ КАРРА ЎЛИМ

Воқеа содир бўлган жойга милиция чақирилди. Етиб борган пост-патруль хизмати ходимлари ўлиб ётган Эркин Аҳмадов билан уй эгаси Малика Ботировани кўришди. Ўлим соат ўн етти-ўн саккизлар орасида марҳумнинг кўкрак ва қорнига пичоқ санчилиши оқибатида юз берган эди. Хонадан жиноят куроли – ошхона пичоғи топилди, ундаги қон юқи марҳумнинг қон гуруҳига тўғри келарди. Тиббий экспертиза пичоқдаги бармоқ излари Малика Ботированики эканини тасдиқлади.

Шунингдек, марҳумнинг кийимидаги қон доғлари гуруҳи ҳам марҳумниқига мос келди.

Жиноятчининг ақли жойида, қилмишига тўла жавоб бера олади. У айбига иқроп бўлди.

– Ростдан ҳам айбингизга иқроп бўлдингизми? – сўради адвокат Шавкат Шарипов.

– Ҳа, – деди Малика секин, нигоҳини ердан олмай. – Мени зўрламоқчи бўлди, қаршилиқ кўрсатдим. У урди, бўғди. Ошхонага қочиб киргандим, қўлимга пичоқ илинди...

Адвокат айбланувчидан саволларига жўяли жавоб ололмади. Лекин юз берган воқеаларни текшириб кўриши зарур эди. У режасининг бошига "Марҳумнинг хотини қанчалик алоқадор?" деган савол қўйди.

Хотин бир компанияда директор муовини бўлиб ишлар экан. Ўзини Шоҳиста Омоновна деб таништирган ўрта ёшлардаги ҳаракатчан аёл жуда гапдон ҳам экан. У кўп ҳолларда адвокатнинг саволига ўрин қолдирмади.

– Марҳум эрим эди. Ҳалигача ўлганига ишонмайман. Шундай бемаъ依лик, шундай ғалати... Эрталаб ишга жўнади, эшик тагида ўпиб қўйди. Кечқурун милициядан қўнғироқ қилишди. Тушунмайман, нега ўлдирди?

– Ўлдирган аёлни илгари кўрганмидингиз?

– Йўқ, ҳеч қачон кўрмаганман. У ҳақида эрим ҳам бирор нарса демаган. Эрим икковимиз бир-биримизга жуда ишонардик. Турмуш қурганимизга етти йил бўлди. У бошқа

шаҳардан келган. Кафеда тасодифан танишганмиз. Шунақа сермулозамат эдики, кўнглимдагини топарди... Бўлмаса, мен ундан каттаман. Бир йилдан кейин турмуш қурдик. Кечқурунлари кун қандай ўтганини бир-биримизга айтиб берардик. Ҳеч нарсани яширмасдик. Уни ўзимизнинг компанияга ишга жойламоқчи ҳам бўлдим. Йўқ, унамади. Мағрур, мустақил эди.

– Шоҳиста Омоновна, эрингиз сиз билан учрашгунча кечирган ҳаёти тўғрисида гапирганми? – сўради адвокат аёлнинг гапини бўлиб.

Шоҳиста Омоновна қўл силтади.

– Мен сўраб кўрганман, – деди кейин. – Ҳаётида бахтсизлик юз берган экан. Айтгиси келмаётганини тушундим. Менимча, ота-онаси ҳалок бўлган. Биласизми, у туғилган шаҳридан кетаётиб, ўтмиши билан алоқани бутунлай узишга аҳд қилган, ҳаммасини ўша ерда қолдирган. Ҳаммасини тоза варақдан бошламоқчи бўлган. Тан бериш керак, бу осон эмас. Ҳатто, фамилиясини ўзгартирмоқчи бўлибдими, эски ярасини тирнаб нима қиламан, деб ўйладим.

Адвокатга жон кирди ва шошиб сўради:

– Фамилиясини ўзгартирдимми?

– Ҳа, тўйдан кейин менинг фамилиямга ўтди, паспортини ўзгартирди.

– Хўп, айтинг-чи, кейинги пайтларда эрингизда қандайдир хавотир, саросималик сездингизми?

Аёл ўйланиб, тилининг учи билан ингичка лабларини ялади. Ниманидир эсламоқчи бўлиб шипга қаради.

– Йўқ... Тўғри, ишида қандайдир кўнгилсизликлар бўлибди. Мен маслаҳат бердим. Лекин кўриб турибсиз, укажон, асқотмади.

Адвокат аёлнинг гапини тинглаб ўтирардию лекин хаёлида "Марҳумнинг фамилияси Аҳмадов эмас", деган фикр чарх урарди. Шу пайт тўсатдан эсига марҳумнинг ёни тинтилганда чиққан ташриф карточкаси тушди. У пластик операциялар қиладиган клиниканики эди: демак, юз тузилишини ҳам ўзгартирган бўлиши мумкин.

– Шоҳиста Омоновна, эрингизнинг турмуш қуришдан аввалги фотосурати йўқми мабодо? – сўради адвокат.

– Йўқ. Ҳали айтдим-ку...

– Ҳа, майли. Хайр, – Шавкат ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Эркин ҳақиқатан ҳам пластик операция қилдириб юз тузилишини ўзгартирган эди. Врач марҳумни унинг фотосуратидан таниди. Ҳатто, унинг операциядан аввал олинган суратини ҳам кўрсатди. Юзнинг аввалги ва кейинги кўринишини таққослаш учун суратга туширар экан.

Ана энди адвокат жиноятнинг сабаби ва қандай юз берганини аниқлаши керак эди.

Маликанинг қўшниси Сарвар хола шундай гувоҳлик берди:

– Балконда ўтириб чой ичаётгандим. Маликанинг келаётганини кўрдим. Ёнида бир одам бор эди. Малика ҳар доим қувноқ юрарди. Негадир ўша вақтда довдираброқ қадам ташлади. Улар подъездга киришди. Эшик ёпилди, кейин лифтнинг эшиги тарақлади. Биз Малика кўчиб келгандан бери кирди-чиқди қиламиз. Бирга чой ичамиз, гаплашиб ўтирамыз.

– Ёнидаги эркакни эслаб қолдингизми?

– Йўқ, яхшилаб кўролмадим. Соябони узун юпқа шапкани бостириб олганди. Бурнигача бостирган, ияги кўринарди, холос. Малика қанақа одамни бошлаб келаётганини кўролмаганимдан хафа бўлдим... Кейин эса улар сўкишиб, бир-бирини қарғаб кетди. Борган сари қаттиқроқ бақириб-чақиришди. Аммо гапларини англай олмадим. Кейин хириллашни эшитдим, нимадир гурсиллаб йиқилди. Мен чиқиб эшигининг қўнғироғини чалдим. Анча вақт ўтиб эшикни очди. Унинг ранг-қути ўчганди. Кўзлари қутурган итникидай чақнарди, қўллари қон эди. Мен кўрқиб кетдим, уйимга қараб чопдим-да, эшикни маҳкамлаб олиб, милицияга қўнғироқ қилдим.

Адвокат марҳум Эркиннинг шахсини ўрганишга киришди. Бунда Эркиннинг врач берган операциядан аввалги сурати

жуда асқотди. Охири... У айбланувчи Маликанинг эри бўлиб чиқди.

Хуллас, энди Маликанинг яширадиган сири қолмаганди.

Улар бир-бирини ёқтириб турмуш қурдилар. Орада фарзанд бўлмади. Лекин улар бинойидай яшар эдилар. Кейин эри нима ҳам бўлиб бутун борлиғи билан қиморга берилиб кетди. Қимор борлиғини ўраб-чирмаб олган, ҳақиқий касалликка айланган эди. У кечалари аллақажарда қолиб кетар, ўшаёқларга сиғмаган пайтлари уйга келганда эса аҳволига қараб бўлмас эди. Малика уни тойғоқ йўлдан қайтариш учун қўлидан келган ишни қилиб кўрди. Эркинга ҳеч нарса кор қилмади, хотинининг гапларига қонталаш кўзларини чақчайтириб "Жим! Жағингни юм, бўлмаса ўзингни ҳам, уйингни ҳам қиморга тикиб юбораман!" деб бақирарди. Бир куни у жуда хурсанд қайтди ва "Бугун роса катта ютдим!" деб мақтанди, боғлам-боғлам пулларни кўз-кўзлади. Малика нафасини ичига ютди. Эрталаб ишга жўнади. Кечқурун қайтганда эри кўринмади.

Полда чойнак, пиёла синиқлари сочилган, аллақандай кўнғир доғлар кўзга ташланарди. Ошхона пичоғида ҳам қон юқи бор эди. Пули эса йўқ эди. Малика эрини қарзи борлар ўлдириб кетган, деб ўйлади ва милицияга борди.

Эри бир ойда ҳам топилмади, шубҳа фақат Маликага тушди. Суд бўлди ва у ўн йилга қамалиб кетди. Етти йил ўтириб чиқди. Шундан сўнг у судга ҳам, адвокатга ҳам ишонмай қўйди. Бунинг устига, ҳозир терговда аввал қамалганини айтса, жазо баттарроқ оғир бўлади, деб ўйларди.

Малика турмадан қайтиши билан эри қарздор одамлар қистаб, эшигини тақиллатиб келаверишди, яшашга кун бермай қўйишди. Айримлари уйингни сотасан, деб қаттиқ туриб олди. Малика охири ноилож онасидан қолган уч хонали уйини имижимида сотди. Аммо эрининг қарзларини тўламай қочиб кетди. Эри ўз уйини қиморга тикиб, ютқазган экан.

Малика бошқа шаҳардан бир хонали уй олди, иш топди. Худо лозим кўрганча яшаб юрди. Орадан вақтлар ўтди. Энди яралари бита бошлаганда...

Бир куни кўчада кетаётиб иккита йигит қандайдир одамни автомат ўйинлар хонасидан итариб ташқарига чиқариб ташлаганини кўрдию донг қотиб қолди. У одам эрига ўхшар эди. Малика пича қараб турди-да, менга шундай туюлгандир, деб ўйлаб йўлида давом этди. Аммо кўнгли ниҳоятда бесаранжом эди. Юрганда ҳам, турганда ҳам фикри ўша одамда эди. "Наҳотки, бекордан бекорга шунча азоб чекдим, шунақа бўлиши ҳам мумкинми?" деган ўй миясига қуртдай кириб олган ва бетиним гимирлаб чидаб бўлмас азоб берар эди.

Охири сабри чидамади ва кўнглини тинчйтиш учун ўша одамни суриштира бошлади. Автомат ўйинлар хонасида ишловчи йигит у ҳақида билганларини айтиб берди. Ҳа, ҳамма белгилари мос келарди, хатто ҳанузгача қиморни ташламагани. Малика Эркин ўйинхонадан чиққанда орқасидан пойлаб бориб, яшаш жойини билиб олди ва қўшнилардан суриштирди. Ҳа, аблаҳ эри, етти йил турма азоби, қарз берганларнинг дўқ-пўписаларига дучор қилган эри тирик экан!

Эркин собиқ хотини кузатиб юрганини сезиб қолганди. Кутмаган эди, тўсатдан осмондан бошига тош тушгандай бўлди. Чунки Маликада ундан ўч олиш учун ҳамма имконият бор эди. Энди у Маликанинг ортидан пойлай бошлади. У бир куни Маликани кўчада ушлаб олди. "— Хўш, хотинча, шунақа — дунё тор, — деди у тишларини гижирлатиб. — Икковимизга янаям торлик қилади. Ҳужжатларни бер, никоҳ гувоҳномасини бер, бўлмаса, ўзингдан кўрасан!" Маликанинг бадани кўрқувдан жунжикиб кетди. "— Менда ҳеч нарса йўқ", — деди у титраб ва эрининг қўлидан чиқиб қочди.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб Эркин Маликани ошхонада қўлга туширди. "— Хотин, эрдан қочиш яхши эмас. Кел, яхшилиқча гаплашайлик. Ҳамма ҳужжатларни бер, мен ҳатто отингни ҳам унутаман. Менинг ўз ҳаётим бор, хотиним бойвачча, сенга ўхшаган эмас", — деди Эркин.

У Маликани зўрлаб уйига олиб борди. "Менда ҳеч қандай ҳужжат йўқ!" деб ишонтирмоқчи бўлганига қулоқ солмади. Ҳақиқатан ҳам кўп нарсалар эски уйида қолиб кетган эди.

Эркин ғазабдан кўкарганча Маликанинг уйини тинтиб ҳеч нарса тополмагач, жазавага тушди. У Маликага ташланиб, дуч келган жойига урди, кейин бўға бошлади. "— Менинг ўлимимни истаяпсанми? Йўқ, сен ўласан!" деб бақирди у. Малика нафас ололмай, юзи тўлиқ шишди, кўзлари тепага кета бошлади. Шунда чиндан ҳам ўлим билан олишаётганини ҳис қилди ва бор кучини тўплаб, ажал кўлидан қутулди. У ошхонага қараб қочди. Стол устида ётган пичоқ кўзига ҳимоячи бўлиб кўринди. Пичоқнинг сопидан маҳкам ғижимлади.

Қутуриб кетган Эркин ошхонага бало-қазодай бостириб кирди. Малика унинг дуч келган жойига пичоқ санчаверди, санчаверди. Ниҳоят, Эркин гурсиллаб йиқилди. Малика беҳуш қимирламай туриб қолди. Фақат эшик кўнғироғи жириглагандагина ўзига келди. Эшикни очиб қўшни кампирни кўрди. Унинг даҳшатли аҳволи, кийимидаги қон доғларига кўзи тушган кампир ранг-қути ўчганча пастга чопди.

Судда прокурор Маликага қўйилган айблов моддасини ўзгартирди. Яъни у шафқатсизларча қасддан одам ўлдириш моддаси билан эмас, балки ўзини ҳимоя қилиш чорасини ошириб юборганликда айблаб жазо белгиланишини сўради.

— Биз кўриб чиққан иш одатдагидай эмас, — деди у, — камдан-кам учрайдиган воқеа. Марҳум Эркин Тўраевга пичоқ урилгани факт. Пичоқни ким ургани аниқ. Буни экспертиза тасдиқлаган, судланувчининг кийимидаги қон доғлари ҳам исботлаб турибди. Судланувчининг ўзи ҳам айбига иқдор бўлган. Лекин судланувчининг бўйнидаги жароҳат изларининг қандай пайдо бўлгани ҳисобга олинмаган. Судланувчи терговчининг саволига жавоб бермаган. Мана, энди маълум. Хўш, унда нимага судланувчини оқлаб юбориш мумкин эмас, деб сўрарсиз? Тушунтириб бераман.

Одам ўлдириш нимаю, ўзини ҳимоя қилиш чорасини ошириб юбориб одам ўлдириш нима? Агар сизга биров жонингиз, мулкингиз, номусингизга тажовуз қилса, ҳар қандай имкони бор йўл билан ўзингизни ҳимоялашингиз мумкин.

Бунга ҳақингиз бор. Лекин биринчи ёки айтайлик, иккинчи зарба берганингизда жиноятчи тўхтади. Сизга мана шу етарли. Бироқ судланувчи ўн етти марта пичоқ урган. Бу ҳимоя чорасини ошириб юбориш ҳисобланади.

Сўз адвокатга берилди. У шаҳд билан зал ўртасига чиқиб тўлиб-тошиб гапира бошлади.

— Мен прокурор ўз фикрини ўзгартирганидан хурсандман. Бироқ барибир жазо талаб қиляпти. Бир нарсани ёддан чиқармаслик керак. Айбдор битта айби учун икки марта жазоланиши мумкин эмас. Менинг ҳимоямдаги инсон бир марта айбига иқрор бўлган ва гўёки қилган жинояти учун жазо ўтаган. Шунинг учун битта одамни икки марта ўлдирди, деб ҳисоблаш ақлга сиғмайди. Бунинг устига, марҳум ўлимидан олдин ҳимоямдаги инсонга ҳужум қилган, мақсади ўлдириш эди. Ўша пайтда қилмаган жинояти учун етти йил турма азобини бошдан кечирган одамнинг руҳий ҳолатини тасаввур қилинг! Қаршисида бутун ҳаётини дўзахга айлантирган мудҳиш одам турибди ва қолган умрини ҳам олмоқчи! Нима қилиши керак эди? Судланувчи аффект — жазаво ҳолатида бўлган, мияси ишламаган. Шунинг учун у тўла оқланиши керак!

Малика бутунлай оқланди.

ШАЙТОННИНГ СОВҒАСИ

Кимгадир тўсатдан инъом ёғилиб қолади, лекин у вақтинча, чунки у шайтоннинг совғасидир, деган башорат бор. Башорат тўғри шекилли. Аксинча, шунақа ҳам бўлармиди.

Тожихон холанинг опаси ўлиб, уйи унга мерос қолди. Уй бир хонали бўлса-да, зал ва ошхонаси кенг, шаҳарнинг обод жойида, иккинчи қават, яхшилаб таъмирланган эди. Газ билан сувни балконга олиб чиқса, ошхона ҳам бир хонага айланарди. Хўш, энди уни нима қилса экан? Худого шукр, ўзи ва қизининг тураржойи бор. Тожихон хола ўйланиб қолди. Сотса пул бўлди, кул бўлди, деганларидай, қўлдан кетади. Ижарага қўйса-чи? Холага бу фикр маъқул келди ва кечқурун маслаҳат учун

Адвокатлар фош қилади

қизиникига борди. Бирпас гаплашиб ўтиришгач, ижарадан гап очди.

— Жуда тўғри қиласиз! — деди куёви Акмал кўзлари порлаб, домлаларга хос кўрсаткич бармоғини юқорига ниқтаб. У институтда дарс берарди. — Лекин бирйўла ярим йиллик ҳақини олинг. Юрасизми ҳар ой ижарачининг кўзига ёмон кўриниб.

— Бунақа одам топилармикин? — иккиланди Тожихон хола.

— Топилади... Менда қаердадир риэлторнинг телефон рақами бор эди, — Акмал ўрнидан туриб, илгакдаги костюми чўнтақларини ковлаштирди. — Ҳа, мана, — у телефон рақамини қайнонасига ёзиб берди.

Тожихон хола уйига қайтиб қўни-қўшнилардан ҳозирги ижара ҳақининг қанчалигини суриштирди ва ойига бир юз эллик минг сўм деган қарорга келди. Эртаси эрталаб риэлторга қўнғироқ қилди. Унга жавоб берган йигит тезда одам топишини айтди. Хола унга қатор шартлар қўйди: иккита йигит ҳам, иккита қиз ҳам бўлмасин — қилиқ чиқариб қўшнилар шикоят қилишади, кичкина оила ёки ёлғиз йигит, ёлғиз қиз тўғри келади. Риэлтор гарчи топиш қийинлигини айтса-да, бунга кўнди.

У чиндан ҳам тез орада қўнғироқ қилиб, учрашадиган бўлишди. Хола эшикка кўз тикиб ўтираркан, риэлтор йигит чиройли, дўмбоққина ёш қизни бошлаб келди. Улар холанинг опасиникига боришди. Уй қизга жуда ёқди. У ҳар томонга ҳавас билан боқарди. Марҳумнинг анча-мунча мебели ҳам қолган эди.

— Ишлайсанми, ўқийсанми? — сўради хола.

— Институтда ўқийман, — жавоб берди қиз қуюқ киприкларини пирпиратиб.

— Ётоқда яшармидинг?

— Ҳа...

— Бўлмаса нима қилдик? Мен рози, — деди хола пулдан умид қилиб.

Қиз тушунди ва сумкасидан бир халта пул чиқарди. Пуллар

юз минг-юз минг қилиб тахланган бўлиб, қоғоз белбоғи йиртилмаган эди, санаб ўтиришмади. Хола ризэлторга эллик минг суғуриб олиб берди. У шошилинич чиқиб кетди.

— Ишқилиб, ёлғиз кўрқмайсанми, қизим? — сўради хола.

— Йўқ, — деди қиз, — эшиги темирдан экан...

— Унда бахтли бўл, — дея Тожихон хола ўрнидан кўзгалди.

У кўчага чиққач, кўлида шунча пули борлигини ўйлаб ваҳм босди, қизи билан куёвини бирга олиб келмаганидан афсусланди. Кейин "Э, пулим борлигини ким биларди?" деб ўзини юпатди. Киракаш машинага ўтириб уйига етиб олди. Подъезд ҳар доимгидай қоп-қоронғи эди — сан солар, ман солар бўлиб, ҳеч ким куйган лампочкани алмаштирмасди. Хола подъезд остонасидан бир қадам ўтишини билади, алланима вишиллаб, юзига галати ҳаво урилди. Хола нафас ололмай йиқилди, худди кўзларига чўғ тушгандай оғрирди. Кўлидаги сумкасини кимдир тортганини гира-шира эслади...

Қизи Соҳиба онасидан хавотирланиб келганда подъездда кимдир инграётганини эшитди. Қоронғуда бўлса ҳам онасини дарров таниди. Кўрқувдан дағ-дағ титраганча кўлтиғига кириб аранг уйига олиб чиқди. Тожихон холанинг кўзларини қайта-қайта ювишгач, оғриқ босилди. Соҳиба милицияга кўнғироқ қилди.

Милиция ходимлари жуда тез етиб келдилар. Терговчи воқеани суриштирди. Тожихон хола йиғлаб-сиқтаб гапириб берди. "Гумонингиз кимдан?" деган саволга:

— Кимдан бўларди, ўртада турган боладан-да! Пул олганимни ўша кўрди холос-ку! — деди титраб.

Милиция ходимлари воқеа юз берган жойни кўздан кечириб ўтёққич топишди. Терговчи уни авайлаб елим халтачага солди.

— Сиз келаётиб подъезддан чиқаётган ҳеч кимни кўрмадингизми? — деб сўради терговчи Тожихон холанинг қизи Соҳибадан.

— Йигирма беш-ўттиз метрча қолувди, кимдир чошиб чиққандай бўлди, — жавоб берди Соҳиба.

— Кўриниши қанақа эди, кийими?..

Адвокатлар фош қилади

– Эътибор бермабман. Бунақа бўлиши кимнинг хаёлига келибди. Назаримда бошөпқичли қора курткада эди.

Риэлтор Шокир Ёқубов қўлга олинди. Тинтув ўтқазилганда гаражидан бошөпқичли қора куртка, унинг чўнтагидан эса газ баллончаси топилди... Соҳиба қора курткани тахминан таниди. Воқеа содир бўлган жойда тушиб қолган ўтёққичдаги бармоқ излари Шокирники эди.

Жиноят кеч соат тўққиз яримларда юз берган. Шокир уйига тўққизда борган. Эшик тагида хотинига дуч келган. Хотини тезда дугонамикига ўтиб келаман, деб кетган. Хуллас, унинг тўққиз яримда уйда бўлганини тасдиқловчи одам йўқ. Шунинг учун терговчи то хотини соат ўн яримда уйга қайтгунига Шокир бориб жиноят қилиб келишга улгурган, деб ўйлар эди.

Адвокат Шавкат Шокир билан ҳибсхонада учрашди. Шокир қандай балога учраганини тушунолмай куйиб-пишар эди.

– Шу пул учун ўзимни турмага рўпара қилиб, нима, мен аҳмоқманми?! – дея ҳирқирарди у. – Бунақа пулдан қанчасини топяпман-ку!

– Мабодо ижарага келган қиз уюштирмадимикин? – сўради Шавкат ёндафтарига хаёлига келган фикрларни қайд этаркан.

– Ҳайронман... Сира ўхшамайди. Лекин ҳамма шартларга дарров кўнди, – Шокир зўриқиб пешонасини тириштирди. – Тагин ким билади...

– Уй масаласида қизнинг ўзи қўнғироқ қилдими?

– Йўқ, битта домла бор, – деди Шокир секин.

– У қизга ким бўлади?

– Домласидир-да ёки... Бунақа емаган сомсага пул тўлаш мумкин деб тушимга ҳам кирмаганди-я! – Шокир сочини чангаллади, кейин столни муштлади.

– Оти нима?

– Баҳром.

– Сиз Тожихон холанинг уйини билармидингиз? – сўради адвокат синовчан тикилиб.

– Йўқ, – жавоб берди Шокир.

"Орқасидан пойлаб бориши мумкин-ку".

Шавкат папкасини ёпиб ўрнидан турди ва уни юпатди:

– Мен ҳаракат қиламан, умидсизликка тушманг.

Адвокат иккиланиб қолди: институтга борсинми ёки қиз яшаган ётоқхонагами? Охири у ётоқхонага боришга қарор қилди, тинчроқ. Бошини сочиқ билан ўраб келаётган қиз Шоиранинг қирқ учинчи хонада яшаганини айтиб эшигини ҳам кўрсатиб қўйди. Шавкат эшикни қия очган эди, каравотда ички кўйлақда ўтирган қиз чўчиб ўрнидан туриб кетди, шошиб эшикни ёпди. Орадан сал ўтиб қиз эшикдан мўралаб салом берди.

– Сизда озгина ишим бор эди, – деди Шавкат.

– Киринг, киринг, – таклиф қилди қиз. – Ўтиринг, – эски стулни кўрсатди у. Кейин хавотирланиб қаради.

Шавкат ўтириб беихтиёр хонага разм солди. Хаёлидан ўзининг талабалик йиллари ўтди. Худди ҳеч нарса ўзгармагандай эди.

– Шоира шу ерда яшаганми? – сўради кейин.

– Ҳа, бирга эдик, – жавоб берди қиз тирноқларига тикилиб.

– Нимага ижара уйга чиқиб кетди.

Қизнинг афти сал буришди ва ҳамхонасини ёқтирмаслигини сездириб қўйди.

– Шоира бой бўлиб қолган... Акаси бор.

– Қанақа акаси? Баҳром домла эмасми?

Қиз "ялт" этиб қаради ва сўради:

– Сиз ҳам биласизми? Шу, фақат хотини билмаганига ҳайронман!..

– Ижара ҳақини ҳам домла тўласа керак-да?

– Албатта. Бўлмаса қаёқдан олади? Ота-онаси ўртаҳол одамлар, – қиз "шунақа" дегандай бошини силкиди...

* * *

Шавкат эрталаб ишхонасига кириб энди ўтирган эди ҳамки эшик очилиб бир аёл бош суқди.

– Адвокат Шавкат сиз бўласизми? – сўради кейин.

– Ҳа, мен, келинг, – деди Шавкат.

Адвокатлар фош қилади

– Мен Тоҷихон холанинг қизиман, Баҳром Ақромовнинг хотиниман, – деди аёл гижиниб қўлини силтаркан.

– Шунақами? Қани, ўтиринг, – Шавкат аёлнинг важоҳатидан бир оз шошиб қолди.

– Ижарачи қиз эримнинг ўйнаши экан!

Адвокат истеҳзоли илжайди ва аёлга қаради.

– Биладан...

– Вой, яшшамагур, ҳатто сиз биласизу нимага мен билмайман, а?! – сўради аёл Шавкат томон энгашиб.

– Ўзингиздан сўранг...

– Қизнинг ижара пулини фоҳишабоз эрим тўлаган!

– Қаердан биласиз? – Шавкатнинг қизиқиши ортди.

– Ўша кун битта ошнам қарз сўраяпти, деб уйдан пул олди. Мана, ошнаси ким экан! Қиз ҳам эрим пул берганини айтди, сочидан бураб, бурнини деворга ишқаганимдан кейин, – деди Соҳиба.

Адвокат ўйлаб кўриб, вазиятни юмшатмоқчи бўлди:

– Келинони, дарров эрингизни ўйнашга чиқариб қўйманг. Балки беғараз ёрдамлашганлир? Шунақа кўнгилчан домлалар ҳам бўлади-ку. Мана, биз ўқиганда ҳам битта домла бор эди...

Соҳиба ўрnidан туриб вағиллаб кетди:

– Кўнгилчан эмиш, беғараз эмиш! Эркакнинг беғарази бўларканми, хиҳ!! Энди нима қилишимни биладан!.. Институтига бориб бир шарманда қилайки!

"Хотини шунақа бўлгандан кейин эркак бошқа мулойимроғини кўмсайди-да!" деб ўйлади Шавкат Соҳиба чиқиб кетгач. У ҳақиқатга қадам-бақадам яқинлашарди. Энди риэлтор Шокирнинг курткаси, унинг чўнтагидан чиққан газ баллони ва подъезддан топилган ўтёққичи масаласини ҳал қилиши керак эди. Улар асосий далилий ашёлар. Талончи Шокирнинг нарсаларидан фойдаланган бўлса, демак, унга яқин одам. Ким у! Эҳтимол хотини билар?

Адвокатни кўрган Шокирнинг хотини довдираб қолди. Аёл

нима қиларини билмай уёқдан буёққа юрар, сочини чангалтаб тортар эди. Шавкат унинг ниманидир билиши, лекин айтишга қийналаётганини ҳис этди.

– Эрингиз жиноят қилмаган, – деди адвокат аёлга синовчан тиқилиб. – Лекин айбсиз қамалиб кетиши мумкин. – Аёлнинг афти аламли буришди. – Ҳамма далилий ашёлар унга қарши. Кимдир ўрисчасига айтганда "подставка" қилган – оёғидан чалган...

Аёл таққа тўхтаб адвокатга бақрайди.

– Баҳром домла, – деди у ва бошини гуноҳкорона эгди.

– Қанақасига? – сўради Шавкат жонланиб.

– Мен... ҳалиги... у билан учрашиб тураман. Чўнтагимдан калитни олиб нусха яساتган бўлиши мумкин.

– Ие, ие! – хитоб қилди адвокат. У сирнинг бу тариқа очилишини сира кутмаган эди.

– Ўша куни Шоқир акам келганларида домла билан учрашишга кетгандим. Домла қўнғироқ қилиб чақирганди. Бир соат кутдим, у киши келмади.

– Мана, ҳаммаси равшан бўлди. Сиз ҳам қанақа одам билан учрашиб юрганингизни билиб олдингиз, – деди Шавкат ўрнидан тураркан жаҳлини босишга уришиб.

Шоқирнинг хотини унинг йўлини тўсди.

– Акажон, – деди у ялиниб, – менинг хиёнатимни билдирмасликнинг иложи борми?

– Билмадим, – деди адвокат кескин ва хайрлашмай чиқиб кетди.

Шавкат терговчи билан учрашувга жўнади – "иш судга чиқмаса яхши бўлармиди" деган ўйда эди.

МУНДАРИЖА

Мантиқ устунлиги	3
Яшартириш дориси	267
Кечиккан соғинч	280
Ўтмаган хийла	285
Бадбахт	289
Қарздор	294
Профессор Парпиев	300
Икки карра ўлим	306
Шайтоннинг совғаси	312

Ориф ФАРМОН

АДВОКАТЛАР ФОШ ҚИЛАДИ

(детектив роман)

Муҳаррир: Салима Бадалбоева
 Тех. муҳарр.: Шерзод Ҳошимов
 Дизайнер: Нодир Шарипов
 Оператор: Наргиза Содиқова
 Мусахҳиҳ: Иброҳим Кўзиев

Теришга берилди 08.11.2012. Босишга рухсат этилди
 24.01.2013. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ
 гарнитурасида чоп этилди. Шартли босма табоғи 20,0.

Нашр босма табоғи 20,0. Адади нусха 3000.

Буюртма №5.

Нашриёт лицензияси: АІ №183. 08.12.10.

*«Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти босмаҳонасида чоп этилди.
 100100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22 уй.*



Ориф Фармон Фарғона вилояти Ўзбекистон туманининг Даҳанақақир қишлоғида туғилди. Мактабдан сўнг Тошкент Давлат университети журналистика куллиётини битирди. Журналист ва муҳаррир сифатида “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, “Муштум” журналлари, “Постда”, “Огоҳ” газеталари, Республика радиосида кўп йиллар хизмат қилди.

Унинг “Қаловини топсанг”, “Учар тарелка”, “Кўнгиш кўчиси”, “Ёввойи одам”, “Хилватдаги қотиллик”, “Бузғун”, “Шалпангқулнинг саргузаштлари”, “Йўқолган ҳайкалча” китоблари чоп этилган.

ISBN 978-9943-20-115-6



9 789943 201156

«DIZAYN - PRESS»